


Ilm kelajagimiz
ravnaqidir

№-1. 2025



СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИ-
ЯЛАР ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР-
НИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНС-
ФЕРА ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ
НАУКИ И ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ**

**SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECH-
NOLOGY TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER**

Илм келажасгимиз равнақидир

**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION**

Илмий мақолалар журнали

N-1 2025



ТАЪСИСЧИЛАР;
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Ҳар чоракда 1 марта чиқади.

Jurnal 25-05-2020 yil. №11-079
raqami bilan ro'yxatga olingan.

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil
12 dekabrda № 01-06/25-04 raqamli xati
asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat
ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVONNOMA N-11-079.

My.gov.uz. Yagona interaktiv davlat
xizmatlari portali.
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

Hujjat yaratilgan sana: 2020-05-25.

Ariza raqami: 19051279.

НАШР ИНДЕКСИ 190-111.

ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ
матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси 28-уй.
Бошишга рухсат этилди: 05.05.2025.
Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Босма табағи 12,0. Офсет босма.
Офсет қоғози. Адади 100.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 48.

Техник ходимлар:
Эргашева Сайёра
Мамаражабов Ғайрат
Қаршиев Ислом
Рахмонов Маҳаммади
Саҳифаловчи:
Қўшоқова Моҳигул

Таҳририят манзили: Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳри "Баркамол авлод" кўчаси 43 уй.
tursunovsafullo12@mail.ru

Тел: 876 223 07 66.
+99 891 577 90 50.
+99 894 200 49 55.
+99 891 229 22 29.

Бош муҳаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

Турсунов Сайтулла Нарзуллаевич
Тарих фанлари доктори, профессор
Термиз давлат университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

Пардаев Тошкенбой Ражабович
Тарих фанлари доктори, доцент
Термиз давлат университети

Журналнинг илмий котиби:

Холмўминов Хусан Эсимўминович тарих фанлари
доктори, доцент, Термиз давлат университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Абдуқодир
Аскарлов Аҳмадали
Каримов Соҳибназар
Муртазоева Раҳбархон
Сағдуллаев Анатолий
Ашуоров Адҳам
Ражабов Қаҳрамон
Воҳидов Шодмон
Виктор Агаджаниан
Юнусова Хуршида
Абдуллаев Улугбек
Толипов Файзулла,
Дадамирзаева Гулчехра,
Дониёров Алишер
Шамсиддинов Рустам
Обломуродов Наим
Эшов Баҳодир
Саидов Илҳом
Ҳайитов Шодмон
Ғаффоров Шокир
Мусаев Нуриддин
Бобоҷонова Дилором
Абдуллаева Яхшибека
Эргашева Юлдуз
Давлатова Саодат
Маткаримова Садоқат
Раҳмонов Фаҳриддин
Турсунов Нурулло
Тилеуқулов Гауҳар
Бўриев Очил
Қурбонова Манзила
Турсунов Жавли
Хўшбоқов Панжи
Раҳимов Баҳодир

Акчаев Фаррух
Усмонов Муртоз
Ирисқулов Олимжон
Турсунов Анвар
Яқубова Диларам
Аҳмедова Гулчехра
Умаров Иқром
Назирев Бахтиёр
Қаршиев Ислом
Туропова Моҳидил

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бакиров Поён
Умирқулов Бекпўлат
Норбошева Меҳри
Хуррамов Алишер
Алиқулов Рустам
Холиқов Зокир
Абдуқаюмов Асрор
Янгибоев Норқувват
Турдиев Тоштемир
Алланов Қилич
Муртозоев Бобоназар
Шариф Ёқубов

TARIX

МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ХОЛИСОНА ЎРГАНИШ – ҚЎРБОШИ ИБРОҲИМБЕК ТАСНИФИДА

Турсунов Сайпулло Нарзуллаевич

*Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси профессори,
тарих фанлари доктори*

e-mail: tursunovsafullo12@mail.ru.

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0005-2553-6164>

Аннотация: Ушбу мақола XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистон ҳудудида совет ҳокимиятига қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири бўлган Иброҳимбек Чақабоевнинг ҳаёти ва фаолиятини таҳлил қилади. Мақолада миллий озодлик ҳаракатининг бошланиш сабаблари, ривожланиш босқичлари, Иброҳимбекнинг раҳбарлик қобилияти, ҳаракатнинг кучли ва заиф томонлари, шунингдек, совет ҳукуматининг миллий озодлик ҳаракатини бостириш йўлидаги сиёсати ва қўллаган усуллари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Миллий озодлик ҳаракати, Иброҳимбек Чақабоев, совет ҳокимияти, босмачилик, Туркистон fronti, кизил армия, катагон, Бухоро амирлиги, мустақиллик кураши, XX аср.

Аннотация: В статье анализируется жизнь и деятельность Иброҳимбека Чақабоева, одного из крупнейших представителей национально-освободительного движения против советской власти в Узбекистане в 1920–1930-е годы. В статье рассматриваются причины начала национально-освободительного движения, этапы его развития, лидерские качества Иброҳимбека, сильные и слабые стороны движения, а также политика и методы Советской власти по подавлению национально-освободительного движения.

Ключевые слова: Национально-освободительное движение, Иброҳимбек Чақабоев, Советская власть, книгопечатание, Туркестанский фронт,

Красная Армия, репрессии, Бухарский эмират, борьба за независимость, XX век.

Abstract: This article analyzes the life and work of Ibrohimbek Chakabayev, one of the major representatives of the national liberation movement against Soviet rule in Uzbekistan in the 1920s and 1930s. The article examines the reasons for the beginning of the national liberation movement, its stages of development, Ibrohimbek's leadership, the strengths and weaknesses of the movement, as well as the policy and methods used by the Soviet government to suppress the national liberation movement.

Keywords: National liberation movement, Ibrohimbek Chakabayev, Soviet power, repression, Turkestan front, Red Army, repression, Bukhara Emirate, struggle for independence, 20th century.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ/ INTRODUCTION).

Миллий озодлик ҳаракати ва кураши дунёдаги мавжуд ҳамма давлатларни ташкил топиши, элат, миллат бўлиб шаклланиши, озодликка эришмоқчи бўлган халқларни тақдирини ижобий ҳал қилишда асосий тарихий босқич ҳисобланади. Миллий озодлик ҳаракатига аниқ бир элат ёки миллат ўз ҳудудини, тилини, миллий урф-одати, қадриятлари, анъаналари ва маросимларни, хўжалик турмуш тарзини, ҳуқуқий дунё қарашини, моддий-маънавий маданиятини ҳимоя қилиш учун кураш олиб боради. Ёки шу ҳудудда узок асрлардан буён кўшни бўлиб яшаб келаётган, умумманфаатлари бир-бирига жуда яқин бўлган халқларни

ўзаро бирлашуви асосида ҳам миллий озодлик ҳаракатлари олиб борилган. Албатта ҳар бир халқ миллий озодлик ҳаракатини бошлаш ва уни олиб боришда бирдан ғалабага эришмаган. Бу ҳаракат бир неча йиллар ёки асрлар давом этган бўлиб, буни ўзига хос сабаблари мавжуд бўлган.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Миллий озодлик ҳаракатларини ғалабасини йўққа чиқарган асосий сабаб, халқ ичидаги ўзаро келишмовчиликлар, баҳс-мунозаралар, ҳаракат раҳбарларини бошқарув қобилятини етишмовчилиги, ҳокимият учун кураш, хоинлик, хиёнатлар, иқтисодий-ҳарбий аслаҳалардаги етишмовчиликлар, ҳарбий стратегик ҳаракатлар режасини пухта ишлаб чиқилмаганлиги каби ҳолатлар бунга асос бўлиб хизмат қилган. XX асрнинг 20 йиллардаги Ўзбекистон худудидаги совет мустабид тузумига қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракати ҳам шу вазиятни ўз бошидан кечириб ўтди. Туркий халқларга хос миллий озодлик ҳаракатида халқимизнинг орзу-умидлари, дунёвий-диний эътиқодлари, ор-номуси, мардлик, жасурлиги, ватанга содиқлиги, садоқати, муқаддас она ватан, киндик қони тўкилган тупроғи учун жон фидо қилиши асрлароша мужассамлашиб келганлиги ҳақиқатдир. Буним тимсолида минглаб миллий озодлик ҳаракати қаҳрамонлари тарих саҳифаларидан муносиб жой олдилар.

Шунинг билан бирга, миллий озодлик ҳаракати жараёнларида ўз ватанига, халқига, унинг муқаддас диний диёнатига хоинлик қилганлар ҳам ўз номларини тарихда кам қолдирган бўлсалар-да, ҳаминша миллий озодлик ҳаракатига тўсқинлик қилиб келдилар. Мустақиллик йилларида миллий озодлик ҳаракатига бевосита раҳбарлик қилган қаҳрамонларни тарих саҳифасига олиб чиқиш, ҳолисона тарихий таҳлил қилиш, уларни ҳаёти фаолиятини очик қисматли, аянчли босиб ўтган курашларни халқимизга тақдим этиш долзарб масаладир. Миллий озодлик ҳаракати тарихида кўплаб тарихчиларни ўзига жалб этган кўрбоши Иброҳимбек

Чақабоевнинг қисматли ҳаётига оид тарих саҳифаларни варақлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихий манбаларга эътибор берилса Совет ҳокимияти томонидан тугатилган Бухоро амирлигини қайта тиклаш мақсадида Иброҳимбек миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилиб, маҳаллий аҳолини кўллаб қувватлаши туфайли Бухоро амири унга 10 минг бухоро тангаси, 2000 кўй, 300 от, 30 туя юборди. Миллий озодлик ҳаракати иқтисодий-сиёсий Маркази Лоқай вилояти бўлиб, маҳаллий аҳоли Миллий озодлик ҳаракатини кўллаб қувватлади[1]. Иброҳимбек Чақабоевнинг таснифига эътибор берилганда шуни қайд этиш керак, у ақлли, таффақурли, билим савияси юқори, фикрни ўқиб оладиган, ўзбек, тожик, форс ва афғон тилларида бемалол сўзлаша оладиган, айтиладиган сўз ва таклифни таҳлил қила оладиган, мулоҳазали, босиқ, иқтидорли, жисмоний бақувват, узун бўйли, қоматли, муқуллари чайир тортилган, юзидан соғлом, жасурлиги яққол билиниб турган, кўркмас, тек қарайдиган, кўз нигоҳлари ўткир, қарашлари жиддий, ҳарбий қуролларни пухта эгаллаб олган, табиий муҳитни харита қилиш қобилятига эга бўлган, ҳарбий стратегияда ҳужумга ўтиш ва чекиниш вазиятларни тезда фаҳмлаб оладиган, отлик ҳарбий уруш тактикасини мукамал билладиган саркардалиқ қобилятига эга эди.

Иброҳимбекни катта ҳарбий кучга эга эканлигини ҳамда маҳаллий аҳолининг кўпчилик қисмини кўллаб-қувватлаётганини ҳисобга олган совет ҳукумати 1923 йил ноябрда Лоқай вилоятида ер-сув ислоҳоти ўтказиб, маҳаллий деҳқонларга ер-сув бериш эвазига Миллий озодлик ҳаракатидан чалғитиш, маҳаллий озодлик курашчиларини “босмачиликда” айблаб, Совет ҳукумати Лоқай аҳолисини ўз томонига ағдариб олиш учун 120 тонна буғдойни бепул тарқатиб, 35 тонна буғдойни эса совет ҳокимиятига тарафдор бўлган кўнгилли камбағал аҳолига тарқатиб берди, шунингдек, 160 тонна буғдойни маҳаллий деҳқонларга

томорқасига экиш учун берди[2:137].

1924 йил бошларида Ўрта Осиё миллий озодлик ҳаракати деярли тугатилиб, Анварпошшо ва Салим раҳбарлигидаги ҳаракатлар тўлиқ бостирилган бўлса-да, Ўрта Осиёда Иброҳимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракати кучайиб, ушбу озодлик курашни Бухоро Амири Саид Олимхон Афғонистонга туриб қўллаб қувватлаб, Эрондаги Машҳад банки ҳисобидан маблағ билан таъминлаб турди[3:94].

1923 йил сентябрда Иброҳимбек Ўрта қайнар қишлоғини эгаллаб, бутун озодлик кучларини тўплаб, Қизил Армия билан кучли жанглари олиб бориб, кучлар тенг бўлмаганлиги туфайли 200 кишидан иборат ҳарбий қисмларидан ажралиб, Етимтоғ худудида ҳал қилувчи жангларида 500 кишидан ортиқ миллий озодлик ҳаракати катнашчилари ҳалок бўлди. Натижа Иброҳимбек 1923 йил октябрда Ҳисордан чекиниб Боботоғ тизмаларига Сурхондарё худудига кириб келди[4:437].

1923 йил октябрда Қизил Армияга қарши шиддатли жанглари олиб бориб, Иброҳимбек 3800 кишилик миллий озодлик ҳаракати кучларига раҳбарлик қилиб Жонлик қишлоғида Қизил Армияни мунтазам қуролланган армия билан шиддатли жанг олиб бориб, ҳал қилувчи зарбалар берди. Иброҳимбек раҳбарлигидаги Миллий озодлик ҳаракатини бостириш учун Совет ҳукумати 1-чи махсус отлик армиясини тўлиқ қуроллантириб, 800 қилич, 720 найзали милтик, 5 та станновой ва 16 та қўл пулемёти билан таъминланди. Шунингдек Шарқий Бухородаги Миллий озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида мунтазам Қизил Армия қўшинларига 1425 қилич етказиб бериб, махсус тайёргарликдан ўтган 279 та пиёда ва 3306 отлик қўшинларини сафарбар этди[5:48-49].

1923 йил декабрь охирида мунтазам Қизил Армия қўшинларига қарши Иброҳимбек янги миллий озодлик кучларни бирлаштириб кучли зарбалар берди. Маҳаллий аҳоли Иброҳим қўшинларни қўллаб-қувватлаб, озиқ-овқат,

ем-хашак ҳамда кийим бош билан таъминлади. Шарқий Бухоро кучли уруш алангасига айланиб, йирик қўрбоши уюшмалари бирлашиб, шарқий Бухорода Совет ҳокимиятни хавф остига солиб қўйди. Совет ҳукумати Иброҳимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида бутун чора-тадбирларни ишга солиб, нуфузли дин раҳнамоларини, эшон, муфтийларини мажбурлаб Иброҳимбекни Бухоро амири жосуси, Ватан хоини, камбағал бечора кашшоқ халқни бошига кулфат келтирувчи шахс даражасига туширишга мажбур қилди.

1924 йил январда Совет ҳукумати Бухорода махсус диний уламолар йиғилишини ўтказиб, ушбу йиғилишда босмачиларни, революция душманларини, жосусларни Совет ҳукуматини ва меҳнаткаш халқни душмани деб эълон қилиб махсус баённома эълон қилди. Бухоро халқига гўёки ҳақиқий халқ душмани “Инглиз империализмни бўлиб, Англия бутун исломни очик душмани. Бизни душманамиз ўта айёр, ёвуз ҳамда ваҳший бўлиб, ушбу душман Шарқдан то Ислом марказигача бўлган худудларда ёвузлик ишларини олиб бормоқда”. Англияга қарши бутун ислом ва мусулмон дунёсини кучли курашга бирлашамиз, Англияга қарши кураш йўлида ҳалок бўлиб, исломни поклигини сақлаб, бутун халқни курашга чақирамиз. деган хитобнома эълон қилди[6:29].

Ушбу баённома очик ҳолда баланд товуш билан йиғилиш катнашчиларига ўқиб берилиб, Англияни бу ёвуз ниятларни қўллаб қувватлаётган, жосуслик қилаётган кучларга қарши кучларни бирлаштириш, Қизил Армияни оммавий қўллаб қувватлаш масаласи чақириқни бош мавзуси қилиб олинди. Совет ҳукумати топшириғи билан Бухорони катта эшони хожи Домулло Донахон раҳбарлигидаги элчилар Иброҳимбек ҳузурига юборилиб, қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини, Совет ҳукуматига таслим бўлиб, қуроллар топширишни таклиф этди. Бироқ Иброҳимбек ўз кураши йўлини Англия

империализми учун эмас, балки Ватан мустақиллиги, озодлиги учун сарфлашга бағишлаганлиги қайд этиб, Совет ҳукуматига таслим бўлмаслигини қайд этди[7:394].

Шарқий Бухородаги Миллий озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида гражданлар уруш йилларида қирғин ва талончилик билан танилган, Туркистонда миллий озодлик ҳаракатларини бостиришда катта тажрибага эга бўлган Туркфронтини махсус ҳарбий қисмлари ҳисобланган. 7-Туркистон, 6 чи - Олтой, 3 - 4 - ўқчи дивизия, махсус қирувчи полки ва 1 - 2 - ўқчи дивизия батальония, алоқа батальон, 13-ўқчи полк ва 1-алоҳида тожик отлик эскардаси “тозалаш” ишларини амалга оширди[8:126]. Қизил Армияни босқинчилик ва талончилик қирғин сиёсати туфайли маҳаллий аҳолидан кўплаб кишилар кириб ташланди, ногирон ва майиб-мажруҳ бўлиб қолди. Иброҳимбек раҳбарлигидаги милтиқ озодлик кучлари Совет ҳокимиятининг талончилик сиёсатига қарши маҳаллий аҳолини тинимсиз озодлик курашини олиб борди. Иброҳимбек халқ озодлик курашига мунтазам раҳбарлик қилиб, Боботоғ, Шеробод, Бойсун ҳудудларида қаршилик кўрсатиш ҳаракатларини қўллаб қувватлаб, Қизил Армияни босқинчилик сиёсатига жиддий зарбалар берди. Кўрбоши гуруҳлар якка ҳолда ҳаракат олиб бориб, Совет ҳукуматни зафарли юришга тўсқинлик қилди. 1925 ёзида Сурхондарё воҳасини тоғли, дашт ҳудудларида Совет ҳукуматига қарши 400 кишилик миллий озодлик ҳаракати қатнашчилари қаршилик ҳаракатларини олиб бориб, кичик-кичик гуруҳлар кучли қаршилик зарбаларини берди[9:396]. 1926 йил Иброҳимбек миллий озодлик кучларни яна жипслаштириб, совет ҳукуматига қарши жиддий кураш бошлаб, минглаб оилалар бошига тушган кулфат азобларни олдини олишга жиддий киришди. Бу озодлик ҳаракатига қарши 1924 йил февралда Қизил Армиянинг мунтазам армияси Лоқай вилоятини Ингичка қишлоғида Иброҳим кўшинлари билан ҳал қилувчи жанг олиб бориб, кучлар

тенг бўлмаслиги туфайли миллий озодлик кучлари катта кучлар йўқотиб, чекинишга мажбур бўлиб, Афғонистон ҳудудига ўтиб кетди. 1924 йил ёзида Иброҳимбек 600 кишилик катта кўшин билан Тожикистоннинг Панж дарёси орқали ўтиб, Лоқай, Боботоғ, Бойсун ҳудудларни эгаллаб Қизил Армия кўшинларига жиддий зарбалар берди[6:29]. Совет ҳукумати бутун чора-тадбирларини ишга солиб, мукаммал қуролланган мунтазам армияни сафарбар этиб, 1924 йил охирида Иброҳимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик кучларига қарши ҳужумга ўтди. Ушбу ҳаракатда Совет ҳукумати турли воситаларни ишга солиб, миллий озодлик ҳаракати кучларига қарши игво, тухматлар уюштириб, жосуслик ҳаракатидан кенг фойдаланиб, кўрбошиларни бир бирига қарши қўйиб, хатто мажбурий суръатда дин пешволарини намозлар олдиан Иброҳимбекни лаънатловчи тарғиботларга ундади. Халқни ишончини қозониш мақсадида камбағал халққа нон, дон, ер-сув берилишини тарғиб қилиб, миллий озодлик курашини олиб бораётганларни “халқ душмани” деб эълон қилиб, уларни пешонасига “босмачи” деган тамга босилди. Совет ҳукумати 1924 йил олиб борган талончилик ва босқинчилик сиёсати асосида “босмачилик” тўла тугатилди деган баландпарвоз чакирикларига қарамай миллий озодлик ҳаракати давом этиб, миллий маънавий кадриятларни, урф-одатларини, анъаналарни сақлаб қолишга жиддий киришиб, қаршилик ҳаракатини давом эттирди. 1925 йилдан бошлаб миллий озодлик ҳаракати тарқок, заиф, уюлмаган ҳолда олиб борилди. Ушбу миллий озодлик ҳаракатлари совет ҳокимияти раҳбарларига, жумладан, ГПУ, ОКПП ходимларига, коммунист ва комсомол ташкилот бошликларига қарши уюштирилиб, Совет иқтисодий хўжалигини издан чиқариш, сиёсий ташкилотларни барбод қилишга қаратилган эди. 1925 йил бошларида 1000 кишидан ортиқ гуруҳ раҳбарлари миллий озодлик урушига иштирок этиб, бу кичик гуруҳлар Фарим, Душанбе, Кулоб ва Қўрғонтепа, Боботоғ,

Бойсун, Шеробод худудларида ҳаракат қилиб, Шарқий Бухорода совет тузумига қарши курашни давом эттирди[10:137]. 1925 йил февралда Иброҳимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракати Қизил армияни мунтазам 13-ўқчи корпусига қарши шиддатли жанглар олиб бориб, Лоқай, Ғарим ва Боботоғ худудларни эгаллаб, Совет ҳокимиятини ағдариб ташлади[11:72-73].

1925 йил апрелда Шарқий Бухоро худудларида совет ҳокимиятига қарши шиддатли жанглар олиб борилиб, юзлаб кишилар миллий озодлик ҳаракатига иштирок этди. Совет ҳукумати бутун кучларни кичик-кичик гуруҳлар асосида миллий озодлик кураши олиб бораётган ҳаракатга қарши сафарбар этиб, 327 та махсус тайёргарликдан ўтган совет ҳокимиятига хизмат қилувчи 16 та махсус маҳаллий аҳолидан иборат кўнгилли отрядлар тузиб, ушбу кичик гуруҳларга К.Алимов, К.Вахидов, К.Зиёев, Б.Ирматов, Т.Қувондиқов, М.Муҳаммадиев, С.Маҳмудов, К.Одинаев, М.Раҳимов, У.Саидов, К.Сардорев, М.Султонов, Ш.Таиров, К.Тошиев, К.Усмонов ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари раҳбар сифатида сафарбар этди[12:41]. Совет ҳукуматининг бу ғаразли ҳаракатига қарши Сурхондарё худудидаги маҳаллий аҳоли Шарқий Бухоро худудида Иброҳимбекни иқтисодий-ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, Боботоғ, Бойсун, Қоратоғ ва Чолтоғ тоғли худудларда озодлик курашига қўшилдилар.

Совет ҳукумати 1926 йил мартда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Тошкент шаҳрида махсус йиғилишини ўтказиб, Совет тузумига қарши қаратилган ҳар қандай уринишларни, қаршилик кўрсатиш ҳаракатларни тугатиш, аёвсиз қиргин сиёсатини амалга ошириб бўлса-да, “босмачилик” ҳаракатини йўқотиш масаласи кўриб чиқилди. СССР инқилобий ҳарбий кенгаши қарорига мувофиқ С.М. Будённий раҳбарлигидаги Туркистон fronti ташкил этилиб, Туркистон fronti қўмондони этиб К.А.Авксеньевский

тайинланиб, Я.М. Мелькумов эса 8-Туркистон отлик бригада бошлиғи этиб тайинланди. 1926 йил апрелда ташкил этилган Туркистон фронт С.М. Будённий раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракати кучларни тўлиқ тугатиш бўйича махсус ҳарбий ҳаракатлар ўтказиб, Бойсун тоғ тизмаларидаги Хўжа Касип йўналишларида ҳаракат қилаётган Мулло Жайлов, Бойсари, Қосимхўжа, Хуррамбек раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракати гуруҳларга қарши хужумга ўтиб, Иброҳимбекдан алоҳида ҳаракат қилаётган Қўрбош гуруҳларга жиддий зарба бериб[13], 1926 йил ёзида қизил террорчилар Сурхондарё воҳасида оммавий қиргин сиёсатини ўтказди. Бундай оғир шароитга қарамай Иброҳимбек раҳбарлигида халқ озодлик ҳаракати кучлари Боботоғ, Чолтоғ, Қоратоғ худудларида С.М. Будённий раҳбарлигидаги Қизил Армия қўшинларига жиддий зарбалар берди. Бироқ кучларни тенг бўлмаганлиги туфайли 1926 йил 21 августда Иброҳимбек чекиниб Афғонистон худудига ўтиб кетди[14:397].

Миллий озодлик ҳаракатини таг-томири билан йўқотишга киришган Совет ҳукумати 1929 йилги маълумотларда Ўзбекистонда 60 киши, Туркменистонда 70 киши, Тожикистонда 300 киши атрофида “босмачи”лар қолди[15:164] деган сохта маълумотлар тарқатиб, халқ оммасини асосий қисми, миллий зиёлилар, ватан озодлиги, мустақиллиги учун кураш олиб борганларни қириб ташлади ҳамда катагон қилинди.

1929 йил апрелда Шарқий Бухоро чегара худудларида тинимсиз уруш ҳаракатлари олиб борилиб, Совет ҳукуматини террорчилик, қиргин, катагон, талончилик сиёсатидан норози бўлган маҳаллий аҳоли ўз юртини ташлаб муҳожир бўлиб Афғонистон, Эрон, Туркияга кетаётганларни чегара худудларида ушлаб, суд-сўроқсиз отиб ташлаш, қамоққа олиш, катагон қилиш Совет ҳукуматини оддий қундалик иши бўлиб қолди. Шарқий Бухоро худудларида 1928 йил янги халқ ҳаракатлари пайдо бўлиб, Усмонбек, Эшон,

Исоқ, Чори Қаюмов раҳбарлигидаги миллий озодлик дасталари кураш олиб бордилар[16:6]. Саросиё, Боботоғ, Ғарим, Душанбе худудлардаги миллий озодлик ҳаракатларини бостириш мақсадида Совет ҳукумати Қизил Армияни мунтазам қурошланган Т.Т. Шапкин раҳбарлигидаги 7-пулётчи ва 40-қизил армия мунтазам қисмларини сафарбар этди. Ушбу Қизил Армия қисмлари Фузайли раҳбарлигида ҳаракат қилаётган Ғарим, Душанбе, Кулобдаги миллий озодлик гуруҳларга қарши қирғин ҳужумларини амалга ошириб, маҳаллий аҳоли бошига кўплаб кулфатлар келтирди. Фузайли Махсум раҳбарлигида халқ ҳаракатини бостиришда Ҳамро Абиров, Саид Авезов, Саид Ғуломов, Файзи Ғурбатов, Махнадулло Идиев, Д.Мирзобоев каби маҳаллий коммунистлар[17:631] ўз халқига ҳоинлик қилиб, Совет ҳукуматини олиб борган талончилик, миллий камситиш сиёсати, маҳаллий халқлар бошига оғир кулфатлар келтириб, турли воситалар билан халқни кўзини кўрқитиш, ҳар қандай қарши кучларни ўз вақтида йўқотиш борасида турли усуллардан фойдаланган ҳаракатларда фаол иштирок этдилар. Гўёки босмачилик Амир тарафдорлари, маҳаллий бой зодагонлар Англияни қўллаб-қувватлаши билан Совет ҳукуматга қарши “газовот” урушига жалб этмоқда деган бўхтон, уйдурмалар тарқатиб маҳаллий аҳолини бир-бирига қарши курашга жалб этди. Англия ҳукумати гўёки миллий озодлик ҳаракати иштирокчиларини катта ҳажмдаги қурол-яроқ, ўқ-дори маблағлари билан таъминламоқда, Иброҳимбекни моддий-маънавий ҳомийси Англия империализми деган бўхтондан иборат ғоялар тинимсиз тарғиб қилинди. Ҳатто Англия ҳукумати Эронни Машҳад шаҳридаги консулхонаси орқали Афғонистон худудларидан фойдаланиб, беш машина қурол-яроқларни Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган босмачиларга жўнатди деган[10:137] маълумотлар қайд этилди. Ушбу қурол-яроқлар 2 минг кишилик, уч гуруҳдан иборат Иброҳимбек кўшинлари учун махсус жўнатилди.

Натижада яхши қурошланган, инглиз ҳарбийлардан кўмак ҳамда ҳарбий уруш сирларини ўрганган босмачилар 1931 йил март ойида Панж дарёсидан ўтиб Пархар районида Қизил Армия қисмларга ҳужум уюштирди деган ёлғон маълумотлар тарқатилди. 1931 йил март ойи охирида Иброҳимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракати кўшинлари янгидан куч тўплаб, Панж дарёсидан кечиб ўтиб, Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаб, Қизил Армия кўшинларига жиддий зарбалар берди.

Иброҳимбек кўшинларини маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватлаш туфайли Лоқай, Боботоғ худудларини тўлиқ ўз назоратига олиб, Совет ҳокимиятини тугатиб катта ғалабаларга эришди. Совет ҳукумати коммунистик партияни “инсонпарварлик” ғоясини тарғиб қилиб, гўёки меҳнатқаш халқни химоя қилиш учун кураш олиб бормоқда, деб қуруқ-алдов сиёсатини кенг тарғиб қилиб, онгсиз саводсиз кишилар кўлига партия билетини тақдим этиб, ҳокимият халқники шиори остида миллатни миллатга қарши қўйди. Шунга қарамай Совет ҳукуматни қуруқ ваъдаларидан безор бўлган маҳаллий аҳоли оммавий тарзда Иброҳимбек тарафига ўтиш туфайли қисқа вақт ичида Иброҳимбекни ҳарбий кўшинлари сони 7 минг кишини ташкил этиб, Совет ҳукуматига катта хавф туғдирди[18]. Иброҳимбек Совет ҳукумати Ўрта Осиёдаги энг хавфли душманига айланиб, большевиклар сиёсатини мудҳиш режаларни барбод қилди. Натижада Большевиклар бутун куч-қудратни жалб этиб, совет тузумини сақлаб қолиш учун ҳарбий кучларни бирлаштириб, Бойсун, Шеробод, Боботоғ худудларини ўз кўлига қайта олишга жиддий киришди. Ушбу ҳаракат даврида Совет ҳукумати Қизил Армия кўшинларига ҳар қандай разилликларни амалга оширишга раҳнамолик қилди. Жосулик, сотқинлик, пул, мол-мулк ва мансаб бериш йўллари билан Иброҳимбекни йўқотиш йўлларини изладилар. Иброҳимбек миллий озодлик ҳаракати кучларини қириб ташлаш учун 7-

алоҳида Туркистон кавалерия бригадаси, тожик ўқчи батальони, 83-Бегали кавалерия полки, ва алоҳида Ўзбек бригадаси ташланди. Мунтазам қисмлардан ташқари, 5 минг кишилиқ «қизил таёқчилар» отрядлари жалб қилинди. 1931 йил июнда Қизил Армияни мунтазам қирувчи қисмлари Иброҳимбек кўшинларга қарши ҳужумга ўтиб, тенгсиз жанглар натижасида миллий озодлик ҳаракати кучларни қаршилигини бостириб, Иброҳимбек кўшинларга катта талофат етказиши туфайли, халқ озодлиги қатнашчиларидан 970 киши ва 19 кўрбоши ҳалок бўлиб, 1800 киши ва 68 кўрбоши асирга олинди[18]. Асирга олинган озодлик ҳаракати иштирокчиларни асосий қисми суд-сўроқсиз отиб ташланди.

1931 йил июнда кучларни тенг эмаслиги, ҳамда халқ бошига тушаётган кулфатлар, очлик-қашшоқликни ҳисобга олган Иброҳимбек ўз хоҳиши билан Совет ҳукуматига асирга тушиб, маҳаллий аҳолини беҳуда қириб кетишидан сақлаб қолишни мақсад қилди. Натижада 10-июнда Иброҳимбек ва Кўрортиқ миллий озодлик кучлари ўз хоҳишлари билан таслим бўлдилар. Бироқ Совет ҳукумати ўзини сохта маълумотларида гўёки 1931 йил июнда Совет ҳукумати томонидан тузилган кўнгилли ҳарбий отряди бошлиғи Мукум Султонов ОГПУни махсус отлик полки командири Абдулло Валиев томонидан чегарадан қочиб ўтаётганда Иброҳимбек қўлга олинди деган сохта маълумотни тақдим этди[19:400].

Иброҳимбек раҳбарлигидаги қолган кучларни 22 июнда Лободин ва Бенько бошчилигидаги 79-Олой кавалерия полкининг икки эскадрони Ойбулоқ қишлоғида Алимардон додхо, Эшон Исахон, Азимбек ва Қаюм Фафур раҳбарлигидаги кучларни қўлга олди[20:265]. Совет ҳукумати сиёсатида қарши турган ҳар қандай миллий озодлик

ҳаракат раҳбарлари ва унинг иштирокчилари терговсиз ваҳшийларча суд ҳукми билан ўлимга маҳкум этилди. Жумладан, халқ миллий озодлиги йўлида кураш олиб борган, ўз халқини мустақил давлатини ташкил этиш йўлида жон фидо қилган Иброҳимбек Чақабоев. 1932 йил 31 август кунини Тошкент шаҳрида ОГПУнинг ёпиқ суд қарори билан, жумладан у билан бирга ҳаракат қилган 16 нафар миллий озодлик кучлари раҳбарлари ҳам отиб ташланди. Булар қуйидагилардир:

1. Иброҳимбек Чақабоев.
2. Сулаймон Салоҳиддинов (Эшон Судур).
3. Абдуқаюм Парвоначи Улаев.
4. Эшон Исахон Мансурхонов.
5. Алимардон додхоҳ Муҳаммедов.
6. Ортиқ додхоҳ Аширов.
7. Кўганбек Кенжаев.
8. Тошмат Хўжабердиев.
9. Мулла Ниёз Парвоначи Ҳақимов.
10. Алет Полвон Элмирзаев.
11. Шохасан Иманкулов.
12. Кўганбек Шералиев.
13. Мулла Аҳмадбий Саидов.
14. Мирзақаюм Шеров.
15. Азим Марқа Остонакулов.
16. Эшон Полвон Баҳодурзода[21].

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Иброҳимбекнинг мағлубиятидан кейин миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни ўз фойдасига ўзгартира олмади. Совет ҳукумати маҳаллий аҳолининг кенг қатламларига турли ваъдалар ва имтиёзлар бериш орқали миллий кучларни бўлиб ташлаб, уларни тўлиқ бўйсундиришга муваффақ бўлди. Шунингдек, 1930-1938 йиллардаги оммавий террор сиёсатини ўтказиб, озодлик ҳаракати иштирокчиларини қолган қисмини ҳам қириб ташлади ва қатағон қилди.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):

1. ЦГНОРОССИЯ Ф. 1313. оп.1. д. 715. л. 97.
2. Материалы истории таджикского народа в советской период. Сталинадаб. 1954. – С. 137.
3. Иркаев М., Николаев Ю., Шарапов Я. Очерк истории советского Таджикистана. 1917-1957. Сталинабад. 1957. – С. 94.
4. Иркаев М. История гаржданской войны в Таджикистане. Душанбе. 1971. – С. 437.
5. ЦГАРОССИЯ Ф. 110. оп.1. д. 148. л. 48-49.
6. ЦГАРОССИЯ Ф. 110. оп.2. д. 530. л. 29.
7. Инояттов Х.Ш. Народ Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюция. Москва. “Мысль”. 1984. – С. 394.
8. Краснознаменный Туркестанский М., 1976. – С. 126.
9. Инояттов Х.Ш. Народ Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. М. “Мысли” 1984. – С. 396.
10. Зевелев А.И., Поляков Ю.А. Чугунов А.И. Басмачество: возникновение, сущность, крах. М., 1981. – С.137.
11. Фаньян Д.К. Истории Советского строительства в Таджикистане 1920-1929 гг. Сб. док. Сталинабад, 1941, – С. 72-73.
12. Очерки истории Коммунистический партии Таджикистана. Душанбе. 1964. – С. 41.
13. Кранная звезда. 1926 год 22 июня.
14. Инояттов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренний контрреволюций. М., «Мысль». 1984. – С. 397.
15. Зевелев А.Н. Поляков Ю.А. Чугунов А.И. Басмачество: возникновение сущность, крах. – С.164.
16. Аманов А. Конец авантюры Фузайла Максума и Агзама Сталинабад. 1960. – С. 6.
17. Иркаев М. История гаржденской в Таджикистане. – С. 631.
18. Коммунист Таджикистана. 1931 год 5 июля.
19. Инояттов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренний контрреволюций. М., «Мысль». 1984. – С. 400.
20. Мелькумов Я. А. Туркестанцы. – С. 265.
21. Ўзбекистон давлат хавфсизлик хизмати архиви, 577051-иш, 3-жилд.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ХУДУДЛАРИ АҲОЛИСИНING ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ

Холмунинов Хусан Эшмўминович

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари

доктори (DSc), доцент

xusan_75xolmuminov@mail.ru

UO K: 910.4 (091):94.(584.4)

<https://orcid.org/0009-0003-6634-6020>

Аннотация: Ушбу мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўзбекистоннинг жанубий худудлари, хусусан Сурхондарё ва Қашқадарё воҳалари аҳолисининг демографик жараёнлари тарихий контекстда таҳлил этилади. Бу даврда худуднинг Бухоро хонлиги ва Россия империяси таъсири остида бўлганлиги, сиёсий воқеалар, миграцион оқимлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг аҳоли сони, миллий таркиби ва турмуш тарзига кўрсатган таъсири кўриб чиқилади. Мустамлакачилик сиёсатининг демографик жараёнларга салбий таъсири ва маҳаллий аҳолининг ижтимоий муаммолари очиб берилди.

Калит сўзлар: Демографик жараёнлар, Ўзбекистон жанубий худудлари, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро амирлиги, Россия империяси, мустамлакачилик, миграция, аҳоли таркиби, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар.

Аннотация: В статье анализируются демографические процессы населения южных регионов Узбекистана, в частности Сурхандарьинского и Кашкадарьинского оазисов, во второй половине XIX века и начале XX века в историческом контексте. В этот период территория находилась под влиянием Бухарского ханства и Российской империи, рассматривается влияние политических событий, миграционных потоков и социально-экономических реформ на население, национальный состав и образ жизни. Раскрыто негативное влияние колониальной политики на демографические процессы и социальные проблемы местного населения.

Ключевые слова: Демографические

процессы, южные регионы Узбекистана, Сурхандарья, Кашкадарья, Бухарский эмират, Российская империя, колониализм, миграция, структура населения, социально-экономические реформы.

Abstract: This article analyzes the demographic processes of the population of the southern regions of Uzbekistan, in particular the Surkhandarya and Kashkadarya oases, in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century, in a historical context. During this period, the region was under the influence of the Bukhara Khanate and the Russian Empire, and the impact of political events, migration flows, and socio-economic reforms on the population size, national composition, and lifestyle. The negative impact of colonial policy on demographic processes and the social problems of the local population are revealed.

Keywords: Demographic processes, southern regions of Uzbekistan, Surkhandarya, Kashkadarya, Bukhara Emirate, Russian Empire, colonialism, migration, population structure, socio-economic reforms.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).

Ўзбекистонда аҳолининг тарихий-демографик жараёнларини илмий тадқиқ этиш ҳар бир худуд аҳолисининг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ. Буюк ипак йўлида жойлашган Сурхондарё ва Қашқадарё воҳалари Ўзбекистоннинг тарихий-маданий худудларидан ҳисобланиб, демографик омиллар яъни оилавий муносабатлар, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, тотувлик каби жиҳатлар азалдан муҳим ўрин эгаллаган.

Бу воҳалар тарихий демографик

жараёнларини илмий татбиқ этиш мобайнида ўзбек халқининг узоқ йиллар мобайнида миграцион алоқалар туфайли, турли миллат вакиллари билан ҳамжихатликда истиқомат қилиб, ижтимоий-маданий алоқаларни амалга ошириб келганлиги муҳим аҳамият касб этган. Шунингдек, бу даврдаги демографик жараёнлардаги ўзига хос жиҳатлар мавжуд тузум муносабати ва сиёсий воқеийлик билан боғлиқ бўлган. Жумладан XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларидаги аҳоли демографик ҳолатларини мавжуд икки сиёсий тузум контекстида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. [1:87].

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Бу даврда хонликлар томонидан жанубий ҳудудларни эгаллаш мақсадида бир неча бор юришлар олиб борилган. Жумладан, Термиз ҳақиқатан ҳам Бухоро хонлигининг муҳим стратегик мустаҳкам қалъага эга шаҳарларидан бири бўлиб, бир томондан Амударёнинг кенг қирғоқлари, иккинчидан томондан бўйсунмас ва исёнкор қўнғирот уруғининг турли қабилалари уни янада кучли ҳимоя қилар эди. Ана шундай мустаҳкам қалъани эгаллаш орқали Убайдуллахон ўзининг ҳукмронлиги даврида (1702 – 1711йиллар) икки мақсадни амалга оширишни кўзлаганди. Биринчидан, Балх йўлидаги мустаҳкам қалъага эгаллик қилиш, иккинчидан, бўйсунмас ва исёнкор қўнғиротлар ҳукмдори Шералини ҳокимиятдан четлатиш. Мазкур сабаблар туфайли Термизга ҳарбий юриш амалга оширилиб, қўнғиротлардан бўлган шаҳар ҳокими вазифасидан олинди, найман уруғидан Неъматуллабий мазкур вазифага тайинланди[2:147]. Ушбу сиёсий воқеийликлар даврида Шералихон Шеробод шаҳрига асос солди. Жанубий воҳалар бекликлари ҳудудида жойлашган Шеробод кейинчалик амирликнинг энг муҳим ўрин тутувчи шаҳарларидан бирига айланди[3:28].

XIX аср охирида Бухоро амирлигида 27 та беклик бўлиб, маъмурий жиҳатдан

бекликлар амлоқликлардан иборат бўлган. Шунингдек, бекликлар ҳудудида ҳоли яшайдиган ҳудудлар қишлоқ, мавзе ва даҳа номлари билан аталиб келинган. Булар: Чоржўй, Кармана, Зиёвуддин, Нурота, Хатирчи, Китоб, Шаҳрисабз, Чирокчи, Яккабоғ, Ғузор, Бойсун, Қоратегин, Денов, Ҳисор, Дарвоз, Балжувон, Шугнон, Рушон, Кўлоб, Қўрғонтепа, Қабодиён, Шеробод, Калиф, Карки, Будалик, Қабоқли, Қарши бекликларидан иборат бўлган. Шундан Шаҳрисабз, Қарши, Яккабоғ, Чирокчи, Бойсун, Шеробод, Денов, бекликлари жанубий воҳаларда жойлашган энг йирик бекликлардан ҳисобланган [4:281]. XX аср бошларига келиб Бухоро амирлиги ҳудудлари Амударёнинг шарқий соҳилларидан, яъни, Россия Помиридан то Хиванинг кенг давлатларигача чўзилиб боради. Бухоро шимол тарафдан Қизилқум саҳроси билан, ғарб тарафдан Сирдарё ҳамда Хўқанд хонлиги билан, жанубда эса Афғонистон, Шарқда туркман ўлкаси ҳамда Хива дашти билан чегарадош бўлганлиги қайд этилган[5:35].

Бухоро амирлиги катта миқдордаги тўлов ва кўплаб ҳудудларидан ажралгандан сўнг эндиликда мустақил бекликлар сифатида яшаб келаётган Шарқий Бухоро ерларини ўзига батамом тобе қилишга киришди. Шарқий Бухоро деб аталган жуғрофий ҳудудда 10 та беклик: Бойсун, Денов, Қабодиён, Қўрғонтепа, Қоратегин, Кўлоб, Балжувон, Ҳисор, Сарижўй, Шеробод бекликлари мавжуд эди. Аммо Бухоро амирлиги таркибида бўлган бу бекликларнинг амирликдан нисбатан узоқлашиши кузатилмоқда эди. Шарқий бекликлар Бухоро амирлигининг Россия империяси билан тузган шартномасидан норози кучларнинг асосий марказига айланганди[6:57].

Сиёсий беқарорликлар сабабли, 1868 йили Бухоро амираи қўшини ҳисорликларни тор-мор келтириб, Денов ва Ҳисорни қўлга киритди. Шарқий Бухоро беклари амир қўшинлари томонидан қаттиқ жазоланди. Мустақил бекликлар амирликнинг бундай сиёсатидан норози ҳолатда ўз мустақиллигига эришиш учун ҳаракатлари

ва умуман амирлик худудда бекликлар ўртасида ўзаро ихтилофларнинг юз беришига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири эди[7:124].

Бухоро амирлиги ижтимоий сиёсий бошқарувидаги ўзаро ички низолар, анча қолоқ даражадаги ижтимоий турмуш амирлик сиёсий бошқарувига ўз таъсирини кўрсатаётган эди. Россия империяси қўшинлари билан бўлган жанглардаги мағлубиятдан сўнг, мустамлакачилар амирлик устидан тўла бошқарувни кўлга киритган эди Шундан сўнг Россия империяси сиёсий маъмурлари аста-секин ўзининг хукмронлик доираларини кенгайтириш бошқарувни мустахкамлаш мақсадида кўпроқ рус миллатига мансуб аҳоли вакилларини кўчириб келтириш, рус манзилгоҳларини кўпайтириш масалаларига эътибор қарата бошладилар. Жумладан, шу мақсадда савдо йўлларини кенгайтириш, почта- алоқа йўлларини янада яхшилаш мақсадида 1877-1888 йилларда Бухоро худуди орқали ўтувчи Красноводск- Самарканд, 1907 йилга келиб эса, Бухородан –Когонгача темир йўллари барпо қилинди. Рус маъмурларининг темир йўллар қурилишига алоҳида эътибор берганларини яна шунда кўриш мумкинки, чор ҳукумати йўлларнинг турли объектларига ўзларининг масъулларини тайинлаган эдилар. Хусусан, 1886 йилдан бошлаб муҳандис К.Толпиго Самарқандда, техник Р.Полмигрэн Каттақўрғонда, техник В.Лекинский Зиёвиддинда, муҳандис С.Иванов Бухорода, муҳандислар Д.Семагин ва Л. Дараганлар Қорақўл ҳамда Амударёда, техник С.Качурский Қарши ва Термизда йўл қурилиши ишларини назорат қилишга тайинланган эдилар[8:70].

Манбаларда келтирилишича, Россия элчилари Бухоро амирлиги худудлари, хусусан Сурхон воҳасини 1675 йиллардан бошлаб жиддий тарзда тарихий географик жиҳатдан чуқур ўрганила бошлаган. Жумладан Сурхон воҳасининг Бойсун, Шеробод, Термиз худудлари орқали Паттакесар кечуви ва ундан Балхга ўтиш худудлари тўғрисида дастлабки тарзда рус элчиси Давидов, маълумотлар тўплаган. Н.

Покотило ўз маълумотларида жанубий воҳаларнинг ижтимоий ҳаёти Шерободдарё ва Сурхондарёнинг тинч оқими деҳқончилик қилиш учун қулайлиги, ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ҳамда пахтачилик ривожини учун катта имкониятлар мавжудлиги тўғрисида муҳим маълумотларни берган[12:37]. Дарҳақиқат, Россия империяси пахта етиштириладиган майдонларни кенгайтиришга биринчи даражали иш сифатида қараган бўлса-да, аммо бу сиёсатнинг тағ замирида яна бир қанча мақсадлар ҳам мужассамлашган. Россия империясининг ҳукумат бошлиқларидан бири А.В.Кривошеин бу хусусида:- “ Бу марказий масалада уч мақсад мавжуд: агар биринчисида ярқираб турган ёзув “пахта” бўлса, иккинчисида “суғориш”, ниҳоят учинчисида, унча кўзга ташланиб турмаган бўлса ҳам, аслида ҳаммасидан муҳими русларни кўчириб келтириб жойлаштириш масаласи турибди” [13:33], деган фикрни билдирган эди. Бу даврда маъмурий ҳукумат вакиллари томонидан темир йўллар атрофидаги худудларга рус миллатига мансуб аҳоли вакилларини кўчириб келтириш ишлари катъий тарзда олиб борилди. Шунингдек, ушбу худудларда истиқомат қилаётган аҳоли вакилларининг ижтимоий турмуш тарзига алоҳида эътибор қаратила бошлаган. Яъни касалхоналар, мактаб, клуб, маданий муассасалар, болалар боғчаси каби муассасалар аввало ушбу темир йўллар атрофида истиқомат қиладиган аҳоли вакиллари учун барпо қилинишига алоҳида эътибор қаратишган. Шундай мақсадларда 1989-1907 йилларда Бухорода дастлабки тарзда иккита касалхона ва битта дорихона қурилиб, ишга туширилган. 1910 йилда эса дастлабки рус-тузем мактаби фойдаланишга топширилган[14:19]. Шунингдек, жанубий воҳаларда ҳам кўчириб келтирилган аҳоли вакилларининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш ҳамда уларга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширила бошлаган эди.

XX аср бошларида Ўзбекистон ва унинг

жанубий воҳаларида аҳоли сони ҳамда миллий таркибининг ортишида албатта барча ижтимоий омиллар билан бир қаторда, Россия маъмурлари томонидан минтақаларга саноат соҳасини олиб кирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бу даврга келиб жанубий воҳаларда аграр соҳадаги ислоҳотлар Россия империясининг пахтачилик саноатини ривожлантиришга эътибор қаратилиши албатта катта манфаатларни кўзлаб амалга оширилганлиги билан изоҳланади. Бу борадаги ислоҳотлар мобайнида жанубий ҳудудларда хусусан Термиз шаҳрида 30 дан ортиқ савдо ва саноат корхоналари пайдо бўлишига замин яратган. [15:209] Пахтачиликда катта тажриба тўпланиб, Россия империяси учун муҳим бўлган хомашё базаси яратиш ишларига эътибор қаратила бошлаган. Бутун Шарқий Бухорода етиштирилган пахта хом ашёси Термиз шаҳрида тўпланган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, воҳада саноатнинг ривожланиши етиштирилган хом ашё ва саноат маҳсулотларини ташиб кетиш муаммоларини юзага келтирди. Ана шу муаммоларни ҳал этиш мақсадида XX аср бошларига келиб империя ҳукумати ҳарбий-стратегик жиҳатдан зарур бўлган Когон-Термиз темир йўлини қуриш бошланиб, 1916 йилга келиб Когон-Термиз темир йўли [15:210] қуриб битказилади. XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистон жанубий воҳаларидаги аҳолининг демографик жараёнлари тарихини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар

шунинг кўрсатмоқдаки, бу даврда жанубий воҳаларда аграр соҳадаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши, пахтачилик саноатининг ривожлантирилиши каби омилларнинг туб моҳияти мустамлакачилик манфаатларини кўзлаб амалга оширилган бўлиб, аҳоли вакилларининг ижтимоий демографик жараёнлардаги муаммоларини бартараф этишда асосий омиллар бўла олмаган. Яъни бу жараёнлар шу билан изоҳланадики, жанубий воҳалар бекликларидаги аҳолининг ижтимоий турмуш тарзида демографик жараёнларида ҳали кўп ва муаммолар мавжуд эди.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси демографик жараёнлари трансформацияси мустамлака, совет ва мустақиллик йилларини камраб олган уч муҳим тарихий босқичларда содир бўлган эди. Бу тарихий жараёнларда аҳоли ижтимоий турмуш даражасидаги ўзгаришлар турлича бўлган. Жумладан, Ўрта Осиёда Россия империяси мустамлакачилик тартиблари ўрнатилганидан сўнг бошқа минтақалардан турли миллат вакилларининг кўчириб келтирилиши минтақада маҳаллий аҳоли демографик жараёнларига бевосита таъсир қилган. Бу ҳолат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида айнан маҳаллий аҳоли вакилларининг ижтимоий турмуш тарзи ва демографик жараёнларида ўзига хос муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлган эди.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент, 2016. – Б. 129.
2. Холиқова Р.Э. XIX асрда Бухоро амирлиги // Жамият ва бошқарув. 2000. 3-сон. – Б. 41 – 44.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб // Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. 102-бет.
4. Туркистон Чор Россияси муштамлакачилиги даврида: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т, 1-Тошкент., 2000. -Б. 44.
5. Холиқова Р. Россия – Бухоро: тарих чоррахасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б. 133.
6. Ашуrow Я.С. и другие. Бухара. Краткий справочник-путеводитель. Т. Узбекистан. 1968. (104с). – С. 18
7. Хидиров Х.Ж. . Туркистонда темир йўл қурилиши. // Давр. Замон. Шахс. Илмий-амалий мақолалар тўплами. 2 қисм, 2016 йилнинг II чораги. Термиз: «Сурхон-Нашр». – Б. 67–70.
8. Равшанов П. Қашқадарё истиқлол арафасида 1986-1989 йиллар. – Т.: Маънавият, 2003. 177-б.
9. Ўзбекистон Миллий архиви, И 1-фонд,13-рўйхат, 1237-иш, 2-варақ.
10. Митаишвили А.А. Экономические проблемы развития транспорта. –Москва: Транспорт, 1982. – С. 231.
11. Логофет Д.Н. На границах Средней Азии. Кн. III. Бухарско-Афганская граница. – СПб., 1909. – С. 7.
12. Покотило Отчет о поездке в пределы Центральной и восточной Бухары в 1886 гг. – Ташкент, 1888. – С. 37.
13. Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестан. – СПб., 1912. – С. 3.
14. Ашуrow Я.С. и другие. Бухара. Краткий справочник-путеводитель. Т. Узбекистан. 1968. (104с). – С. 19
15. Турсунов С., Тўхтаев А. Жарқўрғон. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 57.

ЎРТА АСР АЛЛОМАЛАРИНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Қаршиев Рустам Мардонович

Навоий давлат университети доценти,

тарих фанлари номзоди

ЎЎК 008.374.2

<https://orcid.org/0009-0005-7396-4141>

Аннотация. Ушбу мақолада Марказий Осиёда IX-XII асрларда ва Темурийлар даврида (XIV-XV асрларда) яшаган буюк алломаларнинг ҳаёти, илмий фаолияти ҳамда ижтимоий сиёсий қарашлари баён этилган.

Калит сўзлар: “Ману қонунлари”, “Махабхарата”, “Авесто”, Абу Наср Фараби, Арасту, Ибн Сино, Алишер Навоий, илмий мерос, ижтимоий сиёсий қарашлар.

Аннотация. В данной статье изложены жизнь, научная деятельность и социально-политические взгляды великих учёных, живших в Центральной Азии в IX-XII веках и в эпоху Тимуридов (XIV-XV веках).

Ключевые слова: «Законы Ману», «Махабхарата», «Авеста», Абу Наср Фараби, Аристотель, Ибн Сина, Алишер Навои, научное наследие, социально-политические взгляды.

Abstract. This article outlines the life, scientific activity, and socio-political views of great scholars who lived in Central Asia during the 9th-12th centuries and the Timurid period (14th-15th centuries).

Keywords: "Laws of Manu", "Mahabharata", "Avesta", Abu Nasr Farabi, Aristotle, Ibn Sina, Alisher Navoi, scientific heritage, socio-political views.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Жамият ҳаётида рўй берадиган ҳар бир ўзгариш маълум бир тарихий шароитнинг маҳсули ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий фанларда ўрганиладиган масалалар ҳам турли тарихий шароитларда рўй берган. Бу ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш зарурлиги кўпгина ижтимоий-сиёсий фанларининг

вужудга келиши муҳим аҳамиятга эга бўлган.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Маълумки, ижтимоий-сиёсий фонларнинг вужудга келиши ва ривожланишидаги дастлабки тарихий шароит бу давлатнинг пайдо бўлишидир. Давлатнинг пайдо бўлиши билан жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари шаклланиб борди.

Давлат муносабатларни йўлга қўйиш ва уларни тартибга солиш жараёнида жамиятнинг сиёсий намоёндасига айланиб борди.

Давлатнинг вужудга келиши каби сиёсий партиялар ва ташкилотларнинг вужудга келиши ҳам жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим сиёсий ўзгаришлардан бири бўлди. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши билан сиёсий муносабатлар янада такомиллашди ва уларнинг жамият ҳаётида таъсири кучайиб борди.

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим ўзгаришлардан бири халқаро ташкилотларнинг вужудга келганлигидир. Ҳозирги кунда дунёда бундай ташкилотларнинг умумий сони қарийб икки юзга яқинни ташкил этади.

Айниқса, ижтимоий-сиёсий фанларнинг вужудга келиши ва ривожланишида сиёсий қарашларнинг роли ва аҳамияти бениҳоят каттадир. Бу қарашларда жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар ва уларга билдирилган муносабат у ёки бу даражада ўз аксини топган.

Дастлабки сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши милoddan аввалги III минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг

бошларига тўғри келади. Бу даврда қадимги Хиндистон ва Хитойда дастлабки қулдорлик давлатлари пайдо бўлган. Ҳа пайтларда бу давлатларда олиб борилган сиёсатнинг айрим масалалари "Ману кунунлари". "Махобҳорат" сингари асарларда баён қилинган. Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихининг энг қадимги даврларидан гувоҳлик берувчи дастлабки манба зардуштийларнинг муқаддас китоби "Авесто" китобидир. "Авесто" аждодларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий дунёси ҳақида ноёб маълумотларни ўзида мужассам этган

Бугун Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг "Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг ишлаб чиқиши ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши буюк аждодларимиз яратган адолатли жамият барпо этишга доир миллий фалсафий меросни замонавий тажрибалар билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. А. Каримовнинг қуйидаги фикрлари ватандошларимиз бўлган ўрта аср алломаларининг меросини ҳозирги давр учун нечоғлик аҳамият касб этишини очиб беради: "Барчамиз яхши тушунамизки, эришган билимларни, ўтмишда, жумладан, ўрта асрлар Шарқида амалга оширилган оламшумул кашфиётларни ўзлаштирмасдан туриб, на илм-фанда, на бошқа соҳаларда янги, янада юксак марраларни забт этиб бўлмайди. Биз келгуси фаолиятимизда ҳам айни шу тамойилга қатъий амал қиламиз" [1].

Марказий Осиёнинг илғор фикрли мутафаккирлари халқ оммасини билим, маърифатли қилишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг илғор фикрлари, илмий, ижтимоий қарашлари жамият тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди, шу билан бирга араб истилочилари зулмига қарши курашда ғоявий таянч бўлди.

Марказий Осиё халқларининг араб халифалиги ҳукмронлигига қарши олиб борган кураши IX-X асрларга келиб муваффақият билан якунланди.

Халқимизнинг сиёсий мустақилликка

эришиши фан ва маданиятнинг гуркираб ўсишига кенг имконият яратиб берди. X асрда Ўрта Осиё илғор фикр, илғор фан ва адабиёт марказига айланди, бу даврда яшаб ижод этган Рўдакий, Ал-Хоразмий, Фирдавсий. Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа кўплаб ватандош аждодларимизнинг яратган асарлари фақат шарқдагина эмас, балки ғарбда ҳам кейинги асарларда илм-фаннинг тараққиётига катта таъсир кўрсатган, инсоният маданий меросига қўшилган зўр ҳисса бўлди.

Марказий Осиё халқларининг буюк мутафаккири, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган машҳур файласуф, қадимги юнон фалсафасининг энг йирик давомчиси буюк олим Абу Наср Муҳаммад Форобий (873-950 йй.) Сирдарё бўйидаги Фороб шаҳрида туркий қабилалардан бўлган, ҳарбий хизматчи оиласида туғилди. Форобий илмий меросида ижтимоий-сиёсий масалалар, хусусан, давлат тузилиши ва уни идора этиш, стук ва ва мукаммал жамоага эришиш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. У ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг деярли барча соҳаларида 160 дан ортиқ асарлар яратди. Унинг асарларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) юнон файласуфлари ва табиатшуносларининг илмий меросларини изоҳлаш, шарҳлаш ва ўрганишга бағишланган асарлар. 2) фаннинг турли соҳаларига оид мустақил асарлар. Форобий Қадимги Юнон мутафаккирлари Афлотун. Арасту. Евклид. Птоломей ва бошқаларнинг асарларига шарҳлар ёзди. Айниқса, Арасту асарларини ўрганиш, ғояларини тарғиб қилиш ва ривожлантиришда Форобийнинг хизматлари бебаҳодир. У Арастунинг «Метафизика», «Этика», «Категориялар», «Рух ҳақида», «Топика», «Аналитика» ва бошқа асарларига шарҳлар ёзиб. Арасту таълимотини чуқур ва ҳар томонлама билиши билан шуҳрат қозонди. Арасту Ўрта аср Шарқида ниҳоятда машҳур бўлиб, «Биринчи муаллим» деб аталар эди. Форобий Арасту асарларини яхши билганлиги ва шу каби серқирра,

энциклопедик билимга эга бўлганлиги учун «Иккинчи муаллим» («Муаллими соний»), «Шарқ Аристотели» деган буюк унвонга сазовор бўлди. Форобийнинг шархлари фақат Шарқиғагина эмас, балки Ўрта аср Европасини ҳам Қадимги Юнон илми билан таништиришда катта роль ўйнади.

Форобийнинг ўзи яратган мустақил асарларини мазмунига кўра:

фалсафанинг умумий масалаларига («Масалан манбаи», «Қонунлар ҳақида китоб» ва ҳоказолар):

-инсон билиш фаолияти, унинг шакллари,

босқичлари ва усулларига («Ёшларнинг ақли ҳақида китоб», «Исбот китоби» ва бошқалар);

-фалсафа ва бошқа конкрет фанларнинг мазмуни предметига («Илмларнинг келиб чиқиши», «Фалсафага изоҳлар» ва бошқалар);

-арифметика, геометрия, астрономия, мусикага оид («Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз», «Фазо геометриясига кириш», «Астрология қоидалари ҳақида». «Мусика ҳақида ва бошқалар»);

-физика, кимё, оптика, биология, тиббиётга оид («Физика асарлари ҳақида китоб». «Алкимё илмининг зарурлиги». «Инсон аъзолари ҳақида китоб», «Ҳайвон аъзолари ҳақида китоб» ва бошқалар):

-тилшунослик, шеърят, нотиклик, санъат, хаттотликка оид («Шеър ва қофия ҳақида сўз», «Риторика ҳақида», «Луғатлар ҳақида китоб», «Хаттотлик ҳақида китоб»);

-ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш, ахлоқ, тарбия, ҳуқуқшунослик, педагогикага оид («Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида китоб», «Шаҳарни бошқариш», «Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб», ва бошқалар) каби гуруҳларга бўлиш мумкин. Форобий ўз асарларини Ўрта Аср Шарқ мамлакатларида илмий адабий тил ҳисобланган араб тилида ёзган. Форобий кўп тилларни билган, араб, форс тилларида фалсафий мазмунда ёзган шеърлари сақланиб қолган. Форобийнинг асарлари ўша давр ижтимоий-фалсафий, илмий ва маданий ҳаёти ҳақида, жуда бой маълумотлар беради. Форобийнинг

асарлари XII асрдан бошлаб латин ва бошқа халқлар тилларига таржима қилиниб, дунёга кенг тарқалди.

Форобий сиёсий қарашларининг шаклланишига Шарқнинг қадимги илғор маданияти анъаналари, араб халифалиги ва феодал тузумга қарши халқ ҳаракатлари. Ўрта аср табиий-илмий тафаккур ютуқлари. Юнон фалсафий мероси таъсир кўрсатди. Форобий Ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил илмий таълимот яратди. Бу таълимот ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари-давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, диний эътиқод, уруш ва яраш ва бошқаларни қамраб олинган. У «Идеал шаҳар аҳолисининг маслағи» асарида, кишилар яшаш учун кўп нарсага эҳтиёж сезишини, ёлғиз ўзи уларга эриша олмаслиги, уларга эришиш учун инсонлар жамоасига бирлашишларини ёзади. Жамоа ҳар бир кишига яшаш ва етукликка эришиш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради деб ҳисоблайди. Форобий фуқароларни шаҳар ижтимоий уюшмасининг етук шакли, инсоният камолотига эришувининг зарурий воситаси деб таъкидлайди, халқларни тинчликка, ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона инсон жамоасини тузишни орзу қилади. У инсон кадр-қимматини камситувчи жамиятга қарши чиқиб, доимий урушлар ва босқинчиликка асосланган ҳокимиятни адолатсиз, жоҳил ҳокимият сифатида қоралайди.

Форобий «Давлат арбобининг хикматлари», «Фуқаролик сиёсати», асарларида давлатга бўлган қарашларини баён этган. У инсон кадр-қимматини камситувчи жамиятга қарши чиқади. Форобийнинг фикрича давлат адолатли ёки адолатсиз бўлади. Ўз фаолиятини яратиш, қуриш ва ижод асосида тузган давлат адолатли давлат бўлади. Бундай давлатда ижодий фаолият ва илм-фан кадрланади, илм-фан киши гидрокининг кўп нарсалар сирини тушунишга, келгусини олдиндан кўришга имкон беради. «Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола» асарида ўзи орзу қилган идеал жамиятни тасвирлаб,

давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб бориш деб уқтиради. Унга эришмоқ учун эса илм-фан ва яхши ахлоқни шакллантириш лозимлигини баён қилади.

Фаробий давлатни етук шахс (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия), сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шакллари энг яхши шакллар деб ҳисоблайди.

Фаробий адолатли фуқаролик жамиятининг содда ва оддий лойиҳасини қуйидагича таърифлайди. "Маданий жамият ва маданий шахар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолиси билан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига ҳалақит берувчи султон (яъни подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади" [2].

Фаробий орзу қилган идеал жамиятида кишиларнинг бир канча табақаларга, гуруҳларга бўлинишини кўрсатади. Лекин гуруҳларга бўлинишида кишиларнинг диний мазҳаблари эмас, балки табиий хусусиятлари, аклий иқтидори, билими, ҳаётий тажрибаларини асос қилиб олиш керак. Диний фанатизм ҳукмронлик қилган Ўрта аср шароитида Фаробийнинг дунёқараши ўз замони учун илғор илмий, гуманистик дунёқараш бўлиб, ижтимоий тафаккур таракқиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг илғор сиёсий қарашлари Беруний, Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий, Бедил, Аҳмад Дониш ва бошқалар ижодида ривожлантирилди.

Уйғониш даврининг буюк комусий олими Абу Райҳон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад (973-1048) қадимий Хоразм пойтахти Кат шаҳрида туғилиб, Хоразмда ўсиб улғайган, Ўрта Асрнинг буюк энциклопедист олими. У ўз даврининг ҳамма фанларини пухта эгаллаб, бу фанлар таракқиётига шундай муҳим ҳисса

қўшдики, унинг номи жаҳон фанининг буюк сиймолари қаторидан жой олди.

Ўз даврида маълум бўлган барча фанлардан чуқур маълумот олган, комусий билимга эга бўлган буюк олим. 22-23 ёшлардаёқ илмий-танқидий дунёқараш тизимини ярата бошлади. Беруний табиий фанларга беҳисоб ҳисса қўшди, бу соҳадаги кашфиётлари билан ўз даврида анча илгарилаб кетди. Фикримизнинг исботи учун астрономия соҳасида Беруний чиқарган хулосаларга қарийб 500 йилдан кейин келгани учун италян олими Жордано Бруно тириклайин ўтда қуйдириб юборганлигини, Галилео Галилей таъқиб этилганлигини эслаш kifоя.

Беруний фаннинг ҳамма соҳасида самарали ижод этди. Унинг илмий мероси жуда кенг ва ранг-баранг.

Академик Крачковский И.Ю. олим кизиққан ва ижод этган соҳаларини санаб чиқишдан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаб чиқиш осонлигини таъкидлаган эди. Берунийнинг кўпгина асарлари ўз замонасида ўзига хос энциклопедия ҳисобланган. Унинг илмий ишлари ўзи ёзиб кетган рўйхатга кўра 162 китоб ва рисолалар жойланган. Афсуски, ҳозирча олимнинг 28 асаригина маълум, қолганлари бизгача етиб келмаган, ёки ҳали топилгани йўқ.

Абу Райҳон Беруний ижтимоий-сиёсий фанлар соҳасида ҳам самарали ишлар қилди. Унинг бу соҳадаги қарашлари «Маъданшунослик», «Ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Хоразм хабарлари ҳақида китоб». «Султон Маҳмуд даври тарихи» ва бошқа китоблар орқали бизгача етиб келган. Унинг асарлари айниқса, тарих фани учун аҳамиятли бўлиб, «Ёдгорликлар» асарида исломгача бўлган бутун бир давр давомида юнонлар, римликлар, эронийлар, сўғдийлар, хоразмликлар, христианлар, яҳудийлар, исломгача бўлган араблар ва бошқа халқларнинг турмуши анъаналари, байрамлари, маънавий ҳаёти ва подшолари, машҳур кишилари ҳақида қимматли маълумотлар беради. У асосан кишиларни илмга-фанга қизиқувчи маърифатлилар ва

ундан беҳабарлар тоифасига ажратган У тарихий ҳодисаларни баён қилиш ва изоҳлашларда диний, ирқий нуқтаи назаридан эмас, балки ҳолисоналик позициясида туришликни талаб қилди.

Мутафаккирнинг жамият ва инсон тўғрисидаги қарашлари ҳам ўзига хосдир. У ижтимоий ҳодисаларга баҳо беришда, текширишда ва тушунтиришда географик муҳит, кишиларнинг моддий аҳволи ва эҳтиёжи каби омиллар ролига катта эътибор берди, давлат тузумининг яқка ҳокимлик (монархия) шаклини тан олди, наслдан наслга ўтишни, умуман тўғри деб ҳисобласа-да, у ёки бу давлат арбобининг ҳокимиятни бошқаришга яроқлилиги, унинг давлатга раҳбарлик қилиш қобилиятига боғлиқ деб ҳисоблади. У фозил жамиятда яшовчи олийжаноб комил, инсонни улуғлади: "Олийжаноб одам ўзининг жони ва ўзининг мулкидан бошқа ҳеч нарсага эғалик қилмайди, қонунан ўзига тегишли мулкни бошқаради. Агар бундай одам бошқаларнинг оғир ишини ўз елкасига олиб, улар учун ўзи машаққат тортиб, Оллоҳ унга инъом этган нарсаларни муҳтож одамларга берса, ундай одам жавонмард деб аталади. Жавонмард ўзининг олийжаноблиги ва хайр-саховати билан машҳур бўлган одам. Айни вақтда жавонмард ўзининг хушмуомалалиги, меҳр-шавқати, сабот-матонати, сабр-тоқати, обрў-иззати билан ҳам ном чиқарган одамдир [3]. Беруний давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, уларнинг вазифалари масалаларини Форобий каби эҳтиёжга боғлаб, маърифатли шох бошқаруви ғоясини илгари сурди, ижтимоий ҳаётни ўзига хос "шартнома"нинг натижаси деб билади. "Инсон ўз эҳтиёжларини тушуниб, ўзига ўхшаш кишилар билан бирга яшашнинг зарурлигини англай бошлайди. Шунинг учун ўзаро келишувчанлик қабилдаги "шартнома" тузишга киришади. Одамларнинг биргаликдаги турмуши инсонни ҳақиқий қудратга, унинг эҳтиёжларини қондиришга олиб келмайди, бунинг учун яна меҳнат қилиш ҳам зарурдир", деб ҳисоблайди аллома. Буюк

ватандошимизнинг фалсафий ва илмий қарашлари ўша давридаёқ кенг тарқалди, илм-фаннинг кейинги тараққиётига зўр таъсир ўтказди.

Жаҳон маънавий маданияти ривожига катта ҳисса қўшган. Ўрта асрнинг буюк энциклопедист олимларидан бири ватандошимиз Абу Али ибн Синодир. У «Шарқ ва Ғарб донишманди» номини олиб, «Шайхур Раис», яъни «донишмандлар раиси» унвонига эришган. Европада Авиценна номи билан машҳур бўлиб, шоир ва тузувчи, табобат, табиатшунослик астрономия, математика, фалсафа, мусиқа, ҳуқуқ фалсафа соҳасида асарлар ёзди. Ибн Сино 980 йилда Бухоронинг Афшона қишлоғида туғилди. Бухородаги энг яхши олимлар қўлида таҳсил олди, ўша даврда дунёдаги энг бой кутубхона бўлган Сомонийлар кутубхонасида мустақил мутолаа қилиб, ўз замонасининг энг билимдон кишиларидан бири бўлиб етишди. Ундан фаннинг турли соҳаларига оид 280 дан зиёд асарлар мерос бўлиб қолган бўлиб, шундан медицинага оид 50 дан ортиқ астрономия ва табиий фанларга оид 40 га яқин, фалсафа, мантик, илоҳиётга доир 185 та илмий иш, барча мусиқага оид 3 та китоблардир. Ҳақиқатни излаш, дунё сирларини англашга интилиш улуғ олим ҳаётининг асосий мазмунини ташкил қилади.

Ибн Синонинг фалсафий, ижтимоий қарашлари Форобий асарлари таъсирида шаклланади. Унинг фикрича, фалсафанинг вазифаси барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, ўзаро муносабати, биридан иккинчисига ўтишларини ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Унинг фикрича, табиат-материя абадий бўлиб, ички қонуният асосида мавжуддир. Масалан, аввал тоғ-тошлар сўнг ўсимликлар ҳайвонот дунёси ва тараққиётнинг якуни сифатида инсон вужудга келган. Инсон бошқа барча ҳайвонот олаmidан тили, ақли, тафаккур қилиш қобилияти билан фарқ қилади. Реал воқеа ва ҳодисаларни чуқур ўрганиш, фан билан шуғулланиш инсонгагина хосдир. Ибн Сино табиий ва фалсафий илмларни

иккига бўлади: назарий ва амалий билимлар. Назарий билимлар инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган нарсалар тўғрисидаги илмлар (табиий фанлар) деб таърифланади. Амалий илмлар эса инсон фаолияти соҳаси билан боғлиқ. Назарий билимлар ҳақиқатни англашга, амалий билимлар яхши ишларни бошқаришга қаратилган. Фалсафанинг назарий қисмини ибн Сино учга бўлади:

- олий даражадаги илм метафизика.
- ўрта даражадаги илм-математика.
- куйи даражадаги илм - яъни табиатшунослик

Фалсафанинг амалий қисми ҳам учга бўлинади:

- шахс ҳақидаги илм.
- инсонларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида илм.
- давлатни, мамлакатни бошқариш илми.

Назарий-амалий билимларнинг ҳар уч тури ўз навбатида алоҳида илмлардан ташкил топади,

Масалан: табиатшунослик - минералогия, медицина, кимё ва бошқалардан иборат. Умунан ибн Сино 29 илм тармоғи ҳақида гапириб, уларга таъриф берган. асосий тушунчалар-категорияларга шарҳлар битган.

Ижтимоий-сиёсий масалаларда ибн Сино прогрессив позицияда турди. Ибн Сино ахлоқий фазилатларни улуғлайди, инсонларда камтарлик, ҳурмат, тўғрилиқ, мардлик, софдиллик, жасурлик каби хулқий қондаларга алоҳида аҳамият беради. Ибн Сино жамият кишиларининг ўзаро келишувини асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозим деб ҳисоблайди. Жамиятнинг барча аъзолари бу қонунларга итоат этишлари керак, қонунни бузиш, унга бўйсунмаслик, адолатсизлик жазоланмоғи керак. Ибн Сино ўзининг бой илмий мероси билан жаҳон маданияти ривожига катта роль ўйнади. Унинг ижоди Шарқ ва Ғарб илмига катта таъсир қилди. Асарлари XII асрдан бошлаб Европа тилларига таржима қилиниб, дарслик вазифасини бажарди. XVII асрда табиатшунос Карл Линней бир ўсимликни унинг шарафига Авиғения деб номлади. Шарқ ва Европада хусусан,

Уйғониш ва сўнгги даврларда уни чуқур ҳурмат билан тилига олмаган ва устоз деб билмаган бирор-бир йирик олим ва мутафаккир деярли йўқ.

Фуқаролик жамияти унсурларининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшган машҳур Шарқ мутафаккирларидан бири Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий-Низомулмулкдир (1018-1092). У ўзининг "Сиёсатнома" асарида давлат ҳокимиятини адолатли жамият қуришдаги ўрнини кенг ёритиб берди. Мутафаккир жамиятни салтанатдан айри ҳолда тасаввур қила олди ва жамиятнинг адолатли бўлиши сиёсий элитага-ҳукмдорга, сарой амалдорларига, ҳокимларга боғлиқдир, деб билди Албатта ўрта асрлардаги феодал муносабатларга асосланган монархия тизимида жамият фаолиятини ташкил этиш вазифаси асосан давлат ҳокимиятининг қўлида эди. Низомулмулк адолатли жамият барпо этиш тўғрисидаги қарашлари билан ўз даврида бир неча асрлар илгарилаб кетган эди. У инсонлар фаровон бўлиб яшашлари ва ўз манфаатларини кондиришлари учун жамият қуришга эҳтиёж сезишларини чуқур ва теран англаган эди. Мутафаккирнинг жамият фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ давлат бошқаруви тўғрисидаги фикрларини хулосалайдиган бўлсак, давлат бошқарувида, ҳамда жамият ҳаётидаги барча жараёнларни тўғри талқин қила билиш, инсон ҳаётидаги ўзаро муносабатларни англаш фақат амалдор ва ҳукмдоргагина тааллуқли эмас, балки, бутун жамият аъзоларига тегишлидир. Шунинг учун ҳам тажрибали, одил, фозил кишилар билан кенгаш, машварат асосида сиёсий қарорлар қабул қилиш, бошқарув ишларини амалга ошириш билангина бутун бир жамият барқарорлигини таъминлаш ва адолат ўрнатиш, фаровон ҳаёт қуриш мумкин. Низомулмулкнинг фикрича, "бирор ишни маслаҳатсиз амалга амалга ошириш фикрнинг заифлигидан далолат беради, бундайларни ўзбилармон дейдилар. Машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишнинг натижаси яхши бўлмайди" [4].

Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий

карашлар ривожда ва амалий сиёсий бошқарувда Темурийлар давлати (1370-1507й) тарихий тажрибасига ҳам тўхталиб ўтмоқ зарур. Темурийлар давлатининг асосчиси Амир Темур-Темур ибн Тарагай 1370-1405 йилларда Мовароуннаҳр, Хоразм, Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва Шимолий Ҳиндистонни ўз ичига олган марказлашган давлатни дунёга келтирди, Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатларни мўғуллар зулмидан озод қилди. Темур Россия ва Европа халқлари мустақиллигига ҳам ҳисса қўшди.

Темур яқка ҳокимиятчиликка асосланган идора усулини жорий қилди. Вилоят ва туманларда ҳокимият, марказий ҳукумат ёки улус ҳукмдорлари тарафидан тайинланган мансабдорлар қўлида бўлган. Марказий ҳукумат асосан уч бош давлат муассасасидан ташкил топган ва ҳокимият улар томонидан идора қилинган:

- девони олий (олий ижро этувчи орган).
- девони мол (мол-мулк ишлари бошқармаси).
- девони товоси (ҳарбий ишлар бошқармаси). Дин ва шарият билан боғлиқ ишлар, суд ишлари қози ва шайхулислом ихтиёрида бўлган. Барча ишлар девонда хал қилинган. Девонбеги умумдавлат ишларини бошқаради. Вазирлар ўзларига белгиланган соҳаларига жавобгар бўлиб, тажрибага бой, руҳан покиза, эътиқодли, инсонпарвар бўлиши керак. Ҳар бир амалга номзод зотига, насабига қараб эмас. балки ишчанлиги, қобилияти, истеъдодига кўра тайинланган.

Темур ўз юрти фуқароларини 12 тоифага бўлган: энг юқори табақада пайғамбар авлодлари-саидлар, шайхлар ва бошқа дин вакиллари, уламолар, иккинчи тоифада олимлар, илм-фан намоёндалари, мударрис ва мактабдорлар; кейинги тоифаларга муаррих ва мунажжимлар, ҳунармандлар, савдо-тижорат аҳли, сўнгра ҳарбийлар ва ҳоказолар. Унинг фикрича, давлат ҳокимияти қанчалик кенг ижтимоий қатламлар манфаатларига таянса, қанчалик жамият вакиллари билан кенгашиб, улар фикр-мулоҳазалари асосида давлат сиёсати ишлаб чиқилса, давлат шу даражада кучли

ва салоҳиятли бўлиши исботлаб берилган. Темур ўша давр Шарқ ва Европа монархларидан фарқли ўлароқ, мамлакатда энг нуфузли ўринга ҳарбийларни эмас, уламолар ва илм-фан вакилларини қўйди, чунки мамлакат фуқароларининг ахлоқи, руҳияти, эътиқоди, тафаккур доираси билан машғул уламолар, аҳли илм фаолияти мамлакат учун гоаят муҳим ва давлат эътибори марказида бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаган буюк саркарда.

Темурийлар даврида тасарруф этилган мамлакатлар халқлари ҳеч кўрмаган тинчликка эришдилар, шаҳарлар обод бўлди, фаровонлик ҳукм сурди, савдо ривожланди, мустаҳкам, адолатли давлат бошқаруви юзага келди. Шу ўринда «Темур тузуклари»даги «Салтанатни идора этиш» бобида босиб олинган ерлар халқи ва ҳукмдорларига муносабат, мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш тадбирларини эслаб ўтайлик. «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, - дейди буюк соҳибқирон, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим... ҳурматладим, уларга вазифалар бериб, маошлар белгиладим, ўша вилоятнинг улугларини оға-инимлардек, ёшлар ва болаларини ўз фарзандларимдек кўрдим.. яхши кишиларга яхшилик қилдим нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларни ўз ўрни ва мартабасида тутиб, ҳаддидан ошишларига йўл қўймадим.

Амр этдимки, ўғри ва қароқчиларни «Ёсо» асосида жазоласинлар, фасодчи бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар, ишсиз, бекорчиларни вилоят ва шаҳарларда бўш қўямасинлар. Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа соқчилик қўйилсин ва кимнинг бирор нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти уларнинг зиммасида бўлсин. Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчи аскарлар тайинлансинларки, йўлларни қўриқлаб, ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилидан-манзилга ўтказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг нарсаси

йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа корхол юз берса, бу уларнинг зиммасидадир.

Яна буюрдимки, ҳар ернинг ҳокимлари гаразғўй, тухматчи ва нафси бузук кишиларнинг тухмат сўзлари билан катта ва кичик шаҳарлар аҳолисидан ҳеч кимга жарима солмасинлар. Фақат бировнинг гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан исботланса, гуноҳига яраша жазолансин... Сипоҳийдан бирон киши раиятнинг хонадонига зўрлик билан кирмасин, от-уловларини тортиб олмасин. Ҳар бир мамлакатнинг раияти билан муомалада бўлиб, ҳолислик билан иш тутсинлар». [5] Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолияти «Темур тузуклари»да баён қилинган. "Тузуклар" давлат бошқаруви ва сиёсий муносабатлар меъёрлари, сиёсий институтларни ўзаро мувофиқлаштириш масалаларини такомиллаштиришга доир тамойиллар ва қоидалар мажмуасидан иборат бўлиб, тамойиллардан бирида шундай дейилади: "Салтанатим ишларини муросою мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олардим. Дўст-у душман билан муросою мадора қилдим, давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади" [6].

Ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихида ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, буюк олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг мислсиз сиймоларидан бири Алишер Навоийнинг хизматлари ғоят улкан. Алишер Навоий бутун ҳаёти ва фаолиятини инсон бахти ва саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ўзаро урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. У Хусайн Бойқаро саройида бош вазир вазифасига кўтарилди. Мамлакатни мустаҳкамлаш, шаҳзода

амирзодаларнинг ва тахт учун ўзаро курашларга барҳам беришга интилди. Унинг мақсади ўз замонасининг илғор кишиларини, олимларни, санъаткор, меъмор, шоирларни юртни обод қилишига жалб қилиб, мамлакатни осойишта, халқни фаровон қилишга қаратилган эди.

Алишер Навоий Хусайн Бойқарони адолатли ва маърифатли ҳукмдорга айлантиришга ҳаракат қилди, унга ёзган мактубларида инсоф ва адолатли бўлишга, давлат идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатишга ундади. Подшо ва амалдорлар эл-юрт арз-холини тинглаб тадбир қуришса шаробхона, қиморхона каби жойлар беркитилса, бозор нарх-наволари каттик назорат қилинса, маҳаллаларда мактаблар очилса, деб умид қилди. Алишер Навоий ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларни "Садди Искандари"да кенг ифода этди. У ўзи орзу қилган адолатли, маърифатли, осойишталик ва бахт-саодат кўриқчиси бўлган шох образини яратди. Искандар урушларни бартараф қилиб, осойишталик ўрнатади, ҳар бир масалада олимлар билан кенгашади, оқилона фикр-мулоҳазаларга амал қилади, уларнинг кўмаги билан кўпгина муаммоларни ҳал қилади. Шу билан Алишер Навоий: "Давлат бошлиғи илм-маърифат аҳлининг, донишмандларнинг кенгаши ва маслаҳати билан иш олиб бориш лозим", деган ғояни илгари суради ва ўз даври ҳукмдорларини Искандардан ўрнак олишга чақиради.

А. Навоий "Махбубул-қулуб" асарини маориф, илм-фан, санъат, адабиёт аҳлига бағишлаб, уларнинг бурч ва вазифаларини талқин қилади, иззат-икром, ҳурмат қилишга, унутмасликка чақиради. Алишер Навоийнинг "Тарихи Мулуки Ажам" асари ҳозирги Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудида илк бор юзага келган давлат, унинг шохлари олиб борган ички ва ташқи сиёсатларга бағишланган. Навоий "Давлат" сўзини "Мулк" сўзи билан ифодалайди. "Ажам" сўзи араб тилида "арабдан ташқари" маъносини англатади. Араблар истилосидан олдинги Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудида илк бор ташкил топган давлатни Мулки Ажам ёки Ажам давлати деб атаган.

Навойй ўзигача ёзилган шоҳлар ҳақидаги манбаларни чуқур ўрганиб чиққанлигини қайд қилади. Ажам шоҳлари асосан тўрт табака: пешлар, каспийлар, ашкотлар, сосонийлардан иборатдир. У Одам Атодан бошлаб то сосонийларнинг охириги шоҳларигача, Турон ва Эрон давлатларига раҳбарлик қилган 65 шоҳ ва уларнинг ички-ташки сиёсатларига тўхтаб ўтади. Навойй барча шоҳларни номма-ном таърифлаб, улардан қайси бири адолатли ва қайсиси адолатсиз сиёсат олиб борганларини батафсил ҳикоя қилади.

Навойй асарининг қимматли томонларидан бири - Турон давлатининг келиб чиқишини изоҳлашдир. У шундай ёзади: "Фаридуннинг уч ўғли бўлади: Салим, Тур, Эрон. Кексаяётган чоғида мол-мулкни учга тақсимлаб, уч ўғлига топширади. Рим ва Мағрибдан Ямангача Салимга, Туркистон худуди Турга, Форс, Ирок, Хуросонни Эронга беради. Эрон ва Турон давлатлари чегараси Амударё билан ажралиб туради. Турнинг номидан Турон, Туркистон, Эроннинг номидан Эрон давлати келиб чиққан", деган маъно англатилади [7].

Мустақилликка эришган Ўзбекистон 1991 йил сентябрь ойида буюк Алишер Навойй таваллудининг 550 йиллигини зўр кўтаринкилик руҳида, тантанали нишонлади. Бу Алишер Навойй ижодий меросининг умрбоқийлигини,

халқчилигини яна бир бор намоёиш этди, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик байрамига айланди. Алишер Навоййнинг кудратли ҳаётбахш шеърляти халқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Унинг олийжаноб орзулари, идеаллари мустақиллик йўлидан дадил бораётган республикамизнинг иқтисодий ва социал таракқиёти учун, фаровон турмуш, адолатли ва инсонпарвар жамият куриш йўлидаги курашига илҳом бахш этади.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Ўрта Осиё халқлари ўрта асрларда юқорида номлари зикр қилинган мутафаккирлардан ташқари Абу Абдулло Рўдакий, Шаҳид Балхий, Ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Муҳаммад Розий, Жалолиддин Румий, Улуғбек, Али Қушчи ва бошқа кўпгина илғор фикр, илм-фан намоёндалари, маданият ва давлат арбобларини етиштириб берди, улар башарият таракқиётида, илмий дунёқараш шаклланишида ўзларига лойиқ ўрин эгалладилар. Ўрта асрларда яшаб ижод этган буюк ватандош аждодларимизнинг асарлари фақат Шарқдагина эмас, балки Ғарбда ҳам кейинги асрларда сиёсий қарашлар ва таълимотларнинг, илм-фаннинг таракқиётига қатга таъсир кўрсатиб, инсоният маданий меросига кўшилган улкан хисса бўлди.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти. Халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ 2014 йил 16 май. //http://www.gov.uz/uz/press/politics/24569.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993-Б. 190.
3. Беруни А. Р. Минерология: собрание сведений для познания драгоценностей. М., 1963-С. 14.
4. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. - Т. Адолат, 1997.-Б.17-18.
5. «Халқ сўзи» газетаси, 1992 й., 9 апрел.
6. Темур тузуклари. Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. Б. Аҳмедов таҳрири остида - Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996.-Б.69.
7. Ҳ.Бобоев "Давлатчилигимиз тарихи", "Халқ сўзи", 1992 йил 26 март.

ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИ ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ВА КОМУНИКАЦИЯ ТИЗИМИДА ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Хидиров Холмамат Джўраевич

Термиз давлат педагогика институти Педагогика ва ижтимоий

фанлар факультети Тарих кафедраси профессори в.б.,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0007-7891-0023>

Аннотация: Сурхондарёда йўл қурилиши тарихи ниҳоятда қадим даврга бориб тақалади. Ушбу ҳудуддан ўтувчи Буюк ипак йўли қадимдан серкатнов бўлган, савдо - сотиқ ривожланган бўлиб, йўллар мунтазам тарзда кўп тармоқларга бўлиниб турган.

Калит сўзлар: автомобиль йўллари, почта йўли, транспорт тизими, Катта Ўзбек тракти, Сурхон тракти.

Аннотация: История дорожного строительства в Сурхандарье уходит корнями в очень древние времена. Великий шелковый путь, проходящий через эту местность, издревле был оживленным, была развита торговля, и дороги регулярно делились на множество ответвлений.

Ключевые слова: автомобильные дороги, почтовый тракт, транспортная система, Большой Узбекский тракт, Сурханский тракт.

Abstract: The history of road construction in Surkhondaryo goes back to very ancient times. The Great Silk Road passing through this area has been busy since ancient times, trade was developed, and the roads were regularly divided into many branches.

Key words: highways, postal route, transport system, Greater Uzbek tract, Surkhan tract.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). XIX аср охири – XX аср бошларида савдо-сотиқнинг ривожланиши янги йўлларни қуришни талаб қилди. Негаки, шаҳарлар ва қишлоқлар орасида фақатгина қарвон йўллари мавжуд бўлиб, тоғли жойларда йўллар хавфли эди[1.183]. Буни ҳисобга олган чор ҳукумати Шарқий Бухородаги

рус гарнизонлари билан алоқани яхшилаш ва савдо-сотиқни алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида Самарқанд-Термиз почта йўлини қуришга қарор қилди. Самарқанд – Термиз почта йўли лойиҳасини Россия ҳарбий вазири Куропаткин топшириғи асосида французларнинг Жазоирдаги қурилиши асосида амалга оширилган. Рус ҳарбий зобити, подполковник Мельников Самарқанд – Термиз почта йўлидаги энг оғир участкаларнинг оралиқ масофаси ва улардан ўтадиган вақтни ҳам ҳисоблаб чиқиб ахборот берган. Унинг ахборотида қуйидаги маълумотлар келтирилади. Лайлагон – Чилонзор, 11, 5 верст, 43 минут. Сайроб – Дарбанд, 16 верст, 2 соат 50 минут. Дарбанд – Оқрабат, 21 верст, 2 соат 55 минут[2.218].

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). 1900 йили Бухоро амири Абдулахад ва чор ҳукумати амирлик аҳолиси кучи билан рус ҳарбий инженерлари ва Туркистон сапёр батальони бошлиқлари раҳбарлигида 376 верстли Самарқанд-Термиз алоқа йўли ва 14 та мустаҳкамланган станциялар қуриш ҳақида махсус шартномага имзо чекдилар. Алоқа йўли 1902 йили ишга туширилди. Рус мутахассислари раҳбарлигида Бухоро амирлиги маблағи ҳисобидан Шерободни Термиз билан боғлайдиган почта-телеграф идораси қурилди. Почта-телеграф йўлининг барпо этилиши рус-бухоро савдосини яхшилаш билан бирга маданий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга бўлди[5.281]. Самарқанд ва Термиз ўртасида Гузор–Шеробод орқали ўтадиган почта йўли арава сиғадиган қилиб қурилган бўлиб, савдо ва ҳарбий аҳамиятга эга эди. Почта йўли ёзда чанг, қишда юриб

бўлмайдиган даражада лой бўлар эди. Бунақа кийинчиликларни фақатгина шағалқум йўли қуриш билангина бартараф қилиш мумкин эди, лекин бунга аҳолининг ҳам, ҳукуматнинг ҳам қурби етмас эди. Баъзи йилларда йўлнинг ёмонлиги сабабли, пахтани тайёрлов манзилларига кузда ташиб бериша олмас ва бу иш баҳорга қолдирилар эди. Маблағ ва йўл қурилиш материаллари етишмаслигидан айрим сувоқар ариқлар устида кўприкларни жуда энсиз ва калта қилиб қуришар эди. Шу сабабли сувли ариқлардан ўтиш жуда мушкул иш эди. Кўприклар ва қайиқларнинг йўқлиги боис тез оқар дарёлардан оқимга қараб саёз жойлардан ўтилар эди. Асосий йўллар карвон йўллар ва йўлакчалар эди. Транспорт эса отга қўшиладиган ёғоч аравалар эди. Ўзбекистон транспорт тизимини ривожланиш босқичлари ва тараққиётига эътибор берилганда, XX асрда ушбу соҳада янги йўл қурилишлари амалга оширила борилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. 1913 йилда Ўзбекистон худудида жами 1,1 минг км йўллар мавжуд бўлиб, бунинг 0,03 км. тош ётқизилган йўллардан иборат эди. Сурхондарёда автомобиль йўллари қурилиши 1920 йилларга бориб тақалади. 1920 йилда давлат иншоотларининг Туркистон Бош қўмитаси ташкил этилди. Ушбу ташкилот 1922 йилгача фаолият кўрсатган бўлса-да, амалда йўл хўжалиги бўйича ҳеч қандай иш бажармади. 1922 йил ноябрда Туркистон маҳаллий транспорт ташкилоти ташкил этилди, бироқ, давлат томонидан маблағ ажратилмаганлиги туфайли воҳада ҳеч қандай амалий ишлар қилинмади. XX аср бошида Ўзбекистонда 27 минг км йўл бўлиб, асосан от арава, карвон ва йўловчиларга мўлжалланган, шундан фақат 2 минг км га шағал ётқизилган эди[12]. 1920 йилга қадар йўл ишлари билан мунтазам шуғулланадиган давлат ташкилоти бўлмаган. 1922 йил ноябрда Туркистон маҳаллий транспорт бошқармаси, 1925 йил июнда Сурхондарё вилоят йўл бошқармалари ташкил этилди[12]. XX асрнинг 30-йилларида Сурхондарёда автомобиль корхонаси пайдо

бўлди. Автомобилда юк ташиш йўлга қўйилиши туфайли, аравада юк ташиш ишлари камайди[1.183]. 1931 йилдан вилоят автотранспорт ва тош йўллар бошқармаси ташкил этилди. Қайд қилиш керакки, 1933 йилгача вилоятда юқорида айтилган йўл бошқармаларининг бирор бир бўлими йўқ эди[13]. Бу даврда йўл хўжаликларини аҳволи фожиали ҳолатда эди. Янги йўллар қурилмас, эскилари эса таъмирланмас эди. Шу сабабли аҳоли яшаш марказлари орасида транспорт алоқалари тупроқли йўллар ва сўкмоқлар орқали, араваларда бажарилар эди. Бундай аҳвол 1932 йилгача давом этди. Пахта етиштириш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида йўл қурилиши ва йўлларни таъмирлаш ишларига ҳам эътибор берилди. 1930 йилда Тўпаланг дарёси устида узунлиги 150 м бўлган кўприк қурилди[10]. Йўл қурилиши 1930 йилларда сезиларли ўсиб, Сариосиё, Денов, Шўрчи, Жарқўрғон туманларини бирлаштирадиган шох йўл қуриб битказилди. 1935–1936 йиллари шу йўлдан от аравалар, туяларда Душанбе шаҳрини қуриш учун ғишт ташилди[14]. Транспорт соҳасида амалга оширилган ишлар, йўл қурилиши, йўловчиларга хизмат кўрсатиш, юкларни ўз вақтида манзилларига олиб бориш соҳасида Ўзбекистонда ўзига хос ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда 1940 йилда жами йўл тармоқларининг узунлиги 1,9 минг километрни ташкил этган. Шундан тош-бетон қопланган автомобиль йўлларининг узунлиги 31,6 км, унинг 4,3 км.и қаттиқ бетон қопламалардан иборат эди. Ҳашар орқали сув иншоотларини қуриш тажрибасига асосланиб, ўша йили автомобиль йўлларини қуриш ишлари давом эттирилди. 1940 йилда узунлиги 708 километр бўлган Катта Ўзбек тракти, яъни Тошкент–Самарқанд–Термиз йўлини қуриш учун алоҳида қарор қабул қилинди. Бу йўлни қуриш давомида Сурхондарё вилоятида узунлиги 145 километрлик йўл тармоқлари ишга туширилди. Шунингдек, 87 километрлик Оқрабод–Шўроб ва Дарбанддаги тоғли довондан йўл

ўтказилди. Қолган 58 км масофада кумли ва барханли жойларда шағал–қум тўкилиб, йўл қурилди[15]. Сурхон воҳасининг лойиҳа асосида йўл қурилиши ва сунъий иншоотлари учун маҳаллий қурилиш материалларидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш назарда тутилиб, йўл қурилиш бошқармаси вилоятга, туманга, колхозга ва бригадаларга бўлинди. Қурилиш ишларига раҳбарлик қилиш учун «Штаб» ташкил қилинди ва ҳар бир ҳудуд телефонлаштирилди. Қурувчилар учун чойхона, маданий ва тиббий хизмат учун дўконлар, ошхоналар ташкил этилди. Колхозчиларнинг ҳамкорлиги оммавий тус олди. Йўл устидаги қоплама учун шағал–қумлар йўл яқинида жойлашган карьерлардан қазиб олиниб фойдаланилди. Майда оқар сувларни ўтказиш иншоотлари учун тошлардан ва маҳаллий хом ашёлардан фойдаланилди. Шу иншоотларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам (Оқрабод–Сайроб йўли) сақланиб турибди[16]. Кўприк қурилишида биринчи марта метан кондинциясиз қувурлардан фойдаланиб, Шўроб, Қорасув каби дарёлар устидан катта кўприклар қурилди. Тезкор халқ хашари йўли билан қурилган кўприклар йўл хўжалигини яхшилаб, йўлсизлик муаммоларини бартараф қилди. 1940 йилда Сурхондарёда Катта Ўзбек тракти қурилиши ва шу йўлдан фойдаланиш ишларини бажарадиган биринчи ташкилот пайдо бўлди[11]. Уруш олди йилларида йўллар ётқизишда кўпгина ишлар бажарилган, йўлсизликни тугатиш бошланган бўлса ҳам, маблағ ва қурилиш материалларининг етишмаслигидан бу соҳадаги ишлар тўла рўёбга чиқмади. Темир йўл жуда кам, тош йўллар эса халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига юкларни ташиб етказиш имконига эга эмас эди. Йўлларнинг носозлиги халқ хўжалиги учун бошқа кийинчиликларни ҳам келтириб чиқарди. Чунончи бу ҳол пахта экиш учун ерларни ўзлаштиришга, қишлоқ хўжалигининг бошқа экинларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкиллаштиришга имкон бермас ва аҳолининг транспортга бўлган

эҳтиёжини қондирмас эди. 1945–1949 йилларда автотранспортда юк ва йўловчилар ташиш ҳажми ўсди. Шу йилларда республикага 9548 та янги юк автомобили келтирилди[7]. Ўзбекистонда автомобиль хизматидан фойдаланиш йилдан йилга ошиб бориши натижасида янги йўл қурилишлари амалга оширилди, йўлларнинг сифат ва самарадорлиги анча яхшиланди. Ўзбекистонда шағал ётқизилиб, асфальт қилинган йўллар 1940 йилда 31,6 минг км, 1965 йилда 27,5 минг км, 1970 йилда 28,3 минг км, 1973 йилда 29,4 минг км, 1975 йилда 30,5 минг километрни ташкил этди[8.233]. 1955 йил бошларида Сурхондарё вилоятидаги йўл тармоқларининг ҳолати бир мунча яхшиланди. Лекин бу ерда йўл қурилиши ишлари континентал, тез ўзгарувчан об-ҳаво шароитида бажарилганлиги боис йўл хўжалиги қолоқлигича қолар ва бу соҳа халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан ортда қолаётган эди. Шунинг учун вилоятда қисқа муддат ичида йўлсизликни тугатиш муаммоси пайдо бўлди. Йўлсизликда хом ашё, техника ва маблағ ресурсларини топиш, йўллар қурилиши ва уларни қайта таъмирлашни механизациялаш, йўл устларини капитал типдаги қопламалар билан қуриш, қурилишни тезлаштира оладиган технологияни ўзлаштириш талаб қилинарди. Вилоятда шағал–қум аралашмасига Жарқўрғон нефтини аралаштириб йўлга ётқизиш жорий этилди. Бу эса ҳудудда йўл қурилиш суръатини тезлаштиришга ёрдам берди. 1952–1954 йилларда Катта Ўзбек трактининг Термиз шахрининг шимолий дарвозаси бўлимида, Эски Термиз–Каптархона, Ангор йўналишларида шу усул қўлланилди. Бу биринчи тажриба сифатида амалга оширилди. 1953–1955 йилларда Сурхон трактидаги Навшаҳар–Қорақир–Жарқўрғон йўлларига ҳам шу усул қўлланилди[9]. Совет ҳукумати иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда автомобиль йўл қурилишига жиддий эътибор берди. Хом ашё манбалари жойлашган ҳудудларни Марказ билан

боғлаш мақсадида катта йўл трассаларини қуришга киришиб, Ўзбекистон ҳудудида ҳам йирик йўл трассаларини бирлаштириш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширди. Пахта ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини белгиланган манзилларга етказиш бўйича махсус таянч йўллари ишга туширилди. Ўзбекистонда 1953 йили 6,5 минг километр тош йўллар, 0,9 километр асфальт-бетон йўллар топширилган бўлса, 1958 йилда 8,1 минг километр тош йўллар, 3,3 минг километр асфальт-бетон йўллар қуриб фойдаланишга топширилди[6.237]. Фойдаланишга топширилган автомобиль йўллар асосан янги ўзлаштирилган кўриқ ва бўз ерлар, янги барпо этилган шаҳарлар, давлат хўжаликлари, маъмурий марказлар ҳисобида бўлиб, аҳоли кўп истиқомат қиладиган аҳоли пунктлари, тоғ, тоғолди қишлоқлари бундан истисно эди. Бундай жараёни амалга оширишдан мақсад марказ манфаатлари асосида, белгиланган режа бўйича пахта хом ашёсини ташиб кетишга мўлжалланган эди.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Сурхон воҳасида йўл тармоқларини қуриш ва ишга туширишдан асосий мақсад марказни хом ашёга бўлган талаб ва эҳтиёжларини кондиритиш, кўчириб келтириладиган русий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш, янги аҳоли манзилгоҳларни қурилиш ашёлари билан таъминлаш, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари орқали ҳарбий стратегик имкониятларни мустаҳкамлаш каби масалалар муҳим қилиб олинган эди. Маҳаллий аҳолига йўловчи хизматини кўрсатиш кўпроқ Марказ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Совет тузумининг иқтисодий-сиёсий зиддиятлари, ишлаб чиқариш ва таъминотдаги узилишлар, маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги ноаниқ кўрсатмалар, сохта мажбуриятлар, дабдабали баландпарвоз чақириқлар темир йўл тизимида ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):

1. Азимов М. Термиз тарихи (энг қадимги даврлардан XXI аср бошигача). – Қарши: Насаф, 2001. – Б.183.
2. Турсунов С., ва бошқалар. Термиз тарихи. –Б. 218.
3. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш –Тошкент: А.Қодирий, 1997. – Б.46.
4. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О.Пардаев Т., Муртазаев. Б Сурхондарё тарихи кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. –Б.317.
5. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруги мисолида). –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2014. –Б. 281.
6. Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. – Ташкент: Узбекистан, 1964. – С.237.
7. Ўзбекистон Миллий архиви, 303-фонд, 2-рўйхат, 135-иш, 54-варақ.
8. Народное хозяйство Узбекской ССР 1975. – Ташкент: Узбекистан, 1976. – С.233.
9. Сурхондарё вилоятида давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 754-иш, 72-73-варақлар.
10. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 95- фонд, 1-рўйхат, 189-иш, 14-варақ. 11. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 454-фонд, 3-рўйхат, 464-иш, 63-варақ.
12. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 95-фонд, 1-рўйхат,15-иш, 28- варақ.
13. Сурхондарё давлат архивининг Денов филиали, 425- фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 9-варақ.
14. Сурхондарё давлат архивининг Денов филиали, 425-фонд, 1-рўйхат, 29- иш, 31-варақ.

SURXONDARYO VILOYATI SANOAT KORXONALARI XODIMLARINING MAISHIY TURMUSH SHAROITI

Kadirova Yakitjan Buvabayevna

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti dotsenti

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0005-0206-1411>

Annotatsiya: Maqolada mustaqillik davrigacha bo'lgan davrda Surxon vohasi yengil va oziq-ovqat sanoati ishchi-xodimlarining ijtimoiy-maishiy sharoitiga yetarli e'tibor berilmaganligi tahlil qilinadi. Mustaqillikning ilk yillaridan boshlab inson omiliga ustuvor ahamiyat berilishi natijasida sanoat korxonalarida ishlayotganlarning turmush tarzini yaxshilash borasida amalga oshirilgan ijobiy o'zgarishlar, xususan maishiy xizmat ko'rsatish, sog'lomlashtirish, moddiy yordam va farzandlari uchun yaratilgan sharoitlar "Surxonteks" va "Surxonoziqovqatsanoat" kabi korxonalar misolida ko'rib chiqiladi.

Tayanch so'zlar: Yengil sanoat, oziq-ovqat sanoati, ishchi-xodimlar, ijtimoiy ta'minot, maishiy xizmat, Surxondaryo.

Аннотация: В статье анализируется отсутствие должного внимания к социально-бытовым условиям работников легкой и пищевой промышленности Сурханского оазиса в период до обретения независимости. На примере таких предприятий, как «Сурхонтекс» и «Сурхонозиковкатсаноат», рассматриваются позитивные изменения, произошедшие в улучшении жизни работающих на промышленных предприятиях в результате приоритета человеческого фактора с первых лет независимости, в частности, оказания бытовых услуг, медицинского обслуживания, материальной помощи, создания условий для их детей.

Ключевые слова: Легкая промышленность, пищевая промышленность, рабочие, социальное обеспечение, бытовое обслуживание, Сурхандарья.

Abstract: The article analyzes the lack of sufficient attention paid to the social and living

conditions of workers in the light and food industries of the Surkhondaryo oasis in the pre-independence period. As a result of the priority given to the human factor since the first years of independence, the positive changes that have been made in improving the lifestyle of those working in industrial enterprises, in particular, the provision of household services, health care, material assistance, and conditions created for their children, are examined using the example of enterprises such as "Surkhonteks" and "Surkhonoziqovqatsanoat".

Keywords: Light industry, food industry, workers, social security, household services, Surkhondaryo.

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Har qanday mamlakatning iqtisodiy qudratini belgilovchi asosiy omillardan biri bu uning sanoat salohiyatidir. Sanoat korxonalarida mehnat qilayotgan ishchi-xodimlarning turmush sharoiti esa nafaqat ularning farovonligini, balki korxonalarining samaradorligi va butun sanoatning barqaror rivojlanishini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega. O'zbekiston mustaqillikka erishgach, inson omili davlat siyosatining markaziga ko'tarildi. Bu o'zgarish Surxondaryo viloyati sanoat korxonalarini xodimlarining maishiy turmush sharoitini yaxshilashga qaratilgan keng ko'lamlil islohotlarning boshlanishiga turtki berdi. Korxonalarda zamonaviy maishiy xizmat ko'rsatish obyektlari, oshxonalar, dam olish xonalari, tibbiyot punktlari tashkil etila boshladi. Ishchilarni arzon va sifatli ovqat bilan ta'minlash, ularning salomatligini mustahkamlash, farzandlari uchun munosib sharoitlar yaratishga alohida e'tibor qaratildi.

MUHOQAMA (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Sovet davrida Surxon vohasining yengil va oziq-ovqat sanoati kabi

muhim tarmoqlarida mehnat qilayotgan ishchi-xodimlarning kundalik ehtiyojlari va maishiy sharoitlarini yaxshilashga yetarli e'tibor qaratilmaganligi achinarli holat edi. Ayniqsa, o'tgan asrning 70-yillari boshlarida janubiy hududlarda poyafzal va kiyim ta'mirlash, tikish, soatsozlik, fotostudiyalar, radio-televizion ustaxonalar kabi zarur xizmat ko'rsatish obyektlarining nihoyatda kamligi kuzatildi. Bu holat sanoat xodimlarining elementar ehtiyojlarini qondirishda jiddiy qiyinchiliklar tug'dirardi.

Yengil va oziq-ovqat sanoati uchun zarur bo'lgan ta'mirlash, texnologik jihozlarni yangilash, oyoq kiyimlarini tikish, radiotexnik xizmat ko'rsatish, metallga ishlov berish, sandiq va uy-ro'zg'or buyumlarini yasash bo'yicha malakali mutaxassislarni tayyorlaydigan o'rta maxsus o'quv yurtlarining yo'qligi ham muammoning yana bir jihati edi. Mavjud mutaxassislarning malakasini oshirish, ularni ish bilan ta'minlash, yangi ish o'rinlarini yaratish, zarur xomashyo va asbob-uskunalar bilan ta'minlash masalalariga deyarli e'tibor berilmasligi oqibatida sanoat xodimlarining turmush darajasi sezilarli darajada past bo'lib qolayotgan edi.

Mustaqillikning ilk kunlaridan boshlab O'zbekistonda inson omili davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi. Bu o'zgarish sanoat korxonalarini, jumladan Surxon vohasidagi yengil va oziq-ovqat sanoati korxonalarida mehnat qilayotgan ishchi-texnik xodimlarning ish va turmush sharoitlarini yaxshilash borasida sezilarli ijobiy siljishlarga olib keldi. Eng avvalo, maishiy xizmatning muhim turlari bo'lgan fotostudiyalar, sartaroshxonalar, go'zallik salonlari, kimyoviy tozalash shoxobchalari, mebel yasash va ta'mirlash ustaxonalari, radio-televizion ta'mirlash ustaxonalari, uy-joy va shaxsiy transport vositalarini ta'mirlash sohalarini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratildi. Ushbu tarmoqlarga yo'naltirilgan investitsiyalar yildan-yilga oshib bordi.

Surxondaryo yengil va oziq-ovqat sanoati korxonalarida ishchi-xodimlarning malakasini oshirish va ularning moddiy-texnik hamda maishiy turmush darajasini yaxshilash

borasida tizimli ishlar amalga oshirildi. Buni "Surxonteks" korxonasi misolida yaqqol ko'rish mumkin. 2001-yilda "Onalar va bolalar yili" munosabati bilan korxonada tomonidan ko'p bolali va kam ta'minlangan oilalarga 3 million 139 ming so'mlik moddiy yordam ko'rsatildi. Korxonada faoliyat yuritayotgan 48 nafar ishchi-xizmatchi viloyat va respublika sanatoriylarida o'z salomatliklarini tiklab kelish imkoniyatiga ega bo'ldilar. Korxonaga qarashli tibbiyot punkti va gigiyena xonalari dori-darmon bilan ta'minlash uchun 1 million 664 ming so'm mablag' sarflandi. Ishchi-xizmatchilarga bepul sut va choy-shakar mahsulotlari berib borildi, bu xarajat 3 million 875 ming so'mni tashkil etdi. Korxonada oshxonasida ovqat narxining 50 foizga arzonlashtirilishi korxonada hisobidan 3 million 746 ming so'mni tashkil qildi. "Paxtakor" stadionini ta'mirlash va jihozlash uchun 8 million 269 ming so'm, korxonada atrofni obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish ishlariga esa 2 million 200 ming so'm sarflandi [3].

2002-yilda "Qariyalarni qadrlash yili" munosabati bilan nafaqadagi va nogironlik nafaqasida bo'lgan keksalarga 480 ming so'mlik moddiy yordam ko'rsatildi. Korxonada ishlayotgan 56 nafar xodim viloyat va respublika sanatoriylarida dam olib, sog'liqlarini tiklab qaytdilar. "Qariyalarni qadrlash yili" doirasida tuman ko'zi ojizlar jamiyatiga 100 ming so'm, Termiz shahrining 2500 yillik yubileyiga 2 million so'm, viloyat Navro'z bayramiga 340 ming 300 so'm, tuman chernobilchilarga 45 ming so'm, N.Boymurodov mahallasi va nuroniy jamg'armasiga ham moddiy yordam ko'rsatildi. Bundan tashqari, 11 va 4-sonli maktablarni ta'mirlash uchun 173 ming 35 so'mlik yordam ko'rsatildi [4].

2003-yilda korxonada ishchi-xizmatchilaridan 58 nafari viloyat va respublika sanatoriylariga yuborilib, salomatliklarini tiklab kelishdi. "Obod mahalla yili" munosabati bilan Ulug'bek mahallasiga qarashli mahalla raisi xonalari va tayanch punktlari ta'mirlanib, zarur jihozlar bilan ta'minlandi. "Kamalak" bolalar bog'chasini ta'mirlash va bolalarga yangi yil sovg'alari

ulashishda ham homiylik ko'rsatildi. 2003-yilda tuman chernobilchilarga tayyor mahsulotlardan 250 metr mitkal, ko'zi ojizlar jamiyatiga esa 100 ming so'mlik iste'mol tovarlari moddiy yordam sifatida berildi [5].

"Surxonteks" ishchi-xizmatchilariga mehnat ta'tiliga chiqish vaqtida yaxshi dam olishlari va sog'liqlarini tiklashlari uchun 2003-yilning olti oyi davomida 9 million so'mdan ortiq moddiy yordam ko'rsatildi. "Ijtimoiy himoya yili" munosabati bilan Navro'z bayrami arafasida ishchi-xodimlar hamda nafaqadagi keksalarga xayriya oshi berilib, turli sovg'alar bilan rag'batlantirildi. Tuman va viloyat ko'zi ojizlar jamiyatiga homiylik yordami ko'rsatildi. Tumanda o'tkaziladigan motopoyga sport musobaqasi va Navro'z bayramlariga ham homiylik qilinmoqda. Viloyat bolalar sport jamg'armasiga 2 million so'm homiylik yordami ko'rsatildi. Sport faxriysi A.Jo'rayev xotira sovrini uchun sexlar va bo'limlar o'rtasida mini-futbol musobaqasi tashkil etildi.

Bundan tashqari, korxonada ishlayotgan xodimlarning sog'lig'ini tiklash borasida ham bir qator ishlar amalga oshirildi. "Jayraxona" sanatoriysiga 7 kishi, "Botanika" sanatoriysiga 2 kishi va "Salomatlikni tiklash va tabiiy davolash ilmiy tekshirish instituti"ning Termiz filialiga 5 kishi o'z salomatliklarini tiklab kelishdi. Korxonadagi tibbiyot punkti va gigiyena xonalari uchun 425 ming so'mlik dori-darmon bepul olib berildi.

Korxonada Prezident farmonlari va Vazirlar Mahkamasining qarorlari ijrosini ta'minlash maqsadida, xususan "Yirik sanoat korxonalari bilan kasanachilikni rivojlantirish asosida ishlab chiqarish va xizmatlar o'rtasida kooperatsiyani kengaytirilishini rag'batlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmon ijrosi doirasida 2003-yilda 60 ta kasanachi ish o'rni yaratilib, ularga ish kiyimlari, qo'lqoplar, kalava iplari uchun xaltalar va xo'jalik arqonlari tayyorlab berildi.

Korxonada ishlayotgan xodimlar bepul sut mahsulotlari va ish kiyimlari bilan ta'minlab borildi. Ishchi-xodimlarga olti oylik yakuni bo'yicha 25 ming 371 so'mlik ovqat puli va 123 ming 890 so'mlik transport puli to'landi. Ishchilar oshxonasida tayyorlanadigan

ovqatlar narxi ishchilar uchun arzonlashtirildi. Korxonada ishchi-xizmatchilarini ishga olib kelish va olib ketishda korxonada avtotransporti bepul xizmat ko'rsatib kelgan.

2004-yilda ham Ulug'bek mahallasi xonalarini jihozlash uchun 500 ming so'mlik jihozlar berildi. 4-maktabni ta'mirlash uchun 300 ming so'mlik, "Kamalak" bolalar bog'chasini ta'mirlash uchun 200 ming so'mlik qurilish materiallari berildi [6]. Bunday xayrli ishlar deyarli har yili amalga oshirildi. Bevosita korxonaning o'zida ham ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar muntazam ravishda o'tkazib kelindi. Korxonada ma'naviyat va ma'rifat xonalari tashkil etilgan bo'lib, sexlarda dam olish xonalari mavjud. Jamoada sport musobaqalari (futbol, voleybol, tennis) muntazam o'tkaziladi. 2012-yilda "Mustahkam oila yili" munosabati bilan kam ta'minlangan va ko'p bolali oilalarga moddiy yordam ko'rsatib kelinmoqda. Korxonada kasanachilik bilan shug'ullanayotgan 7 nafar ayol uchun barcha sharoitlar yaratilgan, jumladan uzluksiz elektr ta'minoti va tikuv mashinalari bilan ta'minlangan. Har bir sexda ayollar uchun gigiyena xonalari mavjud bo'lib, ular zarur tibbiy anjomlar bilan jihozlangan. Korxonada ishchi-xotin qizlarini ishga olib kelish va olib ketish bepul tashkil etilgan. Ishchilar oshxonasida korxonada tomonidan issiq ovqatlar 50 foiz narxda (talon orqali) tarqatiladi. Korxonada tibbiyot punkti muntazam ravishda uch smenada ham ishchilarga bepul xizmat ko'rsatadi va barcha zarur sharoitlarga ega. Sexlarda dam olish xonalari, gigiyena xonalari, kiyinish-yechinish xonalari (garderob), dush xonalari issiq va sovuq suv bilan ta'minlangan va muntazam ishlab turibdi. Bunday ijobiy o'zgarishlar deyarli barcha sanoat korxonalarida amalga oshirilgan. "Surxonpaxtasanoat" birlashmasi ishchi-texnik xodimlarining sog'lig'ini tiklash va dam olishlari uchun tizimdagi sanatoriy-profilaktoriylarida va oromgohlarida dam olishlari va davolanishlari muntazam tashkil etilgan [7].

"Surxonoziqovqatsanoat" ochiq hissadorlik jamiyati qishloq joylardagi umumta'lim maktablari va kasb-hunar kollejlari tizimi sifatini oshirish maqsadida maktab va

kollejlarning moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va ularni ta'mirlash, mehribonlik uylariga homiylik qilish kabi xayrli ishlarni amalga oshirdi. Jumladan, korxonaga birlashtirilgan Boysun tumanidagi "Mehribonlik uyi"ga 2 million 983 ming 200 so'mlik homiylik yordami ko'rsatildi. Respublika bolalar sportini rivojlantirish fondiga 30 million so'm, Surxondaryo viloyati bolalar sportini rivojlantirish fondiga 5 million so'm, Denov tumani bolalar sportini rivojlantirish fondiga 2 million so'm, "Dinamo" sport jamg'armasiga 5 million so'm, respublika qo'l jangi federatsiyasiga 500 ming so'm, O'zbekiston taekvondo federatsiyasiga 1 million so'm, jami 43 million 500 ming so'mlik homiylik yordami ko'rsatildi [8].

O'tgan asrning 80-yillarida barcha yengil va oziq-ovqat sanoati korxonalarining o'z yordamchi xo'jaliklari mavjud edi. Masalan, Surxondaryo viloyatidagi barcha paxta tozalash zavodlari o'z ishchi va xizmatchilarining qishloq xo'jalik mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirishda faol ishtirok etdilar. Sho'rchi paxta tozalash zavodida "Hamma narsa inson uchun" shiori ostida ishchilarning turmush darajasini yaxshilashga qaratilgan amaliy ishlar boshlandi. Ayniqsa, tadqiqot davrida korxonaning yordamchi xo'jaligi kengaytirilib, go'sht, parhez parranda go'shti va sut mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi oshirildi. Korxonada yordamchi xo'jaligida yuzdan ortiq qoramol, ikki yuzdan ziyod qo'y-echki va besh mingga yaqin parranda parvarish qilindi. Angor paxta tozalash zavodining Qoraqirdagi yer maydonida katta ko'l mavjud bo'lib, unda baliq urchitilib, korxonada xodimlariga arzon narxlarda sotildi. Ishga tushgan boshqa korxonalar ham o'z ishchi-injener texnik xodimlarining qishloq xo'jalik mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojini yordamchi xo'jaliklardan unumli foydalanish orqali qondirdilar. Misol uchun, Qiziriq paxta tozalash zavodining qoramollari va asalarichilik xo'jaligi, Surxon paxta tozalash zavodining esa yer maydoni va asalarichilik xo'jaligi hamda katta bog'i mavjud edi [9]. Biroq, sobiq sho'ro davlatining inqirozi arafasida deyarli barcha yordamchi

xo'jaliklarining barham topishi bilan bu muhim yo'nalish biroz e'tibordan chetda qoldi. Biroq, mustaqillikka erishilgach, mamlakatimizda qishloq xo'jaligi bilan sanoat o'rtasidagi hamkorlikni tiklash va rivojlantirish masalasi davlat siyosatining muhim yo'nalishlaridan biriga aylandi. "Surxondaryopaxtasanoat" birlashmasida ham bu borada sezilarli ishlar amalga oshirildi. Birlashma tizimidagi sakkizta zavodda qirqta zamonaviy pillaxona barpo etilib, foydalanishga topshirildi. Fermer xo'jaliklari bilan yaqin hamkorlik o'rnatilib, 144 tonna tirik pilla yetishtirildi. Pillachilik ozuqa bazasini mustahkamlash maqsadida yuz gektar maydonda intensiv texnologiyali tutzorlar tashkil etilib, ularni parvarishlash ishlari yo'lga qo'yildi [10].

Tizimga kiruvchi korxonalar tomonidan qariyb ellik gektar maydondagi bog'larda muntazam parvarishlash ishlari olib borildi, bog'lar orasiga qo'shimcha ekinlar ekildi. Tashkil etilgan bog'larda yetishtirilgan 87 tonna meva, 30 tonna poliz mahsulotlari va 86 tonna sabzavotlar bevosita paxta tozalash korxonalarida ishchi-xizmatchilariga va aholiga yetkazib berildi [11]. Bu xayrli an'ana uzluksiz davom ettirilib, Muzrabot tumanida o'n gektar maydonda zamonaviy intensiv bog' yaratildi.

Tadqiqot davrida yengil va oziq-ovqat sanoati korxonalarida mehnat qilayotgan ishchi-xizmatchilarning farzandlari uchun ham qator amaliy ishlar amalga oshirilganligi tahlil qilindi. Sho'rchi don mahsulotlari korxonasida mavjud bolalar bog'chasini zamonaviy jihozlar bilan ta'minlash, ularni sifatli oziq-ovqat bilan muntazam ravishda ta'minlash kabi muhim vazifalar korxonada zimmasiga yuklatildi. Bolalar bog'chalariga to'lanadigan to'lovning katta qismi korxonalar tomonidan o'z mablag'lari hisobidan qoplandi. 2011-yilda ushbu maqsadlar uchun 2 million 200 ming so'm mablag' ajratildi [12]. Yengil va oziq-ovqat sanoati korxonalarida ishlovchilarning aksariyatini ayollar tashkil etganligi sababli, bolalar bog'chalarini qurish va ularning faoliyatini qo'llab-quvvatlashga alohida e'tibor qaratildi.

Sanoat korxonalarida ishchi va injener-texnik xodimlarining farzandlarini yozgi ta'til vaqtida

dam olish lagerlari va oromgohlarda maroqli hordiq chiqarishlari uchun ham alohida g'amxo'rlik ko'rsatildi. Surxondaryo viloyat paxta tozalash trestiga qarashli barcha paxta tozalash zavodlarining o'z dam olish lagerlari mavjud edi. Masalan, Termiz paxta tozalash zavodining Salovat uchastkasida, Denov paxta tozalash zavodining Vaxshivorda, Sherobod va Angor paxta tozalash zavodlarining Qorabog' hududida bolalar lagerlari faoliyat yuritgan. Lagerlarning barcha xarajatlari korxonalar tomonidan to'liq qoplab berilgan. Paxta tozalash korxonalarining "Beshbuloq" bolalar oromgohi har yili kapital ta'mirlanib, 600 nafarga yaqin bolaning yozgi dam olishi tashkil etilgan [13]. Sho'rchi don mahsulotlari korxonasida har yili bolalar yozgi oromgohlari uchun 20 ming so'm mablag' ajratilgan [14]. "Surxonoziqovqatsanoat" ochiq hissadorlik jamiyatida yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish, ularni alkogolizm, giyohvandlik va boshqa zararli odatlardan himoya qilishga ustuvor ahamiyat berildi. Yilda bir marta tibbiy va narkologik ko'rikdan o'tkazish, korxonalar ishchi-xizmatchilarining farzandlarini bepul dam olish maskanlariga yuborish, 1-iyun - Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni munosabati bilan bolalarni Termiz shahridagi madaniyat va istirohat bog'iga olib borish, korxonalar xodimlarini Buxoro, Xiva va Samarqand kabi qadimiy shaharlardagi ziyoratgohlarga sayohatlarini tashkil etish, korxonalar xodimlari farzandlari hamda kam ta'minlangan oila farzandlarining birgalikda ma'naviy hordiq chiqarishlari uchun 5 million 967 ming so'm mablag' ajratildi va "Chashma-Toshpo'latboy" bolalar oromgohida ularning bepul dam olishlari uchun sharoit yaratib berildi [15].

Jarqo'rg'on paxta tozalash zavodida faoliyat yuritayotgan oshxona va choyxona ishchilarni bepul issiq ovqat bilan ta'minladi. Surxondaryo viloyati oziq-ovqat sanoatining yetakchi korxonalaridan biri bo'lgan Denov yog'-ekstraksiya zavodida 1979-yilda ishchi-xizmatchilar uchun xizmat qilayotgan maishiy binolar va ovqatlanish shoxobchalari zamonaviy tarzda qayta jihozlandi. Shuningdek, korxonada yuvinish va kiyinish xonalari kapital ta'mirlanib, har bir sexda

alohida maishiy xizmat xonalari ochildi. Eng muhimi, 1986-yilda zavod tasarrufiga yangi sauna hamomining qurilishi yakunlanib, foydalanishga topshirildi. Ishchi-xizmatchilarning talablarini inobatga olgan holda, parhez taomlarini tayyorlaydigan oshxona ishga tushirildi va u ikki smenada ishlashga moslashtirildi. Yosh ishchi-xizmatchilarning taklifi bilan 1986-yilda yangi stadion bunyod etilib, uning uchun zamonaviy sport anjomlari ajratildi [16].

Denov yog'-ekstraksiya zavodi ishchi-xizmatchilarining salomatligini doimiy nazorat qilishni o'zining ustuvor vazifalaridan biri deb bildi va muntazam ravishda tibbiy ko'riklar o'tkazib turildi. 2011-yilda Sho'rchi don mahsulotlari korxonasida mehnatni muhofaza qilish tadbirlariga 75 ming 500 so'm mablag' yo'naltirildi [17].

Tadqiqot davrida ishchi va xizmatchilarning madaniy hordiq chiqarishlari uchun klublar, madaniyat uylari va saroylari barpo etildi. Ushbu davrda yengil va oziq-ovqat sanoati korxonalar ishchi-xizmatchilarining turmush darajasini yaxshilash, ularni moddiy va ma'naviy rag'batlantirishga katta mablag'lar ajratib turdilar. Masalan, 2011-yilda Sho'rchi don mahsulotlari korxonasida ushbu maqsadlar uchun 140 ming so'm ajratildi, ijtimoiy xarajatlarga esa 1 million 354 ming so'm sarflandi [18]. Yengil va oziq-ovqat sanoati tarmog'ida mehnat qilayotgan ishchi-texnik xodimlarning fidokorona mehnati munosib taqdirlanib borildi. Birgina Jarqo'rg'on tumanida mustaqillik yillarida sanoat sohasida erishilgan yutuqlar hukumatimiz tomonidan alohida e'tirof etilib, fidokorona mehnat qilgan sanoat sohasi xodimlaridan Sh.Bo'layev 1991-yilda "O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan sanoat xodimi" unvoni bilan, M.Xaydarova 1997-yilda, G.Ro'ziyeva 2002-yilda, S.Boboyorova 2005-yilda, G.Normurodova 2007-yilda "Shuhrat" medallari bilan mukofotlandilar.

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Xulosa qilib aytganda, tadqiq qilingan yillarda yengil va oziq-ovqat sanoati korxonalarida mehnat qilayotgan ishchi va xizmatchilarning moddiy va

ma'naviy turmush darajasini yaxshilash | oshirildi.
borasida sezilarli chora-tadbirlar amalga |

ADABIYOT VA MANBALAR RO'YXATI
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Tursunov S., Qobilov E., Murtazoyev B., Pardayev T. Surxondaryo tarixi. –Toshkent: Sharq, 2004. – B. 608.
2. Tursunov S., Qobulov E., Murtazoyev B., Pardayev B., Umarov I. Termiz tarixi. – Toshkent: YANGI NASHR, 2019. – B. 292.
3. Surxonteks qo'shma korxonasining joriy arxivi, 2001 yil.
4. Surxonteks qo'shma korxonasining joriy arxivi, 2002 yil.
5. Surxonteks qo'shma korxonasining joriy arxivi, 2003 yil.
6. Surxonteks qo'shma korxonasining joriy arxivi, 2004 yil.
7. Surxondaryopaxtasanoat"-2013.-B.17.
8. Surxonoziqovqatsanoat OAJ. Toshkent, 2010. - B. 14.
9. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 322-fond, 1-ro'yxat, 18-ish, 27-varaq.
10. Surxondaryopaxtasanoat" - 2010. — B. 10
11. Surxondaryopaxtasanoat" - 2010. - B. 11-12.
12. Sho'rchi don mahsulotlari ochiq hissadorlik jamiyati joriy arxivi, 2011 yil. — B. 29.
13. Surxondaryopaxtasanoat birlashmasi joriy arxivi. - B. 17.
14. Sho'rchi don mahsulotlari ochiq hissadorlik jamiyati joriy arxivi, 2011 yil. — B. 30.
15. Surxonoziqovqatsanoat OAJ. Toshkent, 2010. - B. 15.
16. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 45-fond, 1-ro'yxat, 78-hujjat, 27-varaq.
17. Sho'rchi don mahsulotlari ochiq hissadorlik jamiyati joriy arxivi, 2011 yil. -B. 35.
18. Sho'rchi don mahsulotlari ochiq hissadorlik jamiyati joriy arxivi, 2011 yil. -B. 32.

MUSTAQILLIK YILLARIDA SURXONDAYO VILOYATIDA BOLALAR SPORTINING RIVOJLANISHI

Kadirova Xalima Buvabayevna

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

“Ma’naviyat asoslari va huquq” kafedrasi dotsenti

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0003-0848-3891>

Annotatsiya: Ushbu maqola O‘zbekistonda yosh avlodni jismoniy va ma’naviy jihatdan sog‘lom qilib tarbiyalash, ularning sportga bo‘lgan qiziqishini oshirish, sport infratuzilmasini rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan keng qamrovli chora-tadbirlarni tahlil qiladi. Maqolada Prezident farmonlari asosida tashkil etilgan Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasining faoliyati, uning mablag‘lari hisobidan barpo etilgan zamonaviy sport ob‘ektlari, o‘quvchi-yoshlarning sport musobaqalarida erishgan yutuqlari hamda Surxondaryo viloyatida sport sohasida amalga oshirilgan ishlar yoritilgan. Shuningdek, sog‘lom avlodni tarbiyalashda davlatning yuksak e‘tibori va xalqaro sport maydonlarida O‘zbekiston yoshlarining muvaffaqiyatlari alohida ta’kidlangan.

Kalit so‘zlar: O‘zbekiston, sport, bolalar sporti, jismoniy tarbiya, ma’naviy tarbiya, sport infratuzilmasi, Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasi, sport musobaqalari, sog‘lom avlod, Surxondaryo viloyati.

Аннотация: В статье анализируются комплексные меры, реализуемые в Узбекистане по воспитанию подрастающего поколения в физически и духовно здоровом состоянии, повышению его интереса к спорту, развитию спортивной инфраструктуры. В статье освещается деятельность Фонда развития детского спорта, созданного на основе указов президента, современные спортивные сооружения, построенные на его средства, достижения студентов и молодежи в спортивных соревнованиях, а также работа, проводимая в сфере спорта в Сурхандарьинской области. Также было отмечено высокое внимание государства к воспитанию здорового поколения и успехи

узбекской молодежи на международных спортивных аренах.

Ключевые слова: Узбекистан, спорт, детский спорт, физическое воспитание, духовное воспитание, спортивная инфраструктура, Фонд развития детского спорта, спортивные соревнования, здоровое поколение, Сурхандарьинская область.

Abstract: This article analyzes the comprehensive measures being taken in Uzbekistan to raise the younger generation in a physically and spiritually healthy way, increase their interest in sports, and develop sports infrastructure. The article covers the activities of the Children's Sports Development Fund, established on the basis of presidential decrees, modern sports facilities built at its expense, the achievements of schoolchildren and youth in sports competitions, and the work carried out in the field of sports in the Surkhandarya region. It also highlights the high attention of the state to raising a healthy generation and the successes of Uzbek youth in international sports arenas.

Keywords: Uzbekistan, sport, children's sports, physical education, spiritual education, sports infrastructure, Children's Sports Development Fund, sports competitions, healthy generation, Surkhandarya region.

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Farzandlarimizni ham jismoniy, ham ma’naviy jihatdan sog‘lom qilib o‘stirish, ularning baxt-u saodati, farovon kelajagini ko‘rish, dunyoda hech kimdan kam bo‘lmaydigan avlodni tarbiyalash yo‘lida O‘zbekistonda keng qamrovli chora-tadbirlar ishlab chiqilganki, u bugun o‘zining ijobiy natijalarini ko‘rsatmoqda.

MUHOQAMA (ОБСУЖДЕНИЕ /

DISCUSSION). O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2002-yil 24-oktyabrdagi “O‘zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasini tuzish to‘g‘risida”gi hamda 2004-yil 29-avgustdagi “O‘zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasi faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari o‘tib kelayotgan avlod qalbida sportga muhabbat tuyg‘ularini shakllantirishda muhim dasturilamal bo‘lib xizmat qilayotir.

O‘tgan davr mobaynida mazkur jamg‘arma mablag‘lari hisobidan qariyb 1500 ta zamonaviy bolalar sporti obyektlari barpo etildi. Bugungi kunda mamlakatimizdagi deyarli har bir maktab, kollej va litsey ochiq sport maydonchalaridan tashqari, zamonaviy anjomlar bilan ta‘minlangan yopiq sport zallari va suzish havzalariga ham ega.

Aytish joizki, Xalq ta‘limi vazirligi huzuridagi “Yoshlik” jismoniy tarbiya va sport jamiyati ana shu inshootlardan foydalanish samaradorligini oshirish, o‘quvchi-yoshlarni sportga kengroq jalb etish, sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish singari ezgu ishlarni amalga oshirib kelayotir. Jamiyat shuningdek, umumta‘lim maktablari, maktabdan tashqari ta‘lim muassasalari o‘qituvchi hamda murabbiylariga jismoniy tarbiya darslari va mashg‘ulotlarini samarali tashkil etish, yaratilgan moddiy-texnik bazadan unumli foydalanish borasida ham yaqin ko‘makchi.

2012-yilning o‘tgan to‘qqiz oyi davomida “Yoshlik” jismoniy tarbiya va sport jamiyati markaziy kengashi tomonidan o‘tkazilgan sport tadbirlari, jumladan, oltita birinchilik, o‘nta markaziy Kengash sovrini uchun musobaqa, 11 o‘quv-yig‘in mashg‘ulotida bu jihatlar yana bir karra amaliy ifodasini topdi. Ularda 4870 nafardan ziyod o‘quvchilar ishtirok etdi. Mintaqaviy kengashlar tomonidan tashkillashtirilgan viloyat birinchiliklariga esa 312 mingdan ziyod o‘quvchi-yoshlar jalb qilindi[1].

2012-yil 168 ta bolalar sporti obyekti foydalanishga topshirildi va bugungi kunda 6 yoshdan 15 yoshgacha bo‘lgan 1 million 600 mingdan ziyod bolalarimiz sport bilan muntazam shug‘ullanish imkoniga ega bo‘ldi.

Yurtimizda sport sohasini yanada

rivojlantirish, O‘zbek futboli rivojini yangi bosqichga ko‘tarish maqsadida azim poytaxtimiz Toshkent shahrida zamonaviy “Bunyodkor sport majmuasi” qurilib foydalanishga topshirilgani mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatini yana bir bor yorqin namoyon etdi.

O‘zbekistonning futbol bo‘yicha ikkita terma jamoasi — o‘n olti yoshgacha bo‘lgan o‘smirlar terma jamoamiz hamda yoshlar terma jamoamiz Osiyo qit‘asining manaman degan eng kuchli mamlakatlarining terma jamoalari bilan keskin kurashlarda g‘alaba qozongani, kelgusi yili jahon chempionatida ishtirok etish huquqini qo‘lga kiritgani, hech shubhasiz, nafaqat futbol ishqibozlari va sport muxlislarini, o‘ylaymanki, butun xalqimizning ko‘nglini ko‘tarib, g‘urur va iftixor yetkazdi, desam, adashmagan bo‘laman.[1]

Surxon vohasida ham yoshlarning sportga bo‘lgan qiziqishini, mahoratini oshirish, sport turlarining ommaviyligini ta‘minlash maqsadida 10 ta bolalar va o‘smirlar sport maktablari faoliyati yo‘lga qo‘yilgan.

O‘tgan yilning ko‘klamida Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasining 1 milliard 731,8 million so‘mlik mablag‘i hisobidan Qumqo‘rg‘on tuman markazida “Surxon suzish havzasi” qurilib, foydalanishga topshirildi. Bugungi kunda 400 nafar o‘g‘il-qiz suv sporti bilan shug‘ullanayotgan mazkur havzada barcha sharoitlar yaratilgan.

Davlatimiz rahbarining yuksak e‘tibori tufayli sport nafaqat mamlakatimizda, balki vohamizda ham kun sayin ommaviylashmoqda[2].

2003 - 2010-yillarda O‘zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan barpo etilgan 1199 ta bolalar sporti obyekti umumiy qiymati 18,91 milliard so‘mlik sport inventarlari va uskunalari bilan jihozlandi.

O‘zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasi va mahalliy hokimliklar o‘g‘il-qizlarimizni sport bilan muntazam shug‘ullanishga keng jalb etish borasida faol hamkorlik qilib kelmoqda. 2010-yilda bu borada amalga oshirilgan ishlar natijasida mamlakatimizda 6 - 15 yoshdagi 1,6 million nafar o‘quvchi sport va jismoniy tarbiya bilan

shug'ullanmoqda. Ya'ni, hozirgi kunda ularning soni 2008-yildagi 29,2 foizdan 34,5 foizga, qizlar orasida esa 24,1 foizdan 30,9 foizga ko'paydi.

2005-yilda yurtimizda mutlaqo sog'lom bolalar soni 52,7 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2010-yilda ular 62,6 foizga yetdi. Agar dunyoning rivojlangan davlatlarida bu ko'rsatkich 70-72 foizligini inobatga oladigan bo'lsak, O'zbekistonda ushbu masala bo'yicha qanday jiddiy o'sish sur'atlariga erishilayotgani yaqqol ayon bo'ladi[3].

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti raisligida 2011-yil 25-fevral kuni Oqsaroyda O'zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi homiylik kengashining navbatdagi yig'ilishi bo'lib o'tdi.

Majlisda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi Homiylik kengashi raisi ushbu tuzilma tashkil etilganidan buyon o'tgan davrda amalga oshirilgan keng ko'lami ishlar, ularning ahamiyati, mohiyati va amaliy natijalari haqida so'z yuritib, Jamg'arma faoliyati rivojiga davlat va hukumat idoralari, ishlab chiqarish korxonalari, tadbirkorlik va fermerlik subyektlari, nodavlat tashkilotlar, keng jamoatchilik o'z hissalarini qo'shayotgani, ularning bu boradagi ishlarni qo'llab-quvvatlashi tufayli bu tashkilot qisqa muddatda umummilliy harakatga aylanganini qayd etdi.

Yig'ilishda Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi mablag'larini shakllantirish va ulardan maqsadli foydalanish masalalari muhokama qilindi. O'tgan yili ushbu maqsadlar uchun 111,1 milliard so'm ajratish ko'zda tutilgan bo'lib, amalda bu ko'rsatkich 116,8 milliard so'mni tashkil etdi. Xorijiy valyutadagi tushumlar esa 1,72 million AQSH dollarini tashkil qildi. Aytish joizki, 2008 — 2011-yillarda mablag'lar tushumi 55,9 foizga ko'paydi va bu, o'z navbatida, homiylarning mamlakatimizda bolalar sportini rivojlantirish va Jamg'arma ishini faollashtirishga e'tibori ortib borayotganidan dalolat beradi[4].

Inson manfaatlari ustuvor yurtda ertangi kunga yuksak ishonch bo'ladi. Buni mamlakatimizda yoshlarimizga, ayniqsa, sportchi qizlarimizga ko'rsatilayotgan

g'amxo'rlik va e'tibordan ham bilish mumkin. Ayni kunlarda Xalq ta'limi vazirligi huzuridagi Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi tomonidan Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahridagi maktab, kollej, akademik litseyda o'qiyotgan hamda ijtimoiy ta'minot muassasalarida tarbiyalanayotgan 8 yoshdan 18 yoshgacha bo'lgan sportchi qizlarga Prezident sport kiyimlari tuhfa etilmoqda[5].

Aytaylik, 2011-yilda Surxon vohasi mezbonlik qilgan "Barkamol avlod" sport musobaqalarining dastlabki bosqichida akademik litsey va kasb-hunar kollejlari ta'lim olayotgan 1 million 600 mingdan ziyod farzandlarimizning 740 ming nafari yoki qariyb 50 foizi ishtirok etgani uning qamrovi qanday ekanidan va bellashuvlar naqadar qizg'in kechganidan darak beradi.

Misol uchun, "Barkamol avlod — 2011" sport o'yinlari munosabati bilan Termiz shahrida "Surxon" sport majmuasi qurildi. Bu yerda 10 ming tomoshabinga mo'ljallangan stadion, badiiy gimnastika va qo'l to'pi zallari bunyod etilib, zamonaviy sport jihozlari bilan ta'minlandi. Bunday ko'rkam va zamonaviy inshootlar sog'lom avlod kamoloti yo'lida davlatimiz rahbarining beqiyos g'amxo'rliги namunasi bo'lib, uzoq vaqt xalqimizga xizmat qilishi, shubhasiz. Surxondaryo viloyati bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi bo'limi tomonidan ham ko'plab ishlar amalga oshirilmogda. Biz qisqacha 2014-yilda bajarilgan ishlarga to'xtalmoqchimiz.

Surxondaryo viloyatida 2003-2014-yillarda 124 ta Bolalar sport inshooti qurilib, foydalanishga topshirilgan. Shundan 113 tasi (91%) qishloq joylarda joylashgan. Ularning 13 tasi TIPlar (5 ta 1-TIP, 2 ta 2-TIP, 1 ta 4-TIP, 4 ta 5-TIP, 1 ta alohida loyiha asosida), 1 ta 25x11 m o'lchamdagi yopiq suzish havzasi, 83 tasi maktab sport zallari (41 ta 9x18 m, 42 ta 12x24 m o'lchamda), 19 tasi mavjud sport inshootlari rekonstruksiya qilinganlari, 5 tasi suzish havzalari (3 ta kapital ta'mirlash) va 3 ta bolalar sport maydonchalaridan iborat. Sport inshootlarining 105 tasi Xalq ta'limi vazirligi, 5 tasi Madaniyat va sport ishlari vazirligi va 6 tasi boshqa tashkilotlar tasarrufida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining

2014-yil 31-yanvardagi «O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi huzuridagi Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasi byudjetini hamda 2014-yilda Bolalar sporti inshootlari, suzish havzalari va Bolalar musiqa hamda san’at maktablarini qurish, rekonstruksiya qilish va kapital ta’mir olib borishning manzilli dasturini tasdiqlash to‘g‘risida»gi PQ-2118-sonli qarori asosida viloyat hududida 3 ta yangidan quriladigan musiqa va san’at maktablari va 1 ta II-tipdagi sport kompleksi, 6 ta maktablar qoshida qo‘shimcha sport zal qurish hamda 1 ta sport inshootni rekonstruksiya qilish ishlari belgilangan.

2014-yil yakunida 11 ta Bolalar sport obyektlari foydalanishga topshirilib, Davlat qabul komissiyasiga ko‘rib chiqildi va dalolatnomalar rasmiylashtirildi.

Shu bilan birga 2004-2012-yillarda foydalanishga topshirilgan bolalar sport inshootlari, maktab sport zallari va suzish havzalarini qayta jihozlash uchun bugungi kunga qadar 380,7 mln so‘mlik sport anjomlari va uskunalari olib kelindi va joylarga yetkazildi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2011-yil 4-avgustdagi «Sport bilan muntazam shug‘ullanuvchi qizlarni zamonaviy sport kiyimlari bilan rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi P-3690-sonli Farmoyishi hamda Viloyat hokimligining 2011-yil 9-avgustdagi 97-F-Farmoyishlariga asosan 3 yilga mo‘ljallangan zamonaviy sport kiyimlari 2014-yilda Termiz shahri va tumanlarga jami 15 907 komplekt kiyimlar tarqatildi.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 19-apreldagi umumta’lim maktablari, akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari o‘quvchi-qizlarining sport bilan muntazam shug‘ullanishini yanada rivojlantirish to‘g‘risida»gi qizlarni zamonaviy sport kiyimlari bilan rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi 264-f-sonli Farmoyishiga asosan joriy yilga qo‘shimcha 8 377 komplekt sport formallari Termiz shahri va barcha tuman markazlarida yuqori saviyada tarqatildi.

Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasi tomonidan viloyatda bolalar, ayollar va oila sportini rivojlantirish, ularni jismoniy tarbiya

va sportga jalb etish, aholining barcha qatlamlarini sog‘lomlashtirish, ommaviy sport musobaqalarini tashkil qilish, o‘quvchi-yoshlar o‘rtasida sportni rivojlantirish, “Sog‘lom bola” yili Davlat dasturida belgilangan vazifalarni amalga oshirish hamda 14-yanvar Vatan himoyachilari kuni, «8-mart Xalqaro xotin-qizlar», «Navro‘z», “Xotira va qadrlash kuni” hamda bayramlariga bag‘ishlab va tasdiqlangan musobaqalar taqvim rejasiga asosan belgilangan vaqtlarda sport musobaqalari o‘tkazilib kelinmoqda. 2014-yil mobaynida Jamg‘arma tomonidan tuman (shahar) hamda viloyat birinchiliklari jami 446 ta musobaqa o‘tkazildi. Musobaqalarda jami 32 ming 517 nafar ishtirokchi qatnashdi. Shundan qizlar 13 ming 527 nafarni tashkil etdi. Musobaqa g‘oliblariga esdalik sovrindorlar bilan taqdirlandi.

2014-yil 14-16-mart kunlari Rossiya Federatsiyasi Kaliningrad shahrida o‘tkazilgan Taekvondo VTF sport turi bo‘yicha o‘tkazilgan Xalqaro turnirda Termiz shahridagi 13-maktabning o‘quvchisi Qosimhojiyev Najmiddin 32 kg vaznda 1-o‘rin, Jarqo‘rg‘on tuman 41-maktab o‘quvchisi Raimjonova Mohira 49 kg vaznda 2-o‘rin, Jarqo‘rg‘on tuman 41-maktab o‘quvchisi Eshboyeva Kimyo 68 kg vaznda 3-o‘rin sohiblari bo‘lishdi.

2014-yil 25-noyabr - 1-dekabr kunlari Turkiya Davlatining Antaliya shahrida o‘tkazilgan sportning Taekvondo VTF sport turi bo‘yicha o‘tkazilgan Xalqaro turnirga jami 10 nafar sportchi ishtirok etishib 1 ta oltin, 1 ta kumush va 3 ta bronza medallarni qo‘lga kiritishdilar.

O‘tkazilgan sport tadbirlari ommaviy axborot vositalari orqali yoritib borildi.

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Xulosa qilib aytganda, O‘zbekistonda yosh avlodni har tomonlama barkamol etib tarbiyalash, xususan ularning jismoniy salomatligini mustahkamlash va sportga mehrini oshirish davlat siyosatining muhim yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. O‘tgan yillar davomida qabul qilingan farmonlar, tashkil etilgan jamg‘arma va amalga oshirilgan keng ko‘lamli ishlar mamlakatda zamonaviy sport

infratuzilmasining yaratilishiga, o'quvchi-yoshlarning sport bilan muntazam shug'ullanishiga va xalqaro maydonlarda munosib natijalarga erishishiga zamin yaratdi.

Maqolada keltirilgan Surxondaryo viloyatidagi misollar ham bu borada olib borilayotgan ishlar naqadar samarali ekanligini

ko'rsatadi. Yangi sport inshootlarining qurilishi, mavjudlarining rekonstruksiya qilinishi, sport anjomlari bilan ta'minlanishi va sport musobaqalarining muntazam o'tkazilishi yoshlarning sportga bo'lgan qiziqishini oshirib, ularning salomatligini mustahkamlashga xizmat qilmoqda.

ADABIYOT VA MANBALAR RO'YXATI
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Назиров Б.С. Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спорт тарихи (XX аср – XXI аср бошларида Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Термиз, 2021.
2. Xalq so'zi, 2012-yil 8-dekabr.
3. Tashrif, 2015-yil 19-yanvar.
4. Xalq so'zi, 2011-yil 4-mart.
5. Karimov I. A. Demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish – mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy mezonidir.
6. Xalq so'zi, 2012-yil 13-mart.

SURXON VOHASIDA SOVET TA'LIM TIZIMINING ILDIZ OTISHI VA MAKTAB QURILISHI

Umarov Jamshid Saidmuratovich

Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida tadqiqotchisi,

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

e-mail: Umarovjamshid510@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0004-2134-0503>

UDK 94 (575.1)

Annotatsiya: Ushbu maqola 1920-1930-yillarda Surxon vohasida sovet hokimiyatining ta'lim sohasidagi siyosatini va uning natijalarini tahlil qiladi. Bolshheviklarning aholi savodxonligini oshirish, kommunistik mafkurani targ'ib qilish, milliy ozchiliklar e'tiborini qozonish kabi maqsadlari ta'lim tizimida amalga oshirilgan islohotlarning asosiy yo'nalishlari ko'rsatib berilgan. Og'ir sharoitlarda yangi maktablarning tashkil etilishi, ko'chib kelgan aholi bolalarining ta'lim bilan qamrab olinishi, moddiy-texnik bazaning rivojlantirilishi va o'qituvchi kadrlarining tayyorlanishi kabi jarayonlar o'rganilgan. Shuningdek, majburiy yetti yillik ta'limning joriy etilishi va maktab qurilishining jadallashuvi kabi muhim bosqichlar tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Sovet davri, Surxon vohasi, ta'lim siyosati, savodxonlik, maktab qurilishi, majburiy ta'lim, milliy maktablar, ko'chirish siyosati, pedagog kadrlar.

Аннотация: В статье анализируется образовательная политика советской власти в Сурханском оазисе в 1920-1930-е годы и ее результаты. Указаны основные направления реформ, проведенных в системе образования, которые были направлены на повышение грамотности населения, пропаганду коммунистической идеологии, привлечение внимания национальных меньшинств. Изучались процессы создания новых школ в сложных условиях, в том числе обучения детей переселенцев, развития материально-технической базы и подготовки педагогических кадров. Также были проанализированы такие важные вехи, как введение обязательного семилетнего

образования и ускорение строительства школ.

Ключевые слова: советское время, Сурханский оазис, образовательная политика, грамотность, строительство школ, обязательное образование, национальные школы, переселенческая политика, педагогические кадры.

Abstract: This article analyzes the educational policy of the Soviet authorities in the Surkhan oasis in the 1920s and 1930s and its results. The main directions of the reforms implemented in the education system, which were aimed at increasing the literacy of the population, promoting communist ideology, and attracting the attention of national minorities, are indicated. The processes of establishing new schools in difficult conditions, including the education of children of the immigrant population, the development of the material and technical base, and the training of teaching staff are studied. Important stages such as the introduction of compulsory seven-year education and the acceleration of school construction are also analyzed.

Keywords: Soviet era, Surkhan oasis, educational policy, literacy, school construction, compulsory education, national schools, resettlement policy, pedagogical staff.

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Bolshheviklarning ta'lim sohasiga bu qadar katta e'tibor qaratishlari bejiz emasdi. Ular savodsizlikni bartaraf etish orqali nafaqat yangi ijtimoiy tuzumning progressivligini namoyish etishni, balki sanoatlashtirish va modernizatsiya jarayonlari uchun malakali ishchi kuchini tayyorlashni

ham maqsad qilgan edilar. Kommunistik mafkurani xalq ongiga singdirish, targ'ibot va tashviqotni samarali olib borish, shuningdek, milliy ozchiliklarning madaniy rivojlanishiga ko'maklashish orqali ular o'z siyosiy tayanchini mustahkamlashga intildilar. Shubhasiz, bu kabi tadbirlar sovetlarning xalq o'rtasidagi obro'yini ko'tarib, ularning hokimiyatini mustahkamlar, kommunistik aqidalarning kuchayishiga xizmat qilar edi. Natijada, chorizm davrida Turkistonning tub aholisi o'rtasida o'qish-yozishni bilmaydiganlar soni o'rtacha 80% ni tashkil qilgan bo'lsa, 1930 yillarning boshlariga kelib savodli bo'lganlar soni 80% ga yaqinlashdi[1].

MUHOKAMA (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Surxon vohasida yangi tipdagi sovet maktablarining joriy etilishi o'ziga xos qiyinchiliklar bilan kechdi. Mintaqada 1924-1930 yillar mobaynida rasmiy yozishmalar ikki tilda olib borilishi bu davrning o'ziga xos xususiyati edi. Chunki, mahalliy aholining aksariyati sovet ta'lim tizimi paydo bo'lishidan oldin diniy maktablarda yoki xususiy muallimlardan saboq olgan bo'lib, rus tilini o'rganishga ko'p vaqt talab etilardi. Bu holat, ayniqsa, o'qituvchi kadrlarining yetishmasligi bilan birga kelib, ta'lim jarayonini sekinlashtirardi. Biroq, hukumatning sa'y-harakatlari natijasida 1928-yilga kelib O'zbekiston SSRda 1824 ta sovet maktabi o'z faoliyatini olib borayotgan edi va bu maktablarda 123 ming 700 nafar o'quvchi bilim olayotgan edi. Taqqoslash uchun aytish mumkinki, 1924-yilda bu ko'rsatkich uch barobar kam bo'lgan, bu esa sovet hokimiyatining ta'lim sohasidagi sezilarli o'sishga erishganini ko'rsatadi.

1929-1933-yillarda Sovet Ittifoqida amalga oshirilgan majburiy kollektivlashtirish siyosati nafaqat iqtisodiy, balki demografik o'zgarishlarga ham olib keldi. Bu davrda "quloq" deb topilgan ko'plab oilalar o'z yurtlaridan Surxondaryo okrugining chekka hududlaridagi, xususan, Hazorbog', Qumqo'rg'on, Surxon va Sho'rchi kabi joylardagi yangi tashkil etilgan sovxozlarga zo'ravonlik bilan ko'chirildi. Bundan tashqari, respublika rahbariyati paxtachilikni

jadallashtirish maqsadida 1930-1932-yillarda Farg'ona vodiysi va Sherobodning tog'li rayonlaridan minglab dehqon oilalarini Termiz va Denov tumanlariga ko'chirdi. Bunday keskin demografik o'zgarishlar mahalliy hokimiyat organlari zimmasiga yangi vazifalarni yukladi, xususan, ko'chib kelgan aholining farzandlari uchun ta'lim olish imkoniyatini yaratish dolzarb masalaga aylandi. Ushbu muammoni tezkor hal etish maqsadida Hazorbog', Sho'rchi, Qumqo'rg'on, Surxon tumanlarida va Termiz tumanidagi Namuna kolxozi kabi joylarda yangi boshlang'ich va o'rta maktablar tashkil etildi. E'tiborli jihati shundaki, surgun qilinganlar orasida pedagogik ma'lumotga ega bo'lgan shaxslar mavjud bo'lganida, ularning bilim va tajribasidan foydalanish maqsadida ularni darhol o'qituvchilik lavozimlariga tayinlash holatlari ham ko'p kuzatildi. Bu, bir tomondan, maktablardagi o'qituvchi kadrlarining yetishmasligi muammosini qisman hal qilgan bo'lsa, ikkinchi tomondan, surgun qilingan ziyolilarning jamiyatga integratsiyalashuviga ham yordam berdi.

1929-yilda Denov tumanidagi Hazorbog' qishlog'ida tashkil etilgan yangi turdagi maktab mintaqada ta'lim sohasidagi muhim o'zgarishlardan biri bo'ldi. Ushbu maktabning ochilishi nafaqat mahalliy aholining bilim olishga bo'lgan ehtiyojini qondirishga qaratilgan edi, balki o'sha davrda keng ko'lamlı agrar islohotlar munosabati bilan boshqa hududlardan ko'chirib keltirilgan oilalarning bolalarini ham qamrab olishni maqsad qilgan edi. Hazorbog' qishlog'ining keng va unumdor yerlari paxtachilikni rivojlantirish uchun qulay bo'lganligi sababli, bu yerda paxta dalalarini kengaytirish ishlari intensiv ravishda olib borilardi. 1930-yilda qishloqning sovxozga aylantirilishi bu jarayonning bir qismi bo'ldi va bu yerga respublikaning boshqa joylaridan "quloq" sifatida surgun qilingan dehqon xo'jaliklari ham olib kelib joylashtirildi. Yangi kelgan aholining ijtimoiy-maishiy sharoitlarini yaxshilash maqsadida ularning bolalari uchun maktablar bilan bir qatorda, kichik yoshdagi bolalar uchun bolalar bog'chalari ham tashkil

etildi, bu esa ayollarning ishlab chiqarishga qaytishiga imkon yaratdi.

Surxon vohasidagi ilk sovet maktablarida ta'lim olishga bo'lgan qiziqish turli millat vakillari orasida yuqori bo'lgan. O'zbek bolalari bilan bir qatorda, o'sha davrda mintaqada istiqomat qilgan ukrain, rus, tatar va boshqa millat farzandlari ham ushbu maktablarda bilim olgan. Ta'limning ikki tilda – mahalliy o'zbek tilida va rus tilida olib borilishi esa turli millat vakillarining o'zaro integratsiyalashuviga xizmat qilgan. Xususan, 1922-yilda Buxoro viloyatining Qiziltepa tumanida tug'ilgan Latofat buvi Arslonova o'rta maktabni muvaffaqiyatli tamomlagach, o'z bilimini yanada oshirish maqsadida Samarqand pedagogika bilim yurtida tahsil olgan. Samieva Rafiqaning xotiralariga ko'ra, uning 1929-yilda ijtimoiy kelib chiqishi tufayli Denov tumanining Hazorbog' qishlog'iga surgun qilinishi uning hayotida keskin burilish yasagan, ammo u shu qishloq maktabida yosh avlodga bilim berishdek mas'uliyatli vazifani ado etgan. Bu kabi misollar o'sha davrda ta'limning naqadar muhim ahamiyatga ega bo'lganligini va turli taqdirilar uning bilan qanday bog'langanligini ko'rsatadi.

1930-yilda Jarqo'rg'on tumanidagi Surxon sovxozida mahalliy ziyoli va ma'rifatparvar Ahmadjonovning faol ishtiroki va tashabbusi bilan qisqa muddatda, jamoatchilik yordami – hashar orqali boshlang'ich maktab binosi bunyod etildi. 1937-yilga kelib, o'quvchilar sonining ortishi va ta'lim sifatini yaxshilash maqsadida maktab 7 yillik o'rta maktabga aylantirildi. Maktabda jami 154 nafar o'g'il-qiz bilim olardi. Mintaqada turli millat vakillari istiqomat qilganligi bois, o'quvchilarning tillarini hisobga olgan holda o'zbek va rus tillarida alohida sinflar tashkil etildi. Maktabning tashkil etilishida va rivojlanishida muhim rol o'ynagan birinchi direktor Novikova bo'ldi, unga dastlabki yillarda Bo'riyev va Ya.Fozilov kabi fidoyi o'qituvchilar hamrohlik qilishdi[2].

1930-1931 o'quv yiliga oid tarixiy hujjatlarda Surxon vohasidagi "Qorakamar", "Boldir" va "Manguzar" qishloq kengashlariga bo'ysungan ta'lim muassasalarining

infratuzilmasi nihoyatda nochor ahvolda bo'lganligi qayd etilgan. Ushbu qishloq maktablari atigi ikki xonadan iborat bo'lgan. Ularning tashqi ko'rinishi esa mahalliy aholining turmush tarzini aks ettirgan holda, oddiy, past va asosan loydan qurilgan uylarga o'xshardi. Qish oylarida yog'ingarchilik ko'p bo'lganligi sababli, maktablarning yaroqsiz tomalaridan suv doimiy ravishda tomchilab turishi o'quv jarayoniga jiddiy xalaqit qilardi[3].

Keyinchalik Surxon vohasining olis hududlarida ham ta'lim infratuzilmasini rivojlantirish maqsadida maktablar qurishga kirishildi. Misol uchun, Denov tumanidagi "Sina" va "Qorliq" qishloq kengashlariga markaziy byudjetdan jami 119 ming rubl mablag' o'tkazildi. Ushbu moliyaviy resurslarning asosiy qismi – 79 ming rubli aynan yangi maktab binolarini loyihalashtirish va qurish ishlariga sarflandi[4]. Denov tumani markazida madaniy-maishiy muassasalar uchun tuman byudjetidan 50 ming rubl miqdorida mablag' ajratildi.

Surxondaryo viloyatida faoliyat ko'rsatayotgan tojik maktablarining aksariyati o'quv jarayoni uchun zarur bo'lgan tojik tilidagi adabiyotlar bilan yetarli darajada ta'minlanmaganligi aniqlangach, bu muammo boshqa milliy maktablarda ham kuzatilayotganligi ma'lum bo'ldi. Vaziyatning jiddiylikni anglagan okrug xalq ta'limi bo'limi, mahalliy partiya va komsomol tashkilotlari ushbu dolzarb masalani hal etish uchun respublika hukumatiga rasmiy murojaat qilib, zarur adabiyotlar bilan ta'minlashda amaliy yordam ko'rsatishni so'radilar. Bundan tashqari, o'zbekistonlik tojik o'quvchilarining ona tilidagi adabiyotlarga bo'lgan ehtiyojini qondirish maqsadida Tojikiston avtonom respublikasining tegishli tashkilotlariga ham kitoblar bilan ta'minlash yuzasidan so'rovnomalar yuborildi[5].

1930-yillarning boshlarida Surxon vohasida amalga oshirilgan majburiy ko'chirish va quloqlashtirish siyosati mintaqaning demografik manzarasiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Bir qator respublika viloyatlari, jumladan, Andijon, Farg'ona va Buxoro viloyatlaridan minglab aholi Denov tumaniga

ko'chirib keltirildi. Bu migratsiya oqimi yangi kelganlarning farzandlarini o'qitish uchun zarur bo'lgan ijtimoiy infratuzilmani yaratish masalasini kun tartibiga qo'ydi. Shunga ko'ra, 1930-yilda Denov tumanining "Bobotog'", "Yangiobod", "Sina" va "Hazorbog'" kabi yirik qishloqlarida, shuningdek, "G'alaba" kolxozi tasarrufidagi "Kuyovsuv" va "Anbarsoy" qishloqlarida sovet hokimiyatining bevosita ko'magi bilan yangi boshlang'ich maktablar tashkil etildi.

1935-yilning yanvar oyida O'zbekiston SSR sovetlarining beshinchi syezdi ta'lim sohasida muhim qaror qabul qildi. Unga ko'ra, respublika Xalq Komissarlar Sovetiga 8 yoshdan 15 yoshgacha bo'lgan barcha bolalarni majburiy yetti yillik ta'lim bilan qamrab olish vazifasi qo'yildi hamda shahar va qishloq joylarida zamonaviy maktab binolarini barpo etish bo'yicha keng qamrovli dastur ishlab chiqish zarurligi ta'kidlandi. Ushbu strategik ahamiyatga molik masala 1936-yil 17-dekabrda Surxondaryo okrug ijroiya qo'mitasining sessiyasida batafsil muhokama qilindi va ta'lim tizimini rivojlantirishga qaratilgan bir qator aniq chora-tadbirlar belgilandi. Qabul qilingan qarorlar ijrosi natijasida okrugning turli shahar va qishloqlarida yangi maktab binolarining qurilishi jadal sur'atlarda boshlandi. 1937-yilda Termiz shahridagi "Pravda" gazetasi sharafiga nomlangan 2-sonli o'rta maktab uchun zamonaviy, ikki qavatli o'quv binosi bunyod etildi, bu esa Surxondaryo viloyatida qurilgan ilk ikki qavatli maktab inshooti sifatida tarixga kirdi. O'sha yili Jarqo'rg'on tumanining Kakaydi qishloq soveti hududidagi "Pravda" gazetasi nomidagi maktab qoshida Changoyoq qishlog'ida (hozirgi Qahramon

mahallasi) ikkita boshlang'ich sinf o'z faoliyatini boshladi, ularning har birida 24 nafardan o'quvchi bilim oldi. Bu sinflarda Po'lat Do'lanov va Hasan Tursunqulov kabi tajribali pedagoglar yosh avlodga saboq berishdi. 1930-yillar davomida "Mehnat-rohat" kolxozida beshta boshlang'ich maktab faoliyat yuritgan bo'lib, 1926-1940-yillar oralig'ida ushbu ta'lim muassasalarida jami 630 nafar o'quvchi tahsil oldi[6].

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan kelib chiqadigan umumiy xulosa shuki, 1920-1930-yillarda Surxon vohasida sovet hokimiyatining ta'lim sohasini rivojlantirishga qaratilgan faol siyosati sezilarli natijalarga olib keldi. Bolsheviklarning aholi savodxonligini oshirish, kommunistik mafkurani singdirish, targ'ibotni kengaytirish va milliy ozchiliklar e'tiborini qozonish kabi strategik maqsadlari ta'lim tizimida tub o'zgarishlarga zamin yaratdi.

Chorizm davrida o'ta past darajada bo'lgan savodxonlik ko'rsatkichlari qisqa vaqt ichida keskin o'sib, 80 foizga yaqinlashdi. Bu o'zgarishlar oson kechmadi, buning uchun og'ir sharoitlarda yangi maktablar tashkil etish, ko'chib kelgan aholi bolalarini ta'lim bilan ta'minlash, moddiy-texnik bazani yaxshilash va o'qituvchi kadrlarining yetishmasligi kabi muammolarni hal etish talab qilindi.

Shunga qaramay, qishloqlarda hashar yo'li bilan maktablar qurilishi, mavjud maktablarning kengaytirilishi va yangi o'quv binolarining barpo etilishi ta'lim tizimining rivojlanishiga muhim hissa qo'shdi.

ADABIYOT VA MANBALAR RO'YXATI

(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. O'z MA, 50-fond, 1-ro'yxat, 11-ish, 35-varaq.
2. Normatov N. Surxonda bir maktab bor. –Toshkent: San'at, 2007. –B. 17.
3. O'z MA, R-94-jamg'arma, 5-ro'yxat, 655-ish, 4-varaq.
4. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, Denov tuman bo'limi, 6-jamg'arma, 1-ro'yxat, 525-ish, 83-varaq.
5. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 89-jamg'arma, 1-ro'yxat, 80-ish, 57-varaq.
6. Tursunov S., va boshqalar. Jarqo'rg'on tarixidan lavhalar. –B. 74.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ОНА ВА БОЛА МУҲОФАЗАСИ: АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

Раджапова Сабохат Бобировна

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти в.б.,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

УДК: 94(575,151)

<https://orcid.org/0009-0007-6910-5520>

Аннотация: Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аёллар саломатлигини сақлаш ва уларнинг тиббий маданиятини янада юксалтириш учун олиб борилган ислохотлар ёритилган. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан ҳам фикр мулоҳазалар акс этган.

Калит сўзлар: “Она ва бола скрининг маркази”, “Оила йили”, “УЗИ” ва “Колкоскон”, “Соғлиқни сақлаш аълочиси”, “Хурмат белгиси”.

Abstract: This article discusses the reforms carried out in Uzbekistan during the years of independence to protect women's health and further improve their medical culture. It also reflects opinions on the protection of motherhood and childhood.

Keywords: “Mother and Child Screening Center”, “Year of the Family”, “UZG” and “Kolkoskon”, “Healthcare Excellence”, “Honorary Badge”.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, хусусан оналар ва болалар соғлигини яхшилаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. 1991 йилдан 2017 йилга қадар мамлакатимизда ҳомиладорликни режалаштириш, туғруқлар оралигини қисқартириш, ҳомиладор аёлларни ҳудудий тиббиёт муассасалари орқали назоратга олиш ва бошқа қатор чора-тадбирлар натижасида оналар ўлими кўрсаткичи сезиларли даражада, яъни 3 баробарга камайди. Мазкур ижобий ўзгаришлар мамлакатнинг барча ҳудудларида кузатилган бўлса-да, алоҳида ҳудудларда

бу борадаги ишларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). 1991 йилдан токи 2017 йилга келиб республикаимизда ҳомиладорликни режалаштириш, туғруқлар оралигини қисқартириш, ҳомиладор аёлларни ўзлари яшаб турган ҳудудий тиббиёт муассасалари орқали назоратга олиш, шунингдек, бошқа омиллар натижасида оналар ўлими 3 баробарга қискарди.

Сурхондарё вилоятида туғруқ билан боғлиқ ва оналар саломатлиги билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Вилоят ҳокимининг 1998 йил 27 июлдаги 155-Ф фармойиши билан “Она ва бола скрининг маркази” қурилишига киришилди[1]. Мазкур марказ 2000 йилнинг 4 чорагида иш бошлади, аммо марказ тиббий ускуналар билан 2004 йилга келиб тўлиқ жиҳозланиб бўлди.

1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон қилиниши муносабати билан вилоятда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва чекка ҳудудларда истикомат қилувчи аҳоли саломатлигини назорат қилиш мақсадида туманларда тиббиёт назорат пунктлари ташкил қилинди. Шунингдек, фертил ёшидаги аёлларда ва ўсмирлардаги эрта сил касаллигини аниқлаш натижасида 732 нафар сил касаллиги билан беморлар аниқланди ва уларнинг 288 нафари туғруқ ёшидаги аёллар эканлиги соҳада янги тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатди[2].

Аҳоли ўртасида турли вирусли касалликларнинг олдини олиш мақсадида текширувлар олиб борилди ҳамда 176 нафар беморда ВИЧ аниқланди, мазкур

аниқланган беморларнинг 46 нафарини аёллар ташкил этди. Касалликка чалинган аёлларнинг барчасига бепул тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларни даволаш учун 106 млн. сўм ажратилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими томонидан ушбу беморларнинг ҳолати доимий назоратга олинди, уларга тиббий кўмак берилди.

Вилоятнинг экологик жиҳатдан муаммолари мавжуд бўлган Сарийоқ ва Узун туманларида хотин-қизларнинг саломатлиги алоҳида назоратга олинди. Хусусан, Сурхондарё вилоятида фаолият олиб бораётган 139 та қишлоқ врачлик пунктларига кўчма шифокорлар гуруҳлари жўнатилиб, туғруқ ёшидаги аёлларни “УЗИ” ва “Колкоскон” тиббий аппаратларида кўриқдан ўтказдилар.

Шунингдек, 1998 йилга келиб вилоятда кам қонлилик ҳолати аниқланган 234 нафар аёлларга “Соғлом авлод жамғармаси” томонидан 100 минг сўмлик 700 упаковка “Ферросерон” таблеткаси берилди. Бундан ташқари мазкур аёлларга кам қонлилик ва унинг олдини олиш бўйича кўплаб амалий маслаҳатлар ҳам берилди[3]. Темир моддасига бой бўлган таблеткалар моддий ёрдам сифатида кам қонлилик билан рўйхатга олинган аёлларга етказиб берилди. Шунингдек, вилоят ҳудудида 1998 йилга келиб соғлиқни сақлаш соҳасида меҳнат қилаётган 30 751 нафар ходимнинг 17 889 нафарини хотин-қизлар ташкил қилди[4].

Уларнинг асосий қисми ўрта тиббиёт ходимлари бўлиб улар жойларда хотин-қизлар саломатлигини янада яхшилаш учун хизмат қилди. Вилоят тиббиётида ўзининг ўрнига эга ва кўплаб ходимлар учун устоз, Термиз шаҳри ва вилоятимиз аҳолисининг соғлиғини мустаҳкамлашда тинимсиз меҳнат қилган қўли енгил шифокорлардан бири Элдара Гатаулинадир. Элдара Нагумовна Термиз шаҳрида туғилди. Элдара Гатаулина Душанбе шаҳридаги тиббиёт олийгоҳини тамомлади. Элдара Нагумовна қилган фидойи меҳнатлари туфайли республикада фахрли мукофотларни кўлга киритиб, “Соғлиқни сақлаш аълоҳисси”, “Хурмат белгиси”

ордени, “Шавкатли меҳнати учун” медали, “Қизил Ярим Ой” ва “Қизил Хоч” жамиятининг олий мукофоти ҳамда “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари ва унвонлар билан тақдирланди. Унинг олган энг катта мукофоти халқ меҳри бўлиб, вилоятда болалар саломатлигини назорат қилиш ҳамда улардаги касалликларни аниқлаб тиббий кўмак бериш жараёнида малакали шифокор эканлигини намоён қилиб борди[5].

Мамлакатда соғлом авлодни шакллантиришнинг асосий омилларидан бири бўлажак оналар, яъни балоғат ёшидаги қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларни эрта турмушга беришнинг олдини олишдир. Сурхондарё вилоятида қизларни балоғат ёшига турмушга бериш ҳолати 1995 йилга қадар республикада энг кўп учрайдиган вилоятлардан бири ҳисобланди. 1995 йилда 471 нафар қизларни эрта турмушга бериш вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан рўйхатга олинган, бу ҳолатларнинг салбий оқибати аҳолига тушунтирилиб борилди ва 1996 йилда рақамлар 15 маротабага камайиб 32 нафар қизларни эрта турмушга бериш ҳолати кузатилди[6]. 2000 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра вилоятда балоғат ёшига етмай эрта узатилган қизлар сонининг кескин камайганлиги ва уч нафарни ташкил қилганлигини кўриб ўтишимиз мумкин[7].

1999 йил 20 апрелда “Аёллар йили давлат дастури” доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибияти томонидан ишлаб чиқилган “Қизларни турмушга тайёрлаш” дастури вилоятда ўрганилиб шу асосда вилоятнинг дастури ишлаб чиқилди ва жойларда татбиқ қилинди. Юқорида белгиланган дастур асосида жуда ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди ҳамда дастур уч босқичда амалга оширилди[8]. Жумладан:

1-босқич: Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги қизлар билан ишлаш;

2-босқич: Мактаб ёшидаги ва ўсмир қизлар билан ишлаш.

3-босқич: Балоғат ёшидаги қизларни турмушга тайёрлаш:

Шаҳар мактабларида ҳамда Олий ва ўрта махсус билим юрларида таълим олаётган қизларни оилага тайёрлаш борасида ҳам ишлар олиб борилди. Ушбу дастурга асосан вилоятдаги мавжуд катталар поликлиникалари қошида “Оила ва никоҳ” хоналари очилди. Дастур доирасида вилоятнинг таълим даргоҳларида “Қизлар-миллат келажиги”, “Қизларнинг маънавий сифатлари”, “Турмуш ва муомала маданияти” ва “Оила чироғи аёл” мавзуларида давра суҳбатлари олиб борилди[9].

“Камолот” жамғармаси билан биргаликда “Қизлар одоби билан”, “Одобли қиз элга манзур”, “Турмуш маданияти” ва “Соғлом она-соғлом жамият” мавзусида семинар-тренинглар ўтказилди. Сурхондарё вилоятида аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда миллий кадриятларимизни юксалтириш мақсадида 1999 йилдан бошлаб вилоят аёллари ўртасида “Тўмарис” хотин-қизлар ўйинлари фестивали бўлиб ўтди.

Ушбу йилда фестивалга жами 2500 нафар хотин-қизлар жалб қилиниб, фестивал доирасида спорт ўйинлари ўтказилди. Шунингдек, ушбу йилда вилоятда туғиш ёшидаги аёлларнинг сони аниқланиб, уларга ҳар томонлама тиббий кўмак берилди. Вилоятда 1999 йилда 369 466 нафар туғиш ёшидаги аёллар аниқланиб, уларга тиббий кўмак берилиб, жойлардаги амбулаториялар рўйхатиغا олиниб, туғиш ёшидаги 94 % аёллар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди[10]. “Аёллар йили” давлат дастури ва ушбу йилда амалга оширилган тадбирлар натижасига қарамасдан Сурхондарё вилоятида 1999 йилда кам таъминланган оилаларда истиқомат қилувчи хомиладор аёлларнинг озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш режаси 51,1 % гагина бажарилди (Қашқадарё вилоятида эса 70,1 % ни ташкил қилди)[11].

2000 йилнинг “Соғлом авлод йили” деб эълон қилиниши ва йил доирасида махсус дастур қабул қилиниши мамлакатда хотин-

қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди. “Соғлом авлод йили” давлат дастури бевосита 3 та муҳим йўналишдан иборат бўлиб, унинг учинчи босқичида аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди[12].

Дастур доирасида Сурхондарё вилоятида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, вилоятда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар ўлими, никоҳсиз фарзандли бўлиш, оилавий ажримлар, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш борасидаги ишлар янада кучайтирилди.

Туғиш ёшидаги аёлларни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш, уларни ўз саломатлигига бўлган масъулиятини оширишга қаратилган тадбирлар шулар жумласидан саналади. “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг вилоят филиалига қарашли тиббий-ижтимоий потранаж бригада вилоятнинг 7 та туманида бўлиб, 10 902 нафар аҳоли тиббий-ижтимоий кўриқдан ўтказилди. Кўриқдан ўтказилганлардан 4965 нафари туғиш ёшидаги аёллар эканлиги аниқланди. Олиб борилган текширувлар натижасида вилоятда оналар ўлими 1999 йилда вилоятда 12 нафарни ташкил қилган бўлса, 2000 йилда 3 нафарга камайди[13].

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). 1991-2000 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси, хусусан Сурхондарё вилоятида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган давлат дастурлари ва амалга оширилган чоратадбирлар ижобий натижалар берди. “Оила йили” ва “Соғлом авлод йили” каби давлат дастурлари доирасида ташкил этилган “Она ва бола скрининг маркази”, тиббиёт назорат пунктлари, камқонликка қарши кураш, эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари, “Қизларни турмушга тайёрлаш” дастурининг жорий этилиши ва “Тумарис” хотин-қизлар ўйинлари фестивали каби тадбирлар аёллар

саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида вилоятда оналар ўлими кўрсаткичларининг сезиларли даражада камайишига эришилди. Шунга қарамай, кам таъминланган оилалардаги ҳомиладор

аёлларни озик-овқат билан таъминлаш каби айрим соҳаларда муаммолар мавжудлиги кўриниб турибди. Келгусида бу каби масалаларни ҳал этиш ва эришилган ижобий тендентсияларни давом эттириш долзарб вазифа бўлиб қолади

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):

1. Сурхондарё вилояти жорий архиви. 1091-фонд, 16-рўйхат, 143-йиғма жилд, 67-варак.
2. Сурхондарё вилояти жорий архиви. 1091-фонд, 16-рўйхат, 143-йиғма жилд, 120-варак.
3. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви, доимий фонд. 1998 йилги ҳужжатлар, М-1049 жамғарма, 89-варак.
4. Сурхон тонги. 1998 йил, 23 март. - Б. 2.
5. Сурхондарё вилоят Тиббиёт бошқармасининг жорий архиви. 2000-2006 йилги ҳисоботлар.
6. Сурхондарё вилояти жорий архиви. 143-фонд, 10-рўйхат, 103-йиғма жилд, 51-варак.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 143-фонд, 13-рўйхат, 207-йиғма жилд, 79-варак.
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-фонд, 1-рўйхат, 829-йиғма жилд, 82-варак.
9. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 1091-фонд, 1-рўйхат, 829-йиғма жилд, 82-варак.
10. Сурхон тонги. 1999 йил 3 май. - Б. 4.
11. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви. “Аёллар йили” Давлат дастури ва унинг ижроси юзасидан ҳисобот.
12. Тўйчиева Х. Мақсад-она ва бола соғлиги, оила фаровонлиги. /Оила ва жамият. - 2002. - № 4. 23-24 январь.
13. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 1091-жамғарма, 1-рўйхат, 829-йиғма жилд, 87-варак.

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ БЮДЖЕТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ

Ирискулов Бекзод Жахонгирович

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти ўқитувчиси

UDK: 94(575.1).

<https://orcid.org/0009-0002-4255-2113>

Аннотация: Ушбу мақолада Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг шаклланиш манбалари статистик маълумотлар ва архив хужжатлари асосида таҳлил қилинган. Империя бюджетининг шаклланишида солиқларнинг ўрни, уларнинг турлари ва бож тўловлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ўлкада савдо гувоҳномалари ва билетларини сотиш, 1865 йилда қабул қилинган “Савдо ва савдо ҳуқуқи бўйича божлар тўғрисида”ги Бутунроссия Низомининг ўлкада амал қилиши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Туркистон генерал-губернаторлиги, Молия вазирлиги, Давлат назорати, Аграр ислоҳотлар, Империянинг вино монополияси, акциз солиғи, Савдо гувоҳномалари, Бюджет даромадлари

Аннотация: В статье анализируются источники формирования бюджета Туркестанского генерал-губернаторства на основе статистических данных и архивных документов. Представлены сведения о роли налогов, их видах и таможенных платежах в формировании бюджета империи. Показана также продажа торговых свидетельств и билетов в регионе, реализация принятого в 1865 году Общероссийского положения «О торговле и торговых пошлинах».

Ключевые слова: Туркестанское генерал-губернаторство, Министерство финансов, Государственный контроль, Аграрные реформы, Имперская винная монополия, Акцизный налог, Торговые свидетельства, Бюджетные доходы

Abstract: This article analyzes the sources of the formation of the budget of the Turkestan Governorate-General based on statistical data and archival documents. Information is

provided on the role of taxes in the formation of the empire's budget, their types, and customs payments. It also shows the sale of trade certificates and tickets in the country, and the operation of the All-Russian Regulation "On Customs Duties on Trade and Trade Law", adopted in 1865.

Keywords: Turkestan Governorate-General, Ministry of Finance, State control, Agrarian reforms, Empire's wine monopoly, excise tax, Trade certificates, Budget revenues.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Россия империяси Туркистонни босиб олгандан сўнг, ўлкадан имкон қадар катта фойда олишга ҳаракат қилинди. Империя ҳукмрон доираларининг фикрича, бюджет даромадини кўпайтиришнинг ягона йўли – бюджет тизимини марказлаштириб, аввалги солиқ тизимларини тартибга солиш ва уларга айрим қўшимчалар киритиш лозим эди. Шубҳасиз, Туркистон генерал-губернаторлигида асосий даромадни солиқлар ташкил қилган. Солиқларнинг асосий қисми давлат солиқлари (82,5 фоиз), кейин умумхалқ солиқлари (11,7 фоиз) ва бошқа турли солиқлардан иборат бўлган.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Дарҳақиқат, Туркистон генерал-губернаторлиги давлат бюджетининг катта қисмини солиқлар ташкил этиб, улар асосан кўчманчилардан олинadиган уй-жой солиғи, ер солиғи, аҳоли жон бошига олинadиган солиқ ҳамда земство ва савдо божларидан иборат эди. 1869 йилда империя ҳукумат бюджетигади солиқлар умумий бюджет даромадларининг 60,5% ни, 1913 йилда эса 83,1% ни ташкил этди[1]. Худди шу йили

солиқлар Россия империяси бутун бюджетининг 63,6 фоизини ташкил этди. 1913 йилда Туркистонда солиқларнинг умумий миқдориди билвосита солиқлар 59%, тўғридан-тўғри солиқлар 41% бўлган бўлса, бутун империя бюджетиди тегишли кўрсаткичлар 83,5% ва 16,5%ни ташкил қилган. Бу бутун Россия империяси бюджетиди энг катта солиқ даромади акциз солиғи ва вино монополиясидан олинган даромадлар, Туркистон генерал губернаторлиғиди эса қишлоқ хўжалиғи солиқлари энг катта даромадлардан бири эди. Бу кўрсаткичлар Россия империясининг Туркистонга нисбатан олиб борган мустамлакачилик сиёсатини бевосита натижаси эди.

Аграр ислохотларни амалга оширмасдан, солиқ ишларини яхшилаб бўлмасди, чунки ерларнинг аниқ ҳисоби йўқлиғи сабабли, Россия империясининг Туркистондағи бошқармаси вакиллари фикрича, ўтроқ аҳолидан кўчманчи аҳолига нисбатан кам солиқ тўланарди. Масалан, 1868–1883 йилларда, яъни 16 йил мобайнида кўчманчи аҳолидан ҳар бир ўтов ҳисобига олинадиган умумий солиқ миқдори 1364190 руб. 99 коп., маҳаллий аҳолидан олинадиган ердан фойдаланиш йиғимлари миқдори эса 1047882 руб., 30 коп. ташкил қилган[2].

Туркистон мўмай даромад манбаи сифатиди Россия империяси хазинасини бойитиб бораётган эди. Бу даромадлар 1867–1896 йилларда 4 баробарга кўпайди. 1868–1879 йилларда яъни 12 йил давомида ўлкадан олинган умумий даромад 32423391 руб. 31 коп.ни ташкил қилди[3]. Аҳолидан олинадиган солиқлар эса 1889–1893 йилларда 40 фоизга ошди[4].

Манбаларда Туркистон ўлкаси аҳолиси бошқа минтақалардағига нисбатан кўпроқ солиқ тўлаганлиғи ҳақидағи маълумотлар ҳам учрайди. Даврий матбуот материалларидан бирида Туркистон аҳолиси, турли хил солиқларни кўшиб ҳисоблаганда жон бошига 3,5 рубл миқдориди, империяни бошқа жойларидағи аҳоли эса 1,9 рубл тўлаши қайд этилган[5]. Даврий матбуотда қайд этилишича,

Туркистон аҳолисидан йиғиб олинадиган солиқ 1870 йилда 288 804 рублни ташкил этган бўлса, 12 йилдан кейин – 1882 йилда деярли икки бараварга ошиб, 505 024 рублни ташкил этган[6]. Бошқа бир маълумотларга кўра, 1869–1882 йиллар оралиғиди ғазнага турли хил солиқ ва йиғимлардан 50 млн. рубл даромад келиб тушган[7]. Даромаднинг бундай миқдори рус империясининг ҳукмрон қатламини қаноатлантирмас эди. Табиийки, Туркистондағи ҳарбий-сиёсий вазият маълум моддий харажатларни талаб қилар эди. Россиянинг иқтисодий ҳолати ва молиявий имкониятлари эса мустамлака маъмурияти бюджетининг кескин қисқаришига сабаб бўлган.

“Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидағи Низом” 1886 йилдан олинадиган давлат солиқлари ва мажбуриятларига маълум бир аниқликлар киритди, холос. Шунинг учун ҳам солиқлар ва мажбурий земство тўловлари билан боғлиқ саволларга аниқлик киритилмади.

Айтиш керакки, вақт ўтиши билан Низом ва йўриқномалар янгиланиб келинган. Масалан, 1887 йил 19 мартдағи қонун баъзи ўзгартиришлар билан тўрт йил давомида (1887–1890); 1896 йил 10 апрелдағи қонун 11 йил (1891–1901); 1902 йил 4 майдағи қонун 7 йил давомида (1902–1909) амал қилган[8].

Империя бюджети ўлкадан олинадиган солиқлар ҳисобига ошиб борган. Солиқлар тушуми деярли барча йилларда империя хазинасини тўлдиришнинг асосий манбаси бўлиб қолган. Хусусан, ўлкада империя мустамлакачилигининг дастлабки 12 йили (1868–1879 йиллар)да тўғри солиқлар ҳисобидан тушган даромад 23185188 руб 91 коп.ни ташкил қилган бўлса, 1889–1897 йилларда тўғри солиқларнинг тушуми 40 фоизга ошган, шу йиллар ичиди даромадлар 63 фоизга кўпайган, харажатлар 16 фоизга ошган. 1889 йилга нисбатан эгри солиқларнинг тушуми 1897 йилда 104 фоизга ёки 2.256 минг рублга кўпайган. Умуман ўлка аҳолисидан йиғиладиган солиқлар миқдори 1870, 1871, 1872, 1873, 1879 йиллар камайиб, 1878, 1880, 1881,

1882, 1883 йилларда эса ошиб кетган. Бу аҳолининг сони аниқ ҳисобга олинмаган ва солиққа тортиш тартиби йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради. Шунга қарамадан солиқлар миқдори ўсиб бораверган[9].

Бироқ мустамлака ҳокимияти Туркистоннинг бюджети ҳали ҳам 800 минг рублга камомадли, яъни зарар келтирувчи ҳолатда деб ҳисоблаб, Туркистон генерал-губернаторига солиқ назорати ишини янада яхшилаш ва ўлка аҳолисидан олинадиган солиқни оширишни тавсия қилган. Натижанда мустамлака маъмурияти бюджетга тушадиган даромад киримларини янада ошириш мақсадида қатор чора-тадбирларни ишлаб чиққан. Булар ичида асосийлари қуйидагилар:

1. Аҳолига суғориладиган ерлар билан биргаликда лалмикор ерларни ажратишни кўзда тутган солиқ ислохотини кечиктирмасдан амалга ошириш ва ер солиғи миқдорини кўпайтириш;

2. Кавказдаги каби ўлкада маҳаллий аҳоли учун пуллик ҳарбий мажбурият жорий қилиш;

3. Маҳаллий аҳолига нисбатан мулк божи қондаларини татбиқ этиш (мол-мулк маҳаллий аҳолига шу вақтгача бож тўловсиз ўтган) ва бошқалар[10].

1908 йилда вилоят бўйича маҳаллий аҳолидан олинадиган солиқлар оклад суммаси 1719316 руб. 51 коп. ташкил қилиб, ундан 610371 руб. 77 коп. давлат ер солиқларига, 707864 руб. – ўтов солиғи, 28229 руб. 63 коп. эса – оброк солиғи ва 372841 руб. 7 коп. – земство йиғимларига тегишли бўлган[12].

Умуман олганда, Туркистон ўлкасида XIX аср охирида биргина ер солиғи 4 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1914 йилга келиб у 75 фоизга кўпайди. Россиянинг Туркистондан оладиган даромади 300 фоизга ошди ва 1916 йилга келиб 38.329 минг сўмни ташкил қилди[13].

Ўлкадан биргина солиқлар ҳисобидан катта даромад империя бюджетига тушса-да, бироқ уларнинг жуда арзимас қисми тегишли соҳаларга йўналтирилган. Масалан, Туркистон генерал-

губернаторлигига қарашли вилоятларда 1887–1912 йилларда жами 22736327 рубл миқдорда солиқ тўпланган бўлиб, унинг жуда оз қисмигина халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, ирригация ишларига сарфланган. Мактабларга деярли эътибор берилмаган[14].

Империя маъмурияти томонидан солиқлардан ташқари, ўлка аҳолисидан турли хил йиғимлар олиб турилган ва бу йиғимлар миқдорининг катта қисми жойлардаги маҳаллий маъмурият (бошқармалар)ни таъминлаб туриш учун сарф қилинарди. Биргина Фарғона вилояти мисолида кўриладиган бўлса, вилоятдаги 103 та волост бошқарувчиларининг моддий таъминоти учун маҳаллий аҳолидан бир йилда 103 минг руб., 615 та қишлоқ ва овул оқсоқоллари таъминоти учун 92250 руб. қўшимча йиғимлар йиғиб олинган.

Таҳлил қилинаётган даврда Туркистон ўлкаси иқтисодиётида деҳқончилик устунлик қиларди. Саноат асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи қайта ишлашга мўлжалланган кичик корхоналардан иборат эди. 1913 йилда Туркистоннинг умумий ишлаб чиқариши 738 миллион рублга баҳоланган эди, шу жумладан дала маҳсулотлари 359,7 миллион рубл ёки 48,7 фоиз, чорвачилик маҳсулотлари 96,4 миллион рубл ёки 13 фоиз, саноат маҳсулотлари 281,9 миллион рубл ёки 38,2 фоизга баҳоланган. Шу билан бирга, пахта ҳомашеси ишлаб чиқариш умумий ишлаб чиқаришнинг 23,9 фоизини, пахта тозалаш саноати маҳсулотлари эса 22,3 фоизни ташкил этган.

Россия империясининг ўлкадаги даромадини ошириш бўйича дастлабки чора-тадбирларидан бири 1867 йилда акциз солиғини жорий этиш ва 1886 йилда акциз солиғи бўлимини ташкил этиш билан ҳам характерга эга. Бироқ, акциз солиғи ҳеч қачон Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг асосий даромад манбаи бўлиб қолмади. Бундай паст фоизни Генерал-губернаторлик сметасида Молия вазирлиги газначилигига фақат Туркистонда жойлашган заводлардан тушган аксиз ва ичимлик солиғи

кўрсатилганлиги билан изоҳланади. Туркистон худудида акциз корхоналарининг камлиги мустамлакачилик сиёсати билан боғлиқ бўлиб, бу сиёсат Туркистонда саноатнинг ривожланишини кечиктириб, унинг қишлоқ хўжалигини монокультурага айлантирган, қисман кўплаб акциз солиғи тўланадиган маҳсулотлар ўрнига, ўлканинг туб аҳолиси маҳаллий, акциз солиғи йўқ маҳсулотларни истеъмол қилган, масалан: шакар ва конфет ўрнига майиз ва тут, арок маҳсулотлари ўрнига бўза ва узум вноси ва бошқалар.

Империянинг вино монополиясидан олинган даромадлари генерал-губернаторлик сметасида фақат 1905 йилда арзимас миқдорда, 100 рублда пайдо бўлган ва ҳеч қачон 1,8 минг рублдан ошмаган. Кичик улушга қарамай, акцизлар Туркистон аҳолиси зиммасига катта юк бўлди. Биринчидан, улар акциз тўланадиган товарлар ўрнини босадиган истеъмол товарлари нархларига таъсир кўрсатди; иккинчидан, аҳоли ҳали ҳам метрополиядан олиб келинган шакар, тамаки маҳсулотлари ва бошқаларни истеъмол қилган; учинчидан, Россия империясига акциз солиғи нафақат ичимлик, тамаки маҳсулотлари ва шакардан олинадиган тўловлардан балки, мой, гугурт ва сигарет найчалари ва қоғоздан ҳам келиб тушди.

Бирок, XIX асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб акциз солиқлари давлат даромадларининг 30-40 фоизни ташкил қилган[15]. Акциз соҳасида амалга оширилган ишлар туфайли ғазнага тушган даромад йил сайин ошиб борди. Туркистон акциз бошқармаси маълумотларига қараганда, буғдой спирти, тайёр пиво, мева ва асалдан олинган алкоголь ичимликлар учун акциз солиқлари ҳамда бандерол (харид моллари устига ёпиштириладиган ёрлиқ қоғози) йиғимларидан Фарғона вилояти бўйича 1903 йилда 144370 руб., 1904 йилда 147503 руб. тушган. Йиллик тушум 3132 рублга ўсган.

Империя бюджети ўлкада савдо гувоҳномалари ва билетларини сотиш

ҳисобидан ҳам мўмай даромад кўрган. Хусусан, Самарқанд вилоятида 1890 йилда савдо гувоҳнома ва билетларининг умумий сони 6407 та ва улардан тушадиган даромад 45714 рубль 50 тийин бўлган бўлса, 1900 йилга келиб, умумий савдо гувоҳномаларининг сони 14435 ва улардан тушадиган даромад миқдори 144433 рубль 86 тийиндан иборат бўлган. Ўн йил ичида биргина Самарқанд вилоятида савдо ва саноат корхоналари 125 фоизга кўпайиб, давлат ғазнасига келиб тушган даромад эса 200 фоизга ортган[16].

Акциз солиғидан фарқли ўларок, божхона тўловлари империя давлат бюджетини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллади. 1913 йилги Россия давлат бюджетида барча божхона даромадлари атиги 10,4% ни ташкил этган бўлса, 1908–1913 йилларда Генерал-губернаторликнинг ҳисоб-китобларига кўра улар 27-29,3 фоизини ташкил қилган.

Туркистон ўлкасининг босиб олинishi унинг империя божхона тизимига киритилиши билан бирга кечди. Бу маҳаллий аҳолининг аҳволини ёмонлаштирди, чунки рус божхона тўловлари хонликлар томонидан олинадиган йиғимлардан юқори эди. Ўрта Осиё хонликлари даврида импорт товарлардан улар нархининг 2,5% миқдорида солиқ ундирилган бўлса, 1892 йилдаги маълумотларга кўра, Россияда импорт қилинадиган бирламчи товарларга солиқ солиш, унинг қийматининг 42,7 фоизини, қайта ишланган маҳсулотлар 17,2 фоиз, ҳомашё ва ярим қайта ишланган маҳсулотларга 13,9 фоизни ташкил этди.

Юқорида айтилганидек, XX аср бошларидан империянинг бождан келадиган даромадлари ошиб борди. Туркистон уч вилоят ғазнаҳонасининг Бухоро хонлиги билан биргаликда божхона даромадлари 1904 йилда 3.693.417 рублни, 1905 йилда 3.887.453 рублни, 1906 йилда 4.420.585 рублни, 1907 йилда 4.755.510 рублни ташкил этган. Шундай қилиб, бож даромадлари йилдан-йил ўсиб, 4 йил ичида 25 фоизга кўпайган. Бу ўсиш, асосан, турли чой навларига қўйилган бож

тўловларининг ортиши ҳисобига бўлган. Масалан, Туркистон бўйича божхона даромадининг 2/3 қисмини ташкил қилган Самарқанд ички божхонасининг даромади 1904 йилда 2.415.417 руб., 1905 йилда 2.841.597 руб., 1906 йилда 3.320.089 руб. ва 1907 йилда эса 3.759.161 руб. бўлган. Таққослаш учун мисол келтирайлик. Фарғона божхона участкаси бўйича Хитойдан олиб келинган моллардан тушган бож тўловлари 1905 йилда 20.791 руб., 1906 йилда 30.248 руб., 1907 йилда 21.038 руб.ни ташкил этиб, қолган маблағ эса чойга ўрнатилган бож тўловларидан тушган.

Кези келганда айтиш керак, божхона тўловлари ва тақиқловчи тарифлар маҳаллий саноатни кўллаб-қувватлаш учун эмас, балки Ўрта Осиёни Россия империясининг ортиқча товарлари бозорига айлантириш учун мўлжалланган эди. 1895 йилдан бошлаб божхона даромадларининг ортиши Бухоро хонлигининг Россия божхона чегараларига киритилганлиги билан изоҳланади. Империя ҳукуматининг бу борадаги биринчи чора-тадбирларидан бири Туркистонни (Россия капитали манфаатларини кўзлаб) ўз чегаралари сифатида жорий этиш эди.

Маълумки, 1865 йилда “Савдо ва савдо ҳуқуқи бўйича бошлар тўғрисида”ги Бутунроссия Низоми тузилган эди. Ўрта Осиё хонликлари даврида савдо ва хунармандчиликдан сотилган маҳсулотнинг 1/40 қисми микдорида солиқ солинган. Закот маҳаллий ишлаб чиқарилган ва чет эллик савдогарлар олиб келган маҳсулотлардан ундирилган. Закот қисмларга бўлиб, сотишдан олдин, қисман сотилгандан кейин ва якуний сотувдан кейин тўланган.

Бир хонлик ичидаги маҳсулотларни бир бекликдан бошқасига олиб ўтишда ҳам бож йиғилган. Ҳиндистондан бир қатор беклик

ва хонликлардан ўтиб келаётган қарвонлар баъзан 16-18 марта бож тўлашга мажбур бўлган[17].

Бундан ташқари, улгуржи сотувчидан чакана сотувчига товарларни сотишда воситачилик тўловлари, кичик ишлаб чиқарувчилар томонидан улгуржи савдогарларга товар сотишда эса “аминона” ундирилган. Ўлканинг бошқа ҳудудларида маҳаллий аҳоли учун закот сақланиб қолган. Бирок, закот йиғишнинг солиқ-хўжалик тизими йўқ қилиниб, 1872 йилда закот бошқармаси ташкил этилди ва 1875 йилгача фаолият олиб борди.

Шунингдек, божнинг миқдорини аниқлаш тизими ҳам ўзгартирилди. Энди бож ҳар бир қарвондан эмас, балки унинг моллари ва қарвонлари сонидан қатъи назар, савдогар томонидан эълон қилинган капитал миқдоридан 2,5% миқдорида бир марталик йиллик йиғим шаклида амалга оширила бошланди, капитал миқдорини нотўғри кўрсатиш учун жарима солиш белгилаб қўйилди. Бир қатор ҳолларда бу Туркистондаги Москва фирмаларининг қорхоналарини савдо солиғидан бутунлай озод қилишни аниқлар эди.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хуллас, юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 1869 йилдан 1874 йилгача савдо солиғи (асосан Россия капиталини солиққа тортиш) тушумлари деярли икки баравар ошди, айти пайтда закот солиғидан келадиган даромадлар (асосан маҳаллий савдогарлар ва бошқа осиелик савдогарларнинг солиқлари) сезиларли даражада камайди. Бу бир томондан, солиқ доирасининг кенгайиши, Россия билан товар айирбошлашнинг кучайиши ва ўлкада рус капитали мавқенинг мустақамланиши билан изоҳланса, иккинчи томондан эса, закотни ундириш тартибини ҳамда унга кейинги киритилган ўзгартиришларнинг самарасизлигини кўрсатиб беради.

**АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):**

1. Статистический ежегодник Туркеспуублики 1917–1923 гг. Т.2. – Ташкент: издание ТЭС, 1924 г. – С. 64.
2. Обзор Семиреченской области за 1883 г. – Верный, 1884. – С. 24.
3. Проект всеподданнейшего отчета ген.-адъютанта К.П. фон Кауфмана I по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства: 7 ноября 1867 - 25 марта 1881 г. – СПб: Военно-ученого комитета Главного штаба, 1885. – С. 374.
4. ЎзМА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 3298-иш, 42-варак
5. Шодмонова С. Б. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 122.
6. Пробелы податной системы // Туркестанские ведомости. – № 42. – 1890.
7. Обзор Сыр-Дарьинской области за 1886 г. – Ташкент, 1887. – С. 95.
8. Турсунова Г. Россия империяси томонидан Сирдарё вилоятига аҳолининг кўчириш сиёсати жараёнида солиқ тизимида бўлган ўзгаришлар // Ўтмишга назар. 5 жилд. – № 8. – Тошкент, 2022. – Б. 65.
9. Проект всеподданнейшего отчета ген.-адъютанта К.П. фон Кауфмана I по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства: 7 ноября 1867 - 25 марта 1881 г. – СПб: Военно-ученого комитета Главного штаба, 1885. – С. 379.
10. Эргашев Ф., Абдурахимова Н., Сугуралиева Ф. Туркистонда мустамлака молия-хўжалик идоралари тизими. – Тошкент: Академия, 2008. – Б. 85.
11. Обзор Сыр-Дарьинской области за 1908 г. – Ташкент, 1909. – С. 51
12. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов ва бошқ. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 229.
13. ЎзМА, И.1-фонд, 27-рўйхат, 58-иш, 27-29-варақлар.
14. Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Ф.Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В 2-х частях. Ч.II. Суд. Финансы. – СПб., 1888. – С. 107.
15. Сабилов Х. Из истории государственных финансов Узбекистана. – Ташкент, 1966. – С. 17.
16. Отчет ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором, гофмейстером, графом К.К. Паленом. Налоги и пошлины. Органы финансового управления... – С. 255-256.
17. Фурсов К. Имперская экономическая политика в русском Туркестане и Британской Индии: сходства и различия // Восток (Oriens). – № 6. – 2010. – С. 35.

SUG'DIYONADA HIND VA ERON XUDOLARI TASVIRLARINING AKS ETTIRILISHI

To'rayeva Dildora Shuhratovna

*Samarqand davlat tibbiyot universiteti, Ijtimoiy va gumanitar
fanlar o'qituvchisi*

Email: turayevadildora22@gmail.com

UDK: 94(575.1)

ORCID: 0009-0002-8597-3356

Annotatsiya: Mazkur maqola qadimgi Sug'diyona hududida hind va Eron diniy madaniyatlarining bir-biriga ta'siri, ularning san'atdagi ifodasi va ikonografik uyg'unligi haqida so'z yuritadi. Tadqiqotda ayniqsa hinduizmning timsollaridan biri bo'lgan Shiva, shuningdek Eron quyosh xudosi Mitra va so'g'd xudosi Adhvag obrazlarining hind ikonografiyasi asosida yaratilganligi tahlil qilinadi. Panjikent va Varaxsha arxeologik topilmalari asosida diniy plyuralizmning Sug'd jamiyatidagi o'rne ochib beriladi. Maqola diniy va madaniy aloqalar orqali vujudga kelgan uyg'unlikni ko'rsatadi va ularning zamonaviy jamiyatlar uchun qanday tarixiy saboqlar berishini ochib beradi.

Kalit so'zlar: Sug'diyona, hinduizm, Shiva, Adhvag, Mitra, diniy plyuralizm, ikonografiya, Panjikent, Varaxsha, madaniy ta'sir, qadimgi san'at.

Annotation: This article explores the mutual influence of Hindu and Iranian religious cultures in ancient Sogdiana and their reflection in art and iconography. The study particularly analyzes how Hindu symbolism—especially representations of Shiva—was integrated into the images of the Sogdian deity Adhvag and the Iranian sun god Mithra. Based on archaeological findings from Panjakent and Varakhsha, the paper highlights the role of religious pluralism in Sogdian society. It illustrates the cultural harmony that emerged through religious and artistic exchanges and discusses the historical lessons this experience can offer modern societies.

Key words: Sogdiana, Hinduism, Shiva, Adhvag, Mithra, religious pluralism, iconography, Panjakent, Varakhsha, cultural influence, ancient art, religious symbols, Iranian deities, Hindu iconography.

Аннотация: В данной статье рассматривается взаимное влияние индуистской и иранской религиозной культуры в древней Согдиане, а также их отражение в искусстве и иконографии. Особое внимание уделено анализу индуистских символов, в частности образов Шивы, которые легли в основу изображения согдийского божества Адхвага и иранского солнечного бога Митры. На основе археологических находок из Пенджикента и Варахши исследуется роль религиозного плюрализма в согдийском обществе. Работа демонстрирует культурную гармонию, возникшую благодаря религиозному и художественному взаимодействию, и подчеркивает исторические уроки, которые это может дать современному обществу.

Ключевые слова: Согдиана, индуизм, Шива, Адхваг, Митра, религиозный плюрализм, иконография, Пенджикент, Варахша, культурное влияние, древнее искусство, религиозные символы, иранские божества, индуистская иконография

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Qadimgi dunyo sivilizatsiyalari o'rtasidagi madaniy va dini aloqalar o'ziga xos uyg'unlik va ta'sirlar orqali shakllangan. Sug'diyona – Markaziy Osiyoning yirik madaniy markazlaridan biri bo'lib, uning tarixiy taraqqiyoti davomida turli sivilizatsiyalar, xususan Hind va Eron dunyosi bilan yaqin aloqada bo'lgan. Bu aloqalar natijasida shakllangan diniy timsollar va ikonografik tasvirlar sug'd san'atida o'z aksini topgan. Ayniqsa, hind diniy obrazlarining sug'd madaniy muhitiga kirib kelishi va

mahalliy xudolar bilan uyg'unlashuvi diniy plyuralizmning yorqin namunasi sifatida namoyon bo'ladi. Ushbu maqolada hind xudolarining, jumladan Shiva va Indra timsollarining Sug'diyona madaniyatidagi o'rni, ularning tasvirlari va ular orqali ko'rsatilgan diniy xilma-xillik tahlil qilinadi.


QO'LLANILGAN METODLAR.

Xronologik, komparativ(taqqosiy) tahlil, ramziy(simvollar) tahlil.

MUHOKAMA (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, Sug'diyona hududida diniy plyuralizm nafaqat mavjud bo'lgan, balki bu holat san'at, arxitektura va ijtimoiy hayotda ham aniq ifodasini topgan. Hindu ikonografiyasining, ayniqsa Shiva, Indra va boshqa hind xudolarining tasvirlar orqali Sug'd san'atida mujassamlanishi, mintaqadagi diniy va madaniy tolerantlik darajasining yuqoriligidan dalolat beradi. Adhvag, Mitra kabi Eron xudolarining hind madaniyatiga xos elementlar bilan uyg'unlashuvi madaniy

almashinuvning murakkab, ammo sarmahsul bo'lganini ko'rsatadi. Bu jarayon nafaqat diniy hayotga, balki xalqaro savdo, siyosiy aloqalar va madaniy taraqqiyotga ham ijobiy ta'sir ko'rsatgan. Bugungi kunda ushbu tarixiy tajriba diniy bag'rikenglik va madaniy xilma-xillikni qadrlashda muhim saboq bo'lib xizmat qilishi mumkin.

Nana timsolida hindu elementlaridan foydalanish, ularning xudolarining sug'diy tasvirlari uchun hind modellarining ahamiyatini ko'rsatadi. Mintaqadagi yunon madaniyati va tasvirining pasayishi bilan hind xudolarini ifodalash uchun foydalanilgan boy ikonografiya sug'diyolarga o'zlarining panteonlari uchun ko'plab modellarni taqdim etgan, ayniqsa Eron diniy matnlarida tasvir va vizual lug'atning kamligi bilan solishtirganda bu ancha qulay bo'lgan. Bu "Hindu libosidagi Eron xudolari" orasida oliy so'g'd xudosi Adhvag ham bor edi, uning surati qadimgi hind xudolar shohi Indra tasviriga asoslangan edi.



5-rasm. Mahluqlar bilan kurash. Varaxsha, O'zbekiston. VII-VIII asrlar.

Fil Indraning transport vositasi edi, lekin sug'd mog'orlangan loydan yasalgan plitalarda biz Adhvagni fillarning old tomonlari bilan mustahkamlangan taxtda o'tirganini ham ko'ramiz. Buxoro vohasidagi sug'd saroyi Varaxshada o'zining fil cho'qqisida jin

yirtqich hayvonlarga qarshi kurashayotgan ilohiy qahramon Adhvag/Indra tasvirlangan;[1] 5-rasm. Shunday qilib, qadimgi Eron quyosh xudosi Mitra ham Wirkak sarkofagidagi aravasida hind quyosh xudosi Surya bilan tenglashadi.[5]



6-rasm. Raqsga tushayotgan Shiva, Panjikent

Ba'zida biz Sug'diyonada nafaqat mahalliy sug'd xudolarini, balki hind xudolarining haqiqiy tasvirini ham ko'ramiz. Panjikentda eng ko'p tasvirlangan hind xudosi Shiva bo'lib, u o'zining kosmik raqsi orqali bir vaqtning o'zida koinotni yaratadi va yo'q qiladi deya ishonilgan. Xususiy uydagi xonadan, masalan, yo'lbars terisini kiygan ko'k rangli raqsga tushgan Shiva figurasi bilan bo'yalgan yog'och panel topilgan 6-rasm. Sug'd kiyimidagi er-xotin uning oyog'ida tiz cho'kib, tutatqi tutatqichini ko'tarib turibdi va u ko'tarib olov uchun mo'l-ko'l xushbo'y o'tlar ko'tarib turibdi. Katta loydan yasalgan haykal qoldiqlari ko'proq ta'sirliroq va diqqatga sazovor bo'lib, uning rafiqasi Parvati

bilan uning soniga o'tirgan va ikkalasi ham o'zining ho'kiz cho'qqisi Nandi ustida o'tirgan dhoti kiyingan Shiva tasvirlangan; 7-rasm. II ibodatxonaning alohida ibodatxonasida topilgan haykal VIII-asr boshida o'rnatilgan. U joylashtirilgan xona ma'badga kirish hovlisidan emas, balki faqat ko'chadan kirishi mumkin bo'lgan tarzda qayta yo'naltirilgan. Bu ba'zi mahalliy panjikentliklar yoki u erda tijorat maqsadlarida yashovchi hindu jamoasining e'tiqodlarini ifodalaydimi yoki yo'q biz buni bila olmaymiz. Ammo bu topilmalar, Panjikentlik Shiva vakillari o'sha paytda Sug'diyonada umumiy bo'lgan diniy e'tiqodga nisbatan plyuralistik yondashuvni mavjud bo'lganligini ko'rsatadi.



7-rasm. Shiva. Panjikent. VIII asr.

Shiva Panjikentda odatda kosmik raqs holatida — ya'ni "Nataraja" obrazida tasvirlangan. Ba'zi topilmalarda u an'anaviy hind tasvirlariga muvofiq **yo'lbars terisi** kiygan, **ko'k rangda**, raqsga tushayotgan holda tasvirlanadi. Unga bag'ishlangan sahnalar orasida Shiva tasvirining yonida mahalliy sug'd kiyimidagi erkak va ayol juftligi tasvirlangan bo'lib, ular uning oyoqlari ostida tiz cho'kkan va **xushbo'y tutatqi** ko'targan holda berilgan. Bu esa Shiva xudosiga sig'inish, uni ulug'lash va marosimiy hurmat ifodasi sifatida talqin qilinadi.

Xulosa. Sug'diyona diniy plyuralizmi qadimiy dunyoning diniy va madaniy uyg'unligi qanday shakllanganining yorqin namunasi hisoblanadi. Ushbu maqolada Nana ma'budasining Sug'd madaniy va diniy hayotidagi o'rni hamda hinduizm ta'sirining qanchalik chuqur va keng qamrovli bo'lgani tahlil qilindi. Nana qadimgi Mesopotamiya va Hind madaniyatlari bilan bog'liq diniy timsol sifatida Sug'd jamiyatida nafaqat diniy, balki siyosiy va ijtimoiy hayotda ham muhim rol o'ynagan. Nana tasvirlari va ibodatxonalaridagi topilmalar, shuningdek, hindu ikonografiyasi va Shiva xudosining tasvirlari Sug'd san'atida o'ziga xos uyg'unlik bilan aks etgan. Bu holat Sug'diyona aholisi turli diniy e'tiqodlarni qanday qabul qilgani va ularni o'z madaniyatiga qay darajada singdira olganini ko'rsatadi. Ayniqsa, Shiva va boshqa hind xudolarining tasvirlari, ularning Panjikent

kabi muhim markazlardagi ibodatxonalarda namoyon bo'lishi, diniy plyuralizmning amaliy ifodasi sifatida muhim ahamiyatga ega. Sug'd diniy plyuralizmi nafaqat diniy hayotda, balki savdo va madaniy almashinuv jarayonlarida ham muhim rol o'ynagan. Hind va Eron xudolarining bir-biriga yaqin tasvirlari, Sug'd san'atidagi ikonografik uyg'unlik va diniy tasvirlarning xilma-xilligi mintaqadagi diniy amaliyotlarning dinamik tabiatidan darak beradi. Ushbu tadqiqot diniy plyuralizm Sug'd jamiyatining barqarorligi va farovonligida qanday rol o'ynaganini ko'rsatadi. Diniy plyuralizm nafaqat diniy qarashlar uyg'unligini, balki turli madaniy va diniy guruhlarning birgalikdagi hayotini ham ta'minlagan. Bugungi kunda Sug'diyona diniy plyuralizmi tajribasi diniy bag'rikenglik va madaniy xilma-xillikni tushunish va qabul qilishda muhim tarixiy saboq bo'lib xizmat qilishi mumkin.

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Kelgusidagi tadqiqotlarda Sug'd madaniy merosi va diniy plyuralizmining yanada chuqurroq o'rganilishi, qadimgi dunyo xalqlari o'rtasidagi muloqotning qanday shakllangani va bu jarayonning zamonaviy jamiyatlarga qanday saboq berishi mumkinligi yanada keng ko'lamda yoritilishi zarur. Sug'diyona tajribasi, o'zaro hurmat va diniy bag'rikenglik tamoyillarining qadimiy ildizlari qanchalik chuqur ekanini yana bir bor tasdiqlaydi.

ADABIYOT VA MANBALAR RO'YXATI

(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Boris Ilich Marshak [Marschak], "Les Fouilles de Pendjikent." *Comptes rendus de l'Academie des Inscriptions et Belles Lettres (CRAI)* 134, no. 1 (1990).
2. Jodi Magness, "Ossuaries and the Burials of Jesus and James." *Journal of Biblical Literature* 124, no. 1 (2005).
3. Michael Shenkar, *Intangible Spirits and Graven Images: The Iconography of Deities in the Pre-Islamic World*, in *Magical and Religious Literature of Late Antiquity* series, vol. 4 (Leiden and Boston: Brill 2014).
4. Joan Goodnick Westenholz, "Trading the Symbols of the Goddess Nanaya," in *Religions and Trade: Religious Formation, Transformation and Cross-Cultural Exchange between East and West*, ed. Peter Wick and Volker Rabens (Leiden and Boston: Brill, 2013).
5. Frantz Grenet, "Iranian Gods in Hindu Garb: The Zoroastrian Pantheon of the Bactrians and Sogdians, Second-Eighth Centuries." *Bulletin of the Asia Institute*, n.s. 20 (2006, 2010).

THE POLITICAL SYSTEM OF BUKHARA KHANATE

Beknazarov Javohir Azimjon o'g'li

Teacher of Samakand State Medical University.

E-mail: javohir_beknazarov@mail.ru.

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0000-0006-5460-328X>

Annotation: This article examines some of the court and administrative positions during the Ashtarkhanid dynasty's rule. It also analyzes their duties. The article provides an overview of the governance system of the Bukhara Khanate through various high and low-ranking positions.

Keywords: devonbegi, devonbegi-yi kalon, mahram, chigatoybegi, mushrif and mushrifi kalon, parvonachi, dodkhoh, inoq and inoq-i kalon, mehtar and mehtar-i kalon, xoja-yi kalon and their duties.

Annotatsiya: Ushbu maqolada Ashtarxoniyalar hukumronligi davridagi ayrim bir dargoh va devondagi mansab-lavozimlar tadqiq etilgan. Shuningdek, ularning vazifalari tahlil etilgan. Ushbu maqolada Buxoro Xonligining boshqaruv tizimiga katta kichik lavozimlar orqali nazar solinadi.

Kalit so'zlar: devonbegi, devonbegi-yi kalon, mahram, chig'atoybegi, mushrif va mushrifi kalon, parvonachi, dodxoh, inoq va inoq-I kalon, mehtar va mehtar-I kalon, xo'jayi kalon lavozimlarining vazifalari.

Аннотация: В данной статье исследуются некоторые должности в court и административной системе в период правления Аштарханидов. Также анализируются их обязанности. В статье рассматривается система управления Бухарским ханством через различные высокие и низкие должности.

Ключевые слова: девонбеги, девонбеги-и калон, махрам, чигатойбеги, мушриф и мушриф-и калон, парвоначи, додхох, инок и инок-и калон, мехтар и мехтар-и калон, хожаи калон и их обязанности.

INTRODUCTION AND RELEVANCE OF THE TOPIC. In the 17th century, certain changes in the system of governance in the

Bukhara Khanate began to be observed. The issue has been discussed several times in the research of some local scholars. In the early 20th century, V.V. Bartold introduced a very important excerpt from the final part (conclusion) of the 6th volume of Bahr ul-Asror, which is dedicated to the ceremony at the court of Nadr Muhammad Khan, into scientific circulation. [1.38] Later, A.A. Semyonov also contributed to this field, and with his efforts, the article (Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // On the Ranks and Titles of Bukhara) was published in 1948 year. In M.A. Abduraimov's monograph, information about the governance system of the Bukhara Khanate is also provided. B.A. Ahmedov investigated the governance system of Balkh during the Ashtarkhanids period. State governance information is also found in the works of Akbar Zamonov, the Turk historian Selim Serkan, and others. There is a large amount of material related to state governance and the description of certain state officials holding power during the Ashtarkhanids period in sources such as Bahr al-Asror, Tarikh-i Muqimkhoni, Ubaydallanoma, and Tarikh-i Abulfayzkhon. Valuable material on this topic can also be found in the memoirs of Russian ambassadors who were present at the courts of Central Asian rulers and participated in various palace ceremonies.

DISCUSSION AND RESULTS. The system of governance in the Ashtarkhanids state gradually developed, and during the time of the Khans, the scope of powers for various positions changed. By the Ashtarkhanids period, one prominent feature in the state governance system became clear: power was primarily concentrated in one institution-the

dargah (high court or highest devon), both at the center and in the provinces. During the reigns of certain Khans, central power was held by palace officials, while local power was in the hands of provincial rulers. Also, the scope of powers for certain positions expanded, changed, or contracted over time. The Khanate included the Majlis-i Alo, Mashvarat-i khoni, and divisions without advisors (devon). At this time, certain positions were traditionally held by members of specific tribes. Later, this became a customary tradition and led to the development of a bureaucratic system. For example, the city of Shahrisabz was governed only by the Kenagas. This, however, led to the negative consequence of encouraging separatism.

The main goal of any monarchical state is to consolidate the Khan's authority through coercive powers such as judicial authority, the army, and others. At the same time, the settled population almost always supports the state system, as the system's reliable and efficient functioning provides security and, correspondingly, economic prosperity for the settled population. According to Semyonov's article (Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре// On the Ranks and Titles of Bukhara) all positions in the Bukhara Khanate and Balkh were divided into 4 categories and more than 10 classes, based on their importance. According to Russian ambassador B. Pazukhin's data, M.A. Abduraimov believes that the reason for this classification can be found in the organization of the ceremonies themselves. Pazukhin wrote: "The king was at his place, the Khan's sitting place was called the appearance place, and this place was elevated by 6 steps." The 2 steps closest to the Khan were unoccupied by anyone, and from the 4th step onward, officials sat on them. The throne itself had four cushions, on which the Khan would sit. As mentioned earlier, in Ashtarkhanids courts, the left side was considered the most respected during official ceremonies.[2.140]

Devonbegi: An official who deals with state finance. He took into account the income and expenditure of the treasury. This position was

called "sahib-i devon" in Iran. [3.137-153] He was considered the second most important person after the ruler. Although the title of Devonbegi is mentioned after the names of some amirs in various sources of Central Asia, the related duties are rarely mentioned. Some of the available data analysis indicates that Devonbegis performed military, economic, and diplomatic tasks. While Eastern sources do not show Devonbegi's role in diplomatic documents, Russian sources indicate that Devonbegi received trust and praise labels from ambassadors and handed them over to the Khan at the time of their reception. [2.143] According to Pazukhin, Devonbegi presented letters to ambassadors on the Khan's orders.

Devonbegi-yi kalon: The person responsible for collecting the kharaj tax, ensuring the accuracy of the records in the register. He transferred the collected cash taxes to the treasury, which was managed by Mextar. The taxes collected in kind were transferred to the landowners. Additionally, the supervision of water distribution in the Qorakul district was assigned to the Great Devonbegi.[3.147] According to Alikseev, under certain conditions, the Devonbegi-yi kalon might have performed the duties of the state treasurer.[2.143]

Parvonachi: According to Semyonov, the third most important position in the Khanate was the "Khan's Secretary" (Parvonachi, from Persian-Turkic meaning "administrator"). This role involved delivering the Khan's decrees or orders to the amirs or officials. The official's decree was uniquely folded by the Parvonachi and placed in the official's hat or turban. [4.149] He often held positions as commanders of large military units or governors of significant provinces. Thousands of both nomadic and settled Arabs in the Bukhara Khanate were under the command of the Parvonachi as heads of the Arab divisions (Arab Mingbashi, Mir-Hazara-yi Arab).[3.147]

Dodkhoh: A person who advocated for justice and delivered petitions or complaints from the people to the Khan. He also ensured that responses to complaints or requests were delivered back to the petitioners.[4.157] During the rule of Imamquli and Nadr

Muhammad in the Ashtarkhanid dynasty, the position of Dodxoh was considered very high and honorable. Mahmud ibn Wali in the final part of the sixth volume of "Bahr al-Asrar" mentions that Nadr Muhammad Khan assigned the duties of the Dodxoh in Balkh, which included "eliminating state enemies, punishing rebels, military affairs (important military affairs), the affairs of the common people (subjects), devon affairs, and the work of the kingdom in various regions, with the exception of these tasks." Additionally, Mahmud ibn Wali also mentions the dodkhoh as the head of the palace attendants, noting his modest position in organizing palace ceremonies. Given the duties of Mansur Khoja outlined earlier, these are very interesting facts. Sometimes, significant diplomatic missions were entrusted to the Dodkhoh. Mansur Khoja played an important role in the negotiations with India in the 1638 year.[2.144] The significance of the dodkhoh's position is also noted by the author of "Ubaydullanoma," Mir Muhammad Amin Bukhari, who in his account of his life and entry into the service of the Bukhara Khan's court, referred to himself as the "protector of power" and wrote extensively about the patronage he received from Bek Muhammadbiy, the Dodkhoh.[5.13]

Chighatoybegi: The leader of the Chighatoy tribe. He was assigned the task of managing the Amirobod district and overseeing the irrigation system.[3.150]

Inoq-i kalon: A person responsible for delivering decrees or orders issued by the Khan to representatives of the non-aristocratic classes (those who are not amirs).[3.148]

Inoq-i khurd: A lower-ranking inoq. He was responsible for sealing decrees or orders issued by the Khan or an Amir. He also carried out the task of delivering letters from ambassadors to the Khan or transmitting the Khan's letters to the ambassadors.[5.190]

Mehtar: The person responsible for collecting the zakat tax, which was 1/40 of the wealth of Muslims, 1/20 of the wealth of non-Muslims subject to Muslims, and 1/10 of the wealth of non-Muslims who were forcibly made subjects. He also oversaw property, goods, livestock, and other assets whose

ownership was unknown. [4.142] In 1708, Ubaydullakhon carried out a monetary reform in consultation with Mehtar Shofe and the treasurer Khoja Bolta Saroy.

Mehtar-i kalon: According to B. Ahmedov, the primary duties of the Mehtar-i kalon were to provide for the Khan and his family through taxes such as ushr and zakat, as well as to purchase property for the needs of the palace. [4.19] The Mehtars in the devon (court) reported to the chief Mehtar. They were responsible for receiving, registering, and ensuring the accuracy of the wealth in the Khan's storerooms. [2.152]

Mushrif-i kalon: The person responsible for keeping records of the salaries of the army, military personnel, and scholars, as well as the weapons and military supplies.[6.17]

Mushrif: The person in charge of distributing various gifts and rewards from the treasury, and keeping a record of them.[3.141]

Khoja-yi kalon (khoja-yi buzurg): The person responsible for guarding the khan's harem and providing food, clothing, and other necessary supplies to the harem.[4.148]

Mahram: A lower-ranking official in the palace who performed various minor tasks in the presence of the Khan. During the reign of Ubaydullakhon, the status of this title slightly increased. According to the Ubaydullanoma, it is mentioned that the Mahram took advantage of the conflicts between Ubaydullakhon and the military, disregarded the military, and gave them orders. [4.147]

CONCLUSION. The intricate system of governance within the Bukhara Khanate reveals the deep intertwining of administrative roles, power structures. The categorization of positions, from the highest echelons such as the Devonbegi and Parvonachi, to the lower-ranking officials like the Mahram, demonstrates the functional complexity and hierarchical nature of the Khanate's bureaucracy. Each official, whether tasked with economic, military, or diplomatic duties, played a vital role in maintaining the stability of the state. The careful allocation of titles and responsibilities, as detailed in Semyonov's article and supported by various sources, not only ensured the efficient administration of the

realm but also reflected the importance of Khan's prestige. ceremony and protocol in reinforcing the

REFERENCES:

1. Бартольд В. В. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVII веке. Санкт-Петербург - 1909.
2. Алексеев А. К. Политическая история Тукай-Тимуридов. Петербургского университета-2006.
3. Семенов. А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре// Советское востоковедение - V . Москва-1948.
4. Абдурахмон Толе. История Абулфейз-хана. пер. А.А.Семёнова. Ташкент- 1959.
5. Mir Muhammad Amin Vuxoriy. Ubaydullanoma. Toshkent-1957. From Persian into Russian translated by Semyonov.
6. Mirza Badi Divon. Majmua ul arkom. Translated by B. Vildanova. Moscow-1981.

КАТТАҚЎРҒОН СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН

Меликов Нодиржон Ахтамович

*Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат
университети тадқиқотчиси*

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0000-0008-2851-412X>

Аннотация: Ушбу мақолада совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ирригация-мелиорация соҳасидаги ўзгаришлар, Каттақўрғон сув омборининг қурилиши тарихи, уни қуриш учун юзага келган зарурат, амалга оширилган дастлабки лойиҳалаш ва тадқиқот ишлари, сув омбори қурилишининг аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Суғориш тизими, сув омбори, гидротехника иншоотлари, Зарафшон дарёси, Нарпай канали, пахтачилик.

Аннотация: В данной статье анализируется изменения в области ирригации-мелиорации в первые годы Советской власти, история строительства Каттакурганского водохранилища, необходимость его строительства, первоначальные проектные и исследовательские работы, а также значение строительства водохранилища.

Ключевые слова: Ирригационная система, водохранилище, гидротехнические сооружения, река Зеравшан, канал Нарпай, хлопководство.

Abstract: This article analyzes changes in the field of irrigation and land reclamation in the first years of Soviet power, the history of construction of the Kattakurgan reservoir, the need for its construction, initial design and research work, as well as the significance of the construction of the reservoir.

Key words: Irrigation system, reservoir, hydraulic structures, Zeravshan river, Narpai canal, cotton growing.

Совет ҳокимияти йилларида ирригация ишлари жуда авж олдирилди. Неча юз минглаб гектар янги ерлар ўзлаштирилди, қатор йирик сув иншоотлари жумладан, сув

омборлари ва бошқа гидротехника иншоотлари барпо этилди. Таъкидлаш керак, совет ҳокимияти йилларида гидротехника иншоотларининг кўпи Ўзбекистонда барпо этилди. Бунинг сабаби советлар республикага биринчи навбатда аграр ўлка сифатида қараганлиги билан боғлиқ. Хусусан, совет ҳокимияти йилларида Зарафшон дарёсида 1-Май тўғони, Нарпай, Янги Анҳор ва Эски Анҳор, Миёнқол-Хатирчи, Дарғом, ўнг соҳил Зарафшон каналлари, Каттақўрғон сув омбори қурилди [1].

Ўзбекистонда дастлабки сув омборлари хўжалик талабига кўра сув гоят танқис бўлган жойларда қурила бошланган. Сув омборлари тўғон ва турли хил тўсиқлар орқали дарё ўзанида ёки сойда, ер юзасининг чуқурча ёки ботик еридаги сунъий қўл бўлиб, улар саноат, кишлок хўжалиги, транспорт ва бошқа турли хўжалик тармоқларининг сувга бўлган талабларига кўра дарёлар оқимини мавсумга қараб тақсимлаб туриш ва тошқинга қарши кураш олиб бориш мақсадида барпо этилади. Сув омборларининг катта-кичиклиги турлича бўлади, уларнинг майдони бир неча гектардан то бир неча юзлаб квадрат километрга қадар, сув сифими бир неча юз куб метрдан то бир неча юз куб километрга қадар бўлиши мумкин.

Сув омборларининг хўжалик аҳамияти бениҳоя катта, улар хўжалик масалаларини комплекс равишда ҳал қилишга ва табиий ресурслардан тўла ҳамда оқилона фойдаланишга имкон беради.

Совет ҳокимияти йилларида бир қанча сув омборлари қурилиб ишга туширилди. 1940-60 йиллар мобайнида Зарафшон водийсида Каттақўрғон, Сурхондарё

водийсида Учқизил, Косонсой ўзанида Косонсой, Оҳангарон ўзанида Тошкент ва бошқа кўпгина сув омборлари қурилди. Мазкур сув омборлари мураккаб гидротехника иншоотлари ва кўп маблағ талаб этмайдиган соддароқ қурилишлардан иборат эди. Улар асосан дарё ўзанларида, қисман водийлардаги табиий чуқурликларда грунтли тўғонлар билан тўсилиб ҳосил қилинган сув омборлари бўлиб, асосий мақсади суви танқис бўлган ҳудудларнинг эҳтиёжини қондириш эди.

Ана шундай сув омборларидан бири Каттакўрғон сув омбори эди. У Ўзбекистонда биринчи қурилган сув омбори бўлиб, Каттакўрғон шаҳри яқинида табиий чуқурликда барпо этилган. Каттакўрғон сув омбори Зарафшон водийсидаги экин майдонларини сув билан таъминлайди ва Зарафшон (Қорадарё) дарёси сув режимини тартибга солади, сел ва тошқин сувларини жамғаришга хизмат қилади [2].

Ўрта Зарафшон ҳудудида янги ерларни ўзлаштириш ва сув билан таъминлаш Нарпай ирригация тизимини реконструкция қилиш ва Каттакўрғон сув омборини қуришни давр талабига айлантирди. Ирригация-қурилиш ишларини бошқариш ва тизимни реконструкция қилиш ва такомиллаштириш бўйича схематик лойиҳа бўйича тадқиқотлар Зарафшон воҳасида биринчи марта 1923 йилда Нарпай канали тизимни қайта ташкил этиш ва такомиллаштиришдан бошланди. 1924-1925 йилларда Зарафшон водийси ирригация бошқармаси Нарпай каналининг бош режасини тузиш мақсадида Нарпай суғориш тизимининг бутун узунлиги бўйлаб тадқиқот ишларини олиб борди. Нарпай тизимини реконструкция қилиш бўйича барча лойиҳа ва тадқиқот ишлари 1927 йилга келиб якунланди [3]. 1938 йилга келиб эса ушбу каналлар тизимдаги барча ишлар тугалланди. Каналнинг йиллик сув сарфи 60 кубометр секундни ташкил қилиб, суғориш майдони ҳажми эса 54 минг гектардан ошиқни ташкил қилди. 1940 йилда Нарпай канали Қорадарё суви орқали

учта туманнинг, Нарпай, Пахтакор ва қисман Каттакўрғон ерларини суғорган. Бундан ташқари, Кармана районида жойлашган 5000 гектар майдонга эга Нарпай совхозини ерлари ҳам ушбу канал орқали сув билан таъминланган [4].

XX асрнинг 30-йилларида Зарафшон дарёси Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги 420 минг гектар ерни сув билан таъминлаб, уларнинг 243 минг гектарини пахта майдонлари ташкил қилган [5]. Ҳақиқатда Ўзбекистондаги мавжуд пахта далаларининг тўртдан бир қисми мана шу ҳудудга тўғри келиши ҳисобга олинса табиийки, Зарафшон дарёсининг имкониятлари пахта майдонларини кенгайтириш ҳамда янги ерларни ўзлаштириш учун етарли бўлмаган. XX асрнинг 30-йиллари охирида сув билан таъминлаш имкониятининг йўқлиги сабабли 80 минг гектар ер ўзлаштирилмасдан ётган.

Вилоятда алмашлаб экишни меъёрда ушлаб туриш учун 1939-1942 йилларда 30 минг гектар майдонни қўшимча равишда ўзлаштириш зарур эди. Шундан 1939 йилда ўзида 8600 гектар ер ўзлаштирилди. Янги ўзлаштирилган ерларни сув билан таъминлаш учун эса 2500 гектар шоли экиладиган майдонлар қисқартириб ташланди. Шундай ҳолатда ҳам 1939 йилда Зарафшон воҳасидаги суғориладиган майдонларнинг катта қисми сув билан тўла таъминланмади. Сув тақчиллиги Бухоро вилоятининг пахтачиликка ихтисослашган районларига айниқса оғир таъсир кўрсатди. Ҳосилдорлик кескин қисқарди. Бу каби ҳолатларни бартараф қилиш учун қўшимча сув захираларини яратиш зарур эди. Шу мақсадда Каттакўрғон райони ҳудудида сув омбор қуриш зарурати юзага келди.

Таъкидлаш керак, Зарафшон дарёсида сув омборларни қуриш совет ҳуқумронлигининг дастлабки йилларидан бошланган эди. Лойиҳаларга кўра сув омбор Дупули, Искандарқўл, Каттакўрғон ва Хазарадан қурилиши мақсадга мувофиқ деб топилган. 1934 йилгача Искандарқўл ва Хазарада сув омбор қуриш имкониятлари

кўриб чиқилган бўлса, 1934 йилдан кейин Искандаркўл ва Хазарадан кўра Каттакўрғонда райони ҳудудида сув омбор куриш имкониятлари юқори баҳоланди ва маъқул деб топилди. Бунга Каттакўрғонда қурилиш ишлари ва эксплуатация хизматларини ташкил этиш учун барча қулайликлар учун энг қулай жойларга мавжудлиги асос қилиб кўрсатилди. Сабаби Каттакўрғонда сув омбори қуриладиган бўлса, биринчидан, қурилажак сув омбори шаҳарга яқин ҳудудда бўлади, иккинчидан, у Тошкент темир йўлининг магистрал тармоғи билан ҳам боғлиқ эди. Бу каби сабаблар қурилажак сув омборнинг кам харажат талаб қилиб, кўпроқ самара кўрсатиш мумкинлигини кўрсатиб турар эди. Бироқ унинг ҳудудга ва унинг аҳолисига таъсир қиладиган салбий томонлари эътиборга олинмади.

Сув омбори қурилиши режалаштирилган жой шаҳарнинг жанубий томонида, Каттакўрғонга тўғридан-тўғри туташган кенг пасттекислик ҳудудини ташкил этар эди. Сув омбори лойиҳасига кўра Қорадарё дарёсидан сув олиш иншооти, сув олиб келувчи канал, сув омбори тўғони, сув чиқарувчи канал асосий иншоотлари сифатида кўрсатилган эди [6].

Сув омборини лойиҳалаш жараёнида иккита вариант ишлаб чиқилди. Биринчи вариантга кўра сув омбор тўғонини шаҳардан 2 км жанубда қуриш назарда тутилган бўлса, иккинчи вариантда эса унинг тўғони шаҳардан 5,3 км жанубда жойлаштирилган эди. Узок муҳокамалардан кейин иккинчи вариант қабул қилинди. Бунда унинг биринчи навбатда қурилишга нисбатан кам маблағ кетиши ҳамда шаҳарнинг ботқоқланишини олдини олиш мақсади кўзланди. Бироқ турли табиий офатлар (сел, кучли ер қимирлаши) оқибатида шаҳарнинг сув босиши хавфига етарлича эътибор қаратилмади.

Ўша даврдаги ирригация соҳаси мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, агарда сув омбор қурилиб, ундаги сув олиб келувчи каналнинг ўтказиш қобилияти секундига 46 куб.метр бўлган

тақдирда, Зарафшон дарёсидаги суғориш қуввати 390 минг гектардан 455 минг гектаргача ошиши кўрсатиб ўтилган [7]. Бу эса пахтачиликни республикада янада ривожлантиришга, уни аграр давлат сифатидаги “мақомини” мустаҳкамлашга уринаётган Марказ учун айни муддао эди. Кўрсаткичлардан келиб чиқиб, совет ҳукумати сув омбор қурилишини тезда бошлаш бўйича Ўз ССР раҳбариятига бир қанча вазифалар берди.

1938 йилда бош муҳандис Н.Г.Бородинский раҳбарлигидаги “Сазгипровод” институти ходим (В.Н.Гладей, И.Д.Лебедев) лари томонидан сув омбор қурилиши лойиҳасининг охириги варианты тайёрланди.

“Сазгипровод”(1932). (Среднеазиатский государственный институт по проектированию гидротехнических и водохозяйственных сооружений) - Совет Иттифоқи даврида сув хўжалиги ва ирригация соҳасида махсус лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланган ташкилот бўлган. Бу ташкилот асосан ирригация тизимлари, сув омборлари, каналлар, дренаж иншоотлари ва бошқа сув хўжалиги инфратузилмаларига доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мақсад қилган. Унинг вазифаларига геологик ва гидрологик тадқиқотлар ўтказиш, ирригация ва сув таъминоти тизимларини режалаштириш ҳамда сув ресурсларини самарали бошқаришни таъминловчи техник қарорларни ишлаб чиқиш қабилар кирган.

Мазкур лойиҳа 1939 йил ўрталарида СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги таркибидаги Олий илмий-техник кенгаш томонидан кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Ўрнида айтиш керак, Каттакўрғон сув омборининг қурилиши СССР Халқ комиссарлари совети ҳамда Коммунистик партия Марказий қўмитасининг 1939 йил 22 декабрда чиқарилган “Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилиши ҳам унинг нечоғлиқ катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Қарордаги Ўзбекистонда ирригация соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг 2 бандида “390 минг гектар суғориладиган майдонлардаги асрлар давомида мавжуд бўлган сув танқислигини бартараф этиш ва 65 минг гектар янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш учун 1940–1942 йилларда ҳажми 668 миллион кубометр бўлган Каттақўрғон сув омборини қуриш” назарда тутилиб, бунинг учун баландлиги 28 метр ва узунлиги 3,5 километр бўлган тупрок тўғонини қуриш, Дамхўжа ирригация тизимини қуриш, узунлиги 25,2 километр, сув ўтказиш қобилияти 45 м³/с бўлган сув ташиш канали билан сув омборини боғлаш, узунлиги 13 километр ва ўтказувчанлиги 125 м³/с бўлган сув чиқариш канали қуриш, 14 километрлик темир йўл линиясини сув босмайдиган худудга кўчириш, Оқ-Қорадарё сув тақсимлагичини реконструкция қилиш ва мустақил бошланғич нуқталарига эга ариқларни бирлаштириш учун икки магистраль канал ҳамда Дамхўжа ирригация тизими учун бирлаштирувчи канал қуриш вазифаларини бажариш кераклиги белгилаб берилди [8].

Каттақўрғон сув омборини қуриш ишлари 1940 йилнинг 25 февралидан бошланди. Унда дастлаб Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг 120 минг аҳолиси асосан оддий меҳнат қуроллари билан иш бошлашди. Қурилишда ҳар кунлик ўртача 14 минг нафардан максимал 106 минг нафаргача одамлар иштирок этган [9]. Бироқ кенг ҳажмдаги қуриш ишларини олиб бориш учун кўплаб қурилиш ва қишлоқ хўжалиги машиналари ҳам жалб қилинди. Натижада 14,5 км узунликдаги айланма темир йўл қисқа муддатда қурилиб, жами 843 минг куб метр тупрок ишлари ва 3500 куб метр бетон ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 28 км узунликдаги сув олиб келувчи канал 1940 йил баҳоридаёқ казиб битказилди. Канал қурилиши давомида жами 5 млн 480 минг куб метр тупрок ишлари бажарилди [10]. 1940 йил кузига келиб эса 2446 куб метр тупрок ишлари бажарилди ҳамда сув омборнинг 14 км узунликдаги сув чиқариш

канали қурилиши асосан тугалланди [11].

Сув омборнинг қурилиш ишлари кейинги йилларда ҳам жадал суръатда ташкил қилинди. Бу жараёнда асосан Самарқанд областининг 19 та райони жумладан, Каттақўрғон, Самарқанд, Комсомол (Тойлоқ), Митан, Бухоронинг 21 райони: Ғузор, Когон, Қамаш и ҳамда Свердлов (Жондор)нинг юз минглаб колхозчилари қатнашди. Бундан ташқари бу даврдаги қурилиш ишларига 515 та трактор, 600 автомашина, 6 та экскаватор, 160 та йўл қурилиш техникалари ва бошқа техникалар жалб қилинди. Бироқ айтиш жоиз, ўша даврда қурилган бошқа йирик ирригация иншоотлари (масалан, Катта Фарғона канали) сингари Каттақўрғон сув омборининг қурилишида ҳам кўл меҳнати (умумхалқ ҳашари)нинг ўрни ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

1941 йил январь ойи охирига келиб сув омбор қурилишининг биринчи навбати тугатилди. Бутун қурилиш давомида 12 млн куб метр тупрок, 16300 куб метр темир-бетон, 9967 куб метр тош ишлари бажарилди. Шунингдек, миқдори 2,9 млн рубллик турар-жой ҳамда маданий-манший иншоотлар, 82 километрлик телефон тармоғи, узунлиги 72 км бўлган доимий ва вақтинчалик йўллар ва бошқа бир қанча объектлар ҳам бунёд қилинди. Умуман олганда, сув омборнинг лойиҳавий қиймати 243 млн рублни ташкил қилиб, 1941 йилгача умумий 130 млн рубллик ишлар бажарилган [12].

Собик Совет Иттифоқининг 2-Жаҳон урушига тортилиши билан сув омборнинг тўлиқ қуриб битказилишига ўз таъсирини кўрсатди. Фақатгина уруш тугагандан сўнг қурилишни давом эттириш бўйича ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятда яна кўшимча равишда 30 минг гектар ерни суғориш мақсадида 1946 йил май ойида Каттақўрғон сув омборида қурилиш ишларини давом эттириш бўйича совет ҳукумати қарори қабул қилинди [13].

Қарорга кўра қурилишни тезроқ тугатиш учун 400 та юк ташувчи машиналар, шунингдек, бир қанча ер казиш, текислаш ва тупрок ташиш ишлари учун

мўлжалланган махсус техникалар ҳамда қурилиш материаллари ажратилди. Бироқ қурилиш кўламига нисбатдан уларнинг номутаносиблиги оқибатида ишлар асосан қўл меҳнати орқали бажарилди. Бу эса табиийки қурилиш муддатининг ҳам чўзилишига сабаб бўлди. Шундай вазиятда 1952 йил 22 майда ЎзССР Министрлар Советининг “Каттакўрғон сув омборини доимий фойдаланишга топшириш, сув омбор сиғими миқдорини ошириш ва сув келтирувчи канални кенгайтириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра сув омбор туғонининг сув чиқариш минораси машина бўлими қурилишини тугатиш, ички беркитиш тамба кўтаргичини ўрнатиш вазифалари қўйилди. Шунингдек, сув омбор сиғимини 900 млн м³/с га етказиш учун сув келтириш каналини кенгайтириб, унинг ўтказиш қобилиятини 45 м³/с дан 75 м³/с га ошириш, сув чиқариш минорасини қайта қуриб, туғонни янада кўтариш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди [14].

1952 йилга келиб сув омбордаги қуриш ишлари асосан тугатилди. Сув омбордан 1953 йилдан фойдалана бошлаш бўйича комиссия хулосаси берилди. Умуман олганда, 1946–1955 йиллар давомидаги қурилиш ишлари натижасида Каттакўрғон сув омбори сиғимининг ҳажми икки баробар оширилди [15]. Натижада Каттакўрғон чуқурида қарийб 700 млн куб метр сув жамғарилди ва 65,5 кв км майдонда улкан сув омбори – “Ўзбекистон денгизи” барпо этилди [16].

Ўз навбатида Каттакўрғон сув омбори 1942–1955 йиллар давомида Зарафшон воҳасидаги экин майдонларини 67 минг гектарга ошириш имконини берди [17].

XX асрнинг иккинчи ярмида республиканинг бошқа ҳудудлари сингари вилоятда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биринчи навбатда пахтага бўлган талабнинг кучайиши, пахта планларининг мутассил ошириб борилиши Каттакўрғон сув омборининг аҳамиятини ва унга бўлган эътиборнинг кучайишига сабаб бўлди.

1953 йил октябрда ЎзССР Министрлар

Советининг “Сув хўжалиги қурилишининг 1953–1958 йиллардаги плани” тасдиқланди [18]. Унга кўра Самарқанд вилоятида суғориладиган ерларни 26 минг гектарга кўпайтириш лозим эди. Бунинг учун эса вилоятдаги қатор ирригация тизимлари ва суғориш иншоотларини реконструкция қилиш зарур бўлиб, шу мақсадда Каттакўрғон сув омборининг сув сиғимини ошириш имкониятлари ўрганиб чиқилди. Бу ишга “Средазгипроводхлопок” институти жалб қилинди. Институт зиммасига сув омбор сиғимини 1 миллиард куб метрга етказиш лойиҳасини тузиш вазифаси қўйилди. Бу мисол пахтачилик ва пахта ҳосилини кўпайтириш йўлида совет ҳукумати ҳар қандай ишга қўл урганлигини кўрсатиб турибди.

Лойиҳалаш жараёни кетаётган бир даврда 1954 йил 3 июнда ЎзССР Министрлар Совети томонидан қабул қилинган қарорга кўра Зарафшон дарёсида сув тақчиллиги кузатилса, Самарқанд ва Бухоро областларидаги колхозларга Каттакўрғон сув омборидан керакли миқдордаги сувни ажратиш белгилаб қўйилди [19].

Юқорида сўз юритилган режа асосида 1956 йил сув омборнинг сув келтирувчи канали реконструкция қилиниб, унинг сув ўтказиш имконияти 100 м³/с га етказилди, ўзани тўғриланиб, кенгайтирилди ва ўзанга бетон тўшама ётқизилди. Натижада канал узунлиги 21,2 км га етди [20].

1958 йилда эса “Ўзбекгидрострой” трестининг Дамхўжа қурилиш-монтаж бошқармаси сув омборни сув билан таъминлайдиган каналларда таъмирлаш ишларини олиб бориб, 3 минг куб метр бетон ишларини бажарди. 1958 йил 15 сентябрда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги коллегияси томонидан чиқарилган “Каттакўрғон хавзасига сув олиб келувчи каналларни таъмирлаш ишларининг бориши тўғрисида”ги қарорга кўра юқоридаги ишларга қўшимча равишда сув келтирувчи каналга 1,6 минг куб метр бетон қоплама ётқизиш топшириғи берилди [21].

1957 йилда Каттакўрғон сув омборида республикада биринчи бўлиб

гидроиншоотларни масофадан бошқариш пульта ўрнатилган эди. Ушбу пульт ёрдамида сув омборидаги сув сатҳи, шунингдек, сувни олиб кировчи ва чиқарувчи каналлардаги сув даражаси ўлчанган. Энг асосийси, диспетчерлик пультадан сув омбори минорасига ўрнатилган дарвозаларни бошқариш имконияти пайдо бўлди, бу илгари қўлда кўтарилар эди. Бундай автоматизация ва телемеханикани жорий этиш сув омборидан фойдаланиш маданиятини сезиларли даражада оширди [22]. Бундан ташқари, дарёларда тўғонлари бўлган гидроиншоотлар ва асосий ирригацион каналларда босимни бошқарувчи регуляторларнинг қурилиши туфайли кичик сув олиш тизими тугатилди [23].

“Средазгипроводхлопок” институти томонидан сув омбори сиғимини ошириш лойиҳаси 1962 йилнинг баҳорига келиб тасдиқланди. Шундан сўнг тез суръатда сув омбори қурилишининг иккинчи навбатидаги ишлар бошлаб юборилди. Ишларнинг катта қисми “Самарқандводстрой” трестининг янги ташкил этилган Каттакўрғон қурилиш-монтаж бошқармаси томонидан бажарилди.

Қурилиш 1967 йилга келиб асосан тугалланди. Бу даврда сув омборининг таъминот каналида 5.25 млн куб метр, сув чиқариш каналида 5 млн куб метрга яқин тупроқ ишлари бажарилди. Шунингдек, тўғон юзасига 5,7 миллион куб метрдан ортиқ грунт ётқизиблиб, 85 минг куб метрдан ортиқ бетон ва темир-бетон ишлари ҳам бажарилган. Жами харажат 4.8

млн рублни ташкил қилди [24].

Тўғон ва қулоқларнинг реконструкция қилиниши натижасида унинг максимал баландлиги 28,62 метрдан 31.5 метрга узунлиги эса 3915 метрни ташкил қилди. Сув омбори сиғими 900 млн. м³ га етказилди, шундан фойдали сиғими 840 млн. м³ ташкил қилиб, сув юзаси майдони 79,5 км² дан иборат бўлди [25].

XX аср 60-йилларида сув омбори узунлиги 22 км, эни 12 км ни ташкил қилган бўлса [26], 80-йилларга келиб, турли омиллар таъсирида унинг узунлиги 15 км, максимал эни 10 км, ўртача эни 5,3 км, максимал чуқурлиги 25 метр ўртача чуқурлиги 11,3 метрни ташкил қилди [27].

Сув омбори нафақат экин майдонларини суғориш балки, республика балиқчилик соҳасига ҳам ўз хиссасини қўшди. Сув омборида балиқ овлаш йилдан йилга ошиб борди. XX аср 80-йилларига келиб сув омборида ўрта ҳисобда 240-250 центнер танга балиқ, суган ва бошқа балиқлар овланди.

Хуллас, Зарафшон дарёси режимини тартибга солиш, тошқин ва сел сувларини ҳамда қиш ва баҳорда бекорга оқадиган сувларни жамғариш мақсадида қурилган Каттакўрғон сув омбори ҳам бошқа шу турдаги ирригация иншоотлари каби суғориш учун сув захираларини тўплаш ва саклаш имконини берди. Бироқ Каттакўрғон сув омборининг қурилиши ҳам бевосита Марказнинг биринчи галда пахта яккаҳоқимлиги сиёсати билан чамбарчас боғлиқ эди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон тарихи (Самарқанд тарихи). IX жилд. Ўзбекистон тарихи ва манбалари / Б.С. Ғойибов (ва бошқ.) – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2023. – Б. 325.
2. https://uz.wikipedia.org/wiki/Kattaqoq%CA%BBrg%CA%BBon_suv_ombori (мурожаат қилинган сана 16.12.2024.).
3. Ўз МА, Р.88-фонд, 1-рўйхат, 203-иш, 20-варақ.
4. Самарқанд вилоят давлат архиви (Сам ВДА). 821-фонд, 1-рўйхат, 85-иш, 4-варақ.
5. Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. Т.1. Развитие ирригации в комплексе производительных сил Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 183.
6. Қориев М. Ўзбекистон сув омборлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969. – Б. 19.
7. <https://www.consultant.ru>. Постановление СНК СССР, ЦК ВКП(б) от 22.12.1939 N

2084 "О мерах по дальнейшему подъему хлопководства в Узбекистане". (мурожаат қилинган сана 18.12.2024.).

8. <https://docs.historyrussia.org/ru/nodes/402718-postanovlenie-tsentralnogo-komiteta-vkp-b-i-soveta-narodnyh-komissarov-soyuza-ssr-o-merah-podalneysheму-podemu-hlopkovodstva-v-uzbekistane-22-dekabrya-1939-g-locale-nil-2084> (мурожаат қилинган сана 18.12.2024.).

9. Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. Т.1. Развитие ирригации в комплексе производительных сил Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 194.

10. Правда Востока. 12 августа 1941 г.

11. Правда Востока. 6 марта 1941 г.

12. Правда Востока. 6 марта 1941 г.

13. Ленинский путь. 7 сентября 1946 г.

14. Ўз МА, Р.837-фонд, 38-рўйхат, 4288-иш, 1-3-варақлар.

15. Комилов О. Ўзбекистонда суғориш тизими ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар (1951 – 1990). – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 230.

16. Қориев М. Ўзбекистон сув омборлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969. – Б. 19.

17. Абдунабиев А. По декрету вождя. – Ташкент: Узбекистан, 1970. – С. 58.

18. Ўз МА, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 1277-иш, 9-14-варақлар.

19. Ўз МА, Р.837-фонд, 38-рўйхат, 5612-иш, 172-варақ.

20. https://uz.wikipedia.org/wiki/Kattaqo'rg'on_suv_ombori (мурожаат қилинган сана 21.12.2024.).

21. Ўз МА, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 1277-иш, 11-варақ.

22. Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. Т.4. Технический прогресс в ирригации. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 177.

23. Ирригация и дренаж в Республике Узбекистан история и современное состояние. К 70-летию Международной комиссии по ирригации и дренажу. – Ташкент, 2020. – С. 15.

24. Ленинский путь. 21 октября 1967 г.

25. Ленинский путь. 21 октября 1967 г.

26. Қориев М. Ўзбекистон сув омборлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969. – Б. 19.

27. https://uz.wikipedia.org/wiki/Kattaqo'rg'on_suv_ombori (мурожаат қилинган сана 21.12.2024.).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ДОИР

Рахима Илхомжоновна Сандова

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

мустақил тадқиқотчиси

saidovarahima479@gmail.com

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0008-5069-7899>

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақил ташқи сиёсатининг йўлга қўйилишини, унинг асосий йўналишлари ва тамойиллари, давлатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган Италия Республикаси билан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг тарихшунослиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ЕИ, Рим баённомалари, Флоренция битими, дипломатия, ташқи сиёсат, тарихшунослик.

Аннотация: В статье анализируется становление независимой внешней политики Республики Узбекистан, ее основные направления и принципы, а также историография сотрудничества в политической, экономической и социально-культурной сферах с Итальянской Республикой, которая одной из первых признала независимость нашего государства.

Ключевые слова: ЕС, Римские протоколы, Флорентийский договор, дипломатия, внешняя политика, историография.

Abstract: This article analyzes the establishment of an independent foreign policy of the Republic of Uzbekistan, its main directions and principles, and the historiography of cooperation in the political, economic, and socio-cultural spheres with the Republic of Italy, which was one of the first to recognize the independence of our state.

Keywords: EU, Rome Protocols, Florence Agreement, diplomacy, foreign policy, historiography.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Ўзбекистон

Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти, унинг тамойиллари ва асосий йўналишлари, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш жараёнлари тарихини ўрганиш, таҳлил қилиш ва илмий хулосалар чиқариш сўнгги йилларда тарихчиликнинг янги йўналиши ўлароқ юзага келди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистоннинг минтақада тутган геосиёсий ўрни ва иқтисодий салоҳияти ҳамда Ғарб мамлакатлари билан олиб бораётган ўзаро ҳамкорлик сиёсати ўзининг ўлчамлари билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан Ўзбекистон ва хорижий олимлар томонидан янгидан шаклланаётган эллараро муносабатлар тизими, бу тизимда ҳар бир мустақил давлатнинг ташқи сиёсий фаолияти ҳамда турли минтақалар доирасидаги муносабатлар илмий ўрганиш объектига айланди. Натижада 1991 йилдан кейин ташқи сиёсат тизими тарих фанида алоҳида илмий йўналишга айланиши учун етарлича шарт-шароитлар ва асослар яратилди.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Тарихчилик нуқтаи-назаридан қараганда замонавий халқаро муносабатлар ва ҳамкорлик алоқалари масалаларига бағишланган миллий ва хорижий олимлар томонидан яратилган асарларни, жаҳоннинг турли тадқиқот ва таҳлил марказлари эълон қилган таҳлилий, статистик ва прогнозли материалларни шартли равишда уларнинг назарий-услубий хусусиятлари ва ҳудудий мансублигига кўра маълум бир гуруҳларда кўриб чиқиш мумкин.

Ўзбекистон ва Италия Республикалари

ўртасида ўзаро манфаатли сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик масалаларини тарихийлик нуқтаи назаридан ҳамда соҳалар бўйича ўрганиш ва таҳлилий хулосаларни бериш миллий илмий тадқиқотчиликда янги йўналиш ҳисобланади. Мазкур муаммо Ўзбекистон Италия муносабатлари кесимида махсус ўрганилмаган, десак муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга 1991 йилдан кейин бир қатор тарихчилар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва бошқа соҳа вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий, иқтисодий ва маданий фаолияти ўрганилиб, уларнинг умумий ва хусусий характердаги илмий тадқиқотларида муаммога доир маълумотлар фрагментар бўлса-да, ўз аксини топган. Шунингдек, совет империяси парчаланиб, дунё харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ташқи сиёсий, иқтисодий ва маданий фаолиятлари хорижлик олимлар томонидан ҳам тадқиқ этилган. Шу жиҳатдан муаммони у ёки бу даражада ёритишга хизмат қиладиган илмий адабиётлар, диссертациялар ва мақолаларни тарихчилик нуқтаи-назаридан миллий ва хорижий адабиётлар кесимида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва унинг дунё мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларда қатор тарихчилар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳа вакиллари томонидан тадқиқ этилмоқда. Мазкур муаммо бўйича бугунги кунга қадар амалга оширилган илмий тадқиқотлар ва яратилган адабиётлар кўламини эътиборга олиб, уларни икки гуруҳга: миллий ва хорижий тадқиқотларига бўлиб кўриб чиқиш мумкин:

Биринчи гуруҳга кирувчи ишларни Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорлиги тўғрисида маълумот берувчи монографиялар, илмий тадқиқот ишлари, рисоалар ва илмий

мақолалар ташкил этади. Булар дунё харитасида мустақил Ўзбекистон Республикасининг пайдо бўлиши, унинг ташқи сиёсий тамойилларининг шаклланиши, ўзбек дипломатиясининг фаолияти, дунё мамлакатлари ва эллараро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатлари тадқиқ этилган ишлар бўлиб, мазкур йўналишдаги тадқиқотларга А.Касимов, Л.Петрова, И.Васькин, А.Акилов, А.Расулев, А.Бедринцев, С.Шарапова, Э.Нуриддинов, Л.Бабаходжаеванинг монографиялари, М.А.Раҳимов, Л.Худайкулова, Ф.Исматуллаев, И.Азизов, Д.Сайфуллаевнинг илмий тадқиқотларини киритиш мумкин.

Хусусан, С.Шаропованинг монографиясида мустақил Ўзбекистоннинг давлатлараро муносабатлар ўрнатилиши билан умумжаҳон тизимига кириб боришининг ўзига хос жиҳатлари, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига тарихий-маданий мерос ҳамда ўзига хос миллий ўзлик, маънавий кадрятлар ва миллий истиклол мафкураси каби омилларнинг таъсири таҳлил қилинган.

Э.З.Нуриддиновнинг ишларида Ўзбекистон Республикасининг мустақил ташқи сиёсатини яратилиши, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иштироки масалалари, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари каби масалалар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг халқаро тузилмалар, жаҳон ҳамжамиятининг етакчи давлатлари, хусусан Европа мамлакатлари билан эллараро муносабатлари тадқиқ этилган. Олимнинг *“Ставроление и дальнейшее развитие на этапе обновления внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан”* номли монографиясида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати билан боғлиқ масалаларнинг дастлабки босқичи ва ҳозирги даврдаги (2021 йил ҳолати бўйича) ҳолати қиёсий таҳлил қилинган. Мазкур иш Ўзбекистон ва Италия муносабатлари тизимига алоҳида тўхтанилмаган бўлса-да, мамлакатимиз ташқи сиёсий фаолиятининг асосий

босқичларини кузатиб бориш имконияти борлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар, хусусан Европа Иттифоқи мамлакатлари билан маданий-гуманитар соҳаларда амалга оширган ҳамкорлигининг муҳим жихатлари Л.Бабаходжаева томонидан ўрганилган

Миллий ва хорижий ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва иқтисодчилар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳам муаммони тадқиқ этишда алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, М. Томас, Г. Мўминова, Ҳ. Юнусов, А. Жўраев, Ш. Зиёев томонидан амалга оширилган тадқиқотларда халқаролашув, геосиёсат ҳамда мазкур жараёнларда Ўзбекистон Республикасининг стратегияси, ташқи иқтисодий сиёсати масалалари тадқиқ этилганлиги тадқиқот объекти ўларок танланган мавзунинг илмий аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади. Айниқса, Ҳ.Юнусовнинг ишлари бевосита ЕИ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларига эътибор қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг 1991 йилдан кейинги тарихи бўйича нашр этилган умумий адабиётларда ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақил ташқи сиёсатининг шаклланиши, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши жараёни, ташқи сиёсатдаги устувор йўналишлар ва асосий масалалар очиб берилган.

Хорижий тадқиқотчилардан В.Бриан, Ф.Бинди, Б.Фазендеиро, В.Параманов, А.Строков, С.Алсчен, З.Абдуганиева, У.Айдин, С.Жилцов, Б.Юлдашев, С.Мун, А.Эгамов, Р.Саттаров ва Т.Дадабаевнинг тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларининг турли жихатлари ўрганилган. Шунингдек, Л. Зиядуллаева ва Д. Нишановларнинг илмий тадқиқотларида

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан алоқалари масалалари ёритиб берилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси тахлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикасининг 1991-2021 йилларда Италия Республикаси билан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги тарихи махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. 2019 йилда “Ўзбекистон” нашриёти томонидан чоп этилган ва 2024 йилда қайта нашр этилиб, илмий жамоатчиликка тақдим этилган “Ўзбекистон дипломатияси тарихи (қадим замонлардан ҳозирги кунгача)” номли фундаментал тадқиқотда ҳам “Италия” номининг атиги 3 (!) марта қўлланилгани фикримизни асослайди. Ўзбекистонда фақат Ф.Исматуллаев ва С.Ахмедоваларнинг 2019 йил “ФарДУ Илмий хабарлари” журналида чоп этилган “Ўзбекистон-Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари” ва С.Ҳаққуловнинг 2022 йилда нашр этилган “Ўзбекистоннинг архитектура ва қурилиш соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари” номли мақолаларида Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, таълим ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари архив материаллари, илмий адабиётлар ҳамда даврий матбуот материалларидан унумли фойдаланилган ҳолда ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Италия Республикаси билан маданий алоқаларини ривожланиш жараёнлари тарихий-хронологик таҳлил этилган.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Шу жихатдан, Ўзбекистон ва Италия Республикалари ўртасидаги муносабатлар тарихи бўйича мавжуд маълумотлар тахлили эса ўз навбатида мазкур диссертациянинг мақсади ва вазифаларининг шаклланишига туртки бўлди.

**АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):**

1. Касымов А., Петрова Л. Внешняя политика Узбекистана в свете концепции ненасилия. – Ташкент, 1992. – 124 с.;
2. Акилов А., Расулев А., Бедринцев А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – 80 с.
3. Шарапова С.Ш. Внешняя политика Республики Узбекистан: культурно-исторический и социальный факторы. – Ташкент: Адолат, 2000.
4. Бабаходжаева Л. Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан. – Ташкент: Фан, 2007. – 199 с.
5. Рахимов М.А. Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991 – 2010 гг.): Автореферат дисс. ... докт. истор. наук. – Ташкент: 2012. – 50 с.;
6. Рахимов М. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. Т.: Адабиёт учкунлари, 2016.;
7. Рахимов М.А., Рахматуллаев Ш.М., Турсунова Р.Ю., Назаров Р.Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. 2-е изд., исп. и доп. Т.: Адабиёт учкунлари, 2016.;
8. Худайкулова Л.С. Интеграция Узбекистана в мировое сообщество на примере сотрудничества с Европейским Союзом. 1991–1999 гг. (Программа Тасис Темпус): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент: НУУз, 2002. – 29 с.;
9. Исмагуллаев Ф. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва ривожланиши (1991-2005 йиллар): Тарих фан номзоди... дисс. автореф. - Тошкент: УзМУ., 2011. – 28 с.;
10. Азизов И. Взаимодействие Республики Узбекистан с Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) в решении актуальных задач страны (1991-2017 гг.): Автореферат дисс. ... докт. фил. (PhD) по истор. наук. - Ташкент: 2019. – 53 с.;
11. Традиционные и современные подходы к изучению дипломатии // Новейшая история Центральной Азии: Проблемы теории и методологии: сб. статей / вступ. ст., подгот., отв. ред.-сост. А.К. Аликберов, М.А. Рахимов / Российская акад. наук. Ин-т востоковедения. Ин-т истории АН РУз. — М.: Институт востоковедения РАН, 2018. 304 с.
12. Сайфуллаев Д. Ўзбекистон Республикаси маданий дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Тарих фан. доктор. (DSc) ... дисс. автореф. - Тошкент: ШУ., 2020. – 97 б.
13. Нуриддинов Э.З. Становление нового типа экономических отношений Узбекистана с ведущими государствами Западной Европы // Общественные науки в Узбекистане. – 1998. № 1. – С. 32-38;
14. Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие, проблемы.: Дис. ... докт. истор. наук. – Т.: 2000. – 305 с.;
15. Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чулпон, 2002. – 216 с.;
16. Нуриддинов Э.З. Становление и дальнейшее развитие на этапе обновления страны внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан /Монография/ Ташкент: «Инновация-Зиё», 2020. 398 с.
17. Бабаходжаева Л. Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан (период независимости). 2-е изд., перераб. и доп. – Ташкент: Фан, 2011. – 218 с.

18. Томас М. Инвестиционная политика и углубление международных экономических связей Республики Узбекистан (на примере узбекских-германских отношений): Дисс. ... канд. экон. наук. – Ташкент, 2000. – 158 с.
19. Муминова Г. Политико-правовой аспект сотрудничества Республики Узбекистан и Европейского Союза: Дисс. ... канд. полит. наук. – Ташкент: УМЭД, 2007. – 136 с.
20. Юнусов Х. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўзаро алоқаларининг ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЖИДУ, 2008. – 240 б.
21. Жўраев А. Европа Иттифоқининг иқтисодий-инвестицион имкониятлари ҳамда Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: Иқтис. фан. ном ... дисс. Тошкент, 2010. – 138 с.
22. Зиёев Ш. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга қаратилган стратегияси моҳияти ва мақсади хусусида // Ёш шарқшуносларнинг акад. У.Каримов номли 7 илмий-амалий конференцияси тезислари. – Тошкент: ЎзФАШИ. – Б. 128-131.;
23. Зиёев Ш. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги сиёсатига доир айрим мулоҳазалар // Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари. 4-илмий тўплам. – Тошкент: ТошДШИ, 2012. – Б. 90-95.
24. Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистон тарихи (Миллий истиқлол даври). Тошкент. 2000.;
25. Ўзбекистон янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 2000. - 560 с.;
26. Жўраев Н. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 2009. - 664 б.
27. Рахимов М.А., Рахматуллаев Ш.М., Турсунова Р.Ю., Назаров Р.Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. 2-е изд., исп. и доп. Т.: Адабиёт учкунлари, 2016.;
28. История международных отношений Республики Узбекистан: коллективная монография. Под ред. Р.Фармонов. – Ташкент: УМЭД, 2017.;
29. Новейшая история Узбекистана: Учебник / Под ред. д.и.н., проф. М.А. Рахимова. – Т.: «Адабиёт учкунлари», 2018. – 512 с.;
30. Зиядуллаева Л.Н. Внешнеэкономические связи Республики Узбекистан в условиях глобализации и регионализации мирового хозяйства. Автор. дисс. ... канд. ист. наук. – М., 2006. – 169 с.;
31. Нишанов Д.Б. Внешняя политика Республики Узбекистан в 90-е годы XX века. Дисс. ... канд. ист. наук. – Москва, 2008. – 183 с.;
32. Исматуллаев Ф., Ахмедова С. Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари // ФарДУ илмий хабарлари. 2019 йил 1-сон. 113-114-бетлар //journal.fdu.uz/index.php/sjfsu/article/view/78;
33. Ҳаққулов С. Ўзбекистоннинг қурилиш ва архитектура соҳасида ҳамкорлик алоқалари // Journal of Innovations in Social Sciences. Volume: 02, Issue: 08, August – 2022. PP. 45-49.

O‘ZBEKISTON VA TURKMANISTON RESPUBLIKALARI O‘RTASIDA TURIZM SOHASIDAGI HAMKORLIK ALOQALARINING YANGI BOSQICHGA KO‘TARILISHI

Oromov Shaxzod Normo‘min o‘g‘li
Qarshi davlat universiteti tayanch doktoranti,
oromovshaxzod01@gmail.com
 UDK: 94(575.1)
<https://orcid.org/0009-0007-7701-5453>

Annotatsiya: O‘zbekiston respublikasi mustaqillikka erishgan dastlabki kunlardan boshlab boshqa davlatlar bilan hamkorlik aloqalarini o‘rnatishda turizm sohasini rivojlantirishga alohida e‘tibor qaratdi. Bugungi kunga kelib turizm industriyasi jahon iqtisodiyotida eng serdaromad sohalardan biri sifatida iqtisodiy sohaning asosiy qismini tashkil etmoqda. Shu boisdan ham respublikamizda ichki va tashqi turizmni rivojlantirish masalasiga alohida e‘tibor qaratilmoqda.

Kalit so‘zlar: O‘zbekiston, Turkmaniston, turizm, arxitektura, tashriflar, sayyohlar, tashriflar, elchixonasida, hujjatlar, axborot, hamkorlik.

Аннотация: С первых дней независимости Республика Узбекистан уделяла особое внимание развитию туристической сферы при налаживании сотрудничества с другими странами. На сегодняшний день индустрия туризма является одной из самых прибыльных отраслей мировой экономики и составляет основную часть экономического сектора. Поэтому особое внимание уделяется развитию внутреннего и внешнего туризма в нашей республике.

Ключевые слова: Узбекистан, Туркменистан, туризм, архитектура, визиты, туристы, визиты, посольство, документы, информация, сотрудничество.

Abstract: From the first days of independence, the Republic of Uzbekistan has paid special attention to the development of the tourism sector in establishing cooperation with other countries. Today, the tourism industry, as one of the most profitable sectors in the world economy, constitutes the main part of the economic sector. Therefore, special attention is

paid to the development of domestic and foreign tourism in our republic.

Keywords: Uzbekistan, Turkmenistan, tourism, architecture, visits, tourists, visits, at the embassy, documents, information, cooperation.

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).

Mamlakatimizda turizmni tartibga solishda asosiy hujjat bu – O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi hisoblanadi. Undan so‘ng esa, 1999-yil 20-avgustda qabul qilingan, O‘zbekiston Respublikasining “Turizm to‘g‘risida”gi qonunidir[1]. Ushbu qonunning maqsadi turizm sohasidagi munosabatlarni huquqiy jihatdan tartibga solish, turistik xizmatlar bozorini rivojlantirish, turistlar va turistik faoliyat subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishdan iborat. Shuningdek, yana bir qancha normativ-huquqiy hujjatlarda milliy turizmni tartibga solish va rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari o‘z aksini topgan. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017- yil 16-avgustdagi “2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-3217-sonli Farmonida davlatimiz tomonidan turizm sohasini jadal rivojlantirish uchun qulay iqtisodiy, ma‘naviy va huquqiy muhitni yaratgan holda, eng samarali tartibni joriy etish, hududning iqtisodiy salohiyatini va daromadlari bazasini kengaytirish, yangi ish o‘rinlarini yaratish, yurtimizga keladigan turistlar oqimini ko‘paytirish, shuningdek, milliy turizm mahsulotlarini jahon bozoriga faol olib kirish bilan bog‘liq masalalarga alohida e‘tibor qaratildi.

MUHOKAMA (ОБСУЖДЕНИЕ /

DISCUSSION). O‘zbekiston Respublikasi o‘zining boy tarixi va madaniyati bilan turizm sohasini rivojlanishi uchun yuqori imkoniyatga ega mamlakatlardan hisoblanadi. Bugungi kunda yurtimizda jami 7 ming 476 ta moddiy-madaniy meros obyektlari davlat muhofazasiga olingan bo‘lib, shundan 4 ming 308 tasi arxeologiya, 2 ming 79 tasi esa arxitektura yodgorliklari, 395 tasi esa diqqatga sazovor joylar hisoblanadi[2]. Mazkur tarixiy-me‘moriy obidalar asrimizning turli davrlariga tegishli bo‘lib, ularni ko‘rish uchun Markaziy Osiyodan davlatlaridan ko‘plab turistlarni jalb qilish ishlari amalga oshirilmoqda. Shuningdek, bugungi kunda yurtimizda turistik biznes bo‘yicha xalqaro aloqalarni rivojlantirishga ham alohida e‘tibor qaratilmoqda. Jumladan, 2018-yilda O‘zbekiston, Turkmaniston, Qozog‘iston, Belarussiya, Rossiya, Xitoy kabi davlatlarning turistik kompaniyalari bilan 20 dan ortiq biznes uchrashuvlari tashkil etildi. Bu davlatlar o‘rtasida savdo iqtisodiy va madaniy gumanitar axborot bo‘yicha Hukumatlararo komissiyasining 16 ta yig‘ilishida dunyoning ko‘plab davlatlari qatori Markaziy Osiyo hududida joylashgan davlatlardan, O‘zbekiston, Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Turkmaniston va Tojikiston respublikalar ham ishtirok etdi.

Yangi O‘zbekiston sharoitida O‘zbekiston va Turkmaniston respublikalari o‘rtasida amalga oshirilayotgan hamkorlik aloqalarida turizm sohasini rivojlantirishga ham alohida e‘tibor qaratilmoqda. Jumladan, Italiyaning «Rai Tre» telekanali tomonidan o‘tkazilgan so‘rovnoma ko‘ra, Turkmaniston 2018-yil uchun eng maqbul yo‘nalish deb topildi. ORIYENT.tm Turkmaniston axborot agentligi xabariga ko‘ra, mazkur so‘rovda dunyoning turli qit‘alariga sayohat qilgan turistlarning, mazkur telekanal orqali yoritilgan, turli mamlakatlarga oid ko‘rsatuvlarni ko‘rgan tomoshabinlarning fikrlari o‘rganilgan. Darhaqiqat, Turkmaniston respublikasi Markaziy Osiyoning janubida joylashgan davlat bo‘lib, uning maydoni 488,1 ming km² dan iborat. Aholisining 81 % turkmanlar, — 9 % ni o‘zbeklar, — 3,5 % ni ruslar, 1,9 % qozoqlar, -0,7 % ni ozarboyjonlar, tatarlar va

armanlar tashkil etadi[3]. Turkmaniston respublikasi hududida ham ko‘plab o‘tmish tariximiz bilan bog‘liq me‘moriy obidalari mavjud. Mazkur tarixiy obidalar o‘tmish bilan qiziquvchi sayyohlarning diqqatini o‘ziga tortishi tabiiy hol albatta. Jumladan, qadimiy Oltintepa shahri o‘zining tosh obidalari bilan “Turkmanistondagi Stounxendj” nomini olgan. Bu qadimiy shahar bronza davrida – eramizdan avvalgi 2300-1900 yillarda bunyod etilgan. Bu yerda turistlar qadimgi Elam va Shumer mixxat bitiklarini eslatuvchi bitiklar mavjud bo‘lib, ko‘plab turistlarni o‘ziga jalb qilib kelmoqda. .

O‘zbekiston va Turkmaniston respublikalarining turizm sohasidagi hamkorlik aloqalari, yildan-yilga kengayib bormoqda. Buni yurtimizga kelayotgan sayyohlar oqimining ortib borayotganida ham ko‘rish mumkin. Jumladan, 2005 — yilda O‘zbekistonga, Turkmaniston respublikasidan 30 nafarga yaqin sayyohlar kelgan bo‘lsa[4], 2013 — yilda bu ko‘rsatgich 5588 nafarni tashkil etdi. 2016 - yilga kelib esa 5721 nafarni, 2017 — yilga kelib 6822 nafarni tashkil etdi[5]. O‘zbekiston respublikasidan Turkmanistonga boruvchi sayyohlar soni ham 2005 — yildagi 81 nafar kishidan 2013 — yilga kelib, 4470 nafarga yetdi[6]. Sayyohlar sonining o‘shishiga har ikkala davlatda doimiy ravishda o‘tkazilib kelinayotgan turli madaniy tadbirlarning ham ahamiyati kattadir. Jumladan, 2008 — yil 23 — oktyabrda Ashxobodagi O‘zbekistonning Turkmanistondagi elchixonasi tomonidan o‘tkazilgan “Toshkent – O‘zbekistonning turizm markazi” mavzusidagi tadbirni aytib o‘tish joizdir[7]. 2018-2020 yillarda O‘zbekiston va Turkmaniston o‘rtasida turizm sohasidagi hamkorlikni davom ettirish, uchinchi mamlakatlardan kelayotgan turistlar oqimini keskin ko‘paytirish, ikki mamlakat ilg‘or tur operatorlari o‘rtasida sheriklik aloqalarini o‘rnatish, qo‘shma sayyohlik marshrutlarini tashkil qilish, ikki mamlakat hududlarida turizm sohasida o‘tkaziladigan yirik xalqaro kurgazma va yarmarkalarda turistik kompaniyalarning o‘zaro ishtirok yetishi kabi masalalar hukumatlararo qabul qilingan hujjatlarda alohida belgilab

qo'yildi[8].

2017-yilning may oyida O'zbekiston va Turkmanistonning turizm sohasidagi hamkorligi doirasida O'zbekistonning Qoraqalpog'iston respublikasi, Buxoro, Navoiy va Xorazm viloyatlaridan 100 nafar bola Turkmanistonning "Avaza" turizm shaharchasidagi "Dayanch" bolalar sog'lomlashtirish markazida dam olib qaytdilar[9]. Ikki mamlakat xalqlarining turizm sohasidagi hamkorlik aloqalari yo'nalishlari yildan-yilga kengayib bormoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev, Turkmaniston Prezidenti Gurbanguli Berdimuhamedovning taklifiga binoan 2017-yilning 6-7-mart kunlari davlat tashrifi bilan ushbu mamlakatda bo'ldi. Tashrifning asosiy tadbirlari 6-mart kuni bo'lib o'tdi. Davlat rahbarlari avval yakkama-yakka, keyin ikki mamlakatning kengaytirilgan tarkibdagi rasmiy delegatsiyalari ishtirokida muzokaralar o'tkazdilar. Ularda savdo-iqtisodiyot, neft-kimyo, transport kommunikatsiyalari, qishloq xo'jaligi, madaniyat, turizm va boshqa sohalardagi hamkorlikni yanada rivojlantirish masalalari muhokama qilindi. Muzokaralar yakunida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev va Turkmaniston Prezidenti Gurbanguli Berdimuhamedov Qo'shma bayonotni, O'zbekiston bilan Turkmaniston o'rtasida strategik sheriklik to'g'risidagi shartnomani imzoladilar. Ikki mamlakat vazirlik va idoralari o'rtasida iqtisodiyot, qishloq xo'jaligi va kimyo sanoati, temir yo'l transporti, madaniy-gumanitar sohalardagi hamkorlikni, hududlararo aloqalarni rivojlantirishga doir qator hujjatlar imzolandi. Tashrifning ikkinchi kuni Prezidentlar Shavkat Mirziyoyev va Gurbanguli Berdimuhamedov Turkmanobod shahriga bordilar. Ushbu shahar yaqinida Amudaryoda qurilgan Turkmanobod-Farab avtomobil va temir yo'l ko'priklarining tantanali ochilish marosimi bo'ldi. Avtomobil

ko'prigining uzunligi 1600, temir yo'l ko'prigining uzunligi 1750 metr bo'lib, mazkur ko'priklar turkmanistonlik va ukrainalik quruvchilar tomonidan amalga oshirilganligi e'tirof etildi. Ko'priklar qurilishida Germaniya, Norvegiya texnologiyalaridan foydalanilgan[10]. Kelgusida turistlar tashrifida ana shu ko'priklar ham muhim ahamiyatga ega inshootlar sifatida o'z o'rniga ega bo'ladi. Prezidentlar ko'priklar oldidagi maydonda tashkil yetilgan o'zbek va turkman amaliy san'ati namunalari, hunarmandlik mahsulotlari ko'rgazmasini ko'zdan kechirdilar. O'zbek va turkman xalqlarining azaliy urf-odatlari, qadriyatlarini bir-biriga yaqin bo'lib, turizm sohasini rivojlantirishda ular ham muhim ahamiyat kasb etadi. Turkmaniston Prezidentining O'zbekistonga amaliy tashrifi 2019-yil 28-noyabr kuni ikki davlat rahbarlarining uchrashuvi bilan boshlandi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev va Turkmaniston Prezidenti Gurbanguli Berdimuhamedov ikki tomonlama munosabatlarning dolzarb masalalarini ko'rib chiqdilar va ularni kengaytirish istiqbollarini muhokama qildilar[11]. Hududlar o'rtasida, shuningdek, madaniy-gumanitar va turizm sohalarida faol aloqalarni davom ettirish muhimligi qayd etildi.

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Xulosa qilib aytganda, O'zbekiston mustaqillik erishgan dastlabki kunlardan boshlab Turkmaniston respublikasi bilan ikki tomonlama hamkorlik aloqalarini yo'lga qo'ydi. Turizm sohasidagi hamkorlik aloqalari ikki xalqni respublikalar hududida joylashgan tarixiy obidalarini, xalqlarning milliy urf-odatlarini, qadriyatlarini bilan yaqindan tanishish imkoniyatini berdi. Yangi O'zbekiston sharoitida ikkita davlat o'rtasidagi turizm sohasini yanada rivojlantirish maqsadida me'yoriy-huquqiy hujjatlar imzolandi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА/REFERENCES):**

1. O'zbekiston Respublikasining "Turizm to'g'risida" Qonuni // "O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari milliy bazasi"ning veb-sayti – www.lex.uz.
2. Jumayev SH. B. O'zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirishning istiqbollari // O'zbekiston turizm sohasini rivojlantirishda tabiiy va etnografik resurslardan samarali foydalanish muammolari // Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Samarqand. 2019 yil 13-14 noyabr. -B.34.5
3. XABAR.UZ rasmiy ilmiy-ommabop saytining 06.01.2018 11:08 da bergan ma'lumoti
4. Gosudarstvenniy komitet Respublike Uzbekistan po statistike. Osnovniye pokazateli razvitiya turizma i otdixa v Respubliki Uzbekistan v 2005 godu. T.: 2005. – S. 1.
5. O'zR DSQ JA. Turkmanistondan O'zbekiston Respublikasiga kelgan chet el fuqarolar soni (rasmiy deklaratsiyadan o'tgan kishilar). 01.10.2017 y. holatiga. 6-varaq.
6. "O'zbekturizm" milliy kompaniyasi joriy arxivi. Fond 26-27-varaqlar.
7. Kuziyev N. A. Vneshnepoliticheskiye usloviya kulturnoy transformatsii shelkovogo puti. T.: "Fan", 2015. – S. 89-91.
8. 2018–2020 yillarga mo'ljallangan iqtisodiy hamkorlik to'g'risida // "O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari milliy bazasi"ning veb-sayti – www.lex.uz.
9. Mirzayev G'R. O'zbekiston Respublikasi va Turkmaniston hamkorlik aloqalarining shakllanish va rivojlanish tarixi: Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. T., 2018. – B. 19.
10. XABAR.UZ rasmiy ilmiy-ommabop saytining 07.03.2017 23:35 da bergan ma'lumoti
11. Prezident.uz 2019.11.28 ma'lumotiga ko'ra.

USTRUSHONADA QOVUNCHI MADANIYATI VA UNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Lapasova Maftuna Sanaqul qizi

Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti

lapasovamaftuna248@gmail.com

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0007-4841-1561>

Annotatsiya: Antik va ilk o'rta asrlarda yurtimizga ko'chib kelgan aholining madaniy jarayonlardagi o'rni katta bo'lganligi hamda shu asnoda ular Ustrushonada, turli xildagi me'moriy qurilish arxitekturasi va hunarmandchilik (asosan, kulolchilik) ishlab chiqarishi, keramika buyumlarida hamda diniy hayotga ta'siri haqida, arxeologik topilmalar asosida Qovunchi madaniyatining Ustrushona tarixidagi o'rni ochib beriladi.

Kalit so'zlar: Ustrushona, Qovunchi madaniyati, kulolchilik, dafn, mozorqo'rg'on, O'rta Sirdaryo, Tirmizaktepa, G'ulbo.

Аннотация: На основе археологических находок раскрывается роль переселившегося в нашу страну населения в культурных процессах в древности и раннем средневековье, а также их влияние на различные виды архитектурно-строительной архитектуры и ремесленного производства (в основном керамики), керамические изделия и религиозную жизнь в Уструшане.

Ключевые слова: Уструшана, Каунчинская культура, гончарное дело, погребение, курган, Средняя Сырдарья, Тирмиз-Актепа, Гульба.

Annotation: Based on archaeological findings, the role of the population who migrated to our country in the ancient and early Middle Ages in cultural processes, as well as their influence on Ustrushana, various types of architectural and construction architecture and handicraft production (mainly pottery), ceramic products, and religious life, is revealed.

Keywords: Ustrushona, Kaunchi culture, pottery, burial, burial mound, O'rta Sirdaryo, Tirmizaktepa, Gulbo.

Ustrushona yodgorliklarida o'rganilgan

moddiy ashyolar va dafn marosimlarida, qadimgi davrda kirib kelgan dax-sarmat, yuechji, hun, usun qabilalari hamda ilk o'rta asrlarda kirib kelgan, xioniy, kidariy, eftalit va turk hoqonligi davri moddiy va ma'naviy madaniyatiga mansub xususiyatlar kuzatiladi. Bu paytda O'rta Sirdaryo bo'yi mintaqasi jumladan Ustrushonada ham mahalliy an'analar asosida tayyorlangan ashyoviy manbalarda sifat o'zgarishlari kuzatilib, chorvadorlarga xos xususiyatlar, uchray boshlaydi. Buni o'lka xalqlari qurilish arxitekturasi, hunarmandchilik sohalar va uy-ro'zg'or buyumlari hamda diniy-ma'naviy hayotda kuzatish mumkin. Bu holat, Qovunchi madaniyatining Ustrushona moddiy va ma'naviy madaniyatidan keng o'rin egallaganligini ko'rsatadi.

Ustrushonada Qovunchi madaniyati mil. avv. II-I asrlardan milodiy VIII asrgacha davom etib, qariyb 1000 yil davomida yangi madaniyatga xos ko'rinishlar nafaqat kulolchilik mahsulotlarida, balki madaniyatning barcha sohalariga ta'sir ko'rsatgan. Bu paytda aholining vohalar bo'ylab joylashishiga bog'liq holda, innovatsiya sifatida, Qovunchi madaniyati ta'siri antik va ilk o'rta asrlarga oid arxeologik komplekslar tarkibida va diniy-ma'naviy hayotning barcha sohalarida kuzatilsa-da, asosiy xususiyatlarini quyidagicha bo'lib tavsiflash mumkin.

Me'morchilik va qurilish. Ilk o'rta asrlarda Ustrushona me'morchilik an'analarga ko'ra, qishloqlardagi mulkdorlarning qasrlari, shaharlardagi ark va shahristonlar tabiiy va sun'iy tepaliklar ustiga qurilgan. Qurilish ashyosi sifatida paxsa hamda xom g'ishtdan (48-52x23- 26x10-12 sm.li) foydalanilgan. Bu davrdagi me'morchilikda inshootlarning majmuaviy ko'rinishiga e'tibor

qaratilgan. Binolar tim shaklida yopilgan. Tomlarning tepa qismi nishob qilib ishlangan. Kirish qismlari arka ko'rinishda bezatila boshlagan. Arxeolog M.H. Pardayevni ta'kidlashicha, Ustrushonaning sharqiy qismida, Shahrison botig'ida va shimoliy-g'arbiy Ustrushonaga tegishli Jizzax vohasida o'rganilgan bir qator qal'a, qo'rg'onlar o'z me'moriy-qurilish loyihasi va usullariga ko'ra toifalarga bo'linadi:

1-toifani, xususiy shart-sharoitlardan kelib chiqqan holda, murakkab qurilish rejasi asosida barpo etilgan qal'alar tashkil qilib, ular muhtasham zallar, yotoqxonalar, maxsus ibodat uylari, xo'jalik xonalari (ombor) va koridorlardan iborat. Bunday qal'alar odatda qudratli mudofaa devorlari bilan o'rab olingan, markaziy imoratlar devoriy suratlar bilan bezatilgan, qurilishda o'ymakor naqshli yog'ochlardan keng foydalanilgan (Chilhujra).

2-toifaga murakkab bo'lmagan qurilish rejasi, xususan «taroqsimon – koridorlar tizimi» asosida, ortiqcha hasham va bezaklarsiz bunyod etilgan, tog' unguri tepasida, mikrorelefnii barcha xususiyatlarini hisobga olgan holda bunyod etilgan qal'alar kiradi (Tirmizaktepa, Almantepa I).

3-toifaga mudofaa devorlari bilan o'ralgan keng hovli, uning o'rtasida bunyod etilgan ikki qavatli markaziy imoratdan iborat bo'lgan qal'alar kiradi. Ikki qavatli markaziy binoning pastki qavati turar-joylardan iborat (Pardaqultepa)[1, 127-b]. Ta'kidlash joizki, vohada hisobga olingan arxeologiya yodgorliklari kompleksining deyarli 70 foizini ilk o'rta asrlarga taalluqli obidalar tashkil etadi. Mazkur davr yodgorliklarining son jihatdan ustunligi o'sha davrda mintaqaning faol tarzda o'zlashtirilganligi bilan izohlanadi.

Xo'jaligi. Ilk o'rta asrlarda Ustrushona o'troq aholi asosan dehqonchilik va bog'dorchilik bilan shug'ullangan. VII-VIII asrlarga oid qishloq va shahar xarobalaridan donli (g'alla) ekinlarning, bog'dorchilik, uzumchilik va poliz mahsulotlarining namunalari topilgan [2,6-77-b]. Ular asosida bu hududda boshqoli va dukkakli (bug'doy, tariq, no'xat), uzumchilik va bog'dorchilik ekinlari ekilganligini qayd qilish mumkin. Vohada uzum yetishtirish yetakchilik

qilib, undan hatto sharob ham tayyorlangan.

Ilk o'rta asrlarda ommaviy o'troqlashuvni amalga oshirilishi tabiiy ravishda sug'orma dehqonchilik yerlarining kengayishiga, bu esa o'z navbatida irrigatsiya tarmoqlarini rivojlanishiga, yangi-yangi sug'orish shaxobchalarini bunyod etilishiga sabab bo'lgan. Ilk o'rta asrlarda butun Ustrushona bo'yicha umumiy uzunligi 3000 km bo'lgan irrigatsiya tarmoqlari faoliyat ko'rsatgan va shu asosda 200 ming.gektar yerni sug'orish imkoniyatiga erishilgan[1,177-181-b]. Ustrushonaning oqar suv manbalari qishloq xo'jaligi suv muammosi mavjud bo'lgan mavzalarida koriz quduqlar tizimiga asoslangan sug'orish tizimi ham faoliyatda bo'lgan.

2011-yilda M.H.Pardayev tomonidan Baxmal tumanidagi Novqa qishlog'i yaqinidan, yer osti sug'orish inshooti koriz o'rganilgan. Tadqiqotchining ta'kidlashicha, ushbu V-VIII asrlarga oid inshoot o'tmishda aholini ichimlik suv bilan ta'minlash, haydalma ekin paykallarini sun'iy sug'orish maqsadida qo'llaniladigan koriz suv chiqarish tizimi ekanligi aniqlangan. Markaziy Ustrushonada ham xuddi Sug'ddagidek qishloq xo'jaligida koriz sug'orish tizimlaridan keng foydalanilgan[1,177-181-b]. Shahrisonsoy, Bosmandasoy, Oqsuv oqar suv havzalarida bunyod etilgan korizlarni o'rgangan muallif ularning qadimiyligi va turga ajralishi haqida fikr bildirgan. Ushbu ilk sug'orma dehqonchilik shakllangan kichik sug'orma vohalar tarixidan kelib chiqqan holda demak, butun Ustrushonani, xususan, shimoliy-g'arbiy Ustrushonaning asosiy suv havzalarida o'ta gavjum, zich joylashgan arxeologiya yodgorliklari tashkil qilgan kichik madaniy vohalar tashkil topgan.

Dehqonchilik madaniyatining rivojlanishi bilan uzviy bog'liq holda boshlangan ilk shahar hayoti xunarmandchilikning turli sohalarini yuksalishiga, tabiiy yer osti xomashyo boyliklarining o'zlashtirilishiga, birinchi navbatda, tog' sanoatini rivojlanishiga olib keladi. Qovunchi III davridan boshlab chorvadorlar faoliyati tufayli, tog' sanoati ham iqtisodiyotning asosiy yo'nalishiga aylanadi. Ruda qazish, yanchish, rudani maxsus

(diametri 1-1,20 sm) qo'ralarda eritib, sof metall xomashyosi olish, undan mehnat va harbiy qurollar yasash, shuningdek, tog' sanoatida mehnat taqsimoti boshlanadi, ya'ni metallurgiya ishlab chiqarishda ixtisoslashish jarayoni jadal kechadi. Metall konlariga boy hududlarda (Turkiston tog'larining Chimqortog' va Morguzor vodiylarida) metall ishlab chiqarishga ixtisoslashgan markazlar paydo bo'ladi [3,13-14-b] Toshbuloq -1 (TBK-1) va Toshbuloq -2 (TBK-2)da bir-biriga o'xshash kamida ikkita qurilish fazasi, temirga dastlabki ishlov berishga mo'ljallangan ikkita pech qayd qilingan. TBK-2 esa arxitektura jihatidan ancha mukammal bo'lib, bu yerda temirga dastlabki ishlov berish va hunarmandlar yashashi uchun qo'shimcha qurilishlar ham qilingan.

Dafn inshootlari va marhumlarni qo'mish udumlari. Ustrushonadagi Qovunchi madaniyatiga oid qabrlarda marhumlar soz tuproqli va tosh uyumli turli xil shaklga ega qabrlarga dafn etilgan. Qabrlar o'z tuzilishiga ko'ra, asosan, ayvonli lahad va katakomba shaklida bo'lgan [4,73-76-b]. Ularda marhumlarni, yakka, juft va ba'zan guruh tarzda, asosan uzala yotqizib yoki g'ujanak holda dafn etish an'anasi bo'lgan.

Shirinsoy, Sag'onoq, G'ulbo, Uchtepa, Sayxonsoy kabi mozorqo'rg'onlar asosan katakomba ko'rinishida bo'lib, jasadlar dromos yo'lakchadan olib kirib, qabr lahadiga joylashtirilgan. Jasadlar lahadada chalqancha yoki yarim uzala yotqizilib, yoniga tirikligida ishlatgan buyumlari va hayvon suyaklari qo'yilgan. Bu Qovunchi va Sarmat madaniyatlarining o'zaro yaqinligini ko'rsatadi. Marhumni qabrga qo'yganidan so'ng, kirish joyi turli hajmdagi toshlar, guvala yoki kesak aralash tuproq bilan yopilgan va butun inshoot qabrdan qazib chiqarilgan tuproq bilan qayta ko'milgan.

Ko'pgina qabrlarda qadimiy yuzaning qiya holati qabr ustidagi qo'rg'onlarining tez yo'qolishiga sabab bo'lgan [5,88-91-b]. Qabrdagi marhum yoniga asosan, sopol idishlar, jang va mehnat qurollari, temir pichoqlar, kamar halqalari va zeb-ziynat buyumlari qo'yilgan. Qabrga qo'yilgan buyumlar nisbatiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, unda sopol idishlar

qo'yish eng ko'p uchraydi [4,81-82-b]. Qabrdagi kulollik idishlari asosan, jasad bosh tomoni va yoniga qo'yilgan bo'lib, ularning asosiy qismini ko'proq ko'chmanchilar dashtlarida uchraydigan, qo'lda yasalgan sopol idishlar tashkil etadi. Dafn buyumlari orasida sopol idishlar salmog'ining yuqoriligi, uning ko'p ishlatilganligi bilan bog'liq bo'lsa kerak.

Ayni paytda, Ustrushona mozorqo'rg'onlarida mayitni zeb-ziynat buyumlari bilan ko'mish odati ham bo'lgan. Ularda munchoqlar ko'pchilikni tashkil etib, ular sirtiga zarhal berilgan, oq shishasimon va yashil yaltiroq rangdagi, kubsimon, bikonik va yassi yapaloq, sharchasimon shaklda bo'lgan. Keyingi nisbatda uzuk va ko'zgular o'rin olgan ular Shirinsoy, G'ulbo va Bekkeldi va Zomin tog' o'rmon xo'jaligi hududida ochilgan qabrlarda o'rganilgan [6,205-206-b]. Shunday qilib, dafn marosimida marhum bilan birga qabrga qo'yilgan zeb-ziynat buyumlari alohida ahamiyat kasb etganligi seziladi. Ustrushonaning tog' oldi toshloq hududda joylashgan Ko'rpa, Qoratepa va Qoratosh I, II mozorqo'rg'onlarida kenotaf qabrlar qayd qilingan. Ularda qabr yasalgan va konstruksiya mavjud. Biroq ularga odam dafn etilmagan yoki hayvon suyaklari qo'yilgan. Bu marosimlar O'rta Osiyoning barcha hududlarida o'rganilgan [7,89-101-b]. Bu an'analarning ko'pchiligi dashtdan kirib kelgan etnik guruhlariga xos hisoblanadi.

Diniy topinchi buyumlari. Ustrushonadagi Eski Xovos yodgorligida qadimgi aholi topinish udumlari bilan bog'liq qurilmalar ham aniqlangan. Tadqiqotchi O.U. Mamirovning ta'kidlashicha, "Bu yerda ochilgan o'choqlardan ikkitasi olovga topinish maqsadida bunyod etilgan va ulardagi old qismi sharqqa qaratilgan qo'sh o'choqlardan, diniy marosimlarda foydalanilgan" [8,98-100-b]. 2019 yilda F.Toshboyev tomonidan Sayxonsoy qishlog'ida mil. avv. I va milod boshlariga oid qabrlar o'rganilib, unda antik davrda Jizzax vohasida yashovchi chorvador aholi diniy marosimlarini amalga oshirish an'anasida olov topinchi bilan bog'liq, "marosimlar burchagi" aniqlangan [9,20-31-b]. Ustrushonada bunga o'xshash o'choq qoldiqlari va olovga topinish qurilmalari uzoq

davrlar mobaynida shakllanib, aholi diniy-ma'naviy madaniyatida o'ziga xos ahamiyat kasb etib kelgan. Arxeologik tadqiqotlarga ko'ra, bunday qurilish an'anasi Sirdaryoning quyi oqimlari vohalaridan kirib kelgan hamda o'zlari bilan xom g'isht va paxsa asosida me'moriy qurilish usullarini olib kelgan aholi tomonidan bunyod etilganligi aniqlangan [10,8-b].

Ustrushonadagi Nov yaqinidagi Oqtepa yodgorligidan "Otash xona", Shahrison yaqinidagi Chorshoxatepadan daxma, Chilxujradan yog'och butlar, Kurkat yaqinidan ostadonlar ko'milgan qoya daxmalari ochib o'rganilgan. Jumladan, O'rtaqo'rg'on shahar yodgorligida aniqlangan sajdagoh Xovos yodgorligida ochilgan sajdagoh bilan tuzilish jihatdan o'xshaydi [11,108-128]. XX asrning 40-yillarida hozirgi Bekobod shahri yaqinidagi Munchoqtepada, Shahrison yaqinidagi Tirmizaktepada, Ustrushonaning o'rta asrlardagi poytaxti Bunjikatda va Zomin yaqinidagi Azlartepada ham o'choq qoldiqlari topilgan [12,136-b]. Bu holat shundan dalolat beradiki, hayot va tarixiy taraqqiyot o'zgarishi natijasida olovga topinish ham o'zgarib borgan. Shu bois hozirgacha o'choq xudoning barcha in'omlari ramzi sifatida aholining ma'naviy madaniyati, oilaning farovonligi va to'kin sochinligi bilan bog'liq turli g'oyalarini aks ettiradi.

Urf odat va diniy marosimlarni amalga oshirish chog'ida olovdan foydalanish qadimgi e'tiqod amallaridan biri hisoblanadi. Xovos sajdagohlari bilan o'xshash bo'lgan O'rtaqo'rg'onida joylashgan kvadrat shakldagi xona u yerda qandaydir diniy e'tiqod amallari bajarilganligi bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Balki, qal'ada yashovchi aholi mehrob oldida diniy marosimlar va udumlar o'tkazganlar, yoki olovga topinganlar [13,114-119-b]. Bunday xulosaga kelishga topinish o'choq'i markazidan topilgan ko'mir solingan idishning topilishi sabab bo'ladi. Shu bilan birga o'choq ichidan hech qanday kul qoldiqlari kuzatilmagan. U arki a'lodan uzoqroqda joylashgan. Balki, uni ko'chib kelganlar qurgan bo'lishi mumkin. O'z xususiyatiga ko'ra qo'sh o'choqlar e'tiqodiy marosimlarni bajarishda foydalanilgan bo'lishi mumkin. Sag'anoq mozorqo'rg'onlarida qurbonlik

qilinayotganda hayvon suyaklarini yoqish qayd qilingan. Boshqa yodgorliklardan farqli ravishda G'ulbo mozorqo'rg'onlarining deyarli barchasida (birinchi mozorqo'rg'on dan tashqari) vafot etgan kishilarni yog'och yoki qamish to'shamaga yotqizib, ba'zan marhum ustiga ham yog'och taxlab yoki qamishga o'rab turli darajada (to'liq yoki qisman) yoqish odatlari kuzatildi [14,184-189-b]. Ushbu ma'lumotlar Ustrushonada marhumlarni dafn marosimida yoqish ancha keng yoyilganligini ko'rsatadi.

Vohadagi, Bekkeldi, Qamish, Shirinsoy qabolaridagi sopol idishlarining tutqichlarida jonzot qiyofasi aks etgan bo'lib, bu topinish odatlarining bir ko'rinishini ifoda etgan. Shuningdek, Jizzax shahridagi Pardaqultepa va Komilbobotepa yodgorliklarida burama shoxli qo'chqor haykalchalari, qo'y kallasi tasviri tushirilgan qozon tagliklari ko'p o'rganilgan [15,141-142]. Bu materiallar hayvonlardan biri qo'y muqaddas hisoblanib, topilgan ashyolar odamlarning unga sig'inganligidan dalolat beradi. Ba'zi o'rinlarda qo'ylarning alohida elementlari – boshi, shoxi va butun tanasi aks ettirilgan. Ular Ustrushona aholisining antik davrda zoroastrizm dinidagi xudolardan bo'lgan Farn ilohasiga sig'inganligini ko'rsatadi [16,75-11-b]. Farn ilohasi hukmdorlarning panohi va qo'riqlovchisi, shuningdek uy, oila, sog'liqni saqlovchi xudo hisoblangan. Bu xudo qo'y-qo'chqor ko'rinishida deb qabul qilingan. Kulolchilik idishlaridagi zoomorf dastali sopol idishlar, ostadonlardagi qo'y suyagi, taqinchoq va boshqa buyumlardagi qo'y shaklidagi tasvirlar ham vohada qo'y kulti ancha kuchli bo'lganligini ko'rsatadi.

So'ngi antik davr (Qovunchi II bosqichi) yodgorliklarida buqa boshi shaklini ifodalovchi tagliklar va to'ng'iz (Shirinsoy) va otlarning (G'ulbo, Qa'lai Qaxqaxa, Chayonli) terrakota shaklidagi haykalchalari va bosh qismiga sig'inish odatlari ham uchraydi. Zomin tumanidagi G'ulbo mozor qo'rg'onlari (1, 2, 4) da jasadlar, chalqancha yotqizilgan, biroq oyoqlari tizzadan yig'ilib ikki tomonga yoyilgan "otliq-chavandoz" va "yarim otliq holat" ko'rinishida dafn etilgan. Qalayi Qahqahadagi saroy majmuasida o'rganilgan

podsho taxti juft ot ko'rinishida bo'lib, maxsus kirish yo'lagi tagida o'ning boshsiz tanasi skeletining to'liq anatomik holda archadan yasalgan taxtada yotgan holatda saqlangan [17,122-b].

Kulolchilik. Qovunchi madaniyatining ta'siri ayniqsa, kulolchilik buyumlarida yaqqol aks etadi. Ustrushonada Qovunchi madaniyatining I bosqichidayoq kulolchilik sohasida tubdan o'zgarishlar yuz beradi. Shu paytgacha an'ana bo'lib kelgan antik davr kulolchiligida dasht madaniyatiga xos komponentlar kuchayadi. Milodiy I-II asrlarda kulollik xumdonlari paydo bo'ladi. Ular Munchoqtepaning eng pastki qurilish davriga oid madaniy qatlamlaridan qayd etilgan. Ushbu inshootning quyi o'txona qismi saqlanib qolgan. O'txona lyoss materikdan o'yilgan, uning shakli trapetsiyasimon ko'rinishda, uzunligi 5,7 metr bo'lgan. Uning maksimal saqlanib qolgan balandligi 1,18 metrni tashkil qiladi. O'txonaning o'tin qalaydigan "og'zi" janubga qaragan va uning markaziy qismida xom g'ishtlardan barpo qilingan besh juft "mo'risimon" qurilma mavjud. Har bir qurilmaning ichida vertikal holatda, issiqlikni tepaga ko'tarib beruvchi "kanallar" faoliyat ko'rsatgan [3,208-209-b]. "Kanallar"ning devori issiqlik bosimi ostida qizarib ketgan. Inshootning tepa, xumdon, ya'ni idishlar pishiriladigan qismi buzilib ketgan bo'lsa-da, uning o'ri yuqoridan tushgan, qalinligi 3m.ga yaqin qatlam tufayli saqlanib qolgan. Bu Ustrushonada topilgan dastlabki kulollik xumdoni sifatida e'tirof etilgan.

Eramiz boshlaridan kulollik idishlari endi mutlaqo qo'lda yasalgan, ularning osti tekis, yalpoq ko'rinishda bo'lgan. Idishlar turining ko'pchiligi tiniq qizg'ich-oqish angobli, uning ustiga taram-taram jigarrang yoki qora rang oqizilgan. Ular ko'za, xurmacha, bo'yodor xum va xumchalar bo'lib, ularning bo'yin qismi torroq, yoqasimon labi biroz tashqariga qayrilgan, ba'zida yelkasiga xochsimon yoki qo'shqavat uchburchak yoki xoch shaklida tamg'a bosilgan. Ular boshqa mintaqalarda uchraydigan kulollik idishlariga o'xshaydi [18,72-74-b]. Ularga chizma naqshlar berish uchun to'lqinsimon va to'g'ri

chiziqlardan foydalanilgan. Ko'zalari bo'yodor, bir dastali, ba'zida dastasi hayvon qiyofasida ishlangan. Dasta qarama-qarshi tomonida ko'zaga jumrak yopishtirilgan. Bunday ko'zalar sirtiga qora rangda bezak berilgan, ba'zida rangli naqsh to'lqinsimon shaklda tasvirlangan.

Ustrushonadagi Qovunchi-I sopollari orasida zoomorf dastali krujkalar ham ko'plab uchraydi. Ularning qorin qismi sharsimon, yelkadan yuqorisi biroz tashqariga qayrilgan yoki tik ko'tarilgan. Krujkalar orasida silindrik shakldagi nusxalari ham uchraydi. Krujkalar dastasining yuqori qismi hayvon figurasi bilan yakunlangan. Keng tarqalgan sopol idishlardan yana biri yelkadan pasti konus shaklidagi kosalar bo'lib, ularning og'zi keng, yalpoq tubi torroq, yelkasi konussimon tanasidan ajrab turadi. Ba'zida ular orasida qo'shquloqli nusxalari ham uchraydi.

Oshxona idishlarini yasashda muayyan o'zgarishlar sodir bo'lib, ularning turlari ko'paygan va bezak berish usullari o'zgargan. Bu mahsulotlar o'z ko'rinishi va ishlanish texnologiyasi bilan Sug'd kulolchiligiga yaqin bo'lgan. Xususan, bir tutqichli ko'zalarning o'rta qismi keng va bo'g'zi tor bo'lib, ayrimlarining jumragi kalta hamda kichik bo'lgan [19, 61-b]. Qovunchi-I davrining xarakterli sopol buyumlaridan mustaxara tipidagi flyagalar, sopol tovalar, isiriqdonlar va pilta chiroqdon, sopol qopqoqlar, qozon tushirg'ich-shix osgich tovalarni ko'rsatib o'tish mumkin. Shix osgich tovalarning tomonlari shoxdor qo'chqor boshisifat ko'rinishda tasvirlangan. Ularda hayvonlarning real tasviri ifodalangan. Kulolchilikda bu kabi xususiyatlar yangi kirib kelgan etnik guruhlar ta'sirida paydo bo'lgan va ular Qovunchi madaniyatining Ustrushonadagi o'ziga xos ko'rinishlarini tashkil etadi.

Qovunchi II Bu davrda ayniqsa sopol qopqoqlar (Qaliyatepa, Pardaquktepa, Komilbobotepa) tayyorlash keng ko'lamda rivojlanadi. Idishlar naqshida burtma-qabarik, barmoq izli bosma gullar solish avj oladi. Ular idish sirtiga loy lenta yopishtirish asosida solingan naqshlar bo'lib, hatto arqonsimon yopishma gullar ko'za va xurmacha, krujka va

shix osgich tovalarga ham yoyilgan. Qovunchi II bosqichi uchun eng muhim innovatsion o'zgarishlardan biri, avvalgi ko'pol ishlangan idishlar o'rnini, endilikda nisbatan xushbichim, yupqa idishlar ishlab chiqarish egalladi. Sopol idishlar kompleksida avval ma'lum bo'lmagan, Jetiasar madaniyatining milodiy II-III asrlar kompleksiga xos keng bo'g'izli, bo'g'zi taram-taram novli, bir quloqli ko'zalar paydo bo'ladi [20,75-76-b]. Bu bosqichning yana bir muhim belgisi bo'ydor xurmacha va krujkalar dastasini real hayvonsifat shaklda rasmiylashtirish keng ko'lamda rivoj topadi.

Qovunchi III bosqichida Ustrushona kulolchiligi ham yasalishi va shakl xususiyatlariga ko'ra ikki bir-biridan farq qiladi. Ushbu mavzuda M.H. Pardayevning yozishicha "Turk xoqonligi istilosining birinchi bosqichi shimoli-g'arbiy Ustrushona xalq xo'jaligi, xususan kulollik hunarmandchiligi uchun turg'unlik vaziyatini yuzaga keltirgan. Buni VI asrning ikkinchi yarmida ham kulolchilikda eftaliylar davri sopol idish shakllarini saqlanib qolishi bilan ifodalash mumkin. Milodiy VII asrdan boshlab kulolchilik madaniyatida ko'chmanchilar

nufuzining ta'siri oshib idishlarda, o'yma naqsh, ko'rsatgich chiziqsimon bezaklar paydo bo'ladi. Shuningdek turklarning metal, zargarlik buyumlari, qurol-aslaha va bezakli taqinchoqlari, yuqori sifatli san'at asari sifatida qadrlanib, tezda O'rta Osiyoning o'troq aholisi hayot tarziga kirib boradi" [21, 149-151-b]. Bu davrda "Djeti-Osor" va "Qovunchi madaniyati"ga mansub kulollik buyumlarini Jizzax vohasida qo'llanishi davom etadi. Quvursimon jumrakli, sirti suyuq angob bilan bo'yalgan idishlar turmush tarzida hamon katta o'rin tutadi.

Xulosa qilib aytganda, antik davr Ustrushonaga Qovunchi madaniyati ashyolarining shakllanishiga shimoli-sharqdan kirib kelgan chorvadorlar va janubdan kirib kelgan Sug'd madaniyati o'z ta'sirini ko'rsatgan. Shu bilan birga bu yerdagi mahalliy an'analar ham o'ziga xos taraqqiyot bosqichini boshidan o'tkazgan. Bu voha madaniyati boshqalar ta'sirida shakllanganligi haqidagi qarashning asossiz ekanligini ko'rsatadi. Qolaversa, Qovunchi madaniyati shakllangan paytda voha aholisi o'z madaniyati bilan boshqa o'lkalarning madaniyatiga ham ijobiy ta'sir o'tkazgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Пардаев М.Х., Фофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта асрлар қишлоқ маконлари. Монография 2016
2. Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. – Ташкент: Фан, 1990.
3. Сверчков Л.М. Поселение Мык — источник по истории средневековой Уструшаны: дисс. ... канд.ист.наук.- Самарканд,1991.
4. Тошбоев Ф.Э. Уструшона чорвадорларининг антик даврдаги маданияти. Тошкент. "Тафаккур қаноти", 2014.
5. Тугалов Б.Б. Уструшонанинг қадимги давр тарихи ва маданияти (кабрларда ўрганилган материаллар асосида). Tarix fan. falsafa dokt. (PhD) diss... Қарши, 2020.
6. Гайдукевич В.Ф. Могильник близ Ширинсая в Узбекистане.
7. Karimova D.A. Shimoliy Baqtriya aholisining dafn marosimlari va diniy e'tiqodlari (Bronza davri moddiy madaniyat yodgorliklari misolida). Tarix fan. falsafa dokt. (PhD) dissertatsiyasi. – Toshkent: O'z RFA Arxeologiya instituti, 2017.
8. Мамиров О.Ў. Шимолий-ғарбий Уструшона оловга топиниш қурилмалари (Эски Ховос ёдгорлиги материаллари асосида). // Мустақиллик йилларида Ўзбекистон археологияси: ютуқлар ва истикболлар Самарканд –Samarqand, 2016.
9. Тошбоев Ф.Э., Мамиров О.У. Сайхонсой мозорқўрғонлари // Ўзбекистон археологияси. 2-сон (25). –Самарканд.
10. Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Ташкент: Узбекистан, 2010.

11. Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д. О работах Ходжентского-Уструшанского отряда в 1960г. //ТИИ АН Тадж. ССР. Т. XXXIV. -Душанбе. Дониш. 1962. С. 69-89.; Ранов В.А. Салтовская Е.Д. О работах Уратюбинского отряда в 1959г. //ТИИ АН Тадж. ССР. Т. 34. - Душанбе. 1961.
12. Грицина А.А. Уструшанские были. – Т.: Изд.им. А. Кадыри, 2000.
13. Мамиров О.У. Шимоли-гарбий Уструшоа моддий ва маънавий маданияти (археологик материаллар асосида). Тарих фанл. Фалс. Докт дисс... Тошкент: 2024
14. Тошбаев Ф.Э., Пардаев М.Х., Грицина А.А. Изучение Гульбинского могильника // Культура номадов Центральной Азии. – Самарканд, 2008.
15. Пардаев М.Х. Комилбоботепа. // ЎММТ. 32-нашри. Самарканд., 2002.
16. Литвинский Б.А. Кангюйского-сарматский фарн. – Душанбе, 1968.
17. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья (Средняя Азия в раннем средневековье)
18. Пардаев М.Х., Гофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта асрлар кишлок маконлари.
19. Археология СССР. Средняя Азия и Дальний Востоки эпоху средневековья.
20. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры.
21. Пардаев М.Х. Жиззах воҳасининг VII-VIII асрлардаги кулоллик идишлари // ИМКУ. Вып. 30. Самарканд, 1999.

MUSTAQILLIK YILLARIDA NAVOIY VILOYATI GO'SHT VA UNI QAYTA ISHLASH SANOATI TARIXI

Xoliqulov Shuxratjon Boymaxammadovich
Buxoro davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi
 UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0007-9635-1022>

Annotatsiya: Maqolada O'zbekiston mustaqillikka erishgandan keyingi davrda mamlakatda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash borasida olib borilayotgan keng qamrovli islohotlar va ularning ijobiy natijalari tahlil etiladi. Aholini sifatli oziq-ovqat mahsulotlari, xususan go'sht va go'sht mahsulotlari bilan ta'minlashning dolzarb masalalari ko'rib chiqilib, Navoiy viloyati go'sht sanoatining mustaqillik yillaridagi rivojlanish dinamikasi, tashkil etilgan korxonalar, erishilgan yutuqlar va mavjud muammolarga bag'ishlangan. Chorvachilik, parrandachilik va baliqchilik sohasidagi o'zgarishlar, xususiylashtirish jarayonlari, davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash choralari va so'nggi yillardagi o'sish tendensiyalari statistik ma'lumotlar asosida tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: go'sht sanoati, chorvachilik, parrandachilik, baliqchilik, Navoiy viloyati, qayta ishlash, xususiylashtirish.

Аннотация: В статье анализируются комплексные реформы, проводимые в Узбекистане по обеспечению продовольственной безопасности страны за годы независимости, и их положительные результаты. На конференции были рассмотрены актуальные вопросы обеспечения населения качественными продуктами питания, в частности мясом и мясопродуктами, а также основное внимание уделено динамике развития мясной отрасли Навоийской области за годы независимости, созданным предприятиям, достижениям и текущим проблемам. На основе статистических данных проанализированы изменения в секторах животноводства, птицеводства и рыболовства, процессы приватизации, меры государственной поддержки, тенденции роста за последние годы.

Ключевые слова: мясная

промышленность, животноводство, птицеводство, рыболовство, Навоийская область, переработка, приватизация.

Abstract: The article analyzes the comprehensive reforms carried out in the country to ensure food security in the post-independence period of Uzbekistan and their positive results. The current issues of providing the population with quality food products, in particular meat and meat products, are considered, and the dynamics of the development of the meat industry of Navoi region during the years of independence, established enterprises, achievements and existing problems are discussed. Changes in the livestock, poultry and fishery sectors, privatization processes, state support measures and growth trends in recent years are analyzed based on statistical data.

Keywords: meat industry, livestock, poultry, fishery, Navoi region, processing, privatization.

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan keyin olib borilayotgan keng qamrovli islohotlar bugungi kunda iqtisodiy ijtimoiy sohalarda o'zining ijobiy natijalarini bermiqda. Ayniqsa, mamlakatimizda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash borasida olib borilayotgan ishlar diqqatga sazovordir. Bugungi kunda ham mamlakatimizda sifatli, inson salomatligi uchun xavfsiz bo'lgan iste'mol tovarlari ishlab chiqarishni kengaytirish va aholining ularga bo'lgan ehtiyojini to'liq qondirish, maqbul narxlar bo'yicha keng turdagi oziq-ovqat mahsulotlari bilan xalqimizni to'liq ta'minlash davlatimiz va hukumatimiz oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Aytish joizki, aholini yetarli miqdorda sifatli oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash

borasida bir qator qonunlar, farmon va qarorlar, davlat dasturlari qabul qilinib, ularning ijrosi ta'minlanmoqda.

Ma'lumki, muvozanatlashgan ovqatlanishni tashkil etishning muhim shartlaridan biri inson ratsionida tavsiya etilgan fiziologik me'yor darajasida to'liq qiymatli oqsil moddalarining bo'lishi hisoblanadi. Aynan, ana shunday to'liq qiymatli oqsil moddalarining muhim manbai bo'lib go'sht va go'sht mahsulotlari hisoblanadi. Shu sababli ham respublikamizda chorvachilikni rivojlantirishga va shu asosda aholini go'sht va go'sht mahsulotlari bilan to'liq ta'minlashga e'tibor berilayotgani bejiz emas.

MUHOKAMA (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Ijtimoiy omillar, ya'ni aholining uzoq-tarixiy rivojlanishi davomida shakllangan urf-odatlar, diniy e'tiqodi kabi ijtimoiy jihatlari u yoki bu tur oziq-ovqat turlarini ishlab chiqarishga ta'sir ko'rsatadi. Masalan, islom dinida cho'chqa go'shti, iudaizmida qoramol go'shti iste'mol qilish mumkin emas. Ayni vaqtda ijtimoiy munosabatlarning globallashib borishi tufayli mintaqaviy oziq-ovqat mahsulotlari dunyoning aksari mamlakatlarida ommalashib bormoqda.

Qator oziq-ovqat sanoati tarmoqlari xom ashyosini uzoqqa tashish rentabelli emas. Xususan, sut, go'sht, baliq va shunga o'xshash mahsulotlar misol bo'la oladi. Ma'lumki, muzlatilgan mahsulotlar o'zining foydalilik darajasini pasaytiradi, shu bois ular bevosita xom ashyo rayonlarida qayta ishlanadi yoki iste'molchi rayonlarida ushbu mahsulotlarni yetishtirish yo'lga qo'yiladi. Masalan, yirik shaharlar atrofida intensiv sut-go'sht, tuxum tayyorlash, issiqxona mahsulotlari yetishtirish va qayta ishlash tashkil etiladi[1].

Ayrim hollarda, mahsulotni qayta ishlovchi korxonalar (konserva, vinochilik, sut va go'sht kombinatlari va boshqalar) faoliyatida o'zaro kelishilgan holda ish olib borilmayotganligi oqibatida birinchidan, ko'pgina qayta ishlash korxonalarining quvvatlari atigi 40-50 foiz va undan ham past darajada foydalanilganligi kuzatiladi. Ikkinchi holatda esa qayta ishlovchi korxonalar mahsulot qabul qilishni yaxshi

yo'lga qo'ymaganliklari oqibatida ko'plab mahsulotlar nobud bo'lishiga yo'l qo'yiladi. Yuqorida ta'kidlab o'tilgan ikkala holatda ham katta zarar ko'radi.

Aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash yomonlashib, mahsulot yetishtiruvchilarning, uni qayta ishlovchilarning daromadlari kamayadi. Shuning uchun ham bugungi kunda qishloq xo'jalik mahsulotlarini yetishtirish, tashish, qayta ishlash va sotish bilan bog'liq bo'lgan barcha jarayonlarni kooperatsiya orqali integratsiyalashni rivojlantirish hamda uzluksizligini ta'minlash dolzarb masalalardan biridir[2].

Go'sht sanoati — so'yilgan molni kompleks tarzda qayta ishlovchi sanoat tarmog'i, oziq-ovqat sanoatining muhim sohasi. Go'sht sanoati korxonalarida qoramol, qo'y-echki, parranda, quyon va boshqalar so'yilib, undan go'sht olinadi, go'sht konservasi, kolbasa mahsulotlari, yarim tayyor fabrikatlar (kotlet, chuchvara, pazandachilik mahsulotlari) tayyorlanadi; shuningdek chorvaga yem sifatida ishlatiladigan go'sht va suyak uni, qimmatbaho tibbiy preparatlar (insulin, geparin, lipokain va boshqalar), aminokislotalar, shuningdek, yelim, parranda pari va pati, jelatin ishlab chiqariladi. Respublika go'sht sanoatida Germaniya va Turkiya, Xitoy firmalari bilan hamkorlikda suyakni qayta ishlash, ichak mahsulotlari tayyorlash, yarim tayyor go'sht mahsulotlari, go'shtni qadoqlash va o'rab iste'molga chiqarish bo'yicha tadbirlar amalga oshirildi.

Navoiy viloyati go'sht mahsulotlari bilan aholini ta'minlashda katta imkoniyatlarga ega hudud hisoblanadi. Mustaqillikning dastlabki yillarida viloyatda chorva tuyoq sonining kamayib ketishi go'sht mahsulotlari ishlab chiqarish sur'atining pasayishiga ta'sir ko'rsatdi. 1991-yilda viloyatda go'sht ishlab chiqarish 75 foizga, tuxum 40 foizga bajarilgan. Shu yili qishloq xo'jalik mahsulotlarini davlatga sotish: go'sht 85 foizga bajarilgan[3].

1992-yilda Qiziltepa tumanida "Zarafshon" davlat xo'jaligida kolbasa ishlab chiqarish sexi ishga tushirildi[3]. Navoiy viloyati xo'jaliklari ishlab chiqarishida chorvachilik tarmog'i

muhim o‘rin tutadi. 1992-yil oxirida viloyat chorvachilik xo‘jaliklarida 43968 bosh qoramol, 1417642 bosh qo‘y va echki, 1911 bosh cho‘chqa, 10520 yilqi, 8843 bosh tuya, 684532 bosh parrandalar mavjud edi. Viloyat bo‘yicha o‘tgan yili chorvachilik mahsulotlari ishlab chiqarish rejalari quyidagicha bajarildi: go‘sh t ishlab chiqarish yillik rejasi 85 foizga, tuxum 72 foizga bajarildi. Viloyat bo‘yicha o‘tgan yili chorvachilik mahsulotlari davlatga sotish rejalari quyidagicha bajarildi: go‘sh t sotish 73 foizga, tuxum 68 foizga bajarildi[4].

1992-yilda viloyat bo‘yicha chorva mollarning mahsuldorligi quyidagicha bo‘ldi: 10924 bosh buzoq olindi va reja 93 foizga bajarildi. Har bir tovuqda o‘rtacha 156 dona tuxum oldi va reja 72 foizga bajarildi. Davlatga topshirilgan mollarning o‘rtacha tirik og‘irligi 326 kg, so‘yilgandan so‘ng 251 kg ni tashkil etdi va o‘tgan yilgiga qaraganda kam bo‘ldi. Mollarni majburiy so‘yish ko‘rsatkichlari ham oldingi yilga qaraganda ortgan. Jumladan, 134 bosh qoramol, 4957 bosh echki, 733 bosh parranda 7 bosh ot va 17 bosh cho‘chqa avvalgi yilga qaraganda ko‘p so‘yilgan. 1992-yilda viloyat bo‘yicha chorvachilik mahsulotlarining tovarlilik darajasi go‘sh tda 77,5 foizni, tuxumda 89 foizni tashkil etdi[4].

O‘zbekistonning barcha viloyatlarida keyingi besh yillikda go‘sh t sanoati o‘zining texnikaviy potensialini tiklab oldi va taraqqiy eta boshladi. Yangi kichik korxonalar va go‘sh tga dastlabki ishlov berish korxonalari barpo etildi. Mahsulot ishlab chiqariladigan asosiy bo‘limlar qurilma va uskunalar bilan jihozlandi. Go‘sh t tarkibida barcha muhim elementlar tayyor holda bo‘lganligi sababli, inson organizmida moddalar almashinuvida ishtirok etadi. Kuzatuvlardan ma‘lum bo‘lishicha, go‘sh t miyaga ko‘proq ta‘sir ko‘rsatadi. Miya go‘sh tdan ko‘proq oziq olib o‘sadi va rivojlanadi.

“O‘zgo‘sh tutsanoat” O‘zbekiston go‘sh t va sut sanoati davlat aksionerlik assotsiatsiyasi 1993 yil 3 apreldagi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 588-son farmoni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1993 yil 6 apreldagi 172-son qaroriga muvofiq tashkil qilingan edi. O‘zbekiston go‘sh t va sut sanoati davlat

aksionerlik assotsiatsiyasi sobiq Qishloq Xo‘jaligi Vazirligi tasarrufida bo‘lgan va keyinchalik tugatilgan. “O‘zgo‘sh tutsanoat” ishlab chiqarish birlashmasining huquqiy vorisi hisoblanadi[5].

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgan yillarda go‘sh t-sut korxonalari xususiylashtirilib, mulk egalariga topshirildi. Endi har bir korxonaga egasi o‘zi mustaqil ravishda korxonaga ishlab chiqarish rejasini tuzib, o‘zlari ishlab chiqargan mahsulotni o‘zlari sotib, ishlab topgan daromadlarini o‘z xohishlariga ko‘ra idora qilish huquqiga ega bo‘ldilar. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 19 avgust 1996 yildagi 290-son “O‘zgo‘sh tutsanoat” davlat uyushmasi korxonalarini xususiylashtirish jarayonini chuqurlashtirish va davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi qaroriga qabul qilindi. Navoiy viloyatida 1996-yilda xususiylashtirilgan hissadorlik jamiyatlarida ahvol og‘ir bo‘lib, go‘sh t va sut ishlab chiqarish kamayib ketgan edi. Yuzaga kelgan kamchiliklarning oldini olish hamda xususiy tadbirkorlikni qo‘llab quvvatlash maqsadida “kim oshdi” savdosi orqali 40 ta firma 24,4 mln so‘mga sotildi.

1996-yilda viloyat miqyosida mol va parranda go‘sh t tirik vaznda 46006 tonna (1995-yilga nisbatan 92,0 foiz), tuxum 26633 ming dona (1995-yilga nisbatan 58,8 foiz) ni tashkil qildi. Qishloq xo‘jalik tashkilotlarida har bosh ona tovuqdan 133 dona tuxum olindi. 15914 tonna go‘sh t sotildi[6].

1996 yilning kuzi juda quruq keldi. Viloyatda chorva qishlovi juda og‘ir kechdi. Bu holat esa chorva sonining kamayishi va o‘z o‘rnida oziq-ovqat masalasida go‘sh t tanqisligiga olib keldi. Oziq-ovqat sanoati korxonalari aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta‘minlabgina qolmasdan, ularning ijtimoiy ahvolini yaxshilashga ham xizmat qiladi. Birgina “O‘zgo‘sh tutsanoat” uyushma tizimidagi xo‘jaliklarda 1996 yilda jumladan, sutni qayta ishlash korxonalarida 4993 kishi, go‘sh tni qayta ishlash korxonalarida esa 3348 kishi faoliyat olib borib, ularning o‘rtacha oylik maoshi 1026 ming so‘mdan, 1580 ming so‘mgacha miqdorni tashkil etdi[7].

1998 yilda Navoiy viloyatida 320 ta

qoramolchilik fermer xo'jaliklari, 205 ta qo'ychilik fermer xo'jaliklari mavjud edi. Mavjud dehqon va fermer xo'jaliklari ixtiyorida 502 mingdan oshiq qoramol, 824 mingdan oshiq qo'y-echki va 11000 dan ortiq otlar mavjud bo'lib[8], ular tomonidan yetishtirilib berilayotgan go'sht va sut mahsulotlari bilan viloyat aholisini hamda viloyat hududidagi davlat ta'minoti muassasalari va maxsus iste'molchilarni ushbu mahsulotlarga bo'lgan ehtiyojlarini ta'minlab keldi.

2004-yilda Zarafshon shahrida "ELIM-ZARAFShON" xususiy korxonasi, 2012-yilda Navoiy shahrida "ChORVODOR LYuKS BARAKA" xususiy korxonasi, 2013-yilda Nurota tumanida "NUROTA HALOL GO'ShT" xususiy korxonasi tashkil etilib, bu korxonalar va tashkilotlar qushxonalarda mol so'yish, go'shtga ishlov berish yoki qadoqlash bilan shug'ullanib, viloyatda oziq-ovqatni qayta ishlashda muhim o'rin tutgan.

2007-yilda Navoiy shahrida "NAVOIY GO'ShT KOMBINATI" mas'uliyati cheklangan jamiyati, tashkil etilib, bu korxonalar go'shtni qayta ishlash bilan shug'ullandi.

Bu davrga kelib kolbasa va yarimtayyor mahsulotlar ishlab chiqarish sohasining texnik jihozlanishi keskin rivojlandi. Go'shtni suyakdan ajratish va laxmlash jarayonlari mexanizatsiyalashgan va yangi konstruksiyali go'sht maydalash mashinalari, kutterlar, vacuum-aralastirgichlar, uzluksiz ishlovchi shprislarning turi va soni ko'paydi[9].

2004-yilda Navoiy shahrida tashkil etilgan "QO'ShChINOR GO'ShT" xususiy korxonasi kolbasa mahsulotlari ishlab chiqarish bilan shug'ullandi.

Aholining go'sht mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirishda bo'rdoqichilik korxonalarining o'rni katta. Qiziltepa tumanida joylashgan viloyat miqyosida faoliyat olib boruvchi "Zarafshon" bo'rdoqichilik mas'uliyati cheklangan jamiyati viloyatda ushbu mahsulotga bo'lgan talabning katta qismini qondirib kelmoqda.

Ushbu korxonalar go'sht va go'sht mahsulotlari hamda qorako'l teri ishlab chiqarishga ixtisoslashgan ko'p tarmoqli jamiyat bo'lib, qorako'l qo'ylari va

qoramollarni bo'rdoqilash faoliyatini olib boradi. 1971 yilda bo'rdoqichilik xo'jaligi sifatida tashkil etilgan bu maskanning mulkchilik shakli 2009 yilda MChJga aylantirildi. Mazkur jamiyatda 810 ta yirik shoxli qoramol, 6200 ta mayda shoxli mol mavjud bo'lib, 2009 yilning o'zida 451 ming tonna 2 go'sht yetishtirilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2009-yil 26-yanvardagi PQ-1047-son "Iste'mol tovarlarini ishlab chiqarishni kengaytirish va ichki bozorlarni to'ldirish chora-tadbirlari haqidagi" qarori go'sht va sut ishlab chiqaruvchilarga ko'plab imtiyozlar berdi. Masalan, chet eldan olib kelib, ishlab chiqarish uchun ishlatiladigan xomashyo, uskuna va butlovchi qismlar bojxona to'lovlaridan ozod etildi. Qarordagi eng muhim imtiyozlardan biri go'sht va sut mahsulotlari ishlab chiqaruvchilari amaldagi soliq stavkasidan 50 foiz kamaytirilgan holda, foydadan soliq to'lash huquqiga ega bo'ldi[9].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2011-yil 31-oktyabrdagi PQ-1633-son qarori asosida oziq-ovqat sanoati korxonalarini uyushmasini ta'xis etish to'g'risida farmoyish berildi. 2012-yil yanvardan boshlab "O'zgo'shtsanoat" uyushmasi va uning tarkibidagi 80 dan ortiq go'sht va sut ishlab chiqaruvchi korxonalar O'zbekiston oziq-ovqat sanoati korxonalarini tasarrufiga kiritildi. Bu esa Respublikamizda go'sht va go'sht mahsulotlari ishlab chiqarishda yangi iqtisodiy bosqichga qadam qo'yilganligidan darak beradi[9].

Viloyatda chorvachilikni rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar mavjudligi sababli, 2010-2015 yillarda yirik shoxli qoramollar soni 305,8 foizga, qo'y va echkilar soni 153,4 foizga, parrandalar 156,2 foizga ortdi[10].

2016 yilda yirik shoxli qoramollar 1014,7 foizga (jami 964,2 ming boshni tashkil qilgan) shu jumladan sigirlar 104,3 foizga, qo'y va echkilar 105,1 foizga (2045,8 ming bosh), parrandalar 103,8 foizga ko'paydi. Barcha hududlarda chorvachilik mahsulotlari (go'sht, sut, tuxum) ishlab chiqarishning o'sishi asosan, dehqon va fermer xo'jaliklari hisobiga bo'lib, go'sht ishlab chiqarish 101,0 foizni,

tuxum ishlab chiqarishda 85,5 foizni tashkil etdi[11].

2016 yilda viloyatda yetishtirilgan qishloq xo'jalik mahsulotlarida aholi, shaxsiy yordamchi xo'jaliklarining ulushi yuqori bo'lib, go'shtning 84,5 foizi, parvarishlanayotgan yirik shoxli qoramollarning 83,1 foizi, qo'y va echkilarning 76,0 foizi, parrandalarning 50,8 foizi ularning hissasiga to'g'ri keldi[12].

Mustaqillikning dastlabki besh yilligida deyarli e'tibor berilmagan tizim bu baliqchilikdir. Navoiy viloyati aholisini baliq mahsulotlari bilan ta'minlashda tumanda joylashgan "To'dako'I" baliqchilik xo'jaligining ham o'rni alohidadir[3]. 1997 yilga kelib esa Navoiy viloyat baliqchilik xo'jaligi tizimida 3,3 ming gektar suv havzalari mavjud edi. 1994-1997 yillar mobaynida mazkur suv havzalariga 3,41 mln dona baliq chavaqchalari tashlanib, shundan 516,1 ming donasi ikki yillik o'txo'r baliqlar edi[13].

2011-yilda Navoiy shahrida "NAVOIY AGRO MEAT" xususiy korxonasi, tashkil etilib, bu korxonada baliq, qisqichbaqasimonlar va mollyuskalarni qayta ishlash va konservalash bilan shug'ullangan.

Viloyatimiz aholisini go'sht va tuxum mahsulotlari bilan ta'minlashda parrandachilikning alohida o'rni bor. Ma'lumki, mustaqillikning dastlabki yillarida jamoa xo'jaliklarining tugatilishi bilan ular qaramog'idagi parrandachilik bo'limlari ham xususiylashtirilib, nihoyatda qiyin ahvol yuzaga keldi. 1992-yilda Qiziltepa tumanida ikkita parrandachilik fabrikasi aholiga tuxum va tovuq go'shti mahsulotlarini yetkazib bergan[14]. 1996-yilda "Navoiyparranda" aksionerlik jamiyati 27,6 mln so'mlik go'sht va tuxum mahsulotlari ishlab chiqarib, bu o'tgan yilga nisbatan 79,9 foizni tashkil etdi[6]. Ayniqsa, 1997 yilda parrandachilik sanoatida murakkab vaziyat yuzaga kelgan. Ishlab chiqarish ko'rsatkichlarining keskin kamayishi natijasida parrandachilik

fabrikalarining moliyaviy ahvoli yomonlashdi.

Vujudga kelgan vaziyatning asosiy sababi, viloyatimizda mavjud parrandachilik fabrikalarining omuxta yemlarga bo'lgan talabi, miqdor va assortiment bo'yicha viloyat don mahsulotlari hissadorlik jamiyatiga qarashli korxonalar tomonidan ta'minlanishining keskin kamayganligi hamda ularning sifatsizligi va to'yimsizligidir.

Viloyat don mahsulotlari hissadorlik jamiyatiga qarashli korxonalar xom ashyo yo'qligi sababli parrandachilik fabrikalarini omuxta yemga bo'lgan talabini to'liq ta'minlay olmadi hamda ularda ishlab chiqarilayotgan omuxta yemlar o'ta qimmatligi tufayli mahsulot tannarxi pasaymadi, natijada parrandachilik fabrikalari doimiy zarar bilan chiqadigan sohaga aylanib qolgan edi. 2010-yilda Navoiy shahrida "KARMANA-RAXMAT-SAMAT" mas'uliyati cheklangan jamiyati, tashkil etilib, bu korxonada uy parrandalari go'shtini qayta ishlash bilan shug'ullangan.

Parrandachilikni rivojlantirish dasturiga asosan 2016 yilda 45 ta parrandachilik subyektlarini tashkil etish loyihalashtirilgan bo'lib, amalda 39 ta (221,4 ming bosh) parrandachilik subyektlari tashkil etildi. Viloyatda parrandachilikni rivojlantirish maqsadida 6,1 mlrd. so'm, shundan 1,5 mlrd. so'mlik bank kreditlari sarflandi[15].

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). O'zbekiston mustaqillik yillarida oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash yo'lida muhim qadamlar tashladi. Qabul qilingan qonunlar va davlat dasturlari aholini sifatlilik oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlashga qaratilgan bo'lib, bu borada sezilarli natijalarga erishildi. Maqolada Navoiy viloyati misolida go'sht sanoatining rivojlanish dinamikasi ko'rsatib o'tilgan. Dastlabki qiyinchiliklar va pasayishlardan so'ng, sohada yangi korxonalar tashkil etilishi, texnik modernizatsiya va davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash choralari natijasida sezilarli o'sish kuzatildi.

**ADABIYOT VA MANBALAR RO'YXATI
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА /
REFERENCES):**

1. Анимица Е.Г., Территориальные основы местного самоуправления. // Территория и общество. – Пермь, 2007. – С. 4.
2. F.U.Xolmanova. O‘zbekistonda yengil va oziq-ovqat sanoati rivojlanish tarixi (Surxondaryo viloyati misolida, 1991-2020 yy.) tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiyasi. Termiz–2022. — B. 65.
3. Navoiy viloyati davlat arxivi. Fond-100, 1-ro‘yxat, 3-ish, 9, 12, 32 varaqlar.
4. Navoiy viloyati davlat arxivi. Fond-100, 1-ro‘yxat, 17-ish, 7-8 varaqlar
5. O‘zbekiston Milliy arxivi, M. 82-jamg‘arma, 1-ro‘yxat, 32-ish, 2-varaq.
6. Navoiy viloyati davlat arxivi. Fond-100, 1-ro‘yxat, 247-ish, 10, 18 varaqlar.
7. O‘zbekiston Milliy arxivi, M. 82-jamg‘arma, 1-ro‘yxat, 169-ish, 69 -varaq.
8. Navoiy viloyati davlat arxivi. Fond-100, 1-ro‘yxat, 540-ish, 42-varaq.
9. O‘zbekiston Respublikasi oziq-ovqat sanoati: qisqacha tarixi, rivojlanish istiqbollari va muammolari. -T.: “Fan va texnologiya”, 2014, -B. 18, 135-136.
10. Navoiy viloyati davlat arxivi. Fond-100, 1-ro‘yxat, 1264-ish, 66-varaq.
11. Navoiy viloyati statistik axborotnomasi, 2016-yil – B. 41.
12. Navoiy viloyati davlat arxivi. Fond-100, 1-ro‘yxat, 1266-ish, 51-varaq.
13. Navoiy viloyati davlat arxivi. Fond-293, 1-ro‘yxat, 9-ish, 55-varaq.
14. Navoiy viloyati davlat arxivi. Fond-100, 1-ro‘yxat, 4-ish, 3-varaq.
15. Navoiy viloyati davlat arxivi. Fond-100, 1-ro‘yxat, 1266-ish, 53-varaq.

ZARTEPA ARXEOLGIK YODGORLIGINING O'RGANILISH TARIXI (XX ASRNING 90-YILLARIGA QADAR)

Qurbonov Islom Sharofiddin o'g'li

Termiz arxeologiya muzeyi ilmiy xodimi, Termiz davlat universiteti arxeologiya mutaxassisligi magistranti

e-mail: qurbonovislom@104gmail.com

<https://orcid.org/0009-0008-6730-2771>

Xoliyorov Toshurdi Ramazon o'g'li

Termiz davlat universiteti arxeologiya mutaxassisligi magistranti

e-mail: xoliyorovtoshurdi2001@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0006-8265-4017>

UDK: 94(575.1)

Annotatsiya: Kushon davri Markaziy Osiyo xalqlarining moddiy va ma'naviy hayotida jiddiy o'zgarishlar bo'lganligi bilan izohlanadi. Bu davrga oid yozma manba va arxeologik topilmalar kushonlar madaniyatini o'rganish, ularning O'rta Osiyo, jumladan, O'zbekiston xalqlari madaniyati taraqqiyotida tutgan o'rini ilmiy baholashda muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur maqolada kushon davri shahari hisoblangan Zartepa yodgorligining mustaqillik yillarigacha bo'lgan davrda o'rganilish tarixi haqida ma'lumot beriladi.

Kalit so'zlar: Zartepa, Kushonlar, Termiz, Baqtriya, Antropomorf, Zoomorf, Bolaliktepa, Xayrobodtepa, Arxeologik dala tadqiqot, Arxeologik ekspeditsiya, L. I. Albaum, Sh.R. Pidayev, Altar.

Аннотация: Кушанский период в жизни народов Центральной Азии характеризуется значительными изменениями как в материальной, так и в духовной сфере. Письменные источники и археологические находки, относящиеся к этому периоду, имеют важное значение для изучения культуры кушанцев и оценки их роли в развитии культуры народов Центральной Азии, включая Узбекистан. В данной статье представлена информация о истории изучения археологического памятника Зартепа, который является городом эпохи кушан, до независимости Узбекистана.

Ключевые слова: Зартепа, Кушанцы, Термез, Бактрия, Антропоморф, Зооморф, Болаликтепа, Хайрободтепа,

Археологическое полевое исследование, Археологическая экспедиция, Л. И. Албаум, Ш. Р. Пидаяев, Алтарь.

Annotation: The Kushan period is characterized by significant changes in the material and spiritual life of the peoples of Central Asia. Written sources and archaeological finds from this period play an important role in studying Kushan culture and in scientifically assessing their contribution to the development of the culture of the peoples of Central Asia, including Uzbekistan. This article provides information about the history of the study of the Zartepa monument, a city of the Kushan period, up until the years of independence.

Keywords: Zartepa, Kushans, Termez, Bactria, Anthropomorphic, Zoomorphic, Bolaliktepa, Khayrobodtepa, Archaeological field research, Archaeological expedition, L. I. Albaum, Sh. R. Pidayev, Altar.

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ/ INTRODUCTION). Kushonlar miloddan avvalgi II asrda O'rta Osiyoda paydo bo'lib, I va II asrlarda Markaziy Osiyo va Hindiston yarim orolida katta imperiya tashkil etdi va bu hududlarning tarixi va madaniyatiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Kushonlar imperiyasining eng yuksalgan davri Kanishka hukmronligi bilan bog'liq bo'lib, uning imperiyasi g'arbda Eron, sharqda Xan sulolasi yerlari va janubda Hindistonning markaziy qismlarigacha uzanib bordi. Ushbu imperiya Rim imperiyasi, Fors, Hindiston va Xitoy o'rtasidagi savdo yo'llarida joylashganligi sababli, diplomatiya va savdo faoliyati juda rivojlangan edi. Buyuk Ipak

yo'lining bir tarmog'i Qadimgi Baqtriya hududidan o'tganligi Zartepa yodgorligining ahamiyatini yanada oshirgan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METOD (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / MATERIALS AND METHODS).

M.Ye.Masson, G.A.Pugachenkova, L.I.Albaum, V.M.Masson, G.A. Koshilenko, M. Y. Terenojkin, Ye.G.Nekrasova, A.V.Sedov, V.A.Zavyalov, V.I.Osipov, A.Ya.Shetenko, K.S.Sobirov, V.N.Pilipko, Sh.R. Pidayev, K.A.Abdullayev, T.J.Annayev va boshqa ko'plab arxeolog olimlarning ilmiy izlanishlari tahlil qilingan holda maqola yozilishida umum qabul qilingan tarixiy tahlil, qiyosiy taqqoslash, xronologik ketma-ketlik tamoyillaridan foydalanilgan.

MUHOKAMA (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Surxondaryo viloyatidagi Kushon davri yodgorliklarini o'rganish XX asrning 20-30-yillariga to'g'ri keladi. Masalan, 1926-1928-yillarda Sharq madaniyatlari muzeyining ekspeditsiyasi (hozirgi Sharq xalqlari san'ati muzeyi) B. P. Denike rahbarligida Eski Termizda qazish ishlari olib bordi va uning atrofi diqqat bilan o'rgandi[1]. Kushon davri yodgorliklarini o'rganishning keyingi bosqichi 1932-1933- va 1937-yillarda, professor M. Ye. Masson rahbarligida Termiz arxeologik ekspeditsiyasining Ayritomdagi qazishmalariga to'g'ri keladi. Bu davrdan boshlab ekspeditsiya O'rta Osiyoning janubiy qismida Kushon davriga oid yodgorliklarni o'rganishga kirishadi[2].

1949-yilda O'zbekiston SSR FA arxeologik ekspeditsiyasi, Y. G'ulomov rahbarligida, Termiz atrofidagi qadimiy davr yodgorliklarini o'rganishni boshladi. Ushbu ishlar natijasida, Kushonlar davriga oid Zartepa va Xayrobodtepa manzilgohlarining mavjudligi aniqlanadi[3].

Zartepa arxeologik yodgorligi Surxondaryo viloyati Angor tumanida joylashgan bo'lib, Angor tumanidagi arxeologik yodgorliklarni o'rganish 1950-yildan boshlab, O'zbek-Zarafshon arxeologik ekspeditsiyasining tarkibidagi Surxondaryo otryadi tomonidan amalga oshirila boshlandi. Shu yil davomida hududda 40 ga yaqin arxeologik yodgorlik

aniqlanib, 20 dan ortiq aholi maskanining vizual rejalari ishlab chiqildi.

Zartepa shahrida birinchi arxeologik qazishmalarni L. I. Albaum 1950-1952-yillarda o'tkazgan. Tadqiqot davomida shaharning plani chizilgan va tafsilotlari berilgan. Shaharning sharqiy-shimoli-sharqiy qismida, mikrorelefiga eng yuqori va ajralib turadigan tepalikda (shartli belgilash 11,2 m) stratigrafik shurf qazilgan bo'lib, uning natijalari hozirgi kungacha nashr etilmagan. Shahar yuzasidan 300 dan ortiq mis tangalar, bir necha antropomorfik va zoomorfik haykalchalar hamda bezakli keramika parchalariga ega bo'lgan materiallar to'plangan[3]. Shuningdek, L. I. Albaum 1953-1955-yillarda Bolaliktepa, 1954-yilda Xayrobodtepa, 1956-1957- yillarda esa Yumaloqtepa hududlarida arxeologik qazishmalarni olib bordi[4].

1972-yilning kuzida, yigirma yillik tanaffusdan so'ng, SSSR Fanlar akademiyasining Leningrad institutining Baqtriya ekspeditsiyasi Zartepa manzilgohida qazishmalarni yana qayta boshladi. Qazishmalar davomida asosiy tadqiqot obyekti 600 kvadrat metr maydonda joylashgan saroyga o'xshash bino bo'lib, bu qazishma "1" deb nomlangan. Bino shaharning markaziga yaqin joylashgan bo'lib, biroz sharq-sharqiy tomonga siljigan. Uning devorlari shaharning mudofaa devorlari bilan parallel tarzda joylashgan. Saroyning bir qismi ikki katta zaldan tashkil topgan bo'lib, ulardan biri to'rt ustunli, ikkinchisi esa o'n ikki ustunli bo'lib, ustunlar bazalari bilan mustahkamlangan. Ushbu zallar atrofida shimoliy-g'arbiy yo'nalishda joylashgan bir nechta yordamchi xonalar mavjud. Zallarda ikki qavatli pol tuzilishi aniqlangan va yuqori qavatdagi pol yuzasida binoning yo'q qilinishi va yong'in alomatlari ko'zga tashlanadi[2]. Shaharchaning shimol-shimoli-g'arbiy tomonidagi mudofaa devori bo'ylab shurf ochildi, u devorning yuqori qismidan pastki qismigacha bo'lgan hududni kesib o'tdi[5]. Ishlar jarayonida ma'lum bo'ldiki, mudofaa devorining yuqori qismi qurilish ishlari davomida zarar ko'rgan, chunki altar joylashgan bino devorning bir qismini

qoplagan, boshqa qismi esa shaharning ichki qismida joylashgan edi. Buddizmga oid muqaddas joyga aylangan binodagi tadqiqotlarini V.N. Pilipko davom ettirdi. Qazilgan qurilish qismi tadqiqotchiga quyidagi xulosaga kelish imkonini berdi: ibodatxona faoliyat ko'rsatgan davrda, shahar devorlari ushbu hududda yomon holatda bo'lgan va ibodatxona binosi shaharning oxirgi bosqichiga tegishli. Ibodatxona xonalarida besh qavat pol darajasi aniqlangan. Bu qatlamlar va topilgan sopol materiallari miloddan avvalgi III-IV asrlarga tegishli ekanligi aniqlangan[6].

1973-yilda shaharning shimoli-g'arbiy burchagida joylashgan 3-qazish joyida yashash majmuasining qazishmalari amalga oshirilgan. 320 kvadrat metr maydonda oltita bir-biri bilan bog'langan xonalar va ularning janubi-sharqidan tutashgan hovlidan qolgan qoldiqlar topilgan[7]. 1973-1974- yillarda o'tkazilgan qazish ishlari davomida shahar mudofaa inshootlari chuqur o'rganildi. 4-qazish joyida, mudofaa devorining sharqiy-shimolii-sharqiy qismida, devorni va unga yaqin madaniy qatlamlarda qazish ishlari amalga oshirildi. Amalga oshirilgan tadqiqotlar asosida devorning bir necha bosqichda qurilganligi aniqlandi. Birinchi bosqich, eng qadimgisi, taxminan miloddan avvalgi I asrga, oxirgisi esa milodiy IV asrga to'g'ri keladi[8]. 1974-yilda shahar qatlamining stratigrafiyasini o'rganish maqsadida 6x4 m o'lchamdagi shurf qazildi. Shurfning umumiy chuqurligi 6,5 m bo'lib, undan 5,5 m qismini madaniy qatlam tashkil etadi. Qazish jarayonida aniqlangan qurilish qoldiqlari asosida 8-10 ta qurilish gorizonti ajratib olingan[9]. 1975-yildan boshlab esa shaharning janubi-sharqiy joylashgan yashash kvartali o'rganildi. Kvartalning oxirgi qurilish qatlamining arxitekturasi yomon saqlanganligi sababli, uning qurilishi ikki qatlamda o'rganildi: yuqori (I) va pastki (II). 1975-1976-yillardagi ishlarning umumiy natijalari e'lon qilingan[10]. Bundan tashqari, keyingi tadqiqotlar davomida olingan materiallarning bir qismi ilmiy muomalaga kiritildi. Ular funksional jihatdan guruhlangan bo'lib, ularga antropomorfik terrakota[11], bronza idishlari[12], suyakdan yasalgan ignalar va

hayvon shaklidagi oyoqlarga o'rnatilgan idishlar kiradi[13].

1976-1978-yillarda Zartepa shaharchasida qazish ishlari O'zbekiston Fanlar Akademiyasi va M.V. Lomonosov nomidagi Moskva Davlat universitetining alohida ilmiy jamoasi tomonidan amalga oshirildi. Ushbu tadqiqotlarga G.A. Koshilenko rahbarlik qildi va arxeologik tadqiqotlar saroyini o'rganishga yo'naltirildi. Tadqiqotlar o'n ikki ustunli zalining shimol-shimoli-sharq va sharq-shimol-sharq tomonlarida joylashgan qurilishlar hamda janub-janubi-sharqdagi ayvonning bir qismini o'z ichiga oldi[14]. 1977-yilda Zartepaning shimol-shimoli-g'arbiy qismida Sh.R. Pidayev rahbarligidagi jamoa yangi «iqtisodiy-yashash kompleksi»ni o'rganishni boshladi. Bu qazish ishlari davomida yigirmata xona topilib, ulardan yettitasi to'liq holatda bo'lib chiqiladi. Bu topilgan xonalar Zartepaning so'ngi qurilish davriga tegishli ekanligi aniqlanadi. Xonalar ichida bir yoki ikki qatlamli pol qavatlar aniqlangan. Aynan bu topilmalar topilgan hududdan g'isht pechlar ham topiladi. Bu esa bu hududda sopol ishlab chiqarish bilan shug'ullanuvchi hunarmandlar kvartali bo'lishi mumkinligini taxmin qilishga imkon berdi[15].

1979-1981- yillarda O'zSSR Fanlar akademiyasi Surxondaryo arxeologik kompleks ekspeditsiyasi (SAKE) tashkil etilib, uning tarkibidagi T. D. Annaev boshchiligidagi tadqiqotchilar qadimiy shahar qal'asi himoya devorining tepasida joylashgan qal'a hududini qazib o'rganishdi, bu hudud shaharning shimoliy-shimoli-sharqiy burchagida (10-sonli qazishma) joylashgan edi[16].

1981-1982-yillarda K. Abdullayev rahbarligidagi guruh Zartepa shahar joyining janubiy-janubi-g'arbiy qismida joylashgan yana bir yashash kvartalini o'rganishga qaratilgan tadqiqotlar olib bordi. Qazishmalarda o'nlab xonalar ochildi, ular qadimiy shahar hududining ushbu qismida yashashning oxirgi bosqichiga oid edi. 1985-yilda 6-raskopda yashash kvartali o'rganilishi bilan birga, yangi 12-raskopda ham qazish ishlari olib borildi. Ushbu 12-raskop 6-

raskopdan 40 metr janub-g'arbda va 3-raskopdan 60 metr janub-sharqda joylashgan. 190 kvadrat metr maydonda olti xona qoldiqlari o'rganildi[14].

Ushbu amalga oshirilgan arxeologik tadqiqotlar davomida Zartepa arxeologik yodgorligining paydo bo'lgan davri haqida ham bir qancha fikrlar bildirilgan. Jumladan, Zartepa L. I. Albaumning dastlabki ilmiy tadqiqotlarida, tanga topilmalari va topilgan sopollarning Termiz kabi yaqin hududlar bilan, shuningdek, So'g'd, Xorazm va Qobadiyon kabi uzoq hududlardagi sopol turlari bilan taqqoslanish orqali shahar tarixidagi eng faol ikki asosiy davr aniqlangan. Birinchi davr, muallifning So'g'd sopollari tasnifi bo'yicha M. Y. Terenojkin tomonidan belgilangan sanalariga va tanga topilmalari asosida, miloddan avvalgi II-III asrlar bilan bog'langan. Ikkinchi davr (kushon davri) milodiy I asrda boshlanib, IV asr bilan yakunlanadi[4]. Zartepa shahridagi arxeologik ishlar natijalari, ikkinchi bosqich tadqiqotlari doirasida, V. M. Massonning bir qator ilmiy ishlari orqali eng to'liq tarzda umumlashtirilgan. L. I. Albaumning ayrim xulosalari qayta ko'rib chiqilgan va ba'zilar yangi ma'lumotlar bilan yanada mustahkamlangan. Shuningdek, qurilish qatlamlari bo'yicha hisob-kitob qilish metodikasi qo'llanilgan, har bir qatlamning davomiyligi taxminan 50 yil deb hisoblangan[9]. Aniqlangan ma'lumotlarga ko'ra Zartepa shahri sasoniylarning dastlabki kirib kelish davrida ham mavjud bo'lgan. Jumladan, Zartepada 1972-1976-yillardagi qazishmalar natijasida IV asrning oxirlarida Sasoniylar imperiyasining ta'sirining kamayishi va mahalliy hukmdorlarning kuchayishi bilan bog'liq siyosiy barqarorlik

davri haqida farazni ilgari surishga ham imkon beradi[17]. Kushon davrining xronologiyasiga oid masalalarni tahlil qilgan V. M. Masson, IV asrning oxiri va V asr boshlarida Toxaristonning Sasoniylar imperiyasidan ajralishi bilan bog'liq madaniy o'sish jarayonlarini ham ta'kidlab o'tadi. Ushbu davrda shaharda yangi saroy qurilishi, mudofaa inshootlarining ta'mirlanishi amalga oshirilganligini alohida qayd etadi[18].

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Yuqorida keltirilgan fikrlarni taqqoslash shuni ko'rsatadiki, hozirgi Zartepa deb nomlangan shaharning asos solish va uning mavjudlik bosqichlari haqidagi savollar hali ham yakuniy hal etilishdan uzoq, qo'shimcha dalillar va izlanishlarni talab qiladi. Biroq, V.M. Massonning nuqtai nazariga ko'ra, shaharning avvaldan belgilangan reja asosida, Angor irrigatsiya hududining markazi sifatida qurilganligini tasdiqlash uchun barcha asoslar mavjud. Zartepa arxeologik yodgorligining muhim jihatlaridan biri bu, bu yerdan buddaviylik motivlarining topilishi hisoblanadi. Baqtriya hududida Zartepadan tashqari Qoratepa, Fayoztepa kabi buddaviylik inshootlari shakllangan. Qoratepa va Fayoztepa Zartepa kabi aholi manzilgohi hisoblanmasdan to'lig'icha buddaviylik inshooti hisoblanadi. Zartepa shahrini o'rganish jarayonida yuzlab tangalar topilgan. Bundan xulosa qilish mumkiniki ko'p miqdorda tangalarning topilishi Kushon podsholigi davrida vohada tangalar muomalasiga asoslangan ichki va tashqi savdo taraqqiy etganligidan darak beradi. Zartepa shahridan devoriy suratlar va haykallar namunalarning topilishi bu yerda badiiy va amaliy san'at keng rivojlanganligidan darak beradi.

**ADABIYOT VA MANBALAR RO‘YXATI
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА /
REFERENCES):**

1. Сабилов К. С., Пилипко В. Н. Раскопки оборонительных сооружений городища Зартепа // Древняя Бактрия. Л.: Наука, 1974. С.49-53.
2. Щетенко А. Я. Раскопки монументального архитектурного комплекса Зартепа // Древняя Бактрия. Л. Наука, 1974. С. 42-48.
3. Альбаум Л И Некоторые данные по изучению анхорской группы археологических памятников (1948-1949 гг) // Труды Ин-та истории и археологии АН УзССР. Вып.7. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1955.С.115-137.
4. Альбаум Л. И. Балалык-тепе. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1960. С. 14-41.
5. Сабилов К.С., Пилипко В.Н. Раскопки оборонительных сооружений городища Зартепа // Древняя Бактрия. Л.; Наука, 1974.С. 49-53.
6. Пилипко В.Н. Раскопки святилища позднекушанского времени на городище Зартепа // Бактрийские древности Л.; Наука, 1976.С. 59-68.
7. Завьялов В.А., Осипов В.И. Раскопки жилого комплекса на городище Зартепа // Бактрийские древности Л.; Наука, 1976.С. 53-58.
8. Сабилов К.С. Кушанская фортификация в свете раскопок на городище Зартепа // Древняя Бактрия. Л.; Наука, 1976.С. 46-51.
9. Массон В.М. Кушанские поселения и кушанская археология: (Некоторые результаты работ Бактрийской экспедиции в 1973-1975 гг) // Бактрийские древности. Л).: Наука, 1976. С. 4-6-9.
10. Завьялов В.А. Зартепинский археологический комплекс позднекушанского времени // Античная культура Средней Азии и Казахстана: Тезисы докладов Всесоюзного научного совещания. Ташкент: Фан, 1979в. С. 16-19.
11. Завьялов В.А. Позднекушанская антропоморфная терракота Зартепа // КСИА. 1981. Вып. 167. С. 65-69.
12. Завьялов В.А, Галибин В.А. Бронзовая посуда позднекушанская времени из Зартепа // КСИА. 1990. Вып. 199. С. 95-101.
13. Абдуллаев К.А, Завьялов В.А. Сосуды на зооморфных подставках из поселений кушанской Бактрии // СА. 1985а. № 4. С. 202-211.
14. Завьялов В.А. Кушаншахр при сасанидах. Санкт-Петербург. 2008. С. 20- 21-24.
15. Пидаев Ш.Р. Раскопки жилого комплекса в северо-западной части городища Зартепа // ИМКУз. Вып. 22. Ташкент: Фан, 1988. С. 34-44.
16. Абдуллаев К, Аннаев Т. Раскопки на городище Зартепа в 1979-1981 гг // ИМКУз. Вып. 23. Ташкент: Фан, 1990. С. 12-25.
17. Массон В.М. Зартепа- кушанский город в Северной Бактрии // История и культура античного мира. М.: Наука, 1977. С. 143.
18. Массон В.М. Кушанская эпоха в древней истории Узбекистана (Вопросы периодизации и хронологии)// ОНУз. № 6. Ташкент: Фан, 1981 б. 36-43.

ETNOGRAFIYA

ЧОРВАЧИЛИКДА СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ АСРИЙ ХЎЖАЛИК
АНЪАНАЛАРИ

Қосимов Абдисаттор Чориевич

*Термиз иқтисодийёт ва сервис университети тарих**кафедраси ўқитувчиси*abdisattorqosimov@gmail.com

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0005-5258-0039>

Аннотация: Ушбу мақолада Шеробод беклигида чорвачиликнинг асосини кўй, эчки ва туялар ташкил этиб, хўжалик эҳтиёжлари даражасида от ва қорамол ҳам боқилгани, асрлар давомида Ўзбекистондаги этник гуруҳларнинг ҳар бирида уй хайвонларини боқишда ўзига хос бўлган усул ва тажрибалар шакллانганлиги хусусида сўз юритилади.

Abstract. This article discusses the fact that the basis of livestock farming in the Sherabad principality was sheep, goats, and camels, with horses and cattle also being raised to meet economic needs, and that over the centuries, each of the ethnic groups in Uzbekistan has developed its own unique methods and practices for raising domestic animals.

Аннотация. В статье рассматривается тот факт, что основу животноводства в Шерабадском княжестве составляли овцы, козы и верблюды, а также разводились лошади и крупный рогатый скот для удовлетворения хозяйственных нужд, и что на протяжении веков каждая из этнических групп Узбекистана развивалась свои уникальные методы и практики разведения домашних животных.

Калит сўзлар: чорвачилик, адирликлар, ўтроқ аҳоли, кўй, эчки ва туялар, суғорма дехқончилик, буғдой, арпа, дашт.

Key words: livestock, hilly, settled population, sheep, goats and camels, irrigated agriculture, wheat, barley, steppe.

Ключевые слова: Животноводство, горный туризм, оседлое население, овцы, козы и верблюды, орошаемое земледелие, пшеница, ячмень, степь.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).

XX аср бошларида Боботоғ, Ҳисор тоғ тизмаларида ва воҳа марказий қисмидаги дашт ҳудудларида чорва моллари, айниқса, кўй-эчкилар нисбатан кўпроқ боқилган. Ушбу хўжалик тури асосан воҳанинг тоғ ёнбағирлари ва дашт ҳудудларида ривожланган. Маълумотларга кўра, бу даврда воҳадаги Шеробод, Денов ва Бойсун бекликларида асосан кўйчилик ривожланган бўлиб, эчки, от, қорамол ва туя нисбатан камчиликни ташкил этган. Бекликлардаги айрим йирик бойларнинг кўй ва эчкилари сони 2 мингдан ошиқ бўлганлиги манбаларда қайд қилинади[1].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (RESEARCH METHODOLOGY).

Шеробод беклигида чорвачиликнинг асосини кўй, эчки ва туялар ташкил этиб, хўжалик эҳтиёжлари даражасида от ва қорамол ҳам боқилган. Бекликда ҳар бир ҳовлига 1-2 бош от, 5-8 тагача кўй тўғри келган. Туялар асосан бекликнинг чўл ва дашт ҳудудларида боқилиб, уларнинг умумий миқдори 4 мингдан ортиқ бўлган. Бойсун беклигида ҳам чорва моллари ичида кўйлар сони нисбатан юқори бўлиб, бошқа чорва турлари камчиликни ташкил этган[2].

Асрлар давомида Ўзбекистондаги этник гуруҳларнинг ҳар бирида уй хайвонларини боқишда ўзига хос бўлган усул ва тажрибалар шаклланган. Қолаверса, ҳатто бир элат истиқомат қиладиган ҳудудда ҳам чорвачиликни

юритишдаги табиий-географик шароитлардаги тафовутлар, кўшни халқларнинг таъсири ёки ижтимоий-иқтисодий сабаблар натижасида хилма-хил усуллардан фойдаланилганини кузатишимиз мумкин.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Маълумки, бир қатор олимлар томонидан ўтган аср бошларида Ўрта Осиё халқлари учун хўжалик-маданий типларнинг уч йўналиши хос бўлганлиги таъкидлаб ўтилади[3]. Ўтган аср бошларида Сурхон-Шеробод воҳасида учала тип ҳам мавжуд бўлган ва бу даврда воҳани шартли равишда қишлоқ хўжалик хусусиятларига кўра уч зонага бўлиш мумкин: 1) водий суғорма деҳқончилиги, 2) боғдорчилик, чорвачилик билан биргаликдаги тоғ ва тоғ олди деҳқончилик хўжалиги, 3) дашт зироатчилиги ва яйлов чорвачилиги зоналари. Биринчи зонада қарлук, чигатой, дўрмон ва қисман қўнғирот, юз каби этнографик гуруҳлар Шерободдарё воҳасида, Сурхондарёнинг ўрта қисмидаги суғорма деҳқончилик зоналарида бугдой, арпа, кунжут ва полизчилик экинларини экканлар. Иккинчи зонада эса асосан тоғли ва тоғолди ҳудудларида яшовчи тоғчи-катағонлар, чигатойлар, қарлуқлар ва тоғли тожиклар боғдорчилик, чорвачилик ва зироатчилик билан шуғулланганлар. Учинчи зонада эса кўпроқ чорвачилик билан шуғулланувчи этнографик гуруҳлар - қўнғирот, дўрмон, юз, турклар Шерободдарё оралигидаги дашт зоналарида, Боботоғ этакларида, Қизирик, Бандихон, Музробод, Хатробод чўлларида чорвачилик билан, адирликларда эса лалмикор зироатчилик билан шуғулланганлар. Воҳадаги чорвачилик учун қулай бўлган иқлим, табиий шароит тоғ ён адирлари ва кенг чўл зоналарида доимий равишда хайдаб боқиладиган чорвачилик турининг сақланиб қолишига олиб келган. Ушбу зонада яшовчи айрим этник ва этнографик гуруҳларнинг тўлиқ ўтроқ турмуш тарзига ўтмаганлиги сабаби ҳам хўжалигида чорвачилик етакчи ўринда турганлиги

бўлган. Шу боис бўлса керакки, чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ўзининг хўжалик, этник-маданий, антропологик ва тил хусусиятларини ўтган аср бошларигача яхши сақлаб қолган эди. Элшунос олимлар Ўрта Осиё аҳолисида чорва хўжалигини юритишнинг тарихан шаклланган учта турини ажратиб кўрсатишади: 1) кўчманчи (кўчма ва ярим кўчма) чорвачилик; 2) яйлов чорвачилиги ва 3) кўра (оғил) чорвачилиги[4].

XX аср бошларида Сурхон-Шеробод воҳасида аҳолининг аксарият қисми асосан аралаш хўжалик тарзини юритган, яъни чорвачилик билан бир қаторда деҳқончилик, уй хунармандчилиги билан ҳам шуғулланган. Ушбу хўжалик соҳаларига муносабат ва хўжалик юритиш усуллари турлича бўлиб, улар табиий шароит, аҳолининг этник таркиби ва маданий анъаналарнинг хилма-хиллигидан келиб чиққан. Масалан, бу даврда Хоразм воҳаси чорвачилиги учун, асосан, хонаки-яйлов ва хайдов усули хос бўлган бўлса, воҳада 1954-1971 йиллар давомида кенг камровли тадқиқотлар ўтказган Б.Х. Кармышевнинг фикрича, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида чорвачиликнинг 1) яйлов; 2) хайдов-яйлов; 3) кўра-хайдов; 4) кўчма типлари бўлган. Ўтроқ аҳолида чорва боқишнинг кўра-яйлов ва кўра тизими, ярим ўтроқ аҳолида хайдов-яйлов ва яйлов тизими, кўчманчи аҳолида эса яйлов ва кўчма чорвачилик тизими устун турган.

Яйлов чорвачилиги учун характерли бўлган асосий хусусият – бу чорвани йил бўйи (йилнинг кўп вақтида) яйловдаги ўтлар билан озиклантиришдир. Ушбу чорвачилик тури асосан воҳадаги тоғли ва тоғолди туманларига хос бўлиб, асосан ярим ўтроқ ўзбеклар, Бойсун тоғларида яшовчи тожикларнинг алоҳида гуруҳлари, шунингдек, туркман, араб каби ярим ўтроқ аҳолига хос бўлган[5]. Яйловдан яйловга хайдаб боқишда чорванинг асосий қисми йил давомида чўпонлар назорати остида мавсумий яйловларда сақланган. Улар учун чорвачиликнинг асосий тури – кўй (асосан ҳисори кўйлар) боқиш бўлган. Чорвадорлар

мавсумга караб уйда хўкиз, кўчқор ва баъзида сигир боқишган[6]. Фақат миниладиган отлар ва сўйишга мўлжалланган кўйларгина доимий бир жойда – кўрада боқилган. Воҳадаги ярим ўтроқ ўзбеклар хўжалигида чорвачилик етакчи ёки деҳқончилик билан тенг мавқеда бўлган. Турк, қарлуқ, айрим кўнғирот, дўрмон каби ўзбек уруғ-қабилалари учун чорвачиликнинг асосан хайдов-яйлов тизими хос бўлган.

Яйлов чорвачилигида асосан кўйчилик етакчи ўрин тутди. Чорва моллари баҳор ва кузда адирларда боқилган, ёзда ўрта ва баланд тоғ яйловларига хайдалган. Қишда эса яна адирларга қайта хайдаб келтирилиб, ярим боқув озукалаштиришга ўтказилган. Ўтган аср бошларида яйлов чорвачилиги учун ёзги ва қишки яйловларга анъанавий чорва хайдаш йўналишлари катта аҳамиятга эга бўлган. Сабаби ушбу йўналишлар чорва молларини мавсумий яйловларга хайдашда муҳим халқа ҳисобланган. Бунда йўналишнинг бошланғич нуктасидан тартиб сўнгги манзилгача ҳамжиҳатлик, тартиб-қоида ва мувофиқликка қатъий амал қилинган. Тажрибали чўпонлар кўйларни семиртиришда отарни ёйишнинг (хайдаб боқиш) аҳамияти катта эканлигини яхши билишган. Уларнинг айтишича, ўз вақтида етарли озиклантирилган ва доимий ҳаракатда бўлган чорва моли тез семиради. Ёйилган кўйлар, ёйилмаган кўйларга караганда семиз бўлган ва қишдан талофатсиз чиқиб, яхши тўл (тўл олиш – қўзилаш мавсуми) берган[7].

Чорвачиликнинг хайдов-яйлов тури текислик ва тоғолди ҳудудларида, яъни дашт ва адирликларда яшовчи ўтроқ аҳолига, асосан ўзбек-чиғатойлар ва тожиклар учун хос бўлиб, улар чорвачиликни суғорма ёки лалми деҳқончилик билан қўшиб олиб боришган. Унга кўра, барча мавсумда чорва моллари яйловларда, қишлоқдан узоқ бўлмаган далаларда боқилган ва фақат қишнинг совуқ кунларида ярим боқув йўлига ўтилган. Одатда баҳорги яйловларга оиланинг бир қисми борган ва ўзлари билан

фақат зарур нарсаларни олиб, ўтов ва капаларда яшашган. Ўтлар қуриб қолгач, чорва моллари ортга қайтарилган ва умумий подага кўшилган. XX аср 20-йилларида воҳада бўрдоки кўйларга бўлган талабнинг ортиши сабабли аҳолининг бир қисми деҳқончиликни бутунлай ташлаб, фақат хайдов-яйлов кўйчилиги билан шуғулланган. Бой чорвадорлар эса товар хусусиятига эга бўлган ғаллакорлик билан ҳам шуғуллана бошлаган[8]. Бунинг учун уларда етарли ишчи хайвонлари ва деҳқончилик меҳнат қуроллари бўлган.

Воҳанинг тоғлик тожик аҳолиси учун деҳқончилик билан боғлиқ равишда юритиладиган чорвачиликнинг кўра-хайдов-яйлов тури хос бўлган. Уларда чорвачилик текислик ва тоғолди ўтроқ аҳолидан фарқлироқ ғаллачиликдан кейин иккинчи ўринда турган. Тожиклар баҳорда, қор силжиган пайтда тоғ ёнбағирларидан чорвани қишлоқолди яйловларига, далаларда экин униб чиқиши билан эса қишлоқдан узоқда бўлган ёзги яйловларга-айлоқларга (яйлоқ, жайлов туркча сўзлар бўлиб, географиядаги яйловли атамаси шундан қабул қилинган) хайдашган. У ерга аҳолининг бир қисми, асосан аёллар кўчиб ўтишган. Кузда чорва молларини қишлоққа яқин яйловларда ва анғизларда боқишган[9]. Деҳқонлар йирик шохли қорамол, шунингдек, эчки, кўй, от ва эшак ҳам боқишган. Тоғда боқилган эчкиларнинг сути нафас қисиши касалига шифо бўлган[10]. Ушбу даврда ҳар бир тоғли аҳоли хўжалигида ўртача 10-12 та эчки, 8-10 та кўй ва 1-2 та сигири бўлган[11].

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари учун кўчманчи чорвачиликнинг “стационар” усули мос келган. Табиий шароитга боғлиқ ҳолда яйловлардан мавсумий фойдаланиш ва чорва билан доимо бирга юриш тизими кўчма чорвачиликнинг ўзига хос хусусиятидир.

Чорвачиликни кўчма тизими фақат ярим дашт ҳудудларида яшовчи (асосан Шерободдарёнинг ўрта оқими хавзасида) ўзбек кўнғиротларида тарқалган эди. Бу ерларда чорвадорлар ўз оиласи билан бирга

чорва изидан мавсумий яйловларга кўчиб | юришган.

**АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):**

1. Варьгин М.Н. Опыт описание Кулябского бекства // Известия ИРГО. – Спб., 1916. т. 57. – С. 778.
2. Кап. Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекаство Ширабадское и части Бойсунского // Сборник геог. топог. и статис. материалов по Азии. – Спб., 1894, вып. 57, – С. 400–402.
3. Хидоятлов И. О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время. – С. 138.
4. Қаюмов А. XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон-Шеробод водийсидаги этник жараёнларнинг баъзи омиллари // Ўзбекистон тарихи. – № 4, 2001. – Б. 30.
5. Поляков С.П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1980. – С. 44.
6. Кармышева Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана (конец XIX – начало XX века) // Советская этнография. – № 3, 1969. – С. 45.
7. Жумаев Т. Ўзбекистоннинг тоғли жойларида қишлоқ хўжалиги. – Т.: Фан, 1982. – Б. 37.
8. Дала ёзувлари. Қумқўрғон тумани Очамойли қишлоғи. 2007 йил.
9. Қаюмов А.Р. XIX-XX бошларида Жанубий Ўзбекистон худудида этник ҳолат. Автореферат т.ф.н. – Т., ЎзР ФА Тарих институти, 2011. – Б. 24.
10. Дала ёзувлари. Жарқўрғон тумани Исмоилтепа қишлоғи. 2006 йил.
11. Қаюмов А.Р. XIX-XX бошларида Жанубий Ўзбекистон худудида этник ҳолат. Автореферат т.ф.н. – Т., ЎзР ФА Тарих институти, 2011. – Б. 24.

NIKOH TO'YIDA ZARDUSHTIYLIKDAN MEROS UDUMLAR

Zilola Shamsiyeva Askarovna

*Termiz davlat universiteti Etnografiya, etnologiya va antropologiya
mutaxassisligi tayanch doktoranti*

ORCID-0009-0000-8591-6082

UDC-392.5(575.146)

Annotatsiya: Ushbu maqolada Buxoro vohasi nikoh to'yi marosimlarida bugungi kungacha saqlanib qolgan zardushtiylik bilan bog'liq udumlar tarixiy-etnografik nuqtai nazardan tahlil qilingan. Shu jumladan, maqolada olov kulti, belbog', isiriq bilan bog'liq udumlar, ular haqida ilmiy adabiyotlarda keltirilgan ma'lumotlar o'rganilgan. Dala ma'lumotlari, tarixiy adabiyotlarda keltirilgan ma'lumotlar asosida respublikaning boshqa hududlari, jumladan, Yuqori Zarafshon, Xorazm vohalari nikoh to'yi marosimlarida bugungi kungacha saqlanib qolgan zardushtiylik bilan bog'liq rasm-rusumlar tarixiy-qiyosiy ravishda o'rganilib, tahlil qilindi.

Kalit so'zlar: zardushtiylik, olov kulti, isiriq, "barsman", "padar oshi" marosimi, belbog', sidrapo'shlik, kelin, kuyov, chimildiq marosimi, sham, kayvoni, marosim, udum.

Аннотация: В данной статье с историко-этнографической точки зрения анализируются верования жителей Бухарского оазиса, связанные с зороастризмом, наблюдаемые в свадебных обрядах. Среди прочего в статье рассматриваются ритуалы, связанные с культом огня, пояса и благовоний. На основе полевых данных и сведений, представленных в исторической литературе, были исторически и сравнительно изучены и проанализированы обряды, связанные с зороастризмом, сохранившиеся до наших дней в свадебных обрядах других регионов республики, в том числе Верхнего Заравшана, Хорезмских оазисов.

Ключевые слова: Зороастризм, культ огня, благовония, «барсман», обряд «падар оши», пояс, «сидрапошлик», невеста, жених, обряд «чимильдик», свеча, кайвани,

обряд, удум

Abstract: In this article, the beliefs of the residents of the Bukhara oasis related to Zoroastrianism observed in wedding ceremonies are analyzed from a historical and ethnographic point of view. Among other things, the article examines the rituals related to the cult of fire, belt, and incense. On the basis of field data and information presented in historical literature, the images related to Zoroastrianism that have survived to this day in the wedding ceremonies of other regions of the republic, including Upper Zarafshan, Khorezm oases, were historically and comparatively studied and analyzed.

Key words: Zoroastrianism, fire cult, incense, "barsman", "padar oshi" ceremony, belt, "sidraposhlik", bride, groom, chimildik ceremony, candle, kayvani, ceremony, ritual.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Har bir millatning millat bo'lib shakllanishi va rivojlanishida, albatta, uning moddiy, ma'naviy merosi alohida o'rin tutadi. Dunyo xalqlari ma'naviy boyliklariga ulkan hissa qo'shgan urf-odat, marosim va bayramlarning o'ziga xos tomonlari hamda kelib chiqish tarixi, ya'ni genezisi mavjud.

Buxoro nikoh to'yi marosimlari voha aholisining qadimiy-mifologik tasavvurtushunchalari va turli diniy-e'tiqodiy qarashlari zaminida shakllanib, o'ziga xos tarzda rivojlanib borgan, ularning o'tkazilish tartibi yaxlit tizimni tashkil qiladi va aholi ijtimoiy hayotida alohida o'rin tutadi. Ushbu marosimlarda ma'lum etnohudud aholisining ma'naviy-ruhiy dunyosi, o'ziga xos urf-odatlari aks etadi va ushbu marosimlarning shakllanishida ajdodlarimizning mifologik dunyoqarashi ham katta ta'sir ko'rsatgani seziladi.

Buxoro vohasi nikoh to'yi marosimlarida

bugungi kunda ham turli e'tiqod shakllari va hatto ibtidoiy dinlarning izlarini ham kuzatishimiz mumkin. Masalan, nikoh to'yi marosimlarida olov kulti bilan bog'liq rasmlar, totemizm (yong'oq kulti, anor kulti), animizm (ajdodlar ruhiga bag'ishlab is chiqarish), fetishizm bilan bog'liq (yong'oq, anor kulti, non, chuchvara, tuxum, oq sut, pul sochish, shirinlik sochish, ranglar kultlari bilan bog'liq odatlar) irim-sirimlar, afsungarliklar va e'tiqodiy qarashlar mavjud.

Xalqimizning bola tarbiyasidagi tajribalari, oila va nikoh munosabatlarini o'rganishda zardushtiylik dinining muqaddas kitobi Avestoga murojaat qilamiz. Sababi Markaziy Osiyo tarixi, o'tmishi, madaniyati, pedagogikasini o'rganishda eng qadimiy manba "Avesto" hisoblanadi. Ming yillar davomida xalqimizning asosiy e'tiqod shakli hisoblangan zardushtiylik dini muqaddas manbasi "Avesto" bizga ko'hna tarixning sir-sinoatini ochib beruvchi qimmatli manbadir. Nikoh to'yi marosimlarida olov kulti bilan bog'liq odatlarni ko'pchilik tadqiqotchilar zardushtiylik bilan bog'lashadi. Jumladan, bunday odatlar Xorazm vohasida [1], Surxondaryo vohasida [2] ham mavjudligini tadqiqotchilar o'z dissertatsiyalarida yozishgan.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / LITERATURE REVIEW). Olov kulti — qadimdan turli madaniyatlarda mavjud bo'lgan murakkab va ko'p qirrali fenomen bo'lganligi sababli, unga bag'ishlangan adabiyotlar ham juda xilma-xildir. Jahon antropologlari va etnologlarining olov kultining kelib chiqish tarixi, uning ramzlariga bag'ishlangan tadqiqotlari talaygina. Jumladan, ingliz antropologi va diniy tadqiqotchisi Jorj Freyzerning "Oltin shox" ("The Golden Bough") asarida turli madaniyatlardagi olov kulti va uning marosimlari keng yoritilgan. [3] U, ayniqsa, olovning sehrli kuchlarga ega ekanligiga va uning poklanish roli ekanligiga ishonch haqida yozgan.

Bundan tashqari, ingliz antropologi Eduard Bernett Tayloring "Ibtidoiy madaniyat" ("Primitive Culture") asarida olovga sig'inish, animizm va olov bilan bog'liq marosimlar

haqida ma'lumotlar keltirilgan. [4] U olovni odamlarning e'tiqod va ehtiyojlarini qondiradigan ibodat obyekti sifatida ta'riflagan. Shuningdek, Fransuz faylasufi va adabiyotshunosi Gaston Bashlyarning "Olov psixoxanalizi" [5] asarida olovning ramziy ma'nosi, uning inson ongiga ta'siri va olovga bo'lgan ongsiz ehtiroslar tahlil qilingan.

Ko'plab O'rta Osiyoda tadqiqotlar olib borgan olimlar olov kultining o'tmishda bu hududda keng tarqalganligini va uning izlarini o'rganishgan. Masalan, N.P. Lobacheva [6], Karim Shoniyozov [7], Edvard Rtveladze [8], A. Ashirov [9] va boshqa olimlarning asarlarida [10] bu mavzuga oid ma'lumotlarni topish mumkin.

Buxoro vohasi nikoh to'yi marosimlaridagi ayrim udumlarni zardushtiylik dini bilan bog'lash mumkin. Masalan, vohada "padar oshi" marosimida kuyovga to'n kiydirilgandan so'ng uning beli yoshi ulug' kekxa otaxonlar tomonidan bog'lanadi. [11] A. Ashirov xalqimiz orasidagi tun kiydirib, belbog' bog'lash bilan bog'liq udumlarni zardushtiylikdagi "sidrapo'shlik" odatining transformatsiyaga uchragan shakli sifatida talqin qilgan. [12] Olimning yozishicha, zardushtiylikdagi belbog' bog'lashlarining ramziy ma'nosi yuz yillar davomida shakllangan bo'lib, uni uch marta tugish zardushtiylikning uch kremlilik etikasini bildirgan. O'zbeklar orasida boshqa yurtlardan kelgan mehmonlarga, nikoh to'yida kelinning xonadonida kuyovga to'n, do'ppi kiydirish va beliga belbog' bog'lash udumi hozir ham keng urf bo'lgan. Bu udumning asosida bir tomondan mehmonga, kuyovga hurmat, izzat-ikrom namoyon etilsa, boshqa tomondan o'sha mehmonning xalqimiz safiga ramziy qabul qilinganligi yoki kuyovning kelin oilasining yangi a'zosi bo'lganligini anglatgan. [12; 8]

Bundan tashqari A. Ashirovning "Avesto" dan meros marosimlar nomli asarida zardushtiylik dini udumlarida ishlatiladigan "barsman" o'simligi bugungi kunda biz "isiriq" deb ataydigan o'simlik ekanligi, har bir dindorning qo'lida (ayniqsa, qurbonlik marosimlarida) barsman bo'lganligini, xalqimizda isiriqni "xarzorispand", "ispand" deb aytishlarini ta'kidlagan. [12; 9] Buxoro

vohasi nikoh to'yi marosimlari davomida buguni kunda ham bir necha marta isiriq tutatiladi. Jumladan, chimildiq marosimida kayvoni ayol tomonidan, "raxtazonon" marosimida "taxt" yig'ilganidan so'ng, kuyov uyida kelin chimildiqqa kiritilgandan so'ng, albatta, "yomon ko'zdan asrasin" degan niyatda isiriq tutatiladi.[15]

МУХОРАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Buxoro vohasi nikoh to'yi marosimlarida olov bilan bog'liq ayrim udumlarni ham zardushtiylikdagi to'rt unsur(olov,suv, tuproq,havo)dan biri bo'lgan muqaddas olov kulti bilan bog'lash mumkin. Buxoro vohasi nikoh to'yi marosimlarida kuyovjo'ralar tomonidan kuyovni kelin uyiga keltirganda uni uch marotaba olov atrofida aylantirish[16], kelin kuyov uyiga keltirilganda uni uy darvozasi oldida uch marotaba olov atrofida aylantirish[17], chimildiq marosimida kelin va kuyovni salomnomaxonlik bilan chimildiqqa kiritayotganda ikki dona shamning yoqish[18] kabi udumlarda olov kulti bilan bog'liq ishonch-e'tiqod qarashlarini uchratishimiz mumkin.

Etnolog olim A.Ashirovning aytishicha, ajdodlarimiz olovni yana shu jihatdan ham e'zozlaganki, u o'z shu'lasini bilan insonga ta'sir etadigan zararli kuchlarni kuydiruvchi, poklovchi va yorug'lik ramzi sifatida zulmatga qarshi kuch hisoblangan.Zardushtiylikning biror-bir marosimi shu e'tiqodning ramzi — olovsiz o'tgan emas. Zardushtiylik ilohlaridan biri Asha Vadishta ham otash posboni bo'lgan. Zardushtiylik dinida muqaddas olov doimiy ravishda saqlanuvchi otashgoh bo'lgan. Yonib turgan gulxan abadiy hisoblanib, ma'lum ilohiyot yoki ota-bobolar ruhiyatiga bag'ishlangan.Ular o'chirilmasdan saqlangan va begonalar hamda g'ayridinlar nazar-nafasidan asralgan.[12;14-15]

Buxoro vohasi nikoh to'yi marosimlaridagi olov kulti ilmiy jihatdan bugungi kungacha alohida tadqiqot sifatida tahlil qilinmagan bo'lsa-da, tojiklar madaniyatida olov kulti, uning ramziy ma'nolari, xalq qarashlarini ni ilmiy jihatdan tadqiq etgan olim R.Rahimov o'zining monografiyasida tojiklardagi "olovgardon" (o'zb. " olov atrofida aylanish")

udumining genezisini tahlil qiladi.[17]

Tojiklardagi olov kulti bilan bog'liq ayrim qarashlarda Buxoro vohasi aholisi qarashlari bilan o'xshash, umumiy jihatlarni ko'rishimiz mumkin. Jumladan, kelinni yoki ikkala yangi turmush qurayotganlarni marosim olovi atrofida aylantirish ,asosan, Markaziy Osiyoning qadimgi o'troq dehqonchilik hududlariga xosligini olim aytib o'tgan.[17;5] Bundan tashqari, ushbu monografiyada olim tojiklar nikoh to'yi marosimlarida mavjud bo'lgan sham yoqish yoki kelinni olov atrofida aylantirishni "oila olovi"("огонь семьи") sifatida talqin qiladi.[17;285]

Tojiklar madaniyatida olov kulti, uning ramziy ma'nolari, xalq qarashlarini ilmiy jihatdan tadqiq etgan olim R.Rahimov o'zining monografiyasida tojiklardagi "olavgardon" (o'zb. "olov atrofida aylanish") udumining genezisini tahlil qiladi.[17;387] Kelinni yoki ikkala yangi turmush qurayotganlarni marosim olovi atrofida aylantirish ,asosan, Markaziy Osiyoning qadimgi o'troq dehqonchilik hududlariga xosligini olim aytib o'tgan.[17;387]

Bugungi kunda Buxoro vohasida ham aholining aksariyat qismi ushbu an'anani zardushtiylik dinidagi to'rt unsur(olov, suv, havo, tuproq)ga ishonchdan kelib chiqqan, zardushtiylik dinidan qolgan "sarqit" deb hisoblaydi.Yuqori Zarafshon[18], Xorazm[1;170] vohasi nikoh to'yi marosimlarida ham ushbu odat mavjudligini tadqiqotchilar qayd etib o'tishgan. Jumladan,Xorazmda nikoh to'yida kelin keladigan yo'lning ikki tomonida gulxan yoqqanlar va kelin tushgan "bo'lish arava" ana shu olov orasidan o'tgach, kuyovning uyi tomon yo'lolgan.[1;53]

S.Soatova o'z dissertatsiyasida Yuqori Zarafshon vohasida esa islom dinigacha bo'lgan davrlarda O'rta Osiyoda hukmronlik qilgan Zardusht diniga binoan olovga topinish turli falokat va ins-jinslardan saqlab, turmush va oilada baxt va muvaffaqiyat degan g'oyaga tayangan edi. Qadimdan boshqa xalqlarda bo'lgani kabi o'zbeklar ham quyoshga va olovga sig'inganliklarini yozgan[18;99]. Ayrim o'zbek guruhlarida qipchoq, qarluq va boshqalarda 1917-yil inqilobidan oldingi

davrlarda o'z uyi va o'tovlarni quyoshga qaratib qurishgan. Bu bilan go'yo ularning tushunchasida quyosh nuri va olov tafti bilan uyga baraka kirgan. Ularda olovning tozalovchi kuchiga ishonish uzoq vaqtlargacha saqlanib qolgan.[18;99]

Bundan tashqari, Yuqori Zarafshon vohasida kelin-kuyovlarning uylari charog'on, o'zlari doimo bir-birlariga olovdek issiq bo'lsin deya yuqoridagi magik irimlarni qo'llashgan. Olovning sehrlil kuchiga ishonish yana quyidagi udumda ham bajarilgan, odatga ko'ra kelin va kuyovlarni chimildiqqa kiritishgandan keyin, yangalar otashkurakdagi olovda kelin va kuyovni olov bilan aylantirishgan. Bu odatning ramziy ma'nosi ham ularning bir-birlariga olovdek issiq bo'lsin degan magik diniy tasavvurlar bilan bog'liq tilaklaridir.[18;100]

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ /RESULTS). Xulosa qilib aytganda, an'analar asrlar bo'yi shakllanib, asrlar davomida rivojlanadi. Har bir davr, ijtimoiy-siyosiy muhit xalqning asriy urf-odatlarini va marosimlariga ijobiy yoki salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin, ammo insonparvar

an'analarni yo'qotishga o'zlik qiladi. Milliy an'analar xalq o'tmishi, buguni, kelajagini mustahkam bog'lab turuvchi ezgu qadriyatlaridir. Buxoro vohasida ham zardushtiylik bilan bog'liq udumlar bugungi kungacha nikoh to'yi marosimlarida saqlanib kelmoqda. Masalan, nikoh to'yi kuni kelinni kuyovnikiga keltirishganida eshik oldida gulxan yoqilib, kelinni kuyov yelkasiga ko'tarib gulxan atrofida uch marotaba aylantiradi. Bu marosimda zardushtiylik dinining ba'zi ko'rinishlari, ya'ni kelin-kuyovning olovda aylantirilishi zarar etkazuvchi g'oyibona kuchlardan balo-qazolardan saqlash va tozalash timsoli sifatida namoyon bo'ladi. Bugungi kunda Buxoro vohasi nikoh to'yi marosimlari tizimidan o'rin olgan ayrim udumlar zardushtiylik dinida bajarilgan udumlar bilan o'xshashligi, ularning transformatsiyaga uchragan shakli ekanligiga guvoh bo'ldik. Ushbu an'analarning kelib chiqish tarixi, ijtimoiy hayotda tutgan ahamiyatini o'rganib, ularni kelajak avlodga yetkazish tarixchi-etnolog olimlar oldida turgan dolzarb vazifalardan biridir.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА /REFERENCES):

1. Маткаримова Н. Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XX аср ва мустақиллик даври). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ..дис. автореферати. - Нукус. 2020. — Б. 92.
2. Dusanazarova M. I.O'zbek oilasida kuyov-kelin bilan bog'liq nikoh marosimlarining etnomadaniy jarayonga ta'siri (XIX asrning ikkinchi yarmi – XXI asr boshlari Surxon-Sherobod vohasi misolida) tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. Termiz-2023. - B. 94.
3. The Golden Bough A Study in Comparative Religion By James George Frazer, M.A. Fellow of Trinity College, Cambridge In Two Volumes. Vol. I. New York and London MacMillan and Co. 1894. another Release of ebook — October 16, 2012. 400 pages.
4. Tylor, Edward B. Primitive culture, vol. 1 (of 2): Researches into the development of mythology, philosophy, religion, language, art, and custom. United Kingdom: John Murray, 1871, pubdate 1903, pubdate 1913, copyright 1920.
5. Gaston Bachelard. The Psychoanalysis of Fire. — Beacon Press, January 1964. First Edition. 115 pages.
6. Лобачева Н.П. Из истории верований и обрядов: Огонь в свадебном комплексе Хорезмских узбеков (По материалам середины XX в.) // Э О. 2001. № 6. – С. 20-21.
7. Шаниязов К.Ш. Башкиро-узбекские этнокультурные связи // Всесоюзная сессия по итогам полевых этнографических и антропологических исследований, 1978–1979 гг.: Тезисы докладов / Редкол.: В.Н. Басилов; Н.В. Бикбулатов, И.С. Гурвич; АН СССР. ИЭ, Башкир. фил. АН СССР. Ин-т истории, языка и лит. -Уфа, 1980. - С. 90-91.

8. Ртвеладзе Э. В стране золотого огня. (совместно с А. С. Сагдуллаевым)-Т., 1985. 93 с.
9. Аширов А. “Авесто” дан мерос маросимлар. — Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001.— 32 б.;
10. Тайжанов К.,Исмаилов Х. Особенности доисламских верований у узбеков-карамуртов // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии: Историко-этнографические очерки / Редкол.: В.Н. Басилов (отв. ред.), Н.П. Лобачева, Г.П. Снесарев; АН СССР. ИЭ. — М.: Наука, 1986. — С. 110–138; Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии: Историко-этнографические очерки / Редкол.: В.Н. Басилов (отв. ред.), Н.П. Лобачева, Г.П. Снесарев; АН СССР. ИЭ. — М.: Наука, 1986. — 208 с.
11. Дала маълумотлари: Когон туман Чорхона қишлоғи. 2021 й.
12. Аширов А. “Авесто” дан мерос маросимлар. — Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. -Б. 8.
13. Дала маълумотлари. Жондор туман Ватанпарвар қишлоғи 2021 й.
14. Дала маълумотлари. Бухоро шаҳри, Афшормаҳалла МФЙ. 2022-2025-йиллар.
15. Дала маълумотлари. Шофиркон туман Дўрмон қишлоғи 2024 й.
16. Аширов А. “Авесто” дан мерос маросимлар. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. — Б. 14-15.
17. Рахимов Р.Р. Коран и розовое пламя: (размышления о таджикской культуре) / Р. Р. Рахимов; Российская акад. наук, Музей антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера). — Санкт-Петербург: Наука, 2007. — 87 с.
18. Соатова С. А.Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент. 1999. 178 б.

SURXON VOHASI AHOLISINING NABOTOT OLAMI BILAN BOG'LIQ RASM-RUSMLARI

Karimov Yusufjon Sherali o'g'li,

*Termiz davlat universiteti Etnografiya, etnologiya va antropologiya
mutaxassisligi tayanch doktoranti*

karimoyyusuf07@gmail.com

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0004-2133-4568>

Annotatsiya: Ushbu maqola tabiat hodisalarini, xususan o'simliklarni timsollashtirish dinning qadimgi ko'rinishlaridan biri ekanligini hamda ibtidoiy odamlarning dunyoqarashining shakllanishida muhim rol o'ynaganligi haqida so'z boradi. Surxon vohasida va O'rta Osiyoning boshqa hududlarida o'simliklarga nisbatan bo'lgan qadimiy e'tiqodlar, urf-odatlar va marosimlarni tahlil qilingan. Maqola etnografik materiallar, tarixiy manbalar va xalq rivoyatlariga asoslangan bo'lib, o'quvchilarga O'rta Osiyo xalqlarining qadimiy diniy tasavvurlari va tabiatga bo'lgan munosabati haqida qimmatli ma'lumotlar beradi.

Kalit so'zlar: ibtidoiy dunyoqarash, Surxon vohasi, daraxtlarni qo'rqitish, xina, sunbula, tudona, isiriq, chilonjiyda, tut, murch bobo, ziyoratgohlar, xalq tabobati, etnografiya.

Аннотация: В статье показано, что изображение природных явлений, в частности растений, является одним из древнейших проявлений религии и сыграло важную роль в формировании мировоззрения первобытных людей. Анализируются древние верования, обычаи и обряды, связанные с растениями в Сурханском оазисе и других регионах Средней Азии. Статья написана на основе этнографических материалов, исторических источников и народных преданий, предоставляя читателям ценную информацию о древних религиозных верованиях и отношении народов Средней Азии к природе.

Ключевые слова: первобытное мировоззрение, Сурханский оазис, пугающие деревья, хна, сунбула, tudona, исирик, чиланджийда, шелковица, мурч

бобо, святыни, народная медицина, этнография.

Abstract: This article shows that the representation of natural phenomena, in particular plants, is one of the ancient manifestations of religion and played an important role in the formation of the worldview of primitive people. The article analyzes ancient beliefs, customs and rituals related to plants in the Surkhan oasis and other regions of Central Asia. The article is based on ethnographic materials, historical sources and folk tales and provides readers with valuable information about the ancient religious ideas of the peoples of Central Asia and their attitude to nature.

Keywords: primitive worldview, Surkhan oasis, scaring trees, henna, sunbula, tudona, isiriq, chilonjiyda, mulberry, murch babo, shrines, folk medicine, ethnography.

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Tabiat hodisalarini, jumladan, o'simliklarni timsollashtirish dinning eng qadimgi ko'rinishlaridan biri bo'lib, ibtidoiy odamning dunyoqarashi sifatida vujudga kelgan.

Ilgarigi odamlar ruhsiz narsalarni ruhlantirib, tabiat kuchlarini g'ayritabiiy kuchlarga aylantirib tasavvur qilganlar. Ular o'zlari bilan tabiatni birday, o'xshash deb bilganlar.

MUHOQAMA (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Surxon vohasida "ko'z qo'rqitar" odati bo'lgan. Bordi-yu daraxt kam hosil bersa, uni egasi bolta ko'tarib kesmoqchi bo'lib, boltani unga asta-sekin urib oladi, ya'ni qo'rqitadi. Uning yonida turganlar "kesmang, kelgusi yil mo'l hosil beradi" deyishadi[1;380]. J. Frezer tasdiqlashicha, bu

odatlar jahonning ko'pgina xalqlarida uchraydi[2,135-137].

Ayrim dehqonlar ekinlarga zararkunandalar tushsa, unga "muqaddas" joylardan tuproq keltirib g'ozaga sochganlar. O'simlik yoki daraxt shoxlariga tumor osib qo'yanlar. Ba'zi joylarda g'alla qorakuya bilan zararlansa, Bobodehqonga atab is chiqarishgan. Ba'zilar o'z tomorqalaridagi ekinlar o'rtasiga "ko'z tegmasin" deb molning bosh suyagini qorakuya bilan chizib tayoq uchiga osib qo'yanlar.

1906-yilda nashr etilgan "Ajoyibul mahluqot va g'aroyibul masnuot" kitobida jami o'simliklar 760 turi insonlarga, qolganlari jinlarning bazm qurishi uchun yaratilgan[1,381] deb yozilgan.

Xalq an'analarida gul azaldan sevilib, e'zozlab kelingan. Mehnat ahlining gul o'stirishi, uni parvarish qilishi, hurmat va ehtirom ramzi sifatida bir-biriga gul taqdim etish odatlari qadimdan ma'lum. Taniqli etnograf N.P.Ostroumov "Sartlar" nomli asarida: "Men oddiy insonlarning, aravakash yoki meshkobning ham qulog'iga gul taqishi, do'ppisi tagiga qistirishi uchun gul axtarishini ko'rib hayratda qoldim"[3], deb yozgan edi. Gul bayrami O'rta Osiyo xalqlarining qadimiy an'analaridan hisoblanadi. Bu xalqimizning tabiat go'zalliklaridan zavq olishidan, o'ta nozik nafasatligidan dalolat beradi. Mamlakatimizning ko'pgina mintaqalarida, masalan Samarqand va Buxoroda "Guli surx" deb atalgan bayram marosimlari o'tkazilgan. Go'zallik, shod-u xurramlikdan iborat bu xalq sayili bizning davrimizda yangicha mazmun kasb etdi. Ommaviy tarzda o'tkazilayotgan gul bayramlari kishiga estetik zavq, ma'naviy oziq beradi.

Donishmandlar fikricha, gul ushlagan odamdan yomonlik chiqmaydi. Gul yaxshilik, himmat belgisi. Turmush tarzimizni gulsiz tasavvur etish mumkin emas. Sevishganlar bir-biriga gul hadya etishadi. Odamlar bir-biriga bo'lgan sog'inchini gul bilan izhor qiladi. Gul to'y-tantalarni bezaydi.

Zarabog' qishlog'i aholisi "lola sayili" (sayili guli-so'rx) yoki "qizil gul sayili" o'tkazishgan. Qishloq axborotchilarining bergan ma'lumotlariga qaraganda, qishloq

xo'jalari asli Imom Husan (Alining o'g'illaridan biri) avlodlaridan bo'lib, o'zlarini "xo'jagani guli surx" deb atashgan. Ularning ajdodlari shu yerga ko'milgan avliyoning mozorida shayx bo'lishgan, sayilning asli tashkilotchilari ham shular bo'lishgan[4]. "Qizil gul sayili" ham ayni Navro'z kunlari o'tkazilib, Navro'z marosimiga o'xshab ketgan. Bu bayram uch kun sayil qilingan, bayram o'yin-kulgilari asosan qishloq masjidi oldida bo'lib, bayram sharafiga u yerda tug' ko'tarilgan. Bu sayil o'tgandan keyin Zarabog' qishlog'i atrofidagi qishloqlar aholisi uch oy mobaynida avliyoning mozoriga ziyoratga kelishgan[5].

"Gul sayli" va "lola sayli" ham aslida o'z mazmuni va mohiyatiga ko'ra, odamlarning dam olish, ko'ngil ochish, hordiq chiqarishiga mo'ljallangan marosimdir.

Yana bir ajoyib o'simlik xinadir. Odamlar, xususan ayollar, nafasat, bezak sifatida bayramlarda, sayillarda qo'llariga xina qo'yanlar. Uning shifobaxsh fazilatlarini xalq tabibchiligiga o'tmishdan ma'lum. Bu to'g'rida hikmatli rivoyat bor: kunlardan bir kuni ko'zi og'riq bemor davo istab Luqmoni Hakim oldiga kelibdi. Tabib unga oyog'ingga xina qo'y deb maslahat beribdi. Bemor: "Mening oyog'im og'rigani yo'q, ko'zim og'riq", debdi. Shunda Luqmoni hakim: "To'g'ri, bilaman, sening ko'zing og'riq, bizning ilm-u fanimizga binoan, ko'zning bir tomiri oyoq ostida joylashgan, sening o'sha asabing shamollagan", deb ta'kidlabdi[6].

Hozirgi zamon tibbiyoti ko'pgina kasalliklar - ko'z, quloq, o'pka, jigar, o'tpufakning og'rishi oyoq shamollashi bilan aloqador ekanligini ilmiy jihatdan isbotlagan. Xinani ham nafasat, ham tabobat sifatida ekish tabiatga aql ko'zi bilan yondashishning muhim shartidir.

Kuzatish va tekshirishlar shuni dalillaydiki, kishilar hamma o'simliklarni emas, ko'pincha ajoyib, g'aroyib o'simliklarni ilohiy lashtirganlar. Shundaylardan biri - sunbula yoki zuhrasochdir. Hisor tog'i etagida Sunbula degan joy bor. U yerda ajoyib sunbulalar o'sadi.

Ko'p asrlar davomida qishloq joylarda, xususan, tog' aholisi orasida ba'zi o'simliklar

fetish funksiyasini o'tagan, chunonchi tudona, sedana, tasbeh, hassa-musa, qalampirmunchoq, ko'ztikan, ko'ktikan, hamishabahor kabilar. Kishilar odamlarga, hayvonlarga, daraxt va poliz ekinlariga, uylariga "ko'z" tegadi deb yuqoridagi o'simliklardan shaxsiy avtomobillariga ham osib qo'yadilar. Ayrim joylarda ko'zga qarshi ko'ztikandan foydalaniladi Ba'zan badanga "ko'z qo'tir" chiqqanda, unga qarshi ko'ztikan poyasini yondirib, kulini bosishadi[7;223].

Hamisha bahor yoki tilak o'ti haqida ham turli afsonalar bo'lgan. Kimki bu o'tni uyiga osib qo'ysa baxt topadi. Buning siri shundaki, u osib qo'yilsa va suv sepib turilsa ikki yilgacha so'limaydi. Ilohiylashtirilgan o'simliklardan yana biri hassa-musadir. Rivoyatlarga ko'ra, Muso payg'ambar tayog'ini (hassasini) yerga qadaganda, o'sha yerdan shu o'simlik unib chiqqan. Kimning hassa-musadan tayog'i bo'lsa, unga ins-u jinslar yaqinlashmaydi.

Fitonsidli o'simliklarga glyukozoidlar — piyoz, sarimsoq, achchiq qalampir kabilar kiradi. Ajdodlarimiz glyukozoidlarning inson salomatligi uchun foydali ekanligini qadimdan bilganlar. Piyoz, sarimsoq, achchiq qalampirni ziyon-zahmatlardan asrovchi vosita deb bilishgan.

Sarimsoq Misr ehromlaridagi mumiyolangan sarkofag - tobutlardan topilgan. Qadimgi rimliklarda sarimsoq jangchilarning taomlaridan biri sifatida majburiy iste'mol qilingan. Ularning fikricha, sarimsoq hidi jangchilarning jangovarlik ruhini oshirgan. Chaqaloqni yomon ruhlardan asrash maqsadida, unga Sarimsoq deb ism qo'yishgan. Aslida ham bu giyohning fazilati ko'p. Uning tarkibida yuqumli mikroblarni qiradigan fitonsid moddalar bor. Xalq tibbiyotida uni sarimsoq-tanim sog', ming dardga da'vo deb hisoblanadi. Surxon vohasida ayrim dehqonlar sarimsoq va qalampir kabi o'simliklarni o'z hovlilariga ekmaganlar, "irim" qilganlar.

Zaharli o'simliklarga gazanda, chayon o't, xiyol kabi giyohlar kiradi. Jumladan, gazanda O'rta Osiyoning tog'li zonalarida tarqalgan. Bu to'g'rida ham turli rivoyatlar to'qilgan: agar kimki unga ixlos va e'tiqod qo'yib

ushlasa, u o'zidan zahar sochmaydi, aks holda o'zidan kuchli zahar chiqarib, ushlagan kishini chaqadi.

Isiriq, do'lana, murch, pista, chilonjiyda (unobi) kabi shifobaxsh o'simliklar ham muqaddas hisoblagan. Masalan, isiriq O'rta Osiyoda keng tarqalgan ko'p yillik o'simlik (buni ba'zi joylarda ispand, hazarispand) bo'lib, etnograflarning aniqlashicha, zoroastrizm davridan buyon ma'lum. U qadimgi eronliklarning spenta so'zidan olingan bo'lib, ilohiy, muqaddas degan ma'noni bildirgan. Isiriq qadimdan buyon xalq tabibchiligida profilaktika maqsadlarida foydalanilgan. Uning tutuni mikroba va bakteriyalarni yo'qotadi. Isiriq shifobaxsh o'simlik sifatida revmatizm, radikulit, gripp, shol, bezgak kabi kasalliklarni davolashda ishlatiladi. Isiriqni yomon ko'zlardan, yomon ruhlardan asrovchi kuch deb ham bilishgan[8;242]. Undan har bir xonadon shifobaxsh sifatida keng foydalanadi.

Chilonjiyda 100 yilgacha umr ko'radi, bo'yi 8-12 metr, vitaminlarga boy shifobaxsh daraxt. Jilonjiyda asrlar davomida odamlarni o'zining shifobaxsh xususiyati bilan maftun etib kelgan. Uning mevasi va ildizidan qon bosimini pasaytirish, jigar, buyrak, ichak kasalliklarini davolashda keng foydalanilgan.

Pista ham shifobaxsh o'simlik. Uning vatani O'rta Osiyodir. U faqat tog' zonalarida o'sadi. Lekin keyingi yillarda uning maydoni keskin kamayib ketdi. Undagi tanin moddasi ekzema, oshqozon-ichak, tomoq-burun kasalliklariga davo. Uning shu dori-darmonlik tabiati uni ilohiylashtirilishiga sabab bo'lgan. Kimki pista mevasidan yesa aqlli, dono bo'ladi degan rivoyatlar bo'lgan. So'nggi vaqtlarda pista maydonlarini kengaytirishga katta e'tibor berilmoqda. Ma'lumki, pista daraxti 100, 200 yilda yetiladi. Bobotog'dagi pistalarning o'rtacha yoshi 80 dan oshgan.

Xalq tabobatida kasalliklarni do'lana bilan davolashgan. Zamonaviy tibbiyotda ham kamqonlik, dizenteriya kabi kasalliklarni davolashda undan foydalanadi. Do'lana faqat tog'da o'sadi. Do'lanalar qizil va sariq rangda bo'ladi. Toshkent vohasidagi Pskom daryosi bo'yida do'lanazor bo'lib, u yerda Qiztosh degan "muqaddas" joy bor. Bu yerdagi

do'lanalarning muqaddas hisoblangan.

Arg'uvongul ham tog'larda o'sadi. Uning moyidan oshqozon va asab kasalliklarini davolashda foydalaniladi. Arg'uvongulning qizil rangda bo'lishi bu gul jangda halok bo'lgan musulmonlarning qonidan ko'karib chiqqan degan qarashlar bo'lgan.

Bir qancha urf-odatlar efir moyli o'simliklar - yong'oq, chinor, anjir, jiyda kabi daraxtlar bilan bog'liq. Bu daraxtlarning tagida uzoq vaqt turib qolinsa, bosh og'riydi, kishi o'zini nohush his etadi, ba'zan esa og'zi qiyshayib qolishi ham mumkin deb bilishgan.

O'zining hidi, bahaybatligi, mevasining ajoyib sifati bilan ajralib turadigani daraxtlardan biri yong'oqdir. Yong'oqni I.V.Michurin "kelajakning noni" deb atagan edi. Yong'oq o'zining ozuqaliligi jihatidan nondan uch marta, sutdan o'n marta, olmadan o'ttiz marta ustun turadi. Xalq orasida "yong'oq - luqmon daraxti" degan hikmatli gap bor. Xalq tabobatida yong'oq mevasi va bargidan dori sifatida foydalanilgan. U tog' hududlarida tuproq eroziyasiga qarshi eng qulay to'siq bo'lib, mikroiklimni ham yaxshilaydi, mikroblarni qiradi. Uni "havo fabrikasi" deb bejiz atamaganlar.

O'rta Osiyo tabiiy sharoiti uchun xarakterli buyuk, umri boqiy daraxt - chinordir. Pir-u badavlat odamlarni odatda chinorga qiyos qilishadi. Chinor ikki ming yilgacha umr ko'radi. O'rta Osiyoda shunday chinorlar borki, ular arablar bosqinidan oldin ham mavjud edi. Bundaylarini "Chinor bobo" deb atashganlar[9]. Umuman, chinorlar haqidagi ko'pgina urf-odatlar va qarashlar bo'lgan. Ayrim joylarda muqaddas chinorlar bor. Masalan, Shohimardondagi chinorlarni turkmanlar muqaddas hisoblashganlar[10;36].

Muqaddas deb kelingan o'simliklardan yana biri - anjirdir. Bu esa uning tagida uxlab qolgan kishiga yomon ta'sir etadi.

Surxon vohasi aholisi taomlarida ko'p ishlatiladigan o'simliklardan biri murch hisoblangan. Termizda yakka-yu yagona murch daraxti bor. U qadimdan muqaddas hisoblangan. Bugungi kunda bu yerda masjid mavjud.

Mahalliy aholi shu masjidga asos solgan, kelib chiqishi asli Samarqandlik bo'lib XIX

asrda yashab ijod qilgan Sayyid Abdulvali Samarqandiy Al-Mulakkabni (taxallusi) murch bobo deb atashgan.

Sayyid Abdulvali umrining oxirida haj amalini ado etish niyatida haj ibodatiga safarga chiqadi va Termiz orqali boradi va Balx shahri orqali hajdan qaytayotib murch olib Termizga keladi. O'sha davrda Termiz atrofi to'qayzor bo'lgan va "Pattakesar" deyilgan. Shu joyda qaroqchilar u kishini belida tugilgan murch giyohini boyluk deb, ya'ni savdogar deb shayx bilan birgalikda bir nevaralarini ham shahid qilishadi. Yillar o'tib XIX asr oxirlarida Termizda yashab o'tgan katta boylardan biri Imom Aliboy qo'ylarini boqish uchun qo'ton qurdirish jarayonida shayxning qabri ochilib qoladi, buni ko'rgan chuponlardan biri qo'rqib ketib boy otaga shu yerda bir odam yotganini aytadi. Boy ota shayxning shahidlik jasadini ko'rib, falaj kasaliga muhtalo bo'lib qoladi. Kasalni davolash uchun bir qancha muolaja oladi. Biroq bu kasaldan turib ketish og'ir kechadi. Oxir ul Imom Aliboy o'z hisobidan ustalarni chorlab shayx qabri ustida maqbara qurdiradi. (Keyinchalik shayx qabrlari ustidan Murch daraxti o'sib chiqqan va bu daraxt hozirda ham bor). Keyin shayx hazratlarini tushida ko'radi. Shayx hazratlarini o'zining kim ekanligini boyga aytib beradilar. Shu voqealardan keyin Imom Aliboy ko'p o'tmay olamdan o'tadi.

Tarix manbalarga asoslanib, mazkur ziyoratgoh va masjidga "Murch-bobo" deb nom berilgan.

"Murch bobo" jome masjidi 1998-yil 31-iyul kuni Surxondaryo viloyati Adliya boshqarmasidan qayta ro'yxatdan o'tib, yuridik shaxs maqomiga ega bo'lib, hozirda faoliyat yuritib kelmoqda.

Archa O'rta Osiyo tog'larining ko'rki, chiroyi. Hozir ham ikki ming yildan buyon yashayotgan archalar bor. Bu archalar Aleksandr Makedonskiy yurishidan oldin ham mavjud bo'lgan. Tarixchi olim A.Asqarovning tekshirishlariga ko'ra, archa bronza davrida ham muqaddas daraxt hisoblangan[11;142]. O'sha davr odamlarining oilaviy-turmush buyumlarida archa rasmi tasvirlangan. Bu — abadiy hayot, boqiy umr, doimiy farovonlik ramzi sifatida talqin qilingan. Archa tutuni

bilan yomon ruhlarni haydash odatlari bo'lgan[12;261]. Shuni qayd qilish lozimki, ba'zi bir archalar o'zining bahaybatligi, qadimiyligi bilan boshqa archalardan farq qiladi, ilgari odamlar xuddi shu archalarni muqaddaslashtirganlar. Masalan, Boysun tog'larida "Cho'pon archa" bor. Chorva mollari kasallansa, cho'ponlar ularni shu muqaddas archa atrofidan aylantiradilar, tayoqlarini tashlaydilar.

Ko'pgina o'simliklar muqaddas joylar bilan bog'langan. Tut, qayrag'och, gujum, tol, terak kabi daraxtlar shular jumlasiga kiradi. Chunonchi, terak o'zining go'zalligi, tekis va to'g'ri o'suvchanligi, bargining kechasi yoqimli, musiqiy tovush chiqarib turishi bilan odamlar diqqatini o'ziga jalb etgan. Sherobodagi "Sulaymon ota" mozorotida 140 yoshga kirgan "Tut ota" bor. Ziyoratchilar unga har chorshanba kunlari kelishgan. Tutga lattalar, alamlar bog'lashgan. O'rta Osiyoning boshqa mintaqalarida ham ushbu o'simliklar muqaddas hisoblangan. Masalan, Qirg'izistondagi "Oq terak", "Uch terak",

Farg'onadagi "Terak mozor", Turkistondagi "Bugazterak" shular jumlasiga kiradi[13;18]. Ko'pgina avliyolarning mozorlarida katta-katta tut daraxtlari bor. Xorazmda "Chilla tut", Tojikistonda "Tuti kalon" bor, xuddi shunday tutlar Qirg'izistonda ham uchraydi.

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Xulosa qilib aytganda, ushbu tadqiqot Surxon vohasi va O'rta Osiyo mintaqasi xalqlarining qadimiy diniy tasavvurlarida o'simliklarning naqadar muhim o'rin tutganligini yaqqol ko'rsatib beradi. Tabiatni timsollashtirishning ilk ko'rinishlari sifatida o'simliklar ibtidoiy odamning dunyoqarashini shakllantirishda, uning atrofidagi olam bilan munosabatlarini belgilashda markaziy rol o'ynagan. "Ko'z qo'rqitar" kabi arxaik odatlardan tortib, gul bayramlarining nafis marosimlarigacha bo'lgan turli xil e'tiqod va amaliyotlar o'simliklarga nafaqat hayotiy zarurat manbai, balki sirli kuch, himoya vositasi va ma'naviy qadriyat sifatida qaralganligini tasdiqlaydi.

ADABIYOT VA MANBALAR RO'YXATI (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Мирхасилов С. К изучению реликтов доисламских верований у узбеков в дореволюционном прошлом. — В кн.: Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. Ташкент, 1972. С. 28; Токарев С. А. Ранние формы религии... М., 1964. С. 380-381.
2. Фрезер Дж. Золотая ветвь (перевод с английского). Вып. I. М.— Л., 1931, С. 135—137.
3. Остроумов Н.П. Сарты. Ташкент, 1890, С. 36.
4. Дала ёзувлари, 2023 йил. Шеробод тумани, Зарабоғ қишлоғи.
5. Хамраев А.Х. Праздник «Красной розы» // ИАН УзССР СОН. —1958. -№6. -С.3-30.
6. Дала ёзувлари, 2023 йил. Шўрчи тумани, Далварзин қишлоғи.
7. Набиев М. ва б. Қизиклари ботаника. Тошкент, 1975. 223-бет.
8. Гафферберг Э.Г. Пережитки религиозных представлений у белуджей, В кн.: Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М., 1975. С. 242.
9. Басилов В. Н. Культ святых в исламе. М., 1970, с. 126—127.
10. Наука и религия, 1982, № 5. С. 36.
11. Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977. С. 142.
12. Кадыров А. Современный ислам... (докт.дисс.). М., 1969. С. 254; Петр аш Ю. Г. Материалы о пережитках доисламских культов... С. 261.
13. Петраш Ю. Г. Священный обман. Ташкент. 1965. С. 18.

SURXON VOHASI AHOLISI TURAR-JOYLARINING TRANSFORMATSIYASI: AN'ANA VA YANGILIKLAR

Toshtemirov Shaxboz Azamat o'g'li

Termiz davlat universiteti Etnografiya, etnologiya va antropologiya

mutaxassisligi tayanch doktoranti

toshtemerovshahboz45@gmail.com

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0008-4203-6440>

Annotatsiya: Maqolada XX asr davomida Surxon vohasi aholisining turar joylarida ro'y bergan transformatsiya jarayonlari tahlil etiladi. Ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar, etnomadaniy ta'sirlar va demografik jarayonlar mintaqa aholisining an'anaviy turar joylaridan zamonaviy uy-joylarga o'tishidagi roli ko'rsatib beriladi. Yarim ko'chmanchi aholining o'troqlashuvi, shahar va qishloqlarning rivojlanishi, shuningdek, sovet davridagi modernizatsiya siyosati turar joylarning tuzilishi, jihozlanishi va bezatilishiga sezilarli ta'sir ko'rsatganligi ochib beriladi. Qadimiy o'troq aholi va yarim ko'chmanchi o'zbek qavmlarining integratsiyalashuvi, migratsiya jarayonlari va Yevropa madaniyatining kirib kelishi turar joylardagi an'anaviy elementlarning asta-sekin yo'qolib, zamonaviy tendensiyalarning shakllanishiga olib kelganligi tadqiqot etiladi. Maqola Surxon vohasi aholisi turar joylaridagi an'ana va yangiliklarning o'zaro ta'sirini ko'rsatib berishga qaratilgan.

Kalit so'zlar: Surxon vohasi, turar joylar, transformatsiya, an'analar, yangiliklar, XX asr, o'troqlashuv, modernizatsiya, integratsiya, etnomadaniy ta'sir, jihozlanish, bezatilish.

Аннотация: В статье анализируются трансформационные процессы, происходившие в жилых массивах Сурханского оазиса в течение XX века. Показана роль социально-экономических изменений, этнокультурных влияний и демографических процессов в переходе населения региона от традиционных жилищ к современному жилью. Выявлено, что расселение полукочевого населения, развитие городов и сел, а также политика модернизации советского времени оказали существенное влияние на структуру,

оборудование и убранство жилищ. Изучено, как интеграция древнего оседлого населения и полукочевых узбекских народов, миграционные процессы, внедрение европейской культуры привели к постепенному исчезновению традиционных элементов в поселениях и формированию современных тенденций. Цель статьи – показать взаимодействие традиций и новшеств в поселениях жителей Сурханского оазиса.

Ключевые слова: Сурханский оазис, поселения, трансформация, традиции, нововведения, XX век, поселение, модернизация, интеграция, этнокультурное влияние, оборудование, декор.

Abstract: The article analyzes the transformation processes that occurred in the dwellings of the Surkhan oasis population during the 20th century. The role of socio-economic changes, ethnocultural influences, and demographic processes in the transition of the region's population from traditional dwellings to modern housing is shown. It is revealed that the settlement of the semi-nomadic population, the development of cities and villages, as well as the modernization policy of the Soviet era had a significant impact on the structure, equipment, and decoration of dwellings. It is studied that the integration of the ancient settled population and the semi-nomadic Uzbek peoples, migration processes, and the introduction of European culture led to the gradual disappearance of traditional elements in dwellings and the formation of modern trends. The article aims to show the interaction of traditions and innovations in the dwellings of the Surkhan oasis population.

Keywords: Surkhan oasis, settlements,

transformation, traditions, innovations, 20th century, settlement, modernization, integration, ethnocultural influence, equipment, decoration.

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Mintaqa aholisining XX asr boshlaridagi turar joylarining taraqqiyoti ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar hamda etnomadaniy jarayonlar bilan bog'liq edi. Aholi an'anaviy turar joylarining o'ziga xos transformatsiyalashuviga aynan shu ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar sabab bo'ldi. Yarim ko'chmanchi xalqlar turmush tarzining o'zgarishi natijasida ularning an'anaviy xo'jalik faoliyati ham o'zgardi. O'tovlar esa XX asrning 30-yillarigacha hududning asosiy uy-joyi bo'lib qoldi[1].

MUHOKAMA (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Qadimdan o'troq bo'lgan mahalliy aholi shahar va shahar atrofidagi qishloqlarda, tog'li hududlarda ikki qatorli sinchli uylar qurgan. Bu uylarning devorlari bo'ylab to'g'ri burchakli yoki peshtoq shaklidagi bir qator tokchalar o'rnatilib, ularga turli xil uy-ro'zg'or buyumlari, idish-tovoqlar va ko'rpa-to'shaklar joylashtirilgan. O'ziga to'q xonadonlarning uylari nihoyatda nafis naqshlar bilan bezatilib, ganchli tokchalar qimmatbaho buyumlar bilan to'ldirilgan. Dastlab bunday uylarning ichki devorlari ganch bilan suvalib, rangli o'yma gullar yasalgan, shuningdek, eshik, darvoza va ayvon ustunlari ham o'yma naqshlar bilan bezatilgan. O'sha vaqtda bunday xonadonlarni Boysun, Denov tumanlarida, Sherobod shahri va uning atrofidagi qishloqlarda uchratish mumkin edi.

Uy ichi bezaklari xonalarga alohida ko'rk berishga qaratilgan. Xonalar devorlari bo'ylab yostiqlar terib qo'yilgan, xonaning markaziga esa nafis bezatilgan dasturxon yozilgan bo'lib, taomlanish vaqtida uning ustiga sochiq to'shalgan. Agar mehmon tashrif buyursa, tokchadan yangi va chiroyli ko'rpachalar olib kelib joylangan. Ko'rpachalar eshikning qarshisidagi yuqori tokchada tartibli ravishda taxlab qo'yilgan. Ba'zi boy xonadonlarda tokchalar va javonlar nozik o'ymakorlik va rangli ornamentlar bilan ziynatlangan.

Mazkur davrda har bir boy xonadonning tashqi qismida mehmonxona joy olgan. Oddiy xonadonlar ham o'z uyining bir xonasini maxsus mehmonlar uchun ajratib, uni mos ravishda jihozlab qo'ygan. Bu xona imkon qadar qulayliklar bilan ta'minlangan[2]. Mehmonxona uchun alohida xona ajratishga qurbi yetmagan xonadonlar mahalliy to'qimalardan tikilgan 3-4 ta ko'rpacha va yostiqlarni xonalaridan birining burchagiga taxlab, ustiga yopinchiq tashlab qo'yishgan; bu ko'rpacha va yostiqlar faqat mehmonlar tashrif buyurganda ishlatilgan. Shuningdek, oddiy xonadonlar tokcha va javon yasay olmagan, chunki yog'ochning bahosi baland bo'lgan. Masalan, Termiz shahrida 1 kub metr yog'och 100 rublga sotilgan[3].

O'zbek xalqining azaliy qadriyatlaridan biri bo'lgan mehmondo'stlik uyga kelgan har bir insonni katta hurmat bilan kutib olishni o'z ichiga oladi. Shuning uchun ham ko'p mehmon tashrif buyuradigan xonadonlar jamiyatda alohida e'tirofga sazovor bo'lib, ular "Eshikli uy", "keldi-ketdisi ko'p", "mehmondo'st", "mehmonnavoz", "dasturxonni ochiq uy" kabi mehri va samimiy iboralar bilan ta'riflanadi. Bu nafaqat uy egalari uchun saxovatpeshaligini, balki ularning jamiyatdagi o'rnini ham belgilab beradi.

Ushbu ilmiy tadqiqot doirasida shahar va uning atrofidagi qishloqlarda, qadimdan o'troq hayot kechirgan tog'li hududlar aholisi hamda o'zbek xalqining etnik tarkibida muhim o'rin tutgan yarim o'troq qavmlar (qo'ng'iroq, mang'it, barlos)ning uy-joylarining ichki va tashqi ko'rinishi, ularning jihozlanishi va bezatilishi bo'yicha yig'ilgan etnografik ma'lumotlar qiyosiy aspektda o'rganilib, madaniy-tarixiy kontekstda ilmiy tahlil qilindi.

XX asrning o'rtalariga kelib, sovet hokimiyatining iqtisodiy siyosati natijasida jamoa (kolxoz) va davlat (sovxoz) xo'jaliklarining markaziy qo'rg'onlari va ularga yaqin joylashgan qishloqlarda kommunal qulayliklar, xususan, elektr energiyasi va suv ta'minoti tizimlarining joriy etilishi aholi turmush tarzida sezilarli o'zgarishlarga olib keldi. Bu davrda qishloq ziyolilari – o'qituvchilar, shifokorlar, muhandislar, agronomlar va xo'jalik

rahbarlarining xonadonlarida Yevropa madaniyatining ta'siri sezila boshladi va ularning uylarida an'anaviy o'zbek mebellari bilan bir qatorda temir karavotlar, kitob javonlari, stol-stullar, kiyim uchun shkaflar kabi yangi turdagi mebellar paydo bo'ldi, bu esa mahalliy aholining turmush tarzida yangi tendensiyalarning shakllanayotganligidan dalolat berardi.

Etnologik tahlillar Surxon vohasidagi shahar va uning atrofidagi qishloqlar, tog'li hududlarda qadimdan o'troq bo'lgan mahalliy aholining uy-joylarining jihozi va bezaklari bilan, keyinchalik o'tgan asrning 30-yillaridan boshlab uy-joylarga ko'chib o'tgan va yarim ko'chmanchilikdan o'troqlashishni boshlagan dasht qishloqlari aholisining uy-joylarining jihozi va bezaklari o'rtasida o'sha davrda sezilarli farq bo'lganligini ko'rsatadi. Bu farq birdan yo'qolmagan va ma'lum vaqt davom etgan. Mazkur farqning asta-sekin yo'qolishiga turli omillar, jumladan, uy-joylarining tuzilishidagi o'zgarishlar sabab bo'lgan. Ma'lumki, yarim ko'chmanchi dasht qishloqlari aholisi o'troq hayotga o'tishidan avval ularning asosiy turar joyi o'tov edi. O'tov bir xonadan iborat bo'lib, uning har bir tomoni turli maqsadlarga xizmat qilgan, bu esa o'tov-uyning jihozi va bezagida muhim rol o'ynagan. Masalan, yuqorida aytib o'tilganidek, o'tovning to'ri kattalar, uy egasi va mehmonlar uchun ajratilgan. O'tovga kirishda chap tomon erkaklar, o'ng tomon ayollar uchun mo'ljallangan bo'lib, o'tovning chap qismida erkaklarning, o'ng qismida esa ayollarning anjomlari joylashgan. Shuning uchun ham uy jihozlarining joylashuvi va o'tovning bezagida ma'lum bir tartib mavjud bo'lgan. Misol uchun, o'tovning to'rida sandiq, uning ustida turli yuklar, o'rtasida o'choq, kirish qismida o'ng tomonda uy-ro'zg'or buyumlari va boshqalar joylashgan. Uyning bezagi uchun ishlatilgan osma bezaklar, quroqlar va kashtalar o'tovning yog'och devorlariga osib qo'yilgan.

Yarim ko'chmanchi aholi uyga ko'chib o'tgach, avval xurjun tomli uylar, keyin esa 3-5 xonali uylar, ota-ona, bola, qariya xonalari va mehmonxonalarining paydo bo'lishi turar joylarning jihozlanishi va bezatilishiga ta'sir

ko'rsatdi.

Qadimdan o'troq bo'lgan aholi bilan keyinroq o'troqlashgan aholining yaqinlashuvi ham ularning uy-joylarini jihozlash va bezashga ta'sir qildi. Masalan, o'troq hayotga endi o'tayotgan aholi uylarida ham tokchatahmonlarning paydo bo'lishi natijasida, uy-joylarni bezashda o'tov ichidagi bezak vazifasini bajargan rangli gulli osma bezaklar, quroqlar va kashtalardan voz kechildi, chunki uy-joylarda ularni osish uchun keragalar yo'q edi.

O'tgan asrning 30-60-yillarida mamlakatning barcha hududlarida bo'lganidek, o'rganilayotgan mintaqadagi iqtisodiy, siyosiy-ijtimoiy jarayonlar qadimiy o'troq aholi bilan keyinchalik o'troqlashgan aholi (mang'it, qo'ng'iroq, qarluq, saroy, juz kabi o'zbek urug'lari)ning moddiy madaniyati, jumladan, uy-joylarining jihozlanishi va bezatilishidagi xususiyatlarning (ayrim mahalliy ko'rinishlarni hisobga olmaganda) umumiy tus olishiga va yo'qolib borishiga sabab bo'ldi. Ayniqsa, migratsiya jarayonlari – tog'li qishloqlar aholisining yangi o'zlashtirilgan hududlarga ko'chirilishi muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Masalan, 50-60-yillarda Boysun tumanining tog'li qishloqlari (Rabot, Pulhokim, Parixona, Panjob, Darband) aholisining yangi o'zlashtirilgan Surxon-Sherobod cho'llaridagi "Yangiobod" sovxoziga, keyinroq Qarshi tumanining Mo'llaquvvat, Dehqonobod tumanining Avjin, 1-may, Boysun tumanining Machay qishloqlarining "Komsomolobod" sovxoziga ko'chirilishi, shuningdek, Qarshi cho'llarining o'zlashtirilishi tufayli ko'plab tog'li qishloqlar (Shahrisabz, G'uzor, Dehqonobod tumanlaridan) aholisining cho'lda tashkil etilgan yangi xo'jaliklarga ko'chirilishini ta'kidlash lozim.

Tog'li qishloqlar aholisi bilan o'troqlashgan dasht qishloqlari aholisining bir joyda yashashi, albatta, ularning uy-joylarining jihozlanishi va bezatilishida aks etdi. Shuningdek, yangi o'zlashtirilgan hududlarga Sobiq Ittifoqning turli hududlaridan turli millat vakillari va kasb egalarining kelishi ham o'rganilayotgan hudud aholisining moddiy madaniyatiga, xususan, uy-joylariga, ularning

jihozlanishi va bezatilishiga ta'sir ko'rsatdi. Bu esa, o'z navbatida, hududga Yevropa madaniyatining kirib kelishini kuchaytirdi, ya'ni g'arblashuvning yangi ko'rinishlari boshlandi. Aslida, Yevropa madaniyatining kirib kelishi ancha oldinroq, Rossiya imperiyasi davrida Turkiston orqali o'z ta'sirini o'tkazgan edi.

Sovet hokimiyatining kelishi bilan bu o'lkada rus va Yevropa madaniyatining keng tarqalishiga yo'l ochildi, "ruslashtirish" siyosati boshlandi. Bu, ayniqsa, ma'naviy madaniyatda (ziyolilarning qatag'on qilinishi) yaqqol ko'rinsa-da, moddiy madaniyatimizda, xususan, uy-joylar qurilishi va shaharsozlikda ma'muriy idoralar topshirig'i bilan amalga oshirildi. Mamlakatimizdagi urbanizatsiya jarayonlarini o'rgangan Gissen Geografiya universiteti professori Ernst Gize o'zining "Sovet O'rta Osiyosidagi musulmon shaharlarining sotsialistik shaharlarga aylanishi transformatsiyasi" nomli ishida ellin davri madaniyati, arablar kelishi, mo'g'ullar bosqini davridagi shaharlar holatini yoritib, Rossiya imperiyasining ma'muriy boshqaruvi O'rta Osiyo shaharlariga katta ta'sir ko'rsatmaganligini aytadi. Ammo, uning fikricha, 1917-yilgi Oktyabr to'ntarishi shaharsozlikning oldingi rivojlanish yo'nalishini keskin o'zgartirdi. Qisqa vaqt ichida qadimiy shaharsozlik madaniyati butunlay yo'q qilindi yoki yangi madaniyat bilan almashtirildi[4].

Professor Ernst Gizening fikrlariga to'liq qo'shilib bo'lmaydi. Sovetlar boshqaruvi davrida mamlakatda shaharlarning rivojlanishi va yangilarining barpo etilishi ko'proq xalq xo'jaligini sanoatlashtirish va yangi yerlarni o'zlashtirish bilan bog'liq bo'lib, bu jarayon respublikaning barcha viloyatlarida, shu jumladan Janubiy O'zbekistonning Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarida ham keng miqyosda sodir bo'ldi. Rasmiy ma'lumotlarga qaraganda, 1939-yilda mamlakatimizda 25 ta shahar va 22 ta shahar tipidagi posyolka, 1959-yilda esa 33 ta shahar va 68 ta shahar tipidagi posyolka mavjud bo'lgan. 1963-yil 1-yanvar holatiga ko'ra, shaharlar soni 36 taga, shahar tipidagi posyolkalar soni esa 77 taga yetgan[5].

Aynan shu davrda qadimiy o'troq aholi yarim ko'chmanchi o'zbek qabilalari bilan birlashib, xalq bo'ldi, o'tovlardan uyga, uydan esa bugungi zamonaviy uylarga ko'chdi.

Sovetlar hukmronligi yillarida Amudaryo bo'yidagi XX asr boshlarida Rossiya imperiyasining harbiy istehkomi bo'lgan "Pattakesar" qishlog'i o'rnida Surxondaryo viloyatining bosh shahri Termiz bunyod etildi. Bugungi kunda Termiz nafaqat zamonaviy shahar, balki O'zbekistonning janubiy darvozasi ham hisoblanadi. Yuqoridagi dalillar va tahlillar shuni ko'rsatadiki, Sovetlar davrida mamlakatimizda, xususan mintaqada aholi uy-joylarining zamonaviy qurilishiga katta e'tibor berildi.

XX asrning 60-70-yillarida hududning keng miqyosda o'zlashtirilishi mintaqada sanoat korxonalarini sonining oshishiga va qishloq xo'jaligining rivojlanishiga olib keldi. Bu esa, o'z navbatida, xalq farovonligining yuksalishiga xizmat qildi. Natijada, xonadonlarning jihozlanishi va bezatilishida ham zamonaviylashuv, yangilanish – modernizatsiya jarayoni ro'y berdi. Misol uchun, ota-onalar xonasida divan-karavotlar, oppoq choyshablar, par yostiqlar paydo bo'lib, pollarga xonaning kattaligiga mos zamonaviy gilamlar to'shaladigan bo'ldi. Bolalar xonalarida har bir bola uchun alohida bolalar karavotlari, tumba va komodlar o'rnatildi. Ish xonalarida stol, stul, stol lampasi va kitob-daftarlar uchun javonlar qo'yildi. Mehmonxonalar esa bu vaqtga kelib ham milliy, ham Yevropa uslubida jihozlanadigan va bezatiladigan bo'ldi. Mehmonxonalarning bir burchagida bezatilgan stol va uning atrofida 6-8 kishiga mo'ljallangan stullar, xonaning qarama-qarshi tomonida esa o'rtada xontaxta va uning atrofida to'rt tomonda baxmal ko'rpachalar, milliy yostiqlar terib qo'yildi. Xonadonlarda radio qabul qilgichlar, televizorlar, gaz plitalari, zamonaviy oshxona mebellari va idish-tovoqlari paydo bo'ldi.

Inson birinchi navbatda, o'zi yashab turgan joy muhitini o'z didiga moslashtirishga harakat qiladi. Chunki u umrining ko'p vaqtini shu yerda o'tkazadi. Qulay chiroyli muhit kishiga ilxom bag'ishlaydi, uni go'zal hayot kechirishga, go'zallik yaratishga da'vat etadi.

Ota-bobolarimiz har qanday sharoitda o'zlari yashaydigan, ko'p vaqtlarini o'tkazadigan ujoylarini obod qilgan[6].

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Ushbu maqolada XX asr davomida Surxon vohasi aholisining turar joylarida yuz bergan tub o'zgarishlar har tomonlama tahlil qilindi. Mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi, etnomadaniy aloqalari va demografik o'zgarishlari aholi maskanlarining evolyutsiyasida muhim rol o'ynaganligi aniqlandi. Yarim ko'chmanchi hayot tarzidan o'troqlashuvga o'tilishi, yangi shahar va qishloqlarning barpo etilishi turar

joylarning arxitekturasi va rejalashtirilishiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi.

Sovet davridagi modernizatsiya siyosati, ayniqsa, 30-60-yillarda mintaqa aholisining turar joylarida yangi qurilish materiallari va uslublarining keng qo'llanilishiga, kommunal qulayliklarning joriy etilishiga olib keldi. Qadimiy o'troq aholi va yarim ko'chmanchi o'zbek qavmlarining o'zaro integratsiyalashuvi, shuningdek, migratsiya jarayonlari turar joylarning ichki va tashqi ko'rinishida an'anaviy elementlarning asta-sekin o'rni zamonaviy tendensiyalarga bo'shatib berishiga sabab bo'ldi.

ADABIYOT VA MANBALAR RO'YXATI (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. Қарши. Насаф. 2005.
2. Қувонова Ф. Меҳмон кутиш санъати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.
3. Ўз МА, жамғарма-2, рўйхат-1, иш-351, варақ-1.
4. Хайдаров М.М. Ўзбекистонда Совет тузуми даврида урбанизация жараёнларининг баъзи жиҳатлари / Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.-Тошкент, 2007.–Б.272.
5. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома / Тузувчи Э.А.Аҳмедов. 2-тўлдирилган нашр.-Тошкент: Ўзбекистон, 1993.–Б.17-19.
6. Нозилов Д.А. Ўрта Осиё дизайни тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 9.

SURXON-SHEROBOD VOHASI AHOLISINING IJTIMOYIY HAYOTIDA JAMOATCHILIK AN'ANALARINING O'RNI (XX ASR)

Ro'ziboyev Nurbek O'ktamovich

*Termiz davlat universiteti Etnografiya, etnologiya va antropologiya
mutaxassisligi tayanch doktoranti*

UDK: 94(575.1)

<https://orcid.org/0009-0005-9165-9496>

Annotatsiya. Maqolada Surxon-Sherobod vohasi aholisining ijtimoiy hayotida jamoatchilik an'analari o'rni tahlil qilinadi. Hashar, mahalla boshqaruvi, qo'shnichilik munosabatlari va ijtimoiy birdamlikni mustahkamlovchi an'alar jamiyatning ijtimoiy va iqtisodiy barqarorligiga qanday ta'sir ko'rsatgani yoritiladi. XX asr davomida jamoatchilik institutlarining rivojlanish bosqichlari, ularning mahalliy boshqaruv va madaniy merosni saqlashdagi o'rni ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: Surxon-Sherobod vohasi, jamoatchilik an'analari, hashar, mahalla boshqaruvi, ijtimoiy birdamlik, qo'shnichilik, madaniy meros, ijtimoiy institutlar, an'anaviy boshqaruv, XX asr.

Абстрактный. В статье анализируется роль общинных традиций в общественной жизни жителей Сурхан-Шерабадского оазиса. Будет отмечено, как традиции, укрепляющие хашар, местное управление, добрососедские отношения и социальную сплоченность, повлияли на социальную и экономическую стабильность общества. Рассматриваются этапы развития государственных институтов на протяжении XX века, их роль в местном самоуправлении и сохранении культурного наследия.

Ключевые слова: Сурхан-Шерабадский оазис, общинные традиции, хашар, соседское управление, социальная солидарность, соседство, культурное наследие, социальные институты, традиционное управление, XX век.

Abstract. The article analyzes the role of community traditions in the social life of the inhabitants of the Surkhan-Sherabad oasis. It highlights how the traditions of hashar, neighborhood governance, neighborly

relations, and strengthening social solidarity influenced the social and economic stability of society. The stages of development of community institutions during the 20th century, their role in local governance and the preservation of cultural heritage are examined.

Keywords: Surkhan-Sherabad oasis, community traditions, hashar, neighborhood governance, social solidarity, neighborhood, cultural heritage, social institutions, traditional governance, 20th century.

Kirish. Surxon-Sherobod vohasi O'zbekistonning janubiy qismida joylashgan bo'lib, uzoq tarixiy jarayonlar davomida o'ziga xos ijtimoiy tuzilish, madaniy qadriyatlar va jamoatchilik an'analari shakllangan hudud hisoblanadi. Bu vohaning geografik joylashuvi, tabiiy sharoitlari va tarixiy taraqqiyoti aholi turmush tarziga bevosita ta'sir ko'rsatib, ularning ijtimoiy hayotida jamoatchilik an'analari markaziy o'rin tutgan.

Jamoatchilik an'analari, asosan, ijtimoiy munosabatlar tizimida yetakchi rol o'ynagan bo'lib, odamlar o'rtasidagi birdamlik, o'zaro yordam, hamkorlik, qo'shnichilik va qarindoshlik munosabatlarini mustahkamlashda muhim omil bo'lib kelgan. Xususan, vohada yashovchi aholining jamoaviy hayoti, birgalikda turmush kechirish, o'zaro mehnat munosabatlarini rivojlantirish, ijtimoiy masalalarni hal qilish jarayonida jamoatchilik ishtirokini kuchaytirgan an'alar mavjud bo'lgan.

O'zbek xalqining qadimiy urf-odatlari va an'alarining aksariyati jamoatchilik asosiga qurilgan. Surxon-Sherobod vohasi ham bu borada o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lib, XX asr davomida hududda jamoaviy mehnat, jamoatchilik nazorati, birgalikda marosimlar

o'tkazish, umumiy tashabbuslarni qo'llab-quvvatlash kabi an'analar shakllangan va rivojlangan. Jumladan, to'y va maraka marosimlari, hashar va xayriya tadbirlari, mahalliy o'z-o'zini boshqarish tizimlari, qo'shnihilik va qarindosh-urug'chilik munosabatlari ushbu hududda o'ziga xos tarzda namoyon bo'lgan.

XX asrda O'zbekistonda amalga oshirilgan iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy islohotlar Surxon-Sherobod vohasining ijtimoiy tuzilishiga ham ta'sir o'tkazdi. Sovet davrida kollektiv xo'jalik tizimining joriy etilishi, qishloq xo'jaligi va sanoatning rivojlanishi natijasida jamoaviy mehnat va jamoatchilik ishtiroki yangi shakllarni oldi. Mahalla institutining ijtimoiy tartibot mexanizmi sifatida saqlanib qolishi esa jamoatchilik an'analari evolyutsiyasiga muhim ta'sir ko'rsatdi. Ayniqsa, ushbu jarayonda hashar va o'zaro yordam tamoyillari jiddiy rivojlanib, aholi o'rtasida ijtimoiy birdamlikni mustahkamladi.

XX asr davomida voha aholisining ijtimoiy hayotida jamoatchilik an'analari faqatgina mahalliy darajada emas, balki yirik ijtimoiy voqealar, milliy bayramlar va madaniy tadbirlarda ham ko'zga tashlandi. Mahallalararo hamkorlik, umumiy bayramlar tashkil etish va jamoatchilik kengashlari faoliyatining kuchayishi ijtimoiy birdamlikni oshirishga xizmat qildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev o'z nutqlarida mahalla va jamoatchilik institutining milliy qadriyatlarini saqlashdagi o'rniga alohida urg'u bergan. Jumladan, "Mahalla instituti – jamiyatimiz barqarorligining asosiy ustuni" ekanligi ta'kidlanib, uning jamoatchilik boshqaruvidagi roli mustahkamlanmoqda [1]. Shu boisdan, bugungi kunda ham Surxon-Sherobod vohasida saqlanib qolgan an'analar milliy identifikatsiya, ijtimoiy integratsiya va madaniy barqarorlikni ta'minlashda muhim omil bo'lib xizmat qilmoqda.

Adabiyotlar sharhi. Surxon-Sherobod vohasi O'zbekistonning janubiy qismida joylashgan bo'lib, uning ijtimoiy hayotida jamoatchilik an'analari muhim o'rin tutadi. Ushbu hududning madaniy merosi va urf-

odatlari ko'plab tadqiqotchilar tomonidan o'rganilgan.

To'y va maraka marosimlari voha aholisining ijtimoiy hayotida muhim o'rin tutgan. Ushbu marosimlar nafaqat oilaviy bayramlar, balki jamoatchilik tadbirlari sifatida ham qabul qilingan. To'y va marakalarda qo'shnilar, qarindoshlar va do'stlar bir joyga to'planib, bir-birlariga yordam ko'rsatganlar. Bu esa jamiyat a'zolari o'rtasidagi aloqalarni mustahkamlashga xizmat qilgan. A. Sunnatillayevning "Folklor-etnografik jamoalar bilan ishlash uslubi" asarida Surxon vohasi o'zbek to'y marosim qo'shiqlari haqida ma'lumotlar keltirilgan[2:73].

Hashar an'analari jamoa bo'lib, biror ishni amalga oshirish uchun uyushtiriladigan tadbir bo'lib, voha aholisining ijtimoiy hayotida muhim o'rin tutgan. Hasharlar orqali aholi umumiy manfaatlar yo'lida birlashib, masalan, ariq qazish, ko'prik qurish yoki hosil yig'ish kabi ishlarni birgalikda bajargan. Bu esa jamoa a'zolari o'rtasida hamkorlik va birdamlikni kuchaytirgan. "Surxon vohasi aholisining oilaviy an'analari" nomli maqolada ushbu an'analar haqida batafsil ma'lumot berilgan.

Qo'shnihilik munosabatlari ham voha aholisining ijtimoiy hayotida muhim ahamiyatga ega bo'lgan. Qo'shnilar bir-birlariga yordam berish, quvonch va qayg'ularini baham ko'rish orqali ijtimoiy aloqalarni mustahkamlaganlar. Bu esa jamiyatda o'zaro ishonch va hurmatni shakllantirishga xizmat qilgan. Germaniya tadqiqotchilarining Surxon vohasidagi arxeologik tadqiqotlari xususida yozilgan maqolada ushbu hududning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy-madaniy hayoti haqida ma'lumotlar keltirilgan[3:128].

Ushbu an'analar orqali jamiyat a'zolari o'rtasida hamkorlik, birdamlik va o'zaro ishonch mustahkamlangan. Bugungi kunda ham bu an'analarni saqlab qolish va rivojlantirish jamiyatning barqarorligi va taraqqiyotiga xizmat qiladi.

Tadqiqot metodologiyasi va empirik tahlil. Ushbu tadqiqotda Surxon-Sherobod vohasida XX asr davomida amal qilgan hashar an'analarni ijtimoiy hayotdagi o'rnini

o'rganish maqsad qilingan. Tadqiqot metodologiyasi sifatida quyidagi usullar qo'llanildi:

1. Tarixiy tahlil: Hashar an'alarining kelib chiqishi, rivojlanishi va o'zgarishlarini aniqlash maqsadida arxiv hujjatlari, tarixiy manbalar va ilmiy adabiyotlar o'rganildi. Xususan, Surxondaryo viloyatining tarixiga oid ilmiy asarlar tahlil qilindi.

2. Etnografik kuzatuv: Hashar jarayonlarini bevosita kuzatish va ishtirokchilar bilan suhbatlar o'tkazish orqali an'ananing zamonaviy ko'rinishlari va funksiyalari haqida ma'lumotlar to'plandi.

3. Intervyu va so'rovnoma: Mahalliy aholi vakillari, ayniqsa, yoshi ulug' insonlar bilan chuqurlashtirilgan intervyular o'tkazilib, ularning hashar haqidagi xotiralari va tajribalari yozib olindi.

4. Matnshunoslik tahlili: Hashar mavzusiga oid xalq og'zaki ijodi namunalarini (qo'shiqlar, maqollar, rivoyatlar) tahlil qilish orqali an'ananing madaniy va ijtimoiy ahamiyati o'rganildi[4:192].

Empirik tahlil natijalari shuni ko'rsatdiki, hashar an'analari voha aholisining ijtimoiy hayotida quyidagi funksiyalarni bajargan:

- Ijtimoiy birlashuv: Hashar orqali jamoa a'zolari bir maqsad yo'lida birlashib, o'zaro hamkorlikni mustahkamlaganlar. Bu esa jamiyatda birdamlik va hamjihatlikni kuchaytirgan.

- Madaniy merosni saqlash: Hashar jarayonida xalq og'zaki ijodi namunalarining ijro etilishi (masalan, qo'shiqlar, maqollar) orqali madaniy qadriyatlar avlodan-avlodga yetkazilgan.

- Ijtimoiy nazorat: Hashar jamoa a'zolarining bir-birini kuzatish va ijtimoiy

me'yorlarga rioya etishini ta'minlash vositasi sifatida xizmat qilgan.

- Iqtisodiy yordam: Hashar orqali katta hajmdagi ishlar (masalan, hosil yig'ish, qurilish) jamoaviy tarzda amalga oshirilib, iqtisodiy jihatdan bir-biriga ko'mak berilgan.

Ushbu tahlillar hashar an'anasining voha aholisining ijtimoiy hayotida qanchalik muhim o'rin tutganini ko'rsatadi. Tadqiqot davomida to'plangan ma'lumotlar hashar an'anasining nafaqat tarixiy, balki zamonaviy jamiyatdagi ahamiyatini ham ochib beradi[5:217].

Natijalar va muhokamalar. Surxon-Sherobod vohasi aholisining ijtimoiy hayotida jamoatchilik an'analari uzoq tarixiy jarayonlar davomida shakllanib, XX asr davomida muhim ijtimoiy institut sifatida rivojlandi. Ushbu an'alar mahalliy boshqaruv tizimi, jamoaviy mehnat, ijtimoiy birdamlik va madaniy merosni saqlash kabi funksiyalarni bajarib, voha aholisining ijtimoiy tuzilishini mustahkamlashga xizmat qilgan.

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, jamoatchilik an'analari orqali mahallalar ichida o'zaro ishonch va birdamlik shakllanib, aholi orasida bir-biriga ko'mak berish, ijtimoiy tartibotni saqlash va hamkorlikni rivojlantirish kabi muhim tamoyillar shakllangan. Hashar, qo'shniçilik munosabatlari, marosim va tantanalar, mahalla boshqaruvi, xalq yig'inlari va umumiy maslahat tizimlari jamoatchilik hayotining ajralmas qismiga aylangan.

Ushbu an'alarining rivojlanish bosqichlarini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, XX asr davomida jamoatchilik faoliyatining asosiy yo'nalishlari quyidagicha o'zgarib borgan:

1-jadval

XX asr davomida jamoatchilik an'alarining evolyutsiyasi

Davr	Jamoatchilik faoliyatining asosiy yo'nalishlari
XX asr boshlarida	Hashar, qo'shniçilik madaniyati, qishloq xo'jaligi va suv ta'minoti bo'yicha jamoaviy ishlar.
XX asr o'rtalarida	Mahallalararo hamkorlik, jamoaviy qurilish ishlari, ijtimoiy nazorat va birdamlik.
XX asr oxirlarida	Ijtimoiy-madaniy tadbirlar, hashar orqali mahallalarni obodonlashtirish, xayriya ishlari.

Hashar voha aholisining ijtimoiy-madaniy hayotida alohida o'rin tutib, aholi orasida o'zaro yordam va birdamlikni mustahkamlashga xizmat qilgan. Hasharning asosiy funksiyalari quyidagicha umumlashtiriladi:

1. Ijtimoiy birlashuv – Hashar orqali jamiyat a'zolari ijtimoiy mas'uliyatni anglab, umumiy manfaatlar yo'lida birlashgan.

2. Iqtisodiy yordam – Katta hajmdagi jamoaviy ishlar (ariq qazish, hosil yig'ish, uy-joy qurilishi) hamkorlik asosida amalga oshirilgan.

3. Madaniy merosni saqlash – Hashar jarayonida milliy madaniyat va xalq og'zaki ijodi namunalarining avlodan-avlodga yetkazilishi ta'minlangan[6:278].

2-jadval

Hasharning zamonaviy jamiytdagi funksional yo'nalishlari

Yo'nalish	Zamonaviy shakllari
Ekologik faoliyat	Daraxt ekish, hududlarni tozalash, ekologik aksiyalar.
Ijtimoiy ko'mak	Xayriya tadbirlari, kam ta'minlangan oilalarga yordam.
Madaniy va tarixiy meros	Milliy bayramlarni nishonlash, mahalliy marosimlarni saqlash .

Mahalla tizimi Surxon-Sherobod vohasida uzoq tarixga ega bo'lib, u XX asr davomida mahalliy boshqaruv tizimi sifatida rivojlanib borgan. Mahalla orqali jamoatchilik nazorati,

aholi o'rtasida nizolarni hal etish, xayriya tadbirlarini tashkil etish va ijtimoiy masalalarni tartibga solish amalga oshirilgan.

3-jadval

Mahalla boshqaruvining jamoatchilik hayotiga ta'siri

Jamoatchilik an'analari	Mahalla tizimidagi o'rni
Hashar	Mahallaning obodonlashtirish loyihalarida faol ishtirok etishi.
Jamoaviy maslahat	Mahalla yig'inlari orqali ijtimoiy masalalarni muhokama qilish.
Marosim va an'analar	Mahalla oqsoqollari nazoratida o'tkazilishi.

Hashar an'analari Surxon-Sherobod vohasi aholisining ijtimoiy hayotida muhim o'rin tutgan bo'lib, u jamoaviy mehnat, iqtisodiy hamkorlik, ijtimoiy birdamlik va madaniy merosni saqlash kabi bir qator funksiyalarni bajarib kelgan. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, hashar an'anasi o'zining turli davrlardagi rivojlanish bosqichlarida ijtimoiy jarayonlarga kuchli ta'sir ko'rsatgan va hozirgi kunda ham o'z ahamiyatini saqlab qolmoqda[7:103].

Ijtimoiy birdamlik: Hashar jarayonida jamoa a'zolari birgalikda mehnat qilib, o'zaro yordam va qo'llab-quvvatlash tamoyillarini mustahkamlashgan. Bu esa jamiyatda ijtimoiy birdamlik va hamjihatlikni kuchaytirgan.

Iqtisodiy hamkorlik: Hashar orqali katta hajmdagi ishlar, masalan, uy-joy qurilishi, ariq qazish, hosil yig'ish kabi vazifalar jamoaviy tarzda amalga oshirilgan. Bu esa iqtisodiy resurslardan samarali foydalanish va mehnat unumdorligini oshirishga xizmat qilgan.

Madaniy merosni saqlash: Hashar jarayonida xalq og'zaki ijodi namunalarining ijro etilishi orqali madaniy qadriyatlar avlodan-avlodga yetkazilgan. Bu esa milliy an'analar va urf-odatlarining saqlanishiga hissa qo'shgan.

Ushbu an'ananing turli bosqichlarda qanday o'zgarishlarga uchraganligini aks ettirish maqsadida quyidagi tarixiy xronologik jadval ishlab chiqildi:

4-jadval

Hashar an'anasining rivojlanish bosqichlari

Davr	Hashar faoliyatining asosiy yo'nalishlari
XIX asr oxiri XX asr boshi	Qishloq xo'jaligi ishlari (hosil yig'ish, ariq qazish), uy-joy qurilishi.
XX asr o'rtalari	Ijtimoiy-madaniy tadbirlar (to'y va maraka marosimlari), jamoat inshootlari qurilishi.
XX asr oxiri	Ekologik tadbirlar (atrof-muhitni tozalash), ijtimoiy loyihalar (maktab va shifoxonalar qurilishi).

Hashar an'anasining davrlar bo'yicha evolyutsiyasi shuni ko'rsatadiki, ushbu ijtimoiy jarayon dastlab sof qishloq xo'jaligi va hayotiy ehtiyojlarga asoslangan bo'lsa, vaqt o'tishi bilan u jamoatchilik hayotining boshqa jabhalariga ham ta'sir ko'rsatgan[8:72].

Bugungi kunda hashar an'anasi zamonaviy jamiyatda ham dolzarbligini saqlab qolmoqda. U jamoatchilik ishtirokini ta'minlash, ijtimoiy masalalarni birgalikda hal etish va milliy qadriyatlarni targ'ib qilishda muhim vosita bo'lib xizmat qilmoqda.

5-jadval

Hashar an'anasining zamonaviy ko'rinishlari

Faoliyat turi	Hashar shakli
Ekologik tadbirlar	Daraxt ekish, hududlarni tozalash.
Ijtimoiy loyihalar	Kam ta'minlangan oilalarga yordam, xayriya tadbirlari.
Madaniy tadbirlar	Milliy bayramlar va marosimlarni tashkil etish.

Hashar an'anasi zamonaviy jamiyatda jamoaviy faollik, ijtimoiy mas'uliyat va milliy qadriyatlarni targ'ib qilishda muhim rol o'ynashda davom etmoqda[9:85].

Xulosa va tavsiyalar. Bir so'z bilan aytganda Surxon-Sherobod vohasi aholisining ijtimoiy hayotida jamoatchilik an'analari asrlar davomida shakllanib, 20-asrda jamiyatning turli sohalarida muhim rol o'ynagan. Hashar, mahalla boshqaruvi, qo'shniçilik munosabatlari, marosim va bayramlarni jamoaviy tashkil etish kabi an'analari mahalliy jamiyatni tartibga solish va ijtimoiy birdamlikni mustahkamlash vositasi bo'lib xizmat qilgan.

Bugungi kunda ushbu an'analari zamonaviy jamiyat sharoitida ham dolzarbligini saqlab qolmoqda. Ularni saqlash va rivojlantirish jamiyatning ijtimoiy birdamligini mustahkamlash, milliy qadriyatlarni targ'ib

qilish va mahalla boshqaruvi tizimini takomillashtirish uchun muhim ahamiyatga ega. Zamonaviy texnologiyalar va ijtimoiy loyihalar orqali jamoatchilik an'analari rivojlantirish ularning samaradorligini oshirish va ularni yangi sharoitlarga moslashtirish imkonini beradi.

Mavzu borasida qilingan tahlillar va yig'ilgan manbalar, shuningdek umumiy xulosalar asosida quyidagilarni tavsiya sifatida bayon etish mumkin:

1. Jamoatchilik an'alarining zamonaviy jamiyatdagi o'rini kuchaytirish;
2. Jamoatchilik an'alarini ta'lim tizimiga integratsiya qilish;
3. Hashar va ijtimoiy birdamlik madaniyatini rivojlantirish;
4. Jamoatchilik an'analari va milliy merosni xalqaro miqyosda targ'ib qilish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 20-apreldagi PF-6208-son Farmoni: "Yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirish va tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish to'g'risida". – Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining rasmiy veb-sayti.
2. Sunnatillayev A. Folklor-etnografik jamoalar bilan ishlash uslubiyoti. – Toshkent: "O'qituvchi", 2020. – B. 144.
3. Qosimov R. Mahalla va jamiyat: tarix va hozirgi davr. – Toshkent: "Sharq", 2020. – B. 198.
4. Rahmonov U. O'zbek xalq an'analari va udumlari. – Toshkent: "Fan", 2019. – B.230.
5. Tursunov S.N. Surxondaryo tarixi va madaniyati. – Toshkent: "Ma'naviyat", 2018. – B. 256.
6. Ahmedov B.B. Surxon-Sherobod vohasida uy-joylar qurilishi tarixi hamda ulardagi transformatsiyalar. – Toshkent: "O'zbekiston", 2017. – B. 315.
7. Surxondaryo viloyati va uning jamoatchilik institutlari – O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. – Toshkent: "Sharq", 2016. – B.245.
8. Mahalla tizimining rivojlanish bosqichlari // "O'zbekiston tarixi" jurnali. – Toshkent: "Fan", 2018. – B. 179.
9. O'zbek an'anaviy qadriyatlari // Ilmiy maqolalar to'plami. – Toshkent: "Fan", 2015. – B. 195.

FALSAFA

ФУТУВВАТ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТ СИФАТИДА

Каримов Соҳибназар

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори,
фалсафа фанлари доктори*

УДК: 396(575.1)

<https://orcid.org/0009-0006-0301-5790>

Аннотация: Мазкур мақола футувват (жавонмардлик)нинг асосий хусусиятлари фалсафий таълимот сифатида талқин қилинади ҳамда Шарқ фалсафий тафаккури тизимидаги ўрни ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: футувват, таълимот, жувонмардлик, мардлик, уюшма, фидойлик, ижтимоий оқим, саховат, олий ҳимматлилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тасаввуф ва футувват, инсонпарварлик, ҳотамтойлик.

Аннотация: В данной статье осмысливаются основные черты футуввата как философского учения и размышляется о его месте в системе восточной философской мысли.

Ключевые слова: футувват, учение, молодость, отвага, объединение, самопожертвование, социальный поток, щедрость, высокое усердие, честность, трудолюбие, суфизм и футувват, гуманизм, человеколюбие.

Annotation: This article comprehends the main features of Futuvvat as a philosophical doctrine and reflects on its place in the system of Eastern philosophical thought.

Keywords: futuvvat, teaching, youth, courage, unification, self-sacrifice, social flow, generosity, high diligence, honesty, diligence, Sufism and futuvvat, humanism, philanthropy

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Тарикатларнинг бир-бирига қўшилиш жараёни XIII асрга келиб ниҳоясига етди ва ягона исломий тарикатлар сифатида футувват ҳам, тасаввуф ҳам исломий тарикатлар бўлиб, инсонни поклашга, меҳр-шафқат, ҳиммат ва мардлик фазилатларини эгаллашга

даъват этади. Шу жихатдан Аллоҳ ишқида дунёдан юз ўгиргач, жисмини маънавий камолот йўлида бахшида этган дарвиш билан биродарлик, фидойлик туйғусига содик жувонмарднинг мақсади муштарак эди.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Кошифий асаридида футувватни моҳияти ва унинг рунлари ва одоби ҳақида ҳам қизиқарли фикрларни беради. Кошифийнинг ёзишича, футувват сифатлари намоён бўлган одамни “фатий” деб атайдилар ва бунинг лугавий маъноси ёшлик демакдир. Демак, футувват сўзи ёш йигитга нисбатан ишлатилади ва бу ҳақиқатдир. Бундан бошқаси мажозий ёки кўчма маънодадир. Мажозий маънода инсоний фазилатлар нуқтан-назаридан камолот чегарасини забт этган одамга нисбатан қўллайдилар ва мажоз дейилишига сабаб шуки, модомики солиҳ (ҳали) нафс ҳаваси тузоғида табиий эҳтиёжлар бандида экан, у гўё гўдакка ўхшайди, нафс мартабасидан тараққий этиб, дил мақомига етишса, балоғат остонасидаги ёш успири қабилди бўлади. Ёш йигитда эса, қон қайноқ, бадан қуввати жисмоний қувват етарли бўлганидек, жавонмардларда ҳам инсоний камолот билан бирга маънавий қувватлар мавжуддир ва ушбу мартабадагига “фати” дейдилар.

Демак, футувватнинг мазмуни ва моҳияти жисмоний қувват, инсоний камолот ва маънавий қувватлар мужассамлигидир.

Жавонмардликнинг ниҳояти яхшилик йўлида жондан кечишга тайёр туриш, фидой қалб эгаси бўлишдир.

Кошифий футувватнинг руклари (устунлари) ҳақида тўхталар экан, уни ўн иккитага яъни олтига зоҳирий ва олтига ботиний рукни борлигини таъкидлайди.

Кошифий ўз асарида футувватнинг зоҳирий руклари сифатида қуйидагиларни санаб ўтади: биринчиси, ғийбат, ёлғон ва бўҳтон ва беҳуда сўзлардан тилни тийиш. Зероки, Кошифий назарида тилидан ҳалқга озор етмайдиган одамгина футувватга даъво қила олади.

Иккинчиси, ножўя, номақбул сўзлар, бўҳтон, ғийбатдан кулоқни беркитиш.

Учинчиси кўриш нажоиз ҳисобланган нарсалардан кўзни юмиш.

Тўртинчиси харом нарсалардан, халқ озоридан қўлни тортиш.

Бешинчиси бориш ман қилинган ношоиста жойлардан оёқни тортиш. Ҳақорат ва гуноҳга сабаб бўладиган, ғаммозлик, гап ташиш ва зиён-заҳмат, озорга етаклайдиган ишларга қадам қўймаслик.

Олтинчиси харом овқатлардан оғизни зинодан аъзони беркитиш. Зино – футувват аҳдини бузуш, харомхўрлик эса - футувват риштасини узишдир.

Кошифийнинг таъкидлашича, ботиний руклар қуйидагилар: биринчиси-саҳоват, яъни тиламасдан бурун ўз маҳалида бағишламоқ оқибатини ўйламаслик, лаёқату қобилиятини андиша қилмаслик.

Иккинчиси тавозе, яъни бошқаларни ўзидан афзал билмоқ, барчага камтар, хокисор муносабатда бўлиш.

Учинчиси каноат одамлар бошига тушадиган азоб-изтироблар, фалокатлар ортиқча нарсаларга эга бўлиш хирсидандир.

Тўртинчидан авф ва марҳамат яъни, халққа шафқат кўргизмоқ, кишилар гуноҳини кечирмоқ ва иложи борича уларга яхшилик, муруват билан муомала қилиш...

Бешинчиси ҳавобаландлик ва гурурни тарк этиш. Яъни, қанчалик маъқул ва мақбул ишларни амалга оширса ҳам мағрур бўлмаслик, зеро Иблис кибру ҳаво туфайли жаннатдан бадарға бўлди.

Олтинчиси қурб (илоҳиётга яқинлашиш) ва васлат мақомига бадан вужуди, дили

жони билан интилиш. Яъни, кўнгил уйини риёзат супургиси билан чанг-у ғубор, чиқиндилардан тозалаб туриш, токи кўнгил ишқ султони ўтирадиган тахтга айлансин. Зеро, модомики кўнгил дунё тааллуқоти-ташвишлари ғалвасидан қутилмас экан, у дўст муҳаббатининг маконига айланмайди.

Кошифий ўзининг асарида футувватнинг етмиш битта шарт ҳақида тўхталиб, унинг қирқ саккизтаси вужудий, йигирма учтаси азалий (парҳез қилинадиган) шартлар эканлигини таъкидлайди.

Тарихий манбаларни ўрганиш футувват аҳдини уларнинг ўзига хос хислатларидан келиб чиқиб, жавонмардлар, ахийлар ёки фатийлар деб атаганлигини гувоҳи бўламан. Жавонмардлар фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамайдиган эзгу хулқ-атворга эга бўлган мухтожларга доимий ёрдам қўлини чўзадиган пирлар ва устозлар ҳамда дўст биродарлар номуси ва шарафини ҳимоя қиладиган зоҳирон ва ботиран пок инсонлар ҳисобланганлар.

Шуниси эътиборлики, жавонмардлик Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида Хасрдан бошлаб, ҳаракат сифатида кенг кулоч ёйган. Жавонмардлар ёки футувватчилар муайян қоида-талабларга риоя қилиб, маънавий ва жисмоний етукликка интилганлар. Улар назарида инсон Оллоҳ томонидан яратилган илоҳий зот бўлганлиги учун ҳам унинг кадри ҳамма нарсадан устун туради. Шунинг учун ҳам жавонмардлар ҳар қандай бойликни назар писанд қилмаганлар ва уларни инсон камолоти йўлидаги бир восита деб билганлар холос.

Шарқда футувват ҳаракати инсонпарварликнинг ёрқин намунасидир. Футувват хотамитойни инсонпарвар кишининг умумлашган образига айлантирди.

Хусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарининг таржимони профессор Нажмиддин Комилов асарнинг кириш қисмида араб сайёҳи Ибн Батута (XIVаср) ўзининг “Сафарнома” китобида жавонмардлар ҳақидаги фикрини келтирди. Бунда

таъкидланишича, “Мен дунёни кезиб, бундай одамлар (яъни жавонмардлар)дан кўра эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфаҳон аҳолиси гарчи ўзларини жавонмардларга ўхшатсалар-да, аммо улар (яъни Хоразм ва Мовароуннаҳр жавонмардлари) ғариб-мусофирларни сийлаш ва меҳмондорликда улардан баланд турадилар. Уларни (жавонмардларни) Ироқда шотир, Хуросонда сарбадор, Мағрибда (Андалусияда) сукра дейдилар. Уларга тобе жойларда адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкаргоҳлари, хоналаридан олтин ва кумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди”.

Жавонмардлар оддий халқ ичидан чиққан хунармадлар, сипоҳийлар, кўчаларда томоша кўрсатувчи халқ театрлари вакиллари, паҳлавонлар, кизикчилар ва бошқа тоифалардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бирининг ўз жамоаси, пири, таълим берувчи устозлари, йиғиладиган жойлари бўлган. Пирга қўл берган ва устоз олдида аҳд-у паймон қилиб, мардлик белбоғини белига боғлаган жавонмард бир умр ўз аҳдига содик қолишга интилган. Ўз шахсий ҳаётини жамоа ҳаёти учун, биродарлари учун фидо этган. Жавонмардлар жамоасига қабул қилинган ёш йигит фарзанд деб, унинг белига аҳд белбоғини боғлаган устоз ота деб юритилган.

Жавонмардлар мазлумларни зolim шоҳлар, маҳаллий ҳокимлардан ҳимоя қилган, уларга моддий ёрдам кўрсатиш баробарида уюшиб ташқи душманларга қарши курашганлар. Улар орасидан Абу Муслим, Муқанна, Яъқуб ибн Лайс, Маҳмуд Таробий каби қаҳрамонлар етишиб чиққан.

X-XIII асрларга келганда, маҳаллий зодагонларга кўчманчи кабиларуғларнинг талончилик юришларига қарши шаҳар хунармандларининг норозилигини ифодаланган жавонмардлик ҳаракати аста-секин XV асрга келиб, ўзининг муқобил таъсир кучини йўқота боради, яъни ҳоким синфларга

муҳолифликдан эндиликда барча табақатоифаларни уюштирувчи ҳаракатга айланади. Лекин, шунга қарамай барибир футувватнинг асосини шаҳар хунармандлари ташкил этар эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Кошифий ўз асрида жавонмардлик илми, дастури ва қоида талаблари билан бирга тасаввуф ҳақида ҳам кўп фикрлар берар экан, футувватни тариқатнинг бир бўлаги сифатида олиб қарайди. Кошифийнинг бундай фикрга келишининг сабаби футувват асослари билан тасаввуф ғоялари аксар бир бирига мувофиқ келади. Бизнинг бу мавзуга қўл урушимизнинг сабаби шундадир.

Дарҳақиқат, футувват ҳам, тасаввуф ҳам инсон ахлоқини поклаш, меҳр-у шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб этади ва бу жиҳатдан илоҳиёт ишида дунёдан юз ўгирган, жисмини маънавий камолот йўлига қурбон этган дарвеш билан биродарлик, фидоийлик удумига содик жавонмарднинг мақсадлари мос эди. Тасаввуфнинг тавба, сабр, каноат, парҳез, ботиний таҳорат каби талаблари футувватчилар томонидан қабул қилиниб амалий ҳаётини қоидаларга айлантирилади. Демак, тасаввуф футувватда юксак ғояларнинг амалий-ижтимоий тадбиқини кўрган бўлса, футувват тасаввуфда назарий эътиқодий тағзаминни топган эди. Бу муносабатлар тизимини татбиқ этиш тасаввуф ва футувват таълимотларининг очилмаган қирраларини ёритишга хизмат қилади.

Воиз Кошифий футувват илмининг моҳияти, ва қоидалари хусусида қадимдан баҳс-мунозара бўлиб келганлиги ҳақида ҳам тўхталади. Асарнинг 2- фаслида бу ҳақда шундай ёзади: “Чунончи, тиб илмида инсонни бадани мавзу бўлиб, кишининг саломатлиги ёки касаллик сабаблари ўрганилади. Бас, бу муқаддимадан равшан бўладики, футувват илмининг ўз мавзуси бор, бу мавзу - инсон руҳи ҳисобланади. Зеро инсоннинг руҳини тарбиялаш, парвариш этиш орқали уни гўзал ва ҳамда хулқ-атворли, фазилатли қилиб етиштириш мумкин”.

Кошифий назарида футувват илми инсон руҳиятини тарбиялашга қаратилганлиги учун ҳам энг шарафли, мўътабар илмлардан бўлиб, тасаввуф ва тавҳид илмининг бир бўлагидир. Шу ўринда Кошифий футувват илми билан шуғулланган Фаридиддин Атторнинг “Одобул-футувват” (“Футувват одоби”), “Орифул масриф” (“Орифлар фойдаси”), “Мирсодул аъбод” (“Бандаларнинг мушоҳада қиладиган жойи”), “Ҳадиқатул ҳақиқат” (“Ҳақиқат боғчалари”) номли рисолалари, шунингдек, Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи сайр”, Зарина Исфаҳонийнинг “Зодул ахира” (“Охират озуқаси”), Шайх Атторнинг “Тазкиратул авлиё” каби китоблари ҳам мавжудлиги ҳақида гапириб, улар томонидан футувват ҳақидаги фикрларини қимматлилиги ҳақида ҳам тўхталади.

Футувватнинг унинг аҳли бўлган жавонмардлар ҳақида жуда ҳам муҳтасар ва аниқ таъриф берган машойихлардан бири Жунайд Боғдодийдир. Унинг ёзишича, - футувват шундайки, фақирлардан ор этмагайсан ва бойларга фахр қилмагайсан, - жавонмардлик шундайки, қўлдан келадигани дариг тутмагайсан [2:354]. Мавлоно Жалолиддин Румий назарида футувват аҳли яъни жавонмард аввало кишанларни узиб озод ва ҳур бўлган эркин кишидир. Бундай эркинлик инсоннинг фақатгина жисмоний эркинлигини эмас балким маънавий-руҳий эркинлигини яъни нафс қўллигидан ҳам эркин бўлишни назарда тутаети. Шу ўринда Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида “Озод мард улдурки, биров ранжида қилгондин ранжида бўлмагай ва жавонмард ўлдурки, ранжида қилурга, мустажиб бўлгонни ранжида қилмогай[3:326].

Алишер Навоий жавонмардлик хислатлари ҳақида янада чуқурроқ фикр юритиб жавонмард бўламан десанг, фақир йўлига кир ва хирсени йўл чангига айлангириб юборгин[4:315]. Демак Навоий назарида жавонмардлик-эр йигит мард, саҳий, очик қўллик кишидир. Бу ҳақда Навоий шундай ёзади:

Гар айтур эсанг жавонмард охир,

Қил хирсени фақир йўлида гард охир.

Хирс ўтидин бўлма дард парвар охир,

Ким нафсга хирсдин етар дард охир дейди[5:350].

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бой бадавлат кишилар ўзларининг махсус меҳмонхоналари карвонсаройларига эга бўлган ҳолда тайинланган хизматкорлар ёрдамида ўша даврлардаёқ ижтимоий хизматнинг мукамал шаклларини яратиб уларни халқ хизматиға қўя олганлар. Бундан ташқари, рабоб, зовия, ва хонақоҳлар ҳам қурдирилганки, булар мусофир ва дарвешлар учун доимо очик бўлган.

Тарихда жуда катта манба сифатида қадрланиб келинаётган Ибн Баттутанинг “Сафарнома” асарида ёзилишича хонақоҳларда мусофир ва дарвешлар хоҳлаганларича бепул яшаганлар. Улардан уч кунгача қаердан ва нима мақсадда келганлиги сўралмаган. Уч кундан сўнг хонақоҳ шайхи уни қабул қилган. Ибн Батута ўз асарида элликдан ортик хонақоҳлар ва зовияларда яшаганлиги ҳамда олий табақа вакилларидан ҳурмат иззат кўрганлигини ҳикоя қиладди. Айниқса, Мовароуннаҳр подшоси Султон Тармашириннинг саҳийлиги ва адолатпешалиги ҳақида тўлқинланиб ёзган.

Ибн Батута ўз асарида Бухородаги авлиё Сайфиддин Бохарзий хонақоси ҳақида ҳам тўхталиб шундай ёзади: “Биз Бухоронинг Фатҳобод номи билан машҳур мавзеида тўхтадик. Бу ерда энг улуг авлиёлардан бири аллома шайх гўшанишин авлиё Сайфиддин ал- Бохарзийнинг қабри бор. Мазкур шайх номи билан аталадиган ва биз кўниб ўтган зовия жуда катта бўлиб, вақфлари беҳисоб, зиёратчилар ана шу вақфлардан келадиган даромадлар хисобига боқилади. Шу зовиянинг шайхи Сайфиддин авлодларидан бири бўлиб, Маккага ҳаж қилган Яхъё ал-Бохарзийдир. Шайх мени ўз уйида қабул қилди, шаҳарнинг обрўйли кишиларини тўплаб, зиёфат берди, қорилар ажойиб овозлари билан Қуръондан кироат қилдилар, воиз эса амри маъруф қилди. Хофизлар форсий ва туркий тилларда ажойиб кўшиқлар ижро

этдилар. Биз учун энг ғаройиб кечалардан бири бўлди”[6:66].

Тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов ҳам Ибн Батута Саёҳатномасини ўрганар экан унинг Мажор шаҳридаги хонақоҳ ҳақидаги фикрларини ўзининг “Тасаввуф” монографиясида шундай келтиради. Мажор шаҳрида шайх Муҳаммад Батохий хонақоси бор. Бу туркларнинг энг улуғ ва энг яхши шаҳарларидандир, ундаги хонақоҳда араб, форс, турк ва рум дарвешларидан етмиш киши истиқомат этади. Ўлканинг халқи эса дарвешларга эътиқод камоли юзасидан ҳар кеча хонақоҳга от, мол ва қўйларни етаклаб келтириб, назр қиладилар ва султонлар, уларнинг хотинлари шайхнинг зиёратига келиб, тухфалар эҳсон этадилар. Дарвешларнинг бир қисми оилали, бир қисми бўйдоқ бўлиб, халқнинг лутф-у карами билан фаровон яшайдилар ва художўйлик билан шуғулланадилар” [7:116]. Араб сайёҳи Ибн Батутанинг “Сайёҳатнома”сини ўрганар эканмиз унинг ёзишича хонақоҳ ва зовияларнинг деярли барчаси жавонмардлар ихтиёрида бўлган ва улар Туркияда “ахийлар” номи билан аталган ва кенг тарқалган. Улар етакчиларининг обрўй-эътибори султонлар даражасида бўлган. Агар шароит тақозоси билан султон бирор жойга борса ҳукуматни ахийлар бошлиқларига топшириб кетган.

Ибн Батута келтирган ҳикоятлардан шу нарса маълум бўладики айнан XIII асрга келганда мусулмон ўлкаларида футувват ва тариқат бир – бири билан қўшилиб кетган. Чунки бу даврга келиб жавонмардлар ўз хатти-ҳаракатлари билан шарият ва тариқат аҳлини тўла ишончига кирган ва X-XI асрларда бошланган қўшилиш жараёни XIII асрга келиб ўз ниҳосига етган ва бир-бири билан қўшилиб кетган. Чунки бу даврга келганда Хуросон Эрон ва Мовароуннахр шайхлари ўз муридларига жавонмардлардан руҳланишга даъват этганлар ва жавонмардликни тариқат шиорига айлантирганлар. Бу ҳолатни биз буюк шайхлар Шайх Абулҳасан бин Хусайн Сарахсий, Шайх Абулҳасан Харақоний, Шайх Абуолаббос Қассоб,

Шайх Абуали Сиёх, Шайх Абуали Дакқок, Шайх Абулқосим Бушр, Шайх Луқмон Сарахсий, Шайх Абусаид Абулхайр, Шайх Абужаъфар Ҳаддод ва бошқаларни ўз муридларига қилган даъватларидан билсак бўлади.

Бизнинг назаримизда ҳам тариқат ва футувват аҳлини бир-бирига киришиб кетганлигининг икки фазилат бирлаштиради. Булар халққа наф келтириш ва уни маърифатли қилиш бўлган. Шайх Абдурахмон Жомий ўзининг “Нафаҳотул унс” асрида Абулҳасан Харақонийдан сўфий ким деб сўраганларида айтган жавобларини келтиради: “Сўфий шундай бир кундузги у бор жойда офтобга ҳожат қолмас у шундай бир кечадирки у бор жойда ойга ҳожат қолмас шундай бир йўқликдирки у бор жойда борлиққа ҳожат қолмас. “Шу ўринда Абдурахмон Жомий Абусаид Абулхайр сўзини ҳам келтиради: “Мард улдурким халқ орасида бўлса ва инсофу адолат тарозуси устида турса ва бола-чақа қилса ва халқ билан қўшилиб яшаса ва бир лаҳза Худони унутмаса”[8:85]. Абдурахмон Жомий асарини ўрганар эканмиз унда буюк шайхларнинг ўзлари матонатли жавонмардлар бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Жомий бу ҳақда йирик шайх Абу Жаъфар Ҳаддод мисолида шундай ёзади: Абу Жаъфар Мисрда ўн етти йил темирчилик қилди. Ҳар кун бир динар-у ўн дирам пул ишларди. Аммо бу пулларни ўзи ишлатмасди, балки дарвешлар, мухтожларга бағишларди. Ўзи эса, Жунайд Богдодий ўйига бориб қолган қутган нонларни тановул қилиб юрган, ётадиган жойи эса масжид бўлган деб, маълумот беради[9:87]. Шайх Нажмиддин Кубро ҳам бор мол дунёсини мухтожларга бўлиб бериб мўғул босқинчиларига қарши курашда жавонмардлик намунасини кўрсатган.

Нақшбандий шайхлар фаолиятини ўрганиш шундан далолат берадики уларнинг барчаси саховат ва мурувватда яловбардор бўлганлар. Жумладан, халқ ғами ва ташвиши билан яшаган Хўжа Ахрори Вали Тошкентнинг бир йиллик

хирожини талаб қилган ва лашкар тортган пайтда 250 минг динар тўлаб юборди ва тошкентликларнинг ғамини еб уларни беталофат кишдан чиқишлари учун яна 70 минг динар ҳадя қилади. Бундан ташқари Хўжа Ахрор халқни маърифатли қилиш учун 20 дан ортиқ мадраса ва хонақоҳлар қурдирган. Вақфономада ёзилишича унинг мол-мулклар сони 254 тани ташкил қилган. ”Бизнинг ёрларимиз биз тириклигимизда ҳимоямизда эдилар ўлганимиздан кейин ҳам ҳимоямизда бўлсинлар” деб ёзган. Дарҳақиқат, Хўжа Ахрор вафотидан юз йил ўтгандан сўнг ҳам у кишинг сурув-сурув подаларини халқ учун буюрган.

Бу масалага янада чуқурроқ ёндошадиган бўлсак Баҳовуддин Нақшбанд Хожа Ахрори Вали, Навоий ва Жомийларнинг фаолиятлари билан тариқат ва футувват бирлашуви янада тезлашганлигининг гувоҳи бўламиз. Дарҳақиқат, мусулмон оламида кенг тарқалган бу икки соҳанинг қўшилиши катта ижтимоий ҳодиса сифатида инсоннинг ахлоқий баркамоллигини қарор топтиришда қудратли кучга айланди.

Футувватнинг ижтимоий моҳияти ҳақида гап кетганда яна шуни таъкидлаш зарурки футувват аҳли инсон баркамоллиги фақатгина руҳий дунёнинг мукаммал бўлишидангина иборат эмаслигини балки бу баркамоллик моддий дунёни ҳам тарк этмасдан туриб иккаласини ҳам уйғунлигини таъминлашдан иборат эканлигини тушуниб етган баркамол тоифадир. Чунки футувват аҳли инсон баркамоллигининг асоси сифатида моддийлик ва инсон руҳини унинг маънавий дунёсини бир-бирига қарама қарши қўймади.

Тасаввуфшунос олим М.Имомназаровнинг таъкидлашича, футувват маданиятини ўзлаштирган киши амалда яратувчи ва руҳиятда дарвешдир. Унинг ахлоқий жиҳатдан сифати-жавонмардлик яъни саҳоватлилик, олийҳимматлилик, камтаринлик, тўғрисузлик, мардлик каби хислатларнинг узвий яхлитликда намоён

бўлишидир[10:142].

Футувват аҳлининг идеали ҳалол касб орқасидан топилган ризқдир. Бу гуруҳ меҳнат билан, топган нонини бойлик деб билгай,” деб ёзади Кайковус. Алишер Навоий ҳам ўзининг “Насойимул-муҳаббат мин шамоимул-футувват” асарида келтирганидек, ҳар бир машойих ва авлиёларнинг ҳаёт тарзининг асосий хусусияти уларнинг бирон бир касбни мукаммал эгаллаганлигидир. Жумладан, Абу Саид Харроз-этиқдўз, Муҳаммад Саккок-пичоқчи, Абу Ҳафз Ҳаддод-темирчи, Абулаббос Омилий-қассоб, Иброҳим Ожирий-ғишт қуювчи, яна бирлари ҳаммол, бошқалари нажжор, ўтин терувчи ва ҳоказо бўлганликлари ҳақида маълумот беради. Жавонмардлик тариқати ижтимоий моҳиятининг яна бир жиҳати, руҳий-ахлоқий етукликка етишишнинг асосини мусулмончилик асосларини чуқур билиш, илмни мукаммал эгаллаш, сидқ-у сафодир. Улар назарида инсоннинг ақлий баркамоллиги унинг руҳий-маънавий етуклиги билан яқдил бўлиши лозим. Эзгулик асоси ана шу икки сифатга қурилади. Чунки ақл инсон учун кўркам фазилат, мўжизакор қудрат ва катта иқтидордир. Худди шунинг учун ҳам машойих-у азиз авлиёлар инсоннинг руҳий-маънавий камолотини биринчи ўринга суриб ахлоқий сифатларни жавонмардлик коидасига айлантирганлар. Дарҳақиқат, Хусайн Воиз Кошифий ўзининг “Ахлоқи Мухсиний” асарида инсон фаолиятида ақлнинг ролини улуғлаб” Ақлнинг шартти будурки, то имкон борича фаришталик нисбатига қувват бергай ва хайвонот нисбатига майл қилмагай” деб, таъкидлайди[11:26].

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хулоса қилиб айтганда, футувват- ўзаро ёрдам мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш фидойилик илмини ўзида мужассамлаштирган мардлик тариқатидир. Масалан, жавонмардлар фазилатларини миллий ахлоқимизнинг асосига айлантиришдир.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Н.Комилов. 99-бет.
2. Фаридуллин Аттор. Тазкират ул-авлиё. 354-бет.
3. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат, 326-бет.
4. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат, 315-бет.
5. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат, 350-бет.
6. Иброхимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. Т.: Шарқ баёзи. 1993. Б. 66.
7. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Ёзувчи. 1996. Б.116.
8. Абдурахмон Жомий. “Нафоҳотул унс”. 85-бет.
9. Абдурахмон Жомий. “Нафоҳотул унс”. 87-бет.
10. Имомназаров М. Футувват аҳли миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Т.: Шарқ. 1998. Б. 142.
11. Кошифий Ахлоқи Мухсиний. 9-боб. - Б. 26.
12. Тримингэм Ж. Суфийкине ордена в исламе. (Пер.с англ. А. Ставиской), Москва, 1989.
13. Юлдошхўжаев, Х. Тарикатчиликнинг замонавий кўринишлари, Т.: 2010.
14. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний, Т.: 2011.

МАЪРИФАТ – ИНСОН ТАРБИЯСИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ*Қамбаров Абдумутал Аҳаджоновиц**Фаргона давлат университети Фалсафа ва миллий гоя**кафедраси профессори,**фалсафа фанлари доктори (DSc)**UDK: 396(575.1)**<https://orcid.org/0009-0007-4844-1102>*

Аннотация: Мазкур мақолада маърифат – баркамол инсон тарбиясида асосий омиллардан бири сифатида эътироф этилади. Шунингдек, маърифат – баркамол инсонни тарбиялашда ижтимоий муҳит, таълим-тарбия, соғлом турмуш тарзи ҳам муҳим аҳамият касб этиши таҳлил қилинади. Шу билан бирга, баркамол авлод тарбияси масаласи ҳар бир ижтимоий жараёнда жиддий мазмун касб этиши ва унга маънавий-ахлоқий ва аксиологик (кадриятлар назарияси) жиҳатдан ёндашишни тақозо этишининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилди.

Калит сўзлар: илм-маърифат, таълим-тарбия, миллий урф-одат, интеллектуал (ақлий) салоҳият, маънавий-ахлоқий кадриятлар, одоб-ахлоқ.

Аннотация: В данной статье просвещение признается одним из главных факторов воспитания всесторонне развитой личности. Также анализируется, что социальная среда, образование и здоровый образ жизни имеют важное значение в воспитании просвещения - всесторонне развитой личности. При этом показаны конкретные аспекты того, что вопрос воспитания зрелого поколения приобретает серьезное значение в каждом социальном процессе и требует духовно-этического и аксиологического (теории ценностей) подхода к нему.

Ключевые слова: знания, образование, национальная традиция, интеллектуальный (умственный) потенциал, духовно-нравственные ценности, манеры.

Annotation: This article recognizes education as one of the main factors in the development of a well-rounded personality. It is also analyzed that social environment, education and healthy lifestyle are of great

importance in the development of enlightenment - a comprehensively developed personality. At the same time, specific aspects are shown that the issue of raising a mature generation is of serious importance in every social process and requires a spiritual-ethical and axiological (theory of values) approach to it.

Key words: knowledge, education, national tradition, intellectual (mental) potential, spiritual and moral values, manners.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Маърифатли инсон – миллат кадрили ва уларнинг кадриятларини хурмат қилиши, мамлакатни мустаҳкамлаш учун бор куч-гайратини сафарбар этиши, мамлакатни обрў-эътиборини, шаънини ҳимоя қилиши, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан меҳнат қиладиган кишилардир. Шунинг учун ҳам маърифат – баркамол инсонни тарбиясида асосий омиллардан бири сифатида эътироф этилади. Шунингдек, маърифат – баркамол инсонни тарбиялашда ижтимоий муҳит, таълим-тарбия, соғлом турмуш тарзи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “Тарбия ҳар қандай жамият ва ҳар қандай мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади”[1,4].

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, истиқлол йилларида вояга етган ёшлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз билими, зехни, эътиқоди, салоҳиятини намоён қилиб илм-фан, қишлоқ хўжалик, саноат, спорт, маданият ва санъат соҳаларида жаҳон миқёсида

ўтаётган олимпиада, фестиваль, кўрик танловларда ғолибликни кўлга киритаётганликларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Баркамол авлод тарбияси XXI асрнинг мазмун ва характерли хусусиятлари билан бевосита стратегик вазифалар билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, - мустақиллик йилларида юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширган улкан, том маънода тарихий ишларимиз бугунги кунда мамлакатимизни жадал тараққий топтириш, бошқалар ҳавас қиладиган юксак марраларга эришишда ҳал қилувчи омилга айланмоқда[2,243].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда баркамол инсон тарбияси масаласида истиклол йилларида ўзига хос миллий модел яратилди. Бу моделнинг умуминсоний ва миллий жиҳатлари “Баркамол авлод йили”дан бошлаб мазмун ва технологик жиҳатдан янада бойитиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Масала баркамол авлодни тарбиялаш устида борар экан, шахс тушунчасининг айрим фалсафий-социологик томонлари тўғрисида тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Шахс тушунчасини ижтимоий-фалсафий моҳиятини таҳлил қилиш орқали, инсонни баркамоллик томон ривожланишининг энг муҳим хусусиятлари очиб берилади, яъни одам, инсон, индивид шахс сифатида шаклланиш асосидагина комиллик сари интилади. Шахс жамиятда онгли, мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўзининг дунёқараши ва ҳаётини кўникмаларига эга бўлган, оила, жамият, давлат, умуман ижтимоий муҳитга нисбатан ўз муносабати ва қарашларига эга бўлган одам шахс ҳисобланади. Инсон шахс сифатида узок онтогонистик жараёнда шаклланади ва унга биологик, психофизиологик ҳамда ижтимоий омиллар ўзаро уйғунлашиб кетади. Шахс ижтимоий тараққиётнинг маҳсули ва ижодкори ҳамдир.

Шахснинг ижтимоий-маънавий ҳамда ахлоқий сифатлари уни фикр ва

мақсадларининг мазмунини, ижтимоий хатти-ҳаракатларини, жисмоний ва амалий фаолиятининг хусусиятларини кўрсатиб туради. Инсон шахс мартабасига эришган босқичдан бошлаб барча жиҳатларда баркамоллик томон ривожлана бошлайди.

Баркамол авлод тарбияси масаласи ҳар бир ижтимоий жараёнда жиддий мазмун касб этиб, бугунги кунда мазкур масалага маънавий-ахлоқий ва аксиологик (кадриятлар назарияси) жиҳатдан ёндашишни тақозо этади. Чунки, маънавий-ахлоқий ва аксиологик ёндашув шахсни жамият эҳтиёжлари ва талабларига мос равишда маънавий қарашлар, ахлоқий қондалар ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялашни амалга оширади. Бу жараёнлар мамлакатимизда изчил йўлга қўйилган бўлса-да, бу масалада ҳали ечимини кутаётган муайян муаммолар бор. Жумладан: 1) кишиларда маънавий-ахлоқий ва аксиологик тушунчаларни ўзлаштириш жараёни қийин кечаётгани; 2) уларда маънавий-ахлоқий ва аксиологик омилларга нисбатан амал қилиши етарли даража бўлмаётганлиги; 3) ўз маънавий-ахлоқий ва аксиологик кўникмаларини муайян даражада баҳолай олмаётганликлариде кўриниб қолмоқда.

Бу муаммоларни фалсафий-социологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларнинг ечимларини топиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Фалсафий таҳлил баркамол авлод тарбиясини моҳиятини, социологик таҳлил уни амалий йўналишларини аниқлашга хизмат қилади. Бизнинг назаримизда баркамол инсонни тарбиялашда лозим бўлган маънавий-ахлоқий ва аксиологик кадриятларнинг асосий таркибини белгилаб олишимиз керак. Шунингдек, белгилаб олинган кадриятларни инсон онгига сингдиришнинг қулай ва замонавий технологияларини ишлаб чиқиш, шу билан бирга “...фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш”[2,267] масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Баркамол инсонни тарбиялашда

маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий маданият, Ватанга муҳаббат, содиқлик хислатлари муҳим аҳамиятга эга. Демак, “Тарбия бир нарсани бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтказиб, батамомлилик нуқтасига етказишдир. Тарбиянинг маъноларидан бири, инсонни диний, фикрий ва ахлоқий қувватларини уйғунлик ҳамда мувозанат ила ўстиришдир”[3,339].

Албатта юқорида санаб ўтилган маънавий-ахлоқий, диний ва аксиологик кадриятлар баркамол инсонни тарбиялашда муҳим омиллар деб кўрсатилса-да, бу билан чекланиб қолмасдан тарбия масалаларини тўлдирувчи кадриятларга ҳам диққатимизни қаратишимиз керак бўлади. Жумладан, жаҳон фалсафаси тарихида назар ташланса, ахлоқий масалалар “фано” ва “бақо” тушунчалари доирасида ўз ечими топган бўлса, мазкур масалалар баркамол инсонни тарбиялаш ҳамда жамият тараққиётида уларнинг ҳар томонлама иштирокини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини ифода этиш билан намоён бўлади. Шарқ фалсафаси ва Ислому таълимотида баркамол авлоднинг таълим-тарбияси, унинг одоб-ахлоқи ҳақида жуда кўп қимматли маслаҳатлар, фикр-мулоҳазалар мавжуд. Муқаддас Қуръони Карим ва Ҳадими Шариф баркамол авлоднинг маънавий камолоти учун бекиёс манба эканлиги ҳаммамизга маълум.

Халқ саломатлигини яхшилаш табиий муҳит билан бир қаторда ижтимоий муҳит ҳолати чамбарчас боғлиқдир. Демак инсон соғлиғи давлат мулки бўлиб, оқилона яшашнинг янги йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсон биоижтимоий саломатлигини сақлаш йўли орқали ижтимоий муҳит ҳолатини мўтадил сақлашга интилиш – давлат аҳамиятига молик вазифалардан биридир. Демак шу маънода соғлом турмуш тарзининг асосий мақсади – баркамол инсонни тарбиялашдан иборат. Дарҳақиқат, келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда, соғлом ижтимоий-маънавий ва ахлоқий муҳитни яратишда, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислому Каримов

таъкидлаганларидек, - “Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг энг муҳим шarti бўлган таълим-тарбия масаласи...”[2,249] юқорида айтиб ўтганимиздек, бугунги куннинг устувор долзарб вазифаси деб ҳисоблаймиз.

Баркамол инсон ва шахс тўғрисида Алишер Навоий яратган таълимот ҳам юксак тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга. Алишер Навоий ўзининг “Насоим ул-Муҳаббат” асарининг сўзбошисида баркамол инсон сифатларини санаб ўтадики улар тасаввуф илмини, айниқса накшбандия тариқатини ўзида мужассамлаштирган. Шунинг таъкидлаш лозимки, Навоий шеърини ва таълимотида тасаввуфий қарашлар янада аниқ ва равшан баён этилган. Баркамол инсонни илоҳий, илмий, касбий, маънавий-ахлоқий хусусиятлари куйидаги тамойилларда ўз ифодасини топган. Биринчи тавба – яъни олий ахлоқий сифатларга қайтиш, ҳалол лўқма (ваъра) – парҳез сақлаб такво бўлиб яшаш. Бу озик-овқат истеъмол қилишдаги парҳез эмас, балки шубҳали нарсалардан ўзини тийиш, кўнгил ман этган жамики нарсалардан сақланиш; иккинчиси – ғализ шаклларга боқмаслик, паст ҳимматни тарк этиш, ҳалол лўқма билан қаноатланиш; учинчиси – ўз касбидан топиб кун кўриш (Баҳоуддин Накшбанд тамойили); тўртинчиси шариятга риоя қилиш – барча яхши ва ёмон ходисалар, ишларни Худодан деб билиш, Парвардигорга суяниш; бешинчиси – тариқат одобини сақлаш; олтинчиси – барчадан ўзини кам деб билиш, камтарлик, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига кўполлик қилмай, инсоний фазилатли муносабатда бўлиш; еттинчиси – чучук-ширин тилли бўлиш, дилозорлик қилмаслик; саккизинчиси – раҳмдил бўлиш; тўққизинчиси – сахий бўлиш, ўнинчиси – мард бўлиш; ўн биринчиси – ҳалимлик, хушхўлқ бўлиш; ўн иккинчиси – рози-ризолик билан кун кўриш ва ўтказиш; ўн учинчиси – сабрли бўлиш, тоқат, чидам, қийинчиликлардан шикоят қилмаслик; ўн тўртинчиси – риёзат чекишдан кўркмаслик, Ҳақ йўлида тоат-

ибодат қилиш; ўн бешинчиси – хавф – қалбан ишонч, иймондан чиқмаслик, қалбдан қабоҳат кирларини кетказиш, нафс йўлидан чиқиб, Ҳақ розилигига кириш; ўн олтинчиси – хориқулотда хикматлар кўрсатиш[4,412-413].

Алишер Навоийнинг бу тасаввуфий хикматлари бугунги баркамол инсон тарбияси билан боғлиқлиги нимада, деган савол туғилади. Бу борада тадқиқотчи олим, жумладан, Бўри Зиёмуҳаммадовнинг фикр мулоҳазаларига таянган ҳолда Навоий санаб ўтган инсоний сифатлар бугунги кунда, яъни баркамол авлод тарбияси кун тартибига кўйилган шароитда ғоят катта маънавий-ахлоқий тарбияга эга бўлган ғоялардир. Масалан, тавба – одатдаги маъно билан бирга ёмон – бузук ишлардан қайтишни билдириб инсон руҳий шаклланишига қаратилган, ҳалол лукма ўз-ўзидан аёнки ҳаром йўллар билан топилган нарсаларга нисбатан муросасиз бўлиш, уларни истеъмом қилмаслик, ҳалоллик бўлиб, одобнинг бир кўриниши сифатида тасвирланади, меҳнатсеварлик – ўзининг пешона тери даромида яшаш зарурлиги назарда тутилади, шариатга риоя қилишни олсак бугун жамиятимизда қарор топган қонун устуворлиги коцепцияси билан ҳам оҳанг, тариқат йўлини сақлаш, камгарлик, хушмуомалалик, сабрли ва чидамли бўлиш, бошқаларни ранжитмаслик, бошқаларга нисбатан раҳмдил бўлиш инсонпарварлик ғоясини ифодаласа, саҳийлик – инсон ҳаётини фаолияти давомида саҳоватли, бағри кенг мард бўлишлиги лозимлигини билдиради ва уларнинг мажмуаси баркамол инсон эгаллаши лозим бўлган одоб-ахлоқ меъёрларни, хислатларни қамраб олди. Мутафаккирнинг хориқулотда хислатлар кўрсатиш дегани, табиат ва жамиятдаги билимларни эгаллаб олиш маъносини англатиб, инсон билишга интилишини билдиради.

Баркамол инсонларни кўпайиши ижтимоий ҳаётнинг зарурий эҳтиёжи бўлиб, жамият раванқини тезлаштиради, миллатнинг баркамоллиги учун асос яратади. Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётининг буюк мутафаккири

Абу Наср Фаробий айтганидек, - “Баркамолликнинг асосий мезони, жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонлар”[4,46] дир. Улар шон-шухрат, мансаб, моддий бойлик кетидан қувмайди, моддий кийинчиликларга дуч келганда қаддини букмайди, тухмат-у фитналарга ишонмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон қалбини буза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиниктиради.

Маънавий баркамол инсонни тарбиялаш борасида Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шаҳри” асари катта аҳамият касб этади. Фаробий ўз асарида салтанатни донишманд бошқариши зарурият эканлигини таъкидлаб, ҳукумат раҳбари ҳар жиҳатдан комил бўлиши ва қуйидаги ўн иккита туғма сифатларга эга бўлмоғи жоиз деб ҳисоблайди: “хушбичимлилик, фаҳм-фаросатлилик, ўткир хотира, идроклилик, сўзга чечанлик, илмга чанқоклик, ҳар бир ишда меъёрни сақлай билиши, ҳалолликка муҳаббат ва ёлғонга нафрат, олийжаноблик, бойликка нафрат, адолатпарварлик, қатъийлик”[5,189] шулар жумласидандир. Кўриниб турибдики, халқимизнинг миллий ва исломий тафаккурида баркамол инсон ғояси, уни тарбиялаш жамият ва давлат учун ғоят муҳим эканлиги таъкидлаб келинган. Баркамол авлодни тарбиялаш учун булар муҳим маънавий-руҳий омиллар ҳисобланади ва бугунги кунда ўзининг ҳаётини аҳамиятини заррача ҳам йўқотгани йўқ, аксинча яна ҳам долзарблик касб этмоқда.

Баркамол инсонлар инсонпарварлик ғояларини акс эттирувчи кишиларнинг тимсоли сифатида ўз ҳаёт ва фаолиятида доимо ўз-ўзини назорат қилиб боради, шунингдек, ўз имкониятларидан тўлақонли фойдаланадилар. Бу эса ўз навбатида муайян тарихий даврни тақозо қилади. Бироқ, бу имкониятлардан ҳамма ҳам тўла фойдалана олмайди, чунки ҳар бир шахс ўзига хосликка эга бўлганлиги ва унинг руҳиятида эҳтиёж билан имконият

ўртасида муайян қарама-қаршиликлар мавжудлиги сабабли улар ўртасида тенглик аломатларини қўйиб бўлмайди.

Баркамол авлод тарбияси тўғрисидаги мулоҳазалар идеал шароитни акс эттиришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бироқ реалликдан узоқлашиш унга эришиш имкониятини мавҳумлаштиради, инсон реал ҳаётда ўзини ўзи кашф қилиш, ўзини рўёбга чиқариш, қулай шарт-шароитларни яратиш орқалигина юксак даражага эришса бўлади. Зеро баркамолликка қўйиладиган тарбиявий талаблар даражаси ва мезонларни ҳаётийлаштириш орқали баркамол инсонни шакллантириш мумкин. Баркамолликнинг қирраларидан бири – миллий ифтихордир. Миллатнинг асрлар давомида яратиб келган моддий ва маънавий бойликлари бўлган анъана ва урф-одатлари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти миллий ғурур ва миллий ифтихор асосини ташкил этади.

Миллий ғурур ва миллий ифтихор ҳар бир миллатнинг миллий ғоясини ўзагини ташкил этади. Мустақиллик шарофати билан миллий ғурур ва миллий онг шаклланди, балки халқимизни бунёдкорликка сафарбар этувчи буюк ғоявий кучга айланди. Миллий ғурурни шаклланиши ва амалиётга чиқиши қатор объектив ва субъектив омилларга асосланади. Булар миллатни жаҳон тарихида ва ҳозирги жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва роли, дунё илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси, тарихий, маданий маърифий мероси, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо хизмати, ер усти ва ости бойликлари, асрлар оша бой ўз маданияти ва маънавиятини безавол асраб келиши кабилардан иборат.

Бу жараёнда илм ва маърифатнинг ўрни ҳам бекиёсдир. Илм-у маърифат, таълим-тарбия жамият тараққиётини белгилайдиган энг қудратли омиллардандир. Таълим – назарий ҳиммат эзгуликка ўргатса, тарбия – эзгу ахлоқий

сифатларга ўргатади. Олий ахлоқий фазилатлар инсон хатти-ҳаракатида намоён бўлувчи билимдонлик, донолик ва кўпчилик мақсадларни ўз шахсий мақсадларидан юқори қўйиш, ҳаракатга, муҳаббатга, юксакликка интилиш, адолатни севишдир.

Бугунги кунда жамият аъзолари эгаллаган билим даражаси, миқдори, мазкур билимни тарқатиш, ўзлаштириш, қайта ишлаш ва янги билим ишлаб чиқариш имкониятлари маданият тараққиётини белгиловчи асосий мезондир. Билим ва таълим инсониятни бирлаштирувчи омил бўлиб, ҳар қандай модернизация ёндашувнинг зарурий компоненти дир.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Билим – шахснинг зарурий таркибий қисми бўлиб, у инсонни ўқиши ва таълим олишида ёрдам беради ва мустақилликка бўлган интилишини ривожлантиради. Билимли бўлиш юксак бахт, баркамоллик ва қадр-қиммат, эътиборга лойиқлик билан тенглаштирилади, яъни “одоб-ахлоқ, тақводорлик, фаолиятлилик, ижтимоий қадриятлардан ҳеч қайсиси “билим”дек эътиборга эга эмас”[6,235]. Ҳақиқатан ҳам барча ижтимоий қадриятлар орасида билимга бўлган муносабат юксак бўлиб, инсоннинг жамиятдаги мавқеи, унинг баркамоллиги бевосита билимга боғлиқдир. Бу эса бугун таълим-тарбия ва маданият системасини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади. Чунки айнан билимдон ва юқори маънавий баркамоллик жамиятнинг бахт-саодати йўлида хизмат қилиш имконини беради. Иккинчидан, ақлий ва маънавий салоҳиятни ривожлантириш яна бир узлуксиз тамойил ҳисобланади. Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиклол ва тараққиёт йўлини босиб ўта оладилар. Учинчидан, бизнинг вазифамиз, баркамол авлод тарбиясида авваламбор мана шу маънавиятимиз сарчашмаларини ва қолаверса аждодларимизнинг бой анъаналарини давом эттиришдир.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ
(ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Тарбия. Энциклопедия. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти. 2010. –Б. 4.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахт-у икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент: Ўзбекистон НМИУ. 2015. –Б. 243, 249, 267.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. –Тошкент: ҲИЛОЛ-НАШР. 2015. –Б. 339.
4. Зиёмуҳаммадов Б., Исмоилов Ф. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. – Тошкент: Сано-стандарт. 2011. –Б. 46, 412-413.
5. Заковат дурдоналари. 100 мумтоз файласуф. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2015. –Б. 189.
6. Роузенталь Ф. Торжество знания. –Москва: 1978. – С. 235.

EKZISTENSIYALIZM FALSAFASIDA INSON HAYOTI VA FAOLIJYATINING TADQIQ ETILISHI MASALASIGA DOIR

Yuldashev Farrux Abduraxmanovich

Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Farg'ona davlat universiteti, Falsafa va milliy g'oya kafedrasida katta o'qituvchisi

UO'K: 002.1.1.1:331.101.262.

<https://orcid.org/0009-0005-1652-5383>

Annotatsiya: Ushbu maqolada ekzistensial falsafada insonning o'rganilishi, uning muhim jihatlari, qobiliyati, erkinlik tushunchalari, shaxs faoliyatini tadqiq etishda ekzistensiyaning o'ziga xos xususiyatlari, inson mavjudligining asosi, qanday yashash zaruriyligi kabi masalalarning ijtimoiy-falsafiy tomonlari yoritilgan.

Аннотация: В статье рассматриваются социально-философские аспекты экзистенциальной философии, такие как сущностные стороны человека, его способности, понятия свободы, особенности бытия в процессе изучения человеческой деятельности, основы человеческого существования, а также как жить.

Abstract: In existential philosophy, the socio-philosophical aspects of such issues as the important aspects of a person, his ability, concepts of freedom, specific features of existence in the process of studying personal activity, the basis of human existence, and how to live are covered.

Kalit so'zlar: ekzistensial falsafa, ong, tafakkur, erkinlik, inson, jamiyat, taraqqiyot, reallik, mavjudlik, inson borlig'i, dunyoqarash.

Ключевые слова: экзистенциальная философия, сознание, мышление, свобода, человек, общество, развитие, реальность, бытие, человеческое бытие, мировоззрение.

Key words: existential philosophy, consciousness, thinking, freedom, human, society, development, reality, being, human being, world view.

KIRISH. (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION) Jahonda yuz berayotgan globallashuv jarayonlari axborot va bilimning asosi bo'lgan axborotlashgan jamiyatning

shakllanishi bilan tavsiflanib, inson faoliyatida moddiy manfaat va ehtiyojlarni qondirishga intiladigan, milliy qiyofasini yo'qotgan, o'z maqsadi yo'lida har qanday g'oyani qo'llashga tayyor avlodning paydo bo'lishiga asos bo'lmoqda. XXI asrdagi turli ijtimoiy siyosiy muammolarning keskinlashuvi, dunyo mafkuraviy manzarasining o'zgarishlari global taraqqiyotga xos bo'lgan xususiyatlarni e'tiborga olib, ijtimoiy faoliyatda ekzistensial jarayonlarning falsafiy jihatlarni tadqiq etish zaruratga aylanmoqda. Globallashgan, ziddiyatli davrda dunyo manzarasini yaxlit tasavvur qilish, unda kechayotgan jarayonlarni tushunish va anglash, shunga ko'ra, insoniyat taraqqiyot mo'ljallarini aniqlash tobora murakkab xarakter kasb etmoqda. Bu esa yuzaga kelayotgan muammolar ko'lamini tezkorlik bilan aniqlash hamda ularning ko'p yoqlama xususiyatlarini qamrab olishga qaratilgan yangicha nazariy yechimlar topishni taqozo qilmoqda.

XIX asrning oxiri XX asrning boshida G'arbiy Yevropada shakllanib, XX asrning dastlabki yarmida zamonaviy falsafaga transformatsiya orqali ijtimoiy-madaniy hayotni qamrab olgan, inson haqidagi ta'limotlar bilan sintezlashgan ekzistensializm oqimi muhim nazariy metodologik asos vazifasini bajardi. Falsafiy manbalardan ta'kidlanishicha, ekzistensializmni ontologik konteksti va falsafiy tahlili shuni ko'rsatadiki ekzistensializmni nafaqat falsafa, balki ijtimoiy va siyosiy jarayon bilan bog'lab tushunish, erkinlik va mas'uliyat qadriyatlarini qo'ygan ta'limot, dunyo, yashashning maqsadi, axloqiy xulq-atvorning markazida turuvchi tushuncha sifatida qarash muhimdir. Ma'lumki, ekzistensializmning G'arbona va Sharqona talqinlarida borliq va inson munosabatlari, inson ruhiy borlig'ining

ma'naviy inqirozlar vaziyatida namoyon bo'luvchi ontognoseologik, psixologik aspektlari, inson hayoti ma'nosi, absurddan chiqish yo'llari, va shaxs kamoloti borasida o'ziga xos original g'oyalar ilgari suriladi. Inson borlig'i tirik tabiatdan tabiiy rivojlanishning butunlay yangi, yuqoriroq bosqichi ekanligi bilan ajralib turadi. Ayni shu sababli ekzistensialist faylasuflar ijodida jonli narsalar borlig'i haqida nima deyilgan bo'lsa, barchasi insonga ham tegishli va uning tabiiy-jismoniy, biologik asosi hisoblanadi. Ta'kidlash kerakki, jonli organizmlarning mavjudlik qonunlari va tamoyillari his etuvchi mavjudot sanalgan insonga nisbatan ham to'la tatbiq etiladi. Ammo bundan tashqari insonni qolgan barcha jonli narsalardan farqlash imkonini beradigan, unda hech shubhasiz mavjud bo'lgan, lekin sinchiklab qaraganda ko'rinmaydigan, aniq tavsif berishning iloji bo'lmagan nimadir mavjudligi tadqiqotni yanada boyitishga asos bo'ladi.

Insonning hayotiy reallikdan uzoqlashish istagida muayyan qaror qabul qilish yoki doimiy e'tiborni muayyan narsaga yoki faoliyatga qaratish bilan ichki ruhiy holatining o'zgarib borishi namoyon bo'ladi. Ushbu jarayonni ekzistensial falsafa orqali tahlil etish muhim ahamiyatga ega. Shaxs kuchli his-tuyg'ular bilan bog'liq holatni nazorat qila olishi, uning hayotini to'g'ri belgilashi, o'z ozodligi oldida to'g'ri tanlovni ixtiyor etish talab etiladi. Inson erkinligi masalasi, o'z axloqiy tanlovini belgilashda ichki dunyoqarashini namoyon etishi, ushbu mas'uliyatni amalga oshirishda esa uning o'zi erkin bo'lmog'i lozimdir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLARI (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ / METHODS)
Ekzistensialistik falsafiy ta'limoti jamiyatda har-bir individning o'z hayot yo'li mavjudligini tadqiq etadi. Inson mohiyati, uning mavjudligi o'rtasidagi o'zaro aloqadorlik, uyg'unlikni anglab yetish masalalari faylasuflar tomonidan tadqiq etilgan. Inson o'z hayot yo'lini tanlash jarayonida ozodlik va erkinlik kategoriyasi o'rtasida tanlovni amalga oshirish zarur[1]. Insonning ichki dunyosini aks ettiruvchi

ekzistensial holatlar turli davrlarda turli mutafakkirlar tomonidan jon, ruhiyat, ong, tafakkur, ideal, mavjudlik, yashash tushunchalari bilan bog'liq ravishda o'rganilgan[2]. Mumtoz falsafiy ta'riflar XIX asrning o'rtalariga kelib ko'pchilik faylasuflarni qoniqtirmay qoldi. Ular ushbu ta'riflarda insonning o'rni yo'qolib ketgan, deb hisoblashdi. Insondan subyektiv xususiyatlarning o'ziga xosligini, ularning xilma-xilligini yangi faylasuflar aql-idrok, fan usullari bilan «qamrab olib bo'lmaydi»[3], deb hisobladilar. Ular ratsionalizmning ziddi o'laroq mumtoz bo'lmagan nomumtoz falsafani rivojlantira boshladilar. Unda hayot (hayot falsafasi), insonning mavjudligi (ekzistensializm) birlamchi reallik sifatida tahlil etila boshladi. Ekzistensializm bu shunday falsafaki uning yagona predmeti insonning yashashligidir[4]. XIX asrning o'rtasida odamga uncha e'tibor qilmaslik singari falsafiy tendensiyaga aylanib qolgan holatlar, ya'ni hayot va insonning hayotiy faoliyatiga bog'liq jihatlarga qiziqish nomumtoz falsafa vujudga kelishi uchun asos bo'ldi. Shu ma'noda nomumtoz falsafaning paydo bo'lishi batamom qonuniy bo'lgan bir hodisa edi. XX asrning 30-yillariga kelib hayot falsafasi asta-sekinlik bilan yo'qolib, o'z o'rnini ekzistensializmga bo'shatib beradi. Bu endi hayot falsafasiga qaraganda ancha kuchliroq falsafa bo'lib, unda dunyoda yashayotgan inson turmushining turli tomonlari bayon etiladi. Ekzistensialistlar hayot falsafasini psixologizmlar bilan to'lib — toshgan deb hisoblaydilar. Shu bilan birga o'z-o'zini o'ylash va targ'ib qilish, ijtimoiy mas'uliyat hissi, ijtimoiy begonalashgan inson, individualizmning haqiqiy qadriyat ekanligi, alohida va butunlay mustaqil subyekt sifatida emas, balki ijtimoiy-iqtisodiy voqelikning elementi sifatida ham tadqiq etiladi. Demak ushbu ta'riflardan bilishimiz mumkinki, inson borlig'i, mavjudligi va yashashi, ong va tafakkur, insonning his-tuyg'ulari masalasi oliy qadriyat deb qaraladi.

Ekzistensiya so'zi lotin tilida so'zma-so'z olganda, «mavjudlik» degan ma'noni anglatadi. Mana shu mavjudlikning o'zi esa ekzistensializmda subyekt bilan obyektning

bevosita birikib, birlashib ketishi tarzida tushuniladi. Bunda subyektning boshqalar uchun ochiqligi, o'zgalarning u uchun ochiqligi, ularning bir-biriga o'tishi bu jarayonning bir butunligi mavjudlik mohiyatini tashkil etadi. Ekzistensializmning diniy variantida (Yaspers, Marsel) ushbu o'zga narsa Xudodir, ozod shaxs mana shu xudoga tomon harakat qilib boraveradi. Ekzistensializmning ateistik variantida (Sartre, Kamyu) o'zga obyekt hech narsa sifatida, talqin etiladi. Buning ma'nosi shuki, odam o'z ozodligini amalga oshirib o'zini-o'zi to'satdan yaratadi. Odam tubsiz oqibatlar silsilasiga duch keladi, endi u mazkur silsiladan o'z yo'lini tanlab olishi kerak bo'ladi[3]. Mana shu yo'lni tanlab amalga oshirish jarayonida u o'z erkinligini topadi. Ushbu tanlov uchun u eng avvalo o'z-o'zi oldida mas'uldir. Bu juda og'ir mas'uliyat. U o'zi o'zligini yaratishi bilan, o'zgalarni, bora-bora butun dunyoni kashf etadi. Inson o'zining chinakam mavjudligi holatida u muttasil kelajak ro'parasida, shu jumladan, o'lim qarshisida, o'z qilmishlari uchun javobgarlik vaziyatida turadi. Ekzistensiya xuddi qo'rquv, egzistensial dahshat, tashvishli kutish singari namoyon bo'ladi. Shaxs uchun jamiyatning ahamiyati shundan iboratki, u ko'p bo'lganda insonning iqtisodiy, siyosiy va boshqa erkinliklari uchun zamin yaratishi mumkin xolos. Amaliy jihatdan "inson hodisalar, fenomenlar dunyosida yashaydi, o'zining qiziqishlari, hayotiy talablari orqali sirli mavjudlikni nur kabi yoritadi"[5]. Lekin ko'p xollarda jamiyat shaxs erkinligini cheklab qo'yadi. Erkinlik-anlab olingan zaruriyatdir. Xaydeggerning fikricha jamiyat shaxssiz, o'rtacha holga keltirilgan bir olamdur. Mana shu o'rtacha holatni yorib chiqish harakati egzistensiya orqali amalga oshiriladi[6]. Bunda qandaydir mazmunga ega bo'lgan xatti-harakatlar ishlatilmaydi. Umuman olganda tashqi dunyoga, boshqa kishilarga nisbatan bunday bo'lishlik munosabatlarda ehtimoldan uzoq, lekin kishi o'z shaxsiga nisbatan ushbu chaqiriqni qanchalik ko'proq namoyon eta olsa, u shunchalik o'z aslini ko'rsatgan bo'ladi. Manbalarda egzistensializmni irratsionalizmning ikkinchi varianti deb ham

ta'kidlanadi[7]. Bu gaplarni odamning tashqi dunyodan, obyektivlikdan ajralishi jarayonida sodir bo'luvchi badiiy, diniy, falsafiy ijodga nisbatan ham aytish mumkin.

NATIJARLAR. (Результаты / RESULTS) Ekzistensializm ko'p xollarda falsafadagi yo'nalish sifatida mavjudlik falsafasi deb talqin etiladi. Bunda inson hayotining mazmuni, qanday yashash, yashashdan maqsadi nimadan iborati ekanligi o'z mavjudligining asosi tahlil etiladi. Ushbu yo'nalish 20-asr boshida Rossiyada, Birinchi jahon urushidan keyin Germaniyada, Ikkinchi jahon urushi davrida Fransiyada, urushdan keyin boshqa mamlakatlarda paydo bo'lgan. Yevropada S.Kerkegor ta'limoti hayot falsafasi, fenomenologiya egzistensializmning g'oyaviy manbalarini ishlab chiqqan. Ta'limotning markaziy tushunchasi inson mavjudligidir. Inson mavjudligi asosan g'amxo'rlik, qo'rqish, qat'iylik, vijdon kabilarda namoyon bo'ladi. Dahshat, qo'rquv, o'lim inson yashashining asosini tashkil etadi. Inson o'zini egzistensiya sifatida anglagandan keyin erkinlikka erishadi, bu erkinlik o'z-o'zini, o'zining mohiyatini tanlashdan iborat bo'lib, insonga olamda yuz berayotgan barcha narsa uchun mas'uliyat yuklaydi. Bundan tashqari borliqning fojialiligini, uning mantiqqa xilofligini, inson ixtiyorida emasligini targ'ib qilib, hozirgi kunda uning asosiy tamoyillari Yevropa xalqlari mentalitetiga singib ketgan. U g'arb adabiyoti va san'atiga katta ta'sir ko'rsatgan. Insonning asosiy tabiatida hech kim past yoki itoatkor bo'lib tug'ilmaydi. Inson qarama-qarshiliklar iskanjasida yashaydi va shakllanadi. Ammo bu tuzilmalar odamlarning tanlovi va harakatlari bilan tashkil etilgan va qo'llab-quvvatlangan ekan, ular doimiy va statik emas. Insonlar kabi ular ham o'zgarishlarga moyil. Bu erda biz borliqning mohiyatdan oldin ekanligini tan olish ontologik sohadan axloqiy sohaga qanday o'tishini, u ezilgan va marginallashtirilganlarning tanlash imkoniyatlarini cheklaydigan moddiy sharoitlarni jalb qilish va o'zgartirish uchun harakatga chaqiruvga aylanishini ko'ramiz. Ekzistensializm faylasuflarning insoniy holatni qanday konsepsiyalashi va

tushunishiga chuqur ta'sir ko'rsatdi, bunda ta'sirchanlik va timsol, faktiklik (yoki dunyoviylik) va bizni subyektiv ravishda tashkil etish usullari haqida boy ma'lumotlar mavjud. U falsafaga jinsiylik, irq, nogironlik va qarilikdan tortib, ijtimoiy va siyosiy zo'rvonlik va umuman zo'rvonlik munosabatlarining kengroq muammolarigacha bo'lgan aniq va o'tkir insoniy muammolar bilan shug'ullanish uchun yangi yo'llarni ochdi. Harakat esa bugungi kunda akademiyada rivojlanishda davom etmoqda. Fenomenologiya va Ekzistensial Falsafa Jamiyati (SPEP) nafaqat ingliz tilida so'zlashuvchi dunyoda ikkinchi yirik falsafiy tashkilot sifatida gullab-yashnamoqda, kichikroq tadqiqot guruhlari (yoki "Doiralari") har bir yirik shaxsga bag'ishlangan. Ekzistensialistik fikrning doimiy dolzarbligini aks ettiruvchi, jumladan, fransuz ekzistensializmining axloqiy nazariya sifatidagi ahamiyatini aks ettiruvchi muhim yangi asar (Webber 2018), fazilat va inson haqidagi tushunchalarimizni qayta ko'rib chiqadigan. Ekzistensializm — bu dunyoda bo'lishning o'ziga xos usuli sifatida — insonlar qanday qilib biz tematik jihatdan ongli bo'lmagan va hech qachon tushuna olmaydigan tarzda dunyoni yashirin tushunishni o'zida mujassamlashtirganini yoritadi. Bu shuni anglatadiki, biz narsalarni diskret obyektlar sifatida tushunmaymiz. Biz narsalarni ularni qanday ishlatishimiz va boshqarishimiz nuqtai nazaridan tushunamiz va bu narsalar bizning kundalik hayotimizda o'ynaydigan maqsadli, ma'no beruvchi rollar nuqtai nazaridan tushunamiz. Murakkab hayotiy vaziyatlar bilan bog'liq bo'lgan moddiy qiyinchilik, umidsizlik, ideallarning qulashi, oiladagi va ishdagi nizolar, yaqinlarini yo'qotish, hayotning keskin o'zgarishi kabi musibatlar xulq-atvorning barcha jihatlariga katta ta'sir etadi. Buning natijasida qaramlik – alkogolizm, giyohvandlik, oziq-ovqatga ruju qo'yish (ortiqcha ovqatlanish, anoreksiya, bulimiya, ortoreksiya); - xatti-harakatga qaramlik – Internetga, kompyuterga, mobil telefonlarga bog'liqlik, ishga ruju qo'yish (trodogolizm), oniomaniya (shopogolizm), patologik sevgi bilan bog'liq muammolar

yuzaga keladi. Albatta ushbu masalalar ustida chuqur falsafiy mulohazalar olib muhim ahamiyatga ega.

MUHOKAMA (ОБСУЖДЕНИЯ / DISCUSSION) Falsafiy ta'limotlarda ekzistensializm tushunchasini tahlil etish bosh maqsadlardan biridir. Falsafiy qonun va kategoriyalarda aks etgan inson hayotining mazmuni bilan boshqariladigan jarayonlariga o'xshash kategoriya sifatida ongga an'anaviy qarash doimo dunyoda bo'lishning bu noaniq va mujassamlangan tuyg'usini qamrab olish muhim ahamiyatga ega. Ekzistensializm inson hayotini samarali qiladigan va bundan tashqari, har bir haqiqat va har bir harakat qandaydir muhit va inson subyektivligini nazarda tutuvchi ta'limotni nazarda tutamiz. Ekzistensialistlarning vazifasi shaxsga e'tibor qaratish va yaratish bo'lib, davlat, jamiyat, oila, jins siyosiy mutaassiblikni, militarizmi, ijtimoiy zo'rvonlikni va jinsiy repressiyani tanqid qiladi. Jamiyatda erkinligi targ'ib etib, gumanistik haqiqatni qaror topishi uchun inson qobiliyatlarini yuksaltirishga katta e'tibor qaratadi. Ekzistensializm da birinchi navbatda borliq, xususan inson borlig'i bosh kategoriya hisoblanadi. Fanda har bir inson alohida olam deb ta'kidlanganidek, ushbu yo'nalishda inson borlig'ini tadqiq etish tuganmas soha, tadqiqot deb qaraladi. Ushbu jarayonda inson borlig'ini tadqiq etishda his-tuyg'ularga katta e'tibor berish talab etiladi. Insonning psixologik xususiyatlari qatoriga kiruvchi his-tuyg'u masalasi doimiy o'zgaruvchan holatda bo'ladi. Shuning uchun ekzistensializm da insonning his-tuyg'ulari chegarasidan chiqib bo'lmaydi, deb ta'kidlanadi[8]. Ta'kidlash kerakki, dastlab inson tabiatga moslashib yashagan bo'lsa, hozirgi kunga kelib tabiatni o'zini hukmronligi ostiga bo'ysundirmoqda. Lekin shuni unutmaslik kerakki inson hamisha tabiatning bir qismi sifatida fanda tadqiq etiladi. Shunga asosan tabiat falsafasi uyg'unligi ostida inson o'zligini anglashi, ona tabiatni qadrlashi, umrning mazmuni, yashashdan maqsadi nima ekanligini ongli holatda tushunib yetishi lozim.

XULOSA. (ЗАКЛЮЧЕНИЯ / CONCLUSION) Xulosa qilib aytganda inson aqli, hayotning ma'nosi, ular o'rtasidagi

aloqadorlik, inson tafakkurini ezgulikka, taraqqiyotga va baxtli hayotga yo'naltirish ekzistensiyaning bosh maqsadiga aylanishi zarur. Maqolamizning xulosa qismida aynan ana shu jarayonlarni aytib o'tish maqsadga muvofiq deb topib, tadqiqotlarimiz natijalariga asoslanib, biz ekzistensializmning har bir klassik asoschisining fikrlari chuqurligi va o'ta o'ziga xosligini e'tirof etib, ularning har biri yaxlit ekzistensial falsafiy fikrlari bilan ilohiy kuchga, insondagi ruhiy kuchga tayanish,

insonparvarlik g'oyalarini yuqoriga ko'tarish bosh maqsadga qaratdik. Ekzistensializm klassiklari asarlari tahlili zamonaviy ekzistensializmning dolzarb muammolarini ochib beradi, borliqning obyektiv shakli muammolarini muvaffaqiyatli hal etish, inson nima uchun dunyoga keladi, nima uchun yashaydi, o'zidan nimalarni qoldiradi. Mana shu masalalar ustida doim mushohada olib borish talab etiladi.

ADABIYOTLAR VA MANBALAR RO'YXATI ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES:

1. Фалсафа 1-Қисм. Дарслик. Тошкент. "Фан ва технология" 2019, 95-б.
2. Yaspers, K., 1932 [1956]. *Philosophie* (Volume 2), Berlin: Springer. — 1913 [1997]. *General Psychopathology* (Volume 1), J. Hoenig & M. Hamilton (trans.), Baltimore, MD: The Johns Hopkins University Press.
3. А.Камю Бунтующий человек. Миф о Сизифе Эксклюзивная классика Москва. 2014 стр. 347.
4. Ж.Туленов. Фалсафа тарихи. Тошкент. 2001. 104-б.
5. К.М.Науанова Философия в схемах и таблицах Учебно-методическое пособие Казахстан. 2004. Стр.144.
6. Экзистенциализм М.Хайдеггера К.М.Науанова Философия в схемах и таблицах Учебно-методическое пособие Казахстан. 2004. Стр.145.
7. Z.Davronov. Falsafa. O'quv qo'llanma Toshkent. 2006. 251-b.
8. Назаров Қ. Фарб фалсафаси Тошкент 2004. 626-b.

TARIX

- Турсунов Сайпулло Нарзуллаевич.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори. *Миллий озодлик ҳаракатини холисона ўрганиши – Қурбоши Иброҳимбек таснифида*.....3
- Холмунинов Хусан Эшмўминович.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори (DSc), доцент. *Ўзбекистон жанубий ҳудудлари аҳолисининг демографик жараёнлари*.....11
- Қаршиев Рустам Мардонович.** Навоий давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди. *Ўрта аср алломаларининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси*.....16
- Хидиров Холмамат Джўраевич.** Термиз давлат педогогика институтини Педагогика ва ижтимоий фанлар факультети Тарих кафедраси профессори в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). *Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари транспорт-логистика ва коммуникация тизимида йўл транспортининг аҳамияти*.....25
- Kadirova Yakitjan Buvabayevna.** Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti dotsenti. *Surxondaryo viloyati sanoat korxonalarini xodimlarining maishiy turmush sharoiti*.....29
- Kadirova Xalima Buvabayevna.** Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti “Ma’naviyat asoslari va huquq” kafedrasini dotsenti. *Mustaqillik yillarida Surxondaryo viloyatida bolalar sportining rivojlanishi*.....35
- Umarov Jamshid Saidmuratovich.** Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasini tadqiqotchisi, Pedagogika fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD). *Surxon vohasida sovet ta’lim tizimining ildiz otishi va maktab qurilishi*.....40
- Раджапова Сабоҳат Бобировна.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти в.б., Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). *Сурхондарё вилоятида она ва бола муҳофазаси: амалий натижалар*.....44
- Ирискулов Бекзод Жаҳонгирович.** Ўзбекистон-Финландия педагогика институтини ўқитувчиси. *Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг шаклланиши манбалари*.....48
- To’rayeva Dildora Shuhratovna.** Samarqand davlat tibbiyot universiteti Ijtimoiy va gumanitar fanlar o’qituvchisi. *Sug’diyonada hind va eron xudolari tasvirlarining aks ettirilishi*.....54
- Beknazarov Javohir Azimjon o’g’li.** Teacher of Samakand State Medical University. *The Political System of Bukhara Khanate*.....58
- Меликов Нодиржон Ахтамович.** Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси. *Каттақўрғон сув омбори қурилиши тарихидан*.....62

Рахима Илхомжоновна Саидова. Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси. *Ўзбекистон ва Италия республикалари ўртасидаги муносабатларнинг тарихи* унослигига доир.....69

Oromov Shaxzod Normo'min o'g'li. Qarshi davlat universiteti tayanch doktoranti. *O'zbekiston va Turkmaniston Respublikalari o'rtasida turizm sohasidagi hamkorlik aloqalarining yangi bosqichga ko'tarilishi.*74

Lapasova Maftuna Sanaqul qizi. Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti. *Ustrushonada qovunchi madaniyati va uning o'ziga xos xususiyatlari.*78

Xoliqulov Shuxratjon Boymaxammadovich. Buxoro davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi. *Mustaqillik yillarida Navoiy viloyati go'sht va uni qayta ishlash sanoati tarixi.* ... 85

Qurbonov Islom Sharofiddin o'g'li. Termiz arxeologiya muzeyi ilmiy xodimi, Termiz davlat universiteti arxeologiya mutaxassisligi magistranti. **Xoliyorov Toshturdi Ramazon o'g'li.** Termiz davlat universiteti arxeologiya mutaxassisligi magistranti. *Zartepa arxeologik yodgorligining o'rganilish tarixi (XX asrning 90-yillariga qadar).*.....91

ETNOGRAFIYA

Қосимов Абдисаттор Чориевич. Термиз иқтисодиёт ва сервис университети тарих кафедраси ўқитувчиси. *Чорвачиликда Сурхон-Шеробод воҳаси асрий хўжалик анъаналари.*96

Zilola Shamsiyeva Askarovna. Termiz davlat universiteti Etnografiya, etnologiya va antropologiya mutaxassisligi tayanch doktoranti. *Nikoh to'yida zardushtiylikdan meros udumlar.* 100

Karimov Yusuffjon Sherali o'g'li. Termiz davlat universiteti Etnografiya, etnologiya va antropologiya mutaxassisligi tayanch doktoranti. *Surxon vohasi aholisining nabotot olami bilan bog'liq rasm-rusmlari.*105

Toshtemirov Shaxboz Azamat o'g'li. Termiz davlat universiteti Etnografiya, etnologiya va antropologiya mutaxassisligi tayanch doktoranti. *Surxon vohasi aholisi turar-joylarining transformatsiyasi: an'ana va yangiliklar.*110

Ro'ziboyev Nurbek O'ktamovich. Termiz davlat universiteti Etnografiya, etnologiya va antropologiya mutaxassisligi tayanch doktoranti. *Surxon-Sherobod vohasi aholisining ijtimoiy hayotida jamoatchilik an'analarining o'rni (XX asr).* 115

FALSAFA

Каримов Сохибназар. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, фалсафа фанлари доктори. *Футувват фалсафий таълимот сифатида.* 121

Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович. Фарғона давлат университети Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори (DSc). *Маърифат – инсон тарбиясининг асосий омилларидан бири.* 128

Yuldashev Farrux Abduraxmanovich. Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) Farg'ona davlat universiteti Falsafa va milliy g'oya kafedrası katta o'qituvchisi. *Ekzistensializm falsafasida inson hayoti va faoliyatining tadqiq etilishi masalasiga doir*.....134

«СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

“SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR” JURNALI TAHRIRIYATIDAN

“Surxondaryo: ilm va tafakkur” jurnali yiliga 4 marta (har chorakda) nashr qilinadi. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi (OAK)ning 2021 yil 12 dekabrda № 01-06/25-04 raqamli xati asosida ro‘yxatga olingan. Jurnal “Tarix” ixtisosligi bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan. Jurnalda o‘zbek, rus va ingliz tillaridagi maqolalar nashr etiladi. Maqolalar quyidagi tartibda qabul qilinadi: maqola hajmi 6 sahifadan kam bo‘lmasligi lozim. Maqola tahririyatga Times New Roman shrifti, 14 o‘lchovda, 1,5 qator oralig‘ida, chap tomondan 3 sm, qolgan tomonlardan 2 sm qoldirilgan holatda A4 formatli standart qog‘ozda Word 2000-2023 dasturi, doc yoki docx formatida tursunovsafullo12@mail.ru elektron pochta manzili hamda +998 91 577 90 50; +998 97 695 67 55 raqamli telegram sahifalari orqali qabul qilinadi.

Maqolaga tegishli fan sohasi bo‘yicha fan doktori, professor, fan nomzodi, dotsent yoki tegishli fan bo‘yicha falsafa doktori (PhD) darajasiga ega bo‘lgan xodimning taqrizi talab qilinadi (Ilova tariqasida maqolaga yozilgan taqrizning imzolangan nusxasi rangli holatda, skanerlangan variantda yuborilishi kerak).

Maqolani rasmiylashtirilganda, dastlab yuqori chap tomondan UO‘K (UDK) qaydi, bir oraliqdan so‘ng bosh harflarda maqola mavzusi, keyingi satrda muallif(lar)ning ismi, sharifi, otasining ismi, ilmiy darajasi va ilmiy unvoni, ish joyi va lavozimi to‘liq, o‘zbek, ingliz va rus tillarida yoziladi. Keyin o‘zbek, rus va ingliz tillarida annotatsiya va kalit so‘zlar keltiriladi. Matnda adabiyotlarga havola kvadrat qavslarda ko‘rsatiladi. Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati amaldagi davlat standartlari asosida rasmiylashtiriladi. Maqolalar kirill va lotin alifbosida qabul qilinadi.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRINING 2024-YIL 31-YANVARDAGI 24-SON BUYRUG‘IGA BINOAN maqolalar xalqaro IMRAD talablari asosida quyidagi namuna bo‘yicha qabul qilinadi:

NAMUNA

MAVZU (O‘ZBEK, INGLIZ, RUS TILLARIDA)

Qarshiyev Islom Maxmarahim o‘g‘li, ish joyi, lavozimi, ilmiy unvon (o‘zbek, ingliz va rus tillarida), elektron pochta manzili, muallifning ORCID identifikatori, ya‘ni identifikatsiya raqami; maqolaning DOI raqamli obyekt identifikatori (DOI.org platformasidan ro‘yxatdan o‘tganligini tasdiqlovchi identifikator raqami).

Annotatsiya (Abstract / Аннотация): Annotatsiya o‘rtacha 200-250 so‘zdan iborat bo‘lishi lozim. Agar maqola o‘zbek va rus tilida yozilgan bo‘lsa, Annotatsiyadan keyin, albatta, ingliz tilida ABSTRACT beriladi.

Kalit so‘zlar (Key words / Ключевые слова): Kalit so‘zlar o‘rtacha 8-12 so‘zdan iborat bo‘lishi lozim.

KIRISH (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION) Kirish, kirish.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METOD (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / MATERIALS AND METHODS)

Materiallar va metodlar; materiallar va metodlar [1] (iqtibos)

MUHOKAMA (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

Muhokama va natijalar; muhokama va natijalar [2] (iqtibos)

NATIJALAR (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS) Muhokama va natijalar; muhokama va natijalar [2] (iqtibos)

XULOSA (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION) Xulosa, xulosa.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES)

1. G‘oziyev.E.G. Umumiy psixologiya –T.: Sharq, 2010. – B. 459.
2. Doniyorov H.T. O‘zbekistonda dunyoviylik va diniylik muvozanatini ta‘minlash – ijtimoiy barorlikning bosh omili sifatida. “Jamiyat va boshqaruv” jurnali. Toshkent, 2018 yil - № 2 - B. 57- 61.
3. Buranov S.M. China’s geopolitical role and influence in solving the modern Afghan problem // International conference «Scientific research of the SCO countries: synergy and integration», Beijing, 2020. – P.127-132.
4. Rahmatjonova K. Hindiy va o‘zbek tillaridagi kelishik shakllarida izomorfizm hodisasi // Ilm sarchashmalari. - Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali, №1, 2019 yil. - B.38-40.
5. Pulatova M.R. Handwritten copies of «Arba‘in» works // Indonesian Journal of Education Methods Development. Volume 8, November 2019. – P. 194-196. ISSN: 0738-0593 (№23, SJIF – 5.083).
6. Barduhn, S. (2014). Developing cross-cultural awareness in the monolingual classroom. Teaching English, British Council, BBC. <https://www.teachingenglish.org.uk/article/developingcross-cultural-awarenessmonolingual-classroom-0> (adabiyotlar shu tartibda yozilishi lozim)

Maqolada keltirilgan ma‘lumotlarning aniqligi va to‘g‘riligiga mualliflar javob beradi.

Bog‘lanish uchun muallifning telefon raqami, elektron pochta manzili ko‘rsatilishi shart. Muallifning sifatli fotosuratining elektron shakli taqdim etilishi lozim.

Tahririyat maqolalarni tahrir qilish va qisqartirish huquqiga ega. Talab darajasida rasmiylashtirilmagan maqolalar jurnalda e‘lon qilinmaydi. Maqola mualliflariga tahririyat qo‘lyozmalarini qaytarish va yozma javob berish majburiyatini olmaydi. Maqolani tahrir qilish, nashrga tayyorlash va chop qilishga ketadigan xarajatlarni qoplash uchun __ ming so‘m miqdorida badal puli to‘lanadi.

“Surxondaryo: ilm va tafakkur” jurnalining mavjud sonlari bilan nashrning rasmiy sayti <https://surxondaryoilmtafakkur.uz> orqali tanishishingiz va yuklab olishingiz, telegram kanalga <https://t.me/surxondaryoilmtafakkur> havolasi orqali kirishingiz mumkin.

“Surxondaryo: ilm va tafakkur” jurnali bosh muharriri Tursunov Saypulla Narzullayevich.

Tel: +998 91 577 90 50; +998 97 695 67 55